

Насимхон Раҳмонов

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
ТАРИХИ**

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг
биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 1

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 1

ДУШУ

Алматы, 2021

"Ж. А. ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ"
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ

КІТАПХАНА

69429-

УДК 821.512.133.0

ББК 83.3 (5 Узб)

P 24

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Ҳамидулла Болтабоев**

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор **Саидбек Ҳасанов**.

Филология фанлари доктори, профессор **Бокижон Тўқлиев**.

P 24 Раҳмонов Н.

Ўзбек адабиёти тарихи (Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача): дарслик. Ҳ.1. / Раҳмонов Н. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – 188 с.

ISBN 978-601-342-833-8

Мазкур қўлланма ўзбек адабиётининг энг қадимги даврларидан XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни камраб олган. Қўлланмада биринчи марта қадимги туркий миф ва афсоналар, исломгача бўлган давр ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг адабий ёдгорликлари ва ёзма манбалари сифатида батафсил ёритилган. Ўзбек адабиёти тарихи манбалари янгида даврлаштириш тамойиллари ва адабий эстетик ҳамда диний-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган, шу пайтгача диний асар сифатида қаралиб, адабиёт тарихидан ўрин олмаган ёзма ёдгорликлар ҳам ўзбек адабиёти тарихининг нодир ёдгорликлари сифатида ўрганилган. Мазкур қўлланмада, аввалги қўлланмалардан фарқли равишда, ҳар бир ижодкорнинг ва бадиий асарнинг адабий-эстетик жиҳатларига асосий эътибор қаратилган.

УДК 821.512.133.0

ББК 83.3 (5 Узб)

ISBN 978-601-342-833-8

© Раҳмонов Н., 2021

© ЭСПИ, 2021

СЎЗ БОШИ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва адабиёт тарихига муносабат. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳамма соҳалар қатори, маънавий жараёнга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Маънавий жараён маълум бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаб келган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатнинг руҳан барқарор, соғлом фикрли авлодлари маънавий жараён туфайлигина ўз гоёларини, ақидаларини яратиб, авлоддан-авлодга ўтказиб келган.

Шарқ азалдан маънавий жараён бешиги эди. Қадимги Шумер, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Турон халқлари яратган моддий-маънавий ёдгорликларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Айниқса, Туронзаминнинг осори-атиқалари, ёзув маданияти, архитектура иншоотлари ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Зотан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да шундай дейилади: “...сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради”.¹ Дастурда айтилган бу камчиликлар ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга ҳам бевосита ва билвосита алоқадордир. Айниқса, дастурда “Халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий кадрятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш”²га қаратилгани ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга алоҳида эътибор бериш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки Дастурда таъкидланган “халқнинг бой ва маънавий мероси”нинг катта қисмини ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ташкил қилади. Икки минг йиллик тарихга эга мумтоз адабиётни изчил ўргатадиган қўлланманинг йўқлиги ҳам “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўйилган назифларни амалга оширишни бир оз қийинлаштирмоқда.

¹ Олий таълим. Меърий-ҳуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. – “Истиқлол” нашриёти шўба корхонаси Бош таҳририяти. Тошкент-2004, 10-б.

² Юкоридаги тўплам. 17-б.

Ўзбек адабиёти тарихи, умуман, ўзбек тили ва адабиёти фанларига ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор берилётгани ҳам бу фаннинг олий таълим тизимида, қолаверса, жамиятимизда катта мавқега эга эканини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилнинг 13 май куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан чиқарилган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда таъкидланишича, “Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойина ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди”. Шунингдек, Фармонда ўзбек тилининг қадимий илдизга ва бой тарихга эга экани, узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтгани тўғрисида ҳам айтилган.

Кўлланмада юқоридаги фармон ва қарорлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир даврдаги адабий тилнинг адабий манбаларни шакллантиришдаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

“Ўзбек адабиёти тарихи” курсини ўқитиш мунгазам равишда адабиётшунослик ва методика фанларига доир сўнгги ютуқлар билан бойитиб борилиши талаб этилади. Акс ҳолда, талабаларнинг мумтоз адабиёт тарихи ҳақидаги тасавурлари адабиётшунослик фани тараққиётидан ортда қолиб кетади. Шунингдек, бўлажак филологлар эгаллаган билимларини ёш авлодга ўргатишнинг самарали дидактик усулларидан беҳабар қолишлари мумкин. Ёш филологлар эртанги кунга яроксиз эски адабий қарашлар тизими билан қуролланиб қолмасликлари учун кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиётига тамомила янгича нуқтаи назардан ёндашиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки бизда, шу вақтга қадар, умуман, адабиёт тарихини, хусусан, мумтоз адабиёт тарихини соғлом илмий асосларда ўрганиш тамойиллари ишлаб чиқилмаган эди.

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи ўтмишда алоҳида мустақил фан ва яхлит тизимли бадий-эстетик ҳодиса сифатида эмас, балки энг етук адабий сиймоларнинг алоҳида асарлари кўпроқ бадий маҳорат нуқтаи назаридан локал йўсинда ўрганиб келинган бўлса, Шўро даврида адабиётга синфий-партиявий нуқтаи назар билан

караш оқибатида бир миллатнинг ягона адабиётига бир-бирига зид бўлган иккита адабиёт сифатида қаралди.

Ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойиллари. Шўро даврида миллий адабиётни даврлаштириш муаммосига ҳам соғлом тафаккур позициясидан ёндашилмай, адабиётнинг санъат ва эстетик ҳодиса эканлиги ҳисобга олинмади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг тараққиёти тўлиғича жамият тарихидаги даврларга мос келадиган босқичлардан иборат деб қаралди. Адабий шахсиятларга муносабат, бадиий матнлар таҳлили ва талқини бобида ҳам синфий-партиявий ёндашув устувор бўлди. Бу носоғлом ва ғайриилмий ёндашувларни бартараф этиш, бўлажак филологларнинг адабиётшунослиқдаги энг сўнгги ва соғлом илмий қарашлардан хабардорлигини таъминлаш учун ҳам «Ўзбек адабиёт тарихи» курсини тамомила янгича илмий қарашлар тизимига таянилган, адабиёт тарихига олдингиларга ўхшамайдиган нуқтан назардан ёндашилган йўсинда ўрганиш ва ўргатиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Назаримизда, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш учун мезон сифатида маълум бир адабий-тарихий жараённи асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, исломгача бўлган даврдаги адабий жараён ислом давридаги адабиётдан ҳам мазмунан, ҳам пайдо бўлиш жиҳатидан фарқ қилади. Исломигача бўлган даврдаги адабиёт шомонлик, буддавийлик, монийлик диний оқимларисиз ривожланиши мумкин эмас эди. Қолаверса, исломдан олдинги адабий ёдгорликларга том маънодаги ёзма адабиёт сифатида қаралмади. Бу даврдаги адабий ёдгорликларнинг ўзига хос мезонлари борлиги ва ана шу мезонлар даврлаштиришнинг асоси бўлиши кераклиги бугунги кунда маълум. Исломигача бўлган бир неча диний оқимлар бир ҳудудда фаолият кўрсатаверди. Марказий Осиёда бирин-кетин зардуштийлик, шомонлик, монийлик, буддавийлик оқимлари ўзига хос ёзма адабиётни юзага келтирди. Буддавийлик оқими “Олтун ёруғ”ни, “Майтри смит”ни ва буддавийлик шеърларини, монийлик оқими “Хуастуанифг”ни (Монийларнинг тавбаномаси)ни ва монийлик шеърларини, шомонлик қадимги туркий афсоналарни юзага келтирди, бу оқим туркий-рун ёзма ёдгорликларига ҳам таъсир этди.

Ана шу фикр-қарашлардан келиб чиққан ҳолда исломгача бўлган туркий адабиётни қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқдир:

Шомонлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт.

Монийлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт;

Буддавийлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт.

Биз икки жилддан иборат “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”ни³ тузганимизда, ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойилларининг ўзига хос жиҳатлари, мезонлари, тамойиллари ҳақида қисқача сўз юритиб, ўзимизнинг даврлаштиришимизни тақдим қилган эдик. Кейинги изланишлар натижасида ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат бадиий асарларни эмас, балки тарихий-адабий асарларни, соф тарихий асарлар ва уларнинг таркибида истифода этилган маълум адабий жанрларни ҳам жалб этиш лозимлиги маълум бўлди.

Аmmo ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат туркий ёки ўзбек тилидаги асарларнинг ўзи ҳам кифоя эмас. Ўрта Осиёдаги, хусусан, Туронзаминдаги араб тилидаги адабиёт ҳам ўзбек адабиёти тарихида алоҳида даврни ташкил қилиши ҳақида биз ўз қарашларимизни илгари сурган эдик.⁴ Бу давр адабиётини биз «Ғазнавийлар даври адабиёти» деган ном билан аташ мақсадга мувофиқлигини ва бунинг сабабларини ҳам таҳлил қилдик. Ғазнавийлар давлатининг ўз кўли остидаги давлатларда олиб борган сиёсати илмий ва маданий муҳитга кескин таъсир ўтказди. Ғазнавийлар давлатининг илмий, маданий ва адабий муҳити XI асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний меросида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, Ғазнавийлар давлатининг бутун ютуқлари, илмдаги, адабиётдаги муваффақиятларини белгиловчи омил – Берунийнинг асарларидир. Энг муқими, Ғазнавийлар давлати адабиётини алоҳида давр сифатида ўрганишда Берунийга таяниш мумкин. Соддарок қилиб айтганда, *“Ғазнавийлар даври адабиёти”* деган ном остида алоҳида даврни Берунийнинг бадиий адабиётга, адабий жанрларга бўлган муносабати, унинг қарашлари

³ Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, I жилд (энг қадимги даврлардан XIII аср охиригача). Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмонов Тошкент, «Фан», 2005; Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, II жилд (XIV-XV аср бошлари), Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмон, Тошкент, «Фан», 2007.

⁴ Некоторые вопросы периодизации узбекской литературы. «Алтаистика и тюркология» ж., Астана, 2013, №4.

белгилайди. Биз учун муҳими шу – унинг илмий фаолияти, Ғазнавийлар сулоласида яратган адабиёт ва адабиёшуносликка оид қарашлари алоҳида адабий давр ҳақида сўз юритиш имконини берганидир. Шу боис, биринчи навбатда, “Ғазнавийлар даври адабиёти”ни алоҳида адабий давр сифатида баҳолаш эканми, Берунийнинг “Осор ул Ғоқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асаридаги адабий жанрлар, адабиётшуносликка оид қўзғатишларига, қолаверса, “Ҳиндистон” асарида афсона ва ривоятларга таянади. Шунингдек, Ибн Синонинг “Тайр”, “Соломон ва Ибсол” қиссалари ҳам Ғазнавийлар даври адабиётининг бир қисмидир.

Савол туғилиши мумкин: Беруний биронта асарини ўзбек тилида ёзмаган бўлса, қандай қилиб унинг тарихий-этнографик асарларида келтирилган адабий жанрлар ўзбек адабиётининг мулки деб айта оламиз? Жаҳон адабиётида шу қоида маълумки, тил муаммоси ҳар доим ҳам масалани ҳал қилавермаган. Масалан, Библиянинг Янги Аҳд қисмини яҳудий халқи ўзининг мулки, ўзининг бадиий асарлари, маданий мероси сифатида қадрлайди. Лекин Янги Аҳд асосан юнон тилида етиб келган. Аммо юнонлар ҳеч қачон Янги Аҳд муаллифлигига даъво қилган эмаслар. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа халқларнинг қадимги адабиётидан намуна сифатида келтириш мумкин. Биз эса фақат бир мисол билан чекланамиз.

Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврида туркий ёки ўзбек адабиёти таназзулга юз тутди. Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврига оид туркий тилдаги ёзма манбалар йўқ. Дарвоқе, Беруний Ўрта Осиёга, хусусан, Мовароуннаҳрда араблар истилосини ва унинг оқибатларини шундай тасвирлайди: “Қутайба Ибн Муслим ал- Боҳилий хоразмликларнинг қотибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қўйдиргани сабабли, улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёллаш қувватига суянадиган бўлдилар”.⁵

Мана шу далилнинг ўзи ҳам араб халифалиги даврида Мовароуннаҳрнинг маданий аҳволидан дарак беради. Аммо адабий жараён тўхтаб қолмади. Яқин уч аср давомида туркий адабиётнинг

⁵ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Тошкент, Фан, 1968, 84-бет.

маркази Мовароуннахрдан ташқарида Шарқий Туркистонда, Сибирь ўлкаларида яшади. Бу ўлкалар ислом маданиятидан холи бўлгани учун оғзаки ва ёзма адабиёт қадимги туркий адабиётнинг давоми сифатида яшайверди.

Араб халифалигидан кейин пайдо бўлган Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар сулолаларида вазият тамомила бошқача тарзда намоён бўлди. Сомонийлар сулоласида форс-тожик адабиёти гуллаб-яшнади, Қорахонийлар даврида туркий тил, туркий маданиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ғазнавийлар даври адабиёти” ҳам ўзбек адабиётининг бир бўлаги сифатида ўқитилиши лозим, деб биламиз. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, Илк уйғониш даври вакиллари – Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Рудакий каби олим ва шоирлар ҳам “Ғазнавийлар даври адабиёти” қисмида берилди.

Хуллас, сулолалар тарихи даврлаштиришнинг бир мезони бўлиши мумкин экан. Бундай ҳолда албатта адабий жараёнда жиддий ўзгаришлар бўлиши, янги, такрорланмас адабий муҳит юзага келиши шарт. Машҳур адабиётшунос Н.Маллаев ўз даврида ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақида сўз юритганда, совет мафқураси нуқтаи назаридан адабиёт билан хонлар, сулолалар тарихи ва номи ўртасига қатъий чегара қўйган эди. У ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамойиллари ва омиллари сифатида куйидагиларни кўрсатди: “...адабиёт тарихи халқ тарихининг узвий бир қисми бўлиб, уни даврлаштиришда, бир томондан, жамиятнинг умумий тараққиёт қонуниятларига, иккинчи томондан, адабиёт тараққиётининг ўзига хос хусусиятларига асосланиш лозим”.⁶ Н.Маллаевнинг даврлаштириш тамойиллари бу ўринда аниқ белгиланган. Дарслик муаллифи адабиётшуносликда эришилган ютуқлар, хусусан, адабиётни даврлаштириш тамойилларининг эскича усуллари билан ўзининг даврлаштириш тамойиллари ўртасида тамомила фарқ борлигини далиллашга ҳаракат қилади: “...совет адабиётшунослиги ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида йўл қўйилган хатоларга, жумладан, адабиёт тарихи тараққиётини сулолалар ёки подшоларнинг, хонларнинг келиб-кетишлари тарихига қараб даврлаштириш

⁶ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача) “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1976. 7-б.

майлларига узил-кесил барҳам берди”.⁷ Н.Маллаев маълум даражада ҳақ, у сулолалар ҳукмдорлари билан адабий жараён тақдирини белгилаш тарафдори эмас ва адабиётни даврлаштиришда ҳам тамоида бу тамойилдан Совет даврида воз кечилганини таъкидлади. Аммо масала бошқа ёқда – адабий жараённинг маълум бир хонлик давридаги ўзига хос, тақдорланмас хусусиятлари – адабий жараённинг юксалиши ёки таназзули, адабиётга янгича ёндашув даврлаштириш учун тамойил бўлиши керакми ёки йўқми? Шубҳасиз, маълум бир сулолалар ва хонликларнинг адабий жараёни янги ўзанга буриб юборгани аниқ ва бунга мисоллар ҳам кўп. Бу ҳолатни Қорахонийлар сулоласида ҳам, Олтин Ўрда адабиётида ҳам, Темурийлар даври адабиётида ҳам кўриш мумкин. Шу боис биз ўзбек адабиётида маълум сулолалар даврида ўзига хос мезон, тамойиллар, усул шакллангани учун, адабиётни даврлаштиришда сулолалар тарихига таянамиз ва шу ном билан атаймиз.

Ўзбек адабиётининг илк мумтоз ва ўрта асрлар давридаги боскичларига назар ташласак, яна бир ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Бу адабий жараённинг узлуксизлиги масаласидир. Адабий жараённинг узлуксизлигини таъминлайдиган омиллар ва воситалар маълум сюжетлар, ёки бадиий тасвир воситаларидир. Айтайлик, қадимги туркий адабиётдан илк классик даврга ўтиш жараёнида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Жумладан, қадимги туркий-рун ёзма ёдгорликларини ёзма адабиётнинг намунаси сифатида таҳлил ва талқинлар илк мумтоз адабиётдан узилмасдан, образлар, бадиий тасвирий воситаларида давом этди. Масалан, “Кутадғу билиг” билан туркий-рун ёзувлари ўртасидаги алоқалар шундан далolat беради. Икки давр адабиётининг – исломгача ва исломдан кейинги давр адабиётининг ўртасидаги узлуксизлик даврлаштиришга асло ҳалақит бермайди. Бу ҳолат эса қадимги туркий адабиётни икки даврга - исломгача ва ислом давридаги адабиёт сифатида чегаралаб ўрганишга имкон берди.

Қорахонийлар сулоласи давридаги туркий адабиёт исломгача бўлган туркий адабиётдан фарқ қилади. Гарчи бу даврдаги адабиёт қадимги туркий тилда давом этган бўлса ҳам, адабиётнинг мазмун-моҳияти, адабий таъсир, жанрлар, вазн, хуллас, адабий жараён

⁷ Маллаев Н.М. Юкоридаги асар, 8-б.

нуктаи назаридан алоҳида давр сифатида ажратилишини тақозо этади.

Мўғуллар истилоси Марказий Осиёнинг иктисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига жиддий салбий таъсир этди. Бу ҳақда айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Аммо мўғул истилосининг, биринчи навбатда, мўғулларнинг ўзлари учун, иккинчидан, Ўрта Осиё туркий қавмлари учун ижобий томонлари ҳам бўлди. Мўғуллар учун ижобий томони шунда бўлдики, на давлат тизимига, на давлат бошқаруви тизимига, на турмуш маданиятига эга бўлган халқ Ўрта Осиёга келиб, ҳамма нарсани – давлат тузилишини ҳам, давлат бошқарувини ҳам, турмуш маданиятини, маънавий маданиятни, жумладан, ёзув маданиятини ҳам ўрганди. Иккинчидан, адабий жараён тамомила бошқа ўзанга тушди. Ерли халқнинг эҳтиёжларини биринчи навбатда эътиборда тутган мўғул хонлари туркий тилдаги адабиётга эътибор бердилар. Айниқса, Олтин Ўрда давлати туркий тилдаги, аниқроғи, европаликлар “чиғатойча” деб атайдиган эски ўзбек тилидаги адабиёт таракқиётига эътибор қаратдилар. Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида эски ўзбек тилидаги адабий муҳит юзага келди. Қул Али, Маҳмуд Али ибн ас-Саройи, Хоразмий, Рабғузий, Қутб ва бошқа қатор ижодкорлар Олтин Ўрда адабий муҳитини шакллантирдилар. Миср мамлуклар давлатидаги (XIII-XVI асрлар) туркий адабиёт ҳам бевосита Олтин Ўрда адабиётининг давомидир.

Олтин Ўрда қулагандан сўнг, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга, адабий, маданий ва илмий ҳаёт ҳам ўзгарди. Адабий ҳаётдаги ўзгаришлар Темурийлар даври адабиётига замин бўлди.

Темурийлар даври адабиётига оид мазкур қўлланмада таҳлил қилинган асарларни биз юкорида келтирилган мажмуамизнинг 2-жилдида манбашунослик нуктаи назаридан қайтадан кўриб чиқдик. Хусусан, мунозаралар жанрига оид асарларнинг напирини фотонусхаларига солиштириб, матн тайёрлаш жараёнида йўл қўйилган кўплаб сакталикларни бартараф қила олдик. Талабалар матнни ўқиш жараёнида луғатга эҳтиёж сезмасин деб, матнларни имкон қадар луғат билан таъминлашга ҳаракат қилдик; замон талаблари туфайли тушириб қолдирилган аксарият мумтоз асарларнинг дебочаларини, масалан, номаларнинг ҳамд, наът қисмларини турли манбалардан топиб тиклаб, таҳлил объекти

килиб олдик ва талаба асарни тўлиқ тасаввур килишига ҳаракат этдик.

Юкоридаги қисқача шарҳлардан шу нарса аён бўладики, адабий жараённинг ўзгариши ва таракқиёти бевосита ва билвосита сулолалар тарихига ҳам, сулолалар ўзгариши билан юзага келган адабий ва маданий муҳитга ҳам боғлиқ экан. Қолаверса, ўзбек адабиёти ҳар бир даврда ўзига хос категорияларга – муаллиф позициясига, мавзуга, ғояга, муаммога, услубга ва ҳ.ларга эга бўлиб, сулолалар тарихи бу категорияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Адабий жараёндаги ана шу категорияларни инобатга олган ҳолда, XV асргача бўлган ўзбек адабиёти тарихини куйидагича даврлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб қараймиз:

1. Исломгача бўлган туркий адабиёт:
 - а) Буддавийлик оқимидаги туркий адабиёт.
 - б) Монийлик оқимидаги туркий адабиёт.
 - в) Шомонлик оқимидаги туркий адабиёт.
2. Ғазнавийлар даври адабиёти
3. Қорахонийлар даври туркий адабиёти.
4. Олтин Ўрда даври ўзбек адабиёти.
5. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.

Умуман, адабий жараёни даврлаштиришда асар ёзилган даврдаги лисоний муҳит бош ўрин тутиб қолмаслиги лозим. Ижодкор яшаган ижтимоий муҳит, адабий категорияларнинг ҳар бир даврда ўзига хосликлари ва бадиийлик тамойиллари асосий мезон бўлиши керак. Зотан, юкорида айтиб ўтганимиздек, сулолалар тарихи айна ана шу мезонларга замин ясади.

Биз ўзбек адабиёти тарихини XV асргача қайси омилларга кўра даврлаштириш лозим деган саволга жавоб тарикасида юкоридаги фикрларни ўртага ташладик. Абдурауф Фитрат, Кўпрулизода, Миён Бузрук каби улуғ олимларнинг ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақидаги қарашларига тўхталмадик. Уларнинг ўзбек адабиётини даврлаштиришига муносабатимиз бошқа ишимизда ўз аксини тошган.⁸

⁸ Рахмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2016.

Қадимги туркий адабиётдан бошлаб адабий жанрларда ва адабий шаклларда ўзгаришлар юз берди. Шу боис булар ҳақида ҳам қисқа назарий билимлар бериш назарда тутилди ва қўлланмага “Илова” берилди. “Илова”ни Гулистон давлат университетининг доценти, филология фанлари номзоди **Музаффар Маматкулов** ёзди. Бу қисмнинг масъул муҳаррири филология фанлари номзоди, доцент **Ваҳоб Раҳмонов**.

ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ

ҚАДИМГИ МИФ ВА АФСОНАЛАР

Режа:

1. Миф нима?
2. Миф оғзаки адабиётнинг шакли сифатида.
3. Миф – ибтидоий инсоннинг фикрлаш даражасини кўрсатувчи омил.
4. Космогоник мифнинг қадимги туркий ёдгорликларда кўриниши.
5. Тўфон ҳақидаги миф ва унинг қадимги туркий ёдгорликларида кўринишлари.
6. Тангри култи ва унинг мифологик мазмуни.
7. “Олтун ёруғ”да Умай култи.

Калит сўз ва терминлар: *кўҳна бадий тафаккур, миф, афсона, адабий жараён, муқаддас афсоналар, этиологик миф, космогоник миф, антропогоник миф, урхун-енисей ёдгорликлари.*

Қадимги даврдаги адабий ёдгорликлар сифатида қадимги миф ва афсоналарни ҳам назарда тутиш мумкин.

Миф нима? Бу савол ҳар доим кўндаланг бўлиб туради. Миф, содда килиб айтганда, оламнинг яратилиши, инсониятнинг келиб чиқиши, шунингдек, худоларнинг, қахрамонларнинг пайдо бўлиши, уларнинг фаолияти ҳақидаги бадий, содда ва кўпинча ғалати кўҳна бадий тафаккур маҳсули бўлган адабий парчадир. *Миф* юнонча сўз бўлиб, “афсона”, “ривоят” маъноларини билдиради. Аммо мифни афсона билан бир деб қараб бўлмайди. Миф бадий тафаккурнинг энг кичик, содда, эпик сюжетга эга бўлмаган илк бадий шаклидир. Миф адабий жараённинг биринчи босқичидир. Ёки қуйидаги таъриф миф билан афсонани янада аниқроқ фарқлашга, улар ўртасидаги айирмани янада тушунарли қилиб кўрсатишга хизмат қилади: “Мифлар - биз ҳозирда афсона деб атайдиган муқаддас ривоятлар характерини қабул қилади, Миф билан афсона ўртасидаги фарқ тушунарли: миф – тафаккурнинг беихтиёр

шаклидир, афсона — онгли ижоднинг маҳсулидир”.⁹ Инсоният азалда миф яратишни мақсад қилиб қўймаган, балки маълум культлар, удумлар, урф-одатларни баён қилиш ва амалда қўллаш натижасида мифларнинг турлари келиб чиққан. Булар кўпроқ тотемистик мифларга, космогоник мифларга ва бошқа қатор миф турларига тегишли.

Миф оғзаки адабиётнинг шакли сифатида. Бадий адабиётнинг илк кўриниши — оғзаки шакли мифдан бошланган. Миф қайсидир халқларда ёзма шаклда сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Шарқдаги аксарият ёзма манбалар — шумер, миср, бобил, хет каби қатор қадимий халқларнинг ёзма ёдгорликларидан бир қатор мифлар бизгача етиб келган. Жумладан, яратилиш (исмларнинг, удумларнинг, буюмларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги *этиологик мифлар*, ёки оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги *космогоник мифлар*; инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги *антропogоник мифлар* - бу ҳар учала миф тури архаик мифларнинг асосий мазмунини ташкил қилади) ҳақидаги мифлар юқорида айтиб ўтилган халқларнинг деярли ҳаммасида бор. Зотан, мифларни киёсий-тарихий ўрганиш асосида олимлар шундай хулосага келдиларки, дунёдаги кўпчилик халқларнинг мифларида бир қатор мавзулар ва мотивлар такрорланаверган. Масалан, юқорида айтилган учала миф турини маданий ривожланган халқларнинг ҳаммасида учратиш мумкин.

Ибтидоий жамиятда миф оламини тушуниш ва англашнинг асосий усули бўлган эди. Шунинг учун миф ижод қилиш инсониятнинг маданий тараккиётида муҳим ходиса ҳисобланган. Бу жараён ҳамма миф турига алоқадор. Айни пайтда миф шунчаки қисқа матндан иборат адабий парча бўлиб қолмай, у яратилган даврдаги оламини ҳис қилиш ва оламини англашни ифодалайди. Инсон илк яратилган даврдан бошлаб атрофга муносабатини билдириб қолмасдан, “идрокли инсон” сифатида оламини англаб етишига зарурат туғилган. Демак, миф идрокли инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули. Миф орқали инсон ибтидоий ҳолда бўлса ҳам, оламини илмий билишга ҳаракат қилган.

⁹ Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М.: Главная редакция восточной литературы, 1978, с.119.

Миф – ибтидоий инсоннинг фикрлаш даражасини кўрсатувчи омил. Ибтидоий инсон ўзини табиий оламдан аниқ ажрата билмаган, шу боис табиий объектларга ўз инсоний хусусиятларини кўчираверган – табиий объектлар инсон каби ҳаёт кечиради, уларнинг инсоний ҳис-туйғулари бор, онгли, маълум мақсадга йўналтирилган хўжалик фаолиятини юритади, деб билган. Шунингдек, инсон ибтидоий боскичда мавҳум фикрлашни билмаган. Мифнинг барча турлари манбаи ана шу фикрлашда. Фетишизм, анимизм ва тотемизм каби инонч-эътиқодлар ҳам аслида атроф муҳитни “инсонлаштириш”дан келиб чиққан. Туркий мифлар ҳам айна шу хусусиятлар ва жараёнларни босиб ўтган.

Космогоник мифнинг қадимги туркий ёдгорликларда кўриниши. Қадимги туркий мифларнинг манбаи урхун-енисей ёзма ёдгорликлари ва қадимги хитой йилномаларида, айрим араб, форс ва бошка манбаларда. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан Култигин бититошининг биринчи мисрасида оламнинг ва инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги миф мавжуд: *Уза кўк тангри асра йағиз йер қилинтуқта акин ара киси ўгли қилинмис. Киси ўглинта уза ачум апам Бўмин қаган, Истами қаган ўлурмис, ўлурипан турк бўдунин алин тўрусин тута бирмис, ита бирмис* – Юқорида кўк осмон, остда қора ер қилинганда, икковининг орасида инсон боласи яратилган. Инсон боласи устидан ота-бобом Бўмин ҳоқон, Истами ҳоқон ўтирганлар, ўтириб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини ушлаб турган. риюя қилиб турган¹⁰.

Парчани миф деб қарашимизга қуйидаги омиллар сабабдир: қадимги туркийлар ерни она, осмонни -- она деб тасаввур қилганлар. Инсон болалари (қадимги туркийлар) осмон ва ернинг никоҳидан пайдо бўлган. Кул тигин бититгошидан олинган бу парча космогоник мифнинг намунаси дир. Билга ҳоқон бититгошининг бошланмасида ҳам шу миф айнан такрорланади.

Кул тигин бититгошининг бошланмасидаги мифга ҳамоҳанглик кўпчилик туркий эпосларнинг бошланмасида, жумладан, хакасларнинг “Алтин ариғ”, ёкут халқининг “Эр Соготох” эпосларида ҳам учрайди. Жумладан, “Эр Соготох”да “она ер”

¹⁰ Бу ҳақда яна қаранг: Журакузиёв Н. Представления древних тюрков о мироздании. - Российская тюркология. №1(6) 2012. РКТ при ОИФН РАН. – Москва-Казань. С. 91-96.

ибораси айнан Кул тигин бититошидаги ерни ифода этади. Дарвоқе, Култигин битигтоши бошланмаси қадимги туркий қавмларнинг тарихий воқеалардан олдинги мифологик тасаввурлари ва инонч-эътиқодларининг манзарасини яратади.

Моюн чур битигтошининг бошланмаси Кул тигин ва Билга хоқон бититошлариники сингари миф билан бошланади: *Тангрида бўлмиш, ил итмиш билга қазан* (1) – Тангридан бўлган, давлатни барпо қилган доно хоқон.

Кул тигин, Билган хоқон ва Моюн чур битигтошларининг бошланмасида афсонавий эпик рухнинг борлигига сабаб шуки, эпик замоннинг асосини миф ташкил қилади. Муаллифларнинг мақсади илк даврдаги туркий қавмларнинг тарихини хикоя қилиш эди. Тарихий воқеалар ва миф бир-бирини тўлдиради.¹¹ Мифнинг тарихий воқеаларни тасдиқлаш учун киритилиши айни ана шу ўринда ўз ифодасини топади. Мазкур миф космогоник мифларнинг намунасиدير.

Қадимги туркийларнинг космогоник мифологиясида куёш ва ой тимсоли ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, тонгда чиқаётган куёш муқаддас саналган. Хоқон қароргоҳининг дарвозаси шаркка – куёш чиқадиган томонга каратиб қурилган. Хитой йилномаларида қадимги туркийлардаги бошқа муқаддас саналган самовий жисмлар қаторида “етти сайёра” ҳам эсланади. Урхун битигтошларида макон сифатидаги ер тўрт томондан иборат бўлиб, тўрт бурчак билан чегараланган. Бу ҳолатда ер юқоридагидай мифологик мазмундан холидир: *Тўрт булуғ қўй йағи армис* (Кту 2) – Тўрт томон бутунлай душман экан. Ёки томонлар аниқлаштирилганда ҳам ернинг тўрт томони географик чегараланиш маъносини ифода этади: *Ўчгра қитанийда, барийа табғачда, қурийа қурданга, йирайа оғузда, аки уч бинг сумуз, қалтачимиз бар му на?* (Тўн., 14) – Шаркда қитанийга, жанубда табғачга, ғарбда қурданга, шимолда ўғузга икки уч минг лашкаримиз (билан) бораёликми?

Тўфон ҳақидаги миф ва унинг қадимги туркий ёдгорликларида кўринишлари. Урхун битигтошларида Шаркдаги кўп халқларда тарқалган Тўфон ҳақидаги миф мотивига ҳам дуч

¹¹ Раҳмонов Н. Некоторые особенности зачинов орхонских памятников. – “Кўҳна туркий ёзма ёдгорликлар: ёзув маданиятининг ибтидоси” халқаро конференция материаллари. “Информ А”, Алмати, 2005, 44-48-бетлар.

севинар дер. Шундай билинлар: яхшидир бу” (ИБ.15). Куш боласининг йўлдан адашувига, кийик боласининг йўлдан адашувига ва инсоннинг йўлидан адашувига сабаб гунохкорлигидир. Бу миф бўлгани учун тафсилотлар баён қилинмаган. Албатта, Тангри томонидан жазоланиши аниқ. Гунохдан қайтганлари учун Тангри уларга марҳамат қилган.

Тангри култи ва унинг мифологик мазмуни. Тангри (худо) – туркий мифологияда кенг тарқалган тимсол. У ҳимоячи, инсониятни душмандан, ёвуз кучлардан сақловчи тимсол. Кўпроқ руҳий маънога эга бўлиб, юқори оламни ифодалайди. Қуйидаги парча шу маъно ва вазифани аниқ тавсифлайди: “...*Табғач қаганқа йағи бўлмис, йағи бўлип, итину йаратину умадуқ, йана ичикмис. Бунча исиг кучиг биртукгару сақинманн. “Турк бўдун ўлураин, уругсиратаин”, тип армис, йўқаду барир армис. Уза турк тангриси, турк идуқ суби йири анча тимис: “турк бўдун йўқ бўлмазун”, тийин, “бўдун бўлчун, тийин”, қангим Илтарис қаганиг, ўгим Илбилга қатуниг Тангри тўпасинта тутун йўгару кўтурмис аринч. Қангим қаган йити йигирми арин ташиқмис, ташира йўрийур, тийин, ку асидип балиқдақи тағиқмис, тағдақи инмис, тирилип йатмис ар бўлмис. Тангри куч бартук учун қангим қаган суси бўри тағ армис, йағиси кўнй тағ армис, илгару, қуригару сулап тирмиш...*” (Кту 9-12) – ...Табғач хоқонига душман бўлди, душман бўлиб, қувилиб, ўзини тиклашга умид қилиб, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини сарф этганини андиша қилмай, Табғач хокони “турк халқини ўлдирайин, уругини қолдирмайин”, дер экан, уни йўқотиб бораётган экан. Юқорида турк тангриси, туркнинг мукаддас суви ери шундай деган экан: “Турк халқи йўқ бўлмасин”, деб “халқ бўлсин”, деб отам Элтариш хоконни, онам Илбилга хотунни Тангри тепада тутиб, юқори кўтарган экан. Отам хокон ўн етти йигити билан тоққа чиқиб кетган, ташқарида юрибди, деган хабарни эшитиб, шаҳардаги тоққа чиқибди, тоғдагилар пахта тушибди, йиғилиб, етмиш жангчи бўлибди. Тангри куч бергани учун, отам хоконнинг кўшини бўридай экан, душмани қўйдай экан, шаркка, ғарбга кўшин тортган экан...

Мазкур парчадаги Тангри сўзи “худо” маъносида қўллангани боис, турк халқининг асирликдан қутулиши, муваффақиятлари, душман устидан ғолиб келгани Тангрига, яъни худога боғлиқ қилиб қўйилган. Турк халқини Тангри, шунингдек, ер-сув ўлимдан – ер

остидан кутқариб, юқорига – учинчи қават оламга кўтарди, Элтариш хокон ўн етти йигитни бутун бошли лашкарга айлантирган экан, бу ҳам Тангрининг ҳимояси остида бўлди. Элтаришнинг кўшинини бўридай ва душманнинг лашкарини кўйдай қилган ҳам Тангридир. “Худо” маъносида қўлланган Тангри билан “осмон” маъносида қўлланган тангрини бититошлар муаллифлари жуда яхши фарклаганлар – “кўк” сўзи фақат осмон маъносидаги “тангри” сўзига нисбатан қўлланган; “худо” маъносидаги Тангри сўзи олдидан “кўк” сўзи ишлатилмайди. “Осмон” маъносидаги тангригина қадимги туркий мифологияда ота деб тасаввур қилинган. Муаллиф Йўллик тигин, қолаверса, жамики туркий қавмлар “худо” ва “осмон” маъносидаги тангриларни яхши фарклаганлар, балки Тангрининг худога айлангани ҳақида миф бўлган бўлиши мумкин. Зотан, бу битигтошларда “худо” маъносидаги Тангри руҳий маъно ифодалаб, у ҳақдаги мифологик тасаввур сакланган, холос. Тангри ҳақида мифга ишора қиладиган бир далил бор. Бу – Ирк битигининг биринчи ҳикоясидаги Тинси гимсолидир. Тинси – хитой подшоҳининг унвонидир. Қадимги туркий қавмларнинг тасаввурига кўра, одам тушида Тинсини кўрса, ҳаётда муваффақиятга эришар экан.

Тангри (худо)нинг қадимги туркий мифологияда, ҳимоячи вазифасидан ташқари, яна жазоловчи вазифаси ҳам бор: *Тангри анча тимис иринч: “қан биртим”*. (Канингин) *қўдип ичикдинг, ичикдук учун тангри “ол” тимис, аринч, турк бодун олти, алқинти, йўқ бўлти* (Тўн., 2-3) – Тангри шундай деган, шекилли: “хон бердим”. (Хонингни) қўйиб, таслим бўлдинг, таслим бўлганинг учун Тангри “ўл” деган, шекилли, турк халки ўлди, заифлашди, йўқ бўлди.

Ўз хонидан юз ўгирган туркий қавмларни Тангри қаттиқ жазога йўлиқтирди – ўлимга, йўқолиб кетишга маҳкум қилди, уларни шу йўл билан жазолади.

Туркий мифологияда Умай култи. Битигтошларнинг мифологик тизимида Умай култи ҳам бор. Бу култ оналарни ва болаларни ҳимоя қилувчи илоҳ. Қадимги туркийларда Тангри (худо)нинг умр йўлдоши деб тасаввур қилинган. *Тангри, Умай, идук ишр суб баса барти аринч* (Тўн., 38) – Тангри, Умай, муқаддас ер-сув мағлуб қилиб берган, шекилли.

Маҳмуд Кошғарий “Девону лугатит-турк” асарида Умай ҳақида тўхталиб, қуйидагича изоҳлайди: “умай – йўлдош; (туққан хотинлар қорнидан чиқадиған нарса). Уни боланинг қорнидаги ҳамроҳи – йўлдоши дейилади. Шундай макол ҳам бор: Умайқа табинса, ўғул бўлур – кимки Умайга хизмат қилса, у ўғил кўради, демақдир. Хотинлар яхшилиқ кутадилар”. Маҳмуд Кошғарийнинг Умай ҳақида берган маълумоти шундан иборат. Қадимги даврлардан тортиб ХХ асрнинг бошларига қадар Умай болаларни асровчи илоҳ сифатида туркий халқлар орасида яшайверган. Айрим туркий халқлар мифологиясида, масалан, хакас, шор, белтир халқларида *Имай* тарзида ҳам қўлланади. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, тубутлар онани *ума* деб айтар эканлар, шунингдек, уйга келган меҳмонни ҳам *ума* дер эканлар (*Девону лугатит-турк, 1 жилд, 118-бет*). *Умай/Имай* культининг маъно ва вазифалари кўп. Шу боис айрим олимларнинг, Умай эрон мифологиясида Хумойдан келиб чиққан, деган фикрлари ўзини оқламайди. Хумой қуши соясини инсонга солганда, инсон бахтли бўлар экан. Умай култи Сибир туркий халқларида кенг маънода ишлатилади. Умай бу халқларда фақат болаларни ҳимоя қилувчигина эмас, балки болаларнинг жонини олувчи сифатида ҳам талқин қилинган.¹²

Турк-будда мифологиясида Умай культининг туркий ёзма ёдгорликларидан ва удумларидан кескин фарқ қиладиган жиҳатлари бор. “Олтин ёруғ”да бунинг намунасини кўрамиз. Буддавийлик ақидасига кўра, “қайта туғилган” жонзотлар, шу жумладан, инсонлар ҳам, бўдисатвга айланадилар, яъни комил бўладилар. Жонзотларнинг ҳаммаси бу жараёни босиб ўтишлари керак. Зерван жонзот болаларига қуйидагича уқтиради: “(Эй)оламни, еру сувни муҳофаза этувчилар! Сизлар шунини билинглар: фойда, манфаат келтиргани жамики жонзотлар болаларига, эл-улусга бошчилик қилиш қонуни билан сўраган бўлсангизлар, ижозат беринг, уни энди мен (сизларга) айтайин. Диққат билан эшитинглар: (жонзотлар) илгари қилган яхши ишлар туфайли Тангри заминиде туғилганда Тангри хони бўладилар. Қачонки қайта туғилиб, инсонлар орасига тушганда, инсонлар хони бўладилар. Ҳукмронлик қилувчи ўз қудрати, иродаси билан жамики жонзотлар(ни)

¹² Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков. Тюркологический сборник, 1972, Главная редакция восточной литературы, М.: 1972, 275-6.

биргаликда муҳофаза қиладилар. Шундан кейин хавф-хатарсиз она қорнига қирадилар. Қачон кирсалар она қорнига, Умай онадай у ерда ҳам тангрилар муҳофаза қиладилар. Туғилса, ҳам инсонлар (ораси)да –инсоният ерида кўп иззат-хурматли бўлмоқдан уни Тангри деб айтадилар” (V111 28a/20-28б/21).

“Олтин ёруғ”дан келтирилган бу парчада Умай она култи диққатга сазовор. Гарчи “Олтин ёруғ” санскритчадан хитойчага ва хитойчадан қадимги туркийга таржима қилинган бўлса ҳам (IX аср охирида), Умай култи таржима жараёнида киритилганини таъкидлаш даркор. Парчадаги Умай она култи буддавийликнинг айнан “қайта туғилиш” ақидасига мослаштирилгани учун унинг яна бир хусусияти намоён бўлган. Умай она “Олтин ёруғ”да “қайта туғиладиган”ларни муҳофаза қилувчи илоҳ деб талкин қилинган.

Умуман олганда, қадимги туркий мифларнинг илдизлари жуда кўхна, ишончли манбаларда сақлангани билан диққатга сазовор. Қолаверса, туркий мифлар ўзликни англашнинг битта омили, шу боис бу мифлар аждодларимизнинг маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнагани шубҳасиз.

Савол ва топшириқлар

1. Миф деб нимага айтилади?
2. Мифларнинг келиб чикишига сабаб бўлган омилларни айтинг.
3. Афсонанинг мифдан фаркли жиҳатларини айтинг.
4. Ибтидоий жамиятда мифнинг хусусиятлари нимадан иборат?
5. Тангри тимсолининг қадимги туркий ёдгорликларидаги вазифасини айтиб беринг.
6. Турк-будда мифологияси ҳақида қисқача сўзлаб беринг.
7. Умай култи ҳақида айтинг.
8. Маҳмуд Кошғарий Умай култини қандай таҳлил қилган?

АВЕСТО

Режа:

1. “Авесто”нинг пайдо бўлиши. Авесто ёзуви.
2. “Авесто”нинг тикланган нусхаси.
3. Зардушт шахси ва зардуштийлик таълимоти.
4. Шарққа зардуштийликнинг кириб бориши.
5. Зардуштийликнинг моҳияти.
6. “Ригведа” ва “Авесто”нинг қариндошлиги масаласи.
7. “Авесто” қисмлари. Гоҳлар.
8. “Олтун ёруғ” ва “Авесто”да Абадий замон тушунчаси.
9. Ясна.
10. Жамшид ҳақидаги афсона.
11. Вандидод. Жамшид ҳақидаги афсона (давоми).
12. Яштлар. Ахура Мазда қасидаси.
13. Виспарад.
14. “Кичик Авесто”.

Калит сўз ва терминлар: *Зардушт, зардуштийлик, “Авесто”, фалсафий рисолалар, сосонийлар сулоласи, “Авесто”нинг пароканда қисмлари, ахлоқий қарашлар, қасида, мадҳия.*

“Авесто”нинг пайдо бўлиши. Абу Райҳон Беруний “Авесто” ҳақида. “Авесто” Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки дунё маданияти тарихида муҳим воқеадир.”Авесто” тўғрисида сўз кетганда, албатта, зардуштийлик оқими ва Зардушт шахси тўғрисида сўз юритилади. Зардуштнинг таълимоти “Авесто”ни юзага келтирди.

Бизга маълумки, зардуштийлик Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм худудида ва унинг атрофларида мустаҳкам илдиз отган диний оким эди. Зардуштнинг насаби, у “Авесто”ни қандай яратгани, ўз динини қай тарзда жорий қилгани ҳақида ривоятлар бор. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаида шундай ривоятлардан бирини ҳикоя қилади: “Кейин озарбайжонлик (ҳозирда Эрон худудига тегишли худуд – Н.Р.) Зардушт ибн Сафид Тумон юзага чиқди. У Манучеҳр подшоҳ наслидан, муғлар хонадонидан, уларнинг кўзга кўринган кишилари ва улуғларидан эди. Бу [ходиса] Биштосф подшоҳлигидан ўттиз йил

ўтгандан [кейин] рўй берди. [Зардушт] икки ёни – ўнг ва сўли қирқилган кўйнак кийган, белига хурмо пўстлогидан зуннор боғлаган, оғзига шолдан сузғич тутган, ёзувлари ўчиб кетган бир варақни – қоғозни кўлига ушлаб, кўкрагига кўйган ҳолда юзага чикди.

Мажусийларнинг гумонича, Зардушт осмондан кундуз ярмида Балхдаги бир айвон томига тушган. Том ёрилиб, Биштосф кундузги уйқудан уйғониб кетган. Зардушт уни мажусийликка, Тангрига имон келтириб, уни пок ва муқаддас билишга, шайтонга ибодат қилмасликка, подшоҳларга бўйсунушга, ўз табиатини ислох этишга... даъват этган. ...Зардушт мажусийлар “Абисто” деб атайдиган китоб билан [юзага] келди. Бу китоб бошқа барча халқлар тилларига муҳолиф бир тилда [ёзилган] ва алоҳида тартибда бўлиб, махсус тил эгалари билиб, бошқа тил эгалари билмай қолмаслиги учун [у тилдаги] ҳарфлар сони ҳамма тиллар ҳарфларидан ортиқ эди. Зардушт бу китобни Биштосфнинг олдига кўйди, Биштосф мамлакатининг улуглари ҳозир эдилар ва мамлакат аҳолисидан кўп халқ йиғилган эди. Зардушт мис эритишни буюрди, мис эритилди. Шунда Зардушт: “Тангрим, агар бу мен билан шу подшоҳга юборган китобинг бўлса, миснинг зарарини мендан қайтар!” – деди. Кейин у [эритилган мисни] устидан қуйишга буюрди. Мисни ва унинг кўкраги ва қорнига қуйиб юборган эдилар, устидан оқа бошлади ва майдаланиб ҳар бир мўйига юмалоқ мис шар бўлиб осилди. Бу шарҳлар мажусийлар ҳукмронлиги даврида уларнинг ҳазиналарида сақланаётганини эшитдим”.¹³

Бу ривоятлардан маълум бўлишича, “Авесто” дунё тарихида илк муқаддас китоб ҳисобланади. Айниқса, “Авесто”нинг ёзув хусусияти алоҳида ноёб ҳодисадир. Беруний “Авесто” битилган ёзувнинг хусусиятлари тўғрисида ёзганда, “Авесто” тилидаги ундошларни англатиш учун кўшимча белгиларни, шунингдек, қисқа унлиларни билдирувчи белгиларни ҳам назарда тутган.

Беруний Зардуштнинг Шарқда машхур бўлганига оид далилларни келтиради. У ёзадики, ибронийлар Зардуштни Илёс пайгамбарнинг шогирдларидан бири бўлганига даъво қиладилар. Яна Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида

¹³Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар..., 236-237-бетлар.

ёзишича, румликлар, юнонлар ҳам Зардуштни ўзларига яқинлаштириб, турли далилларни келтирадilar.

Беруний “Авесто”га оид далилларни ўрганиб, бу асарнинг аслияти ва унинг тузилиши ҳақида ҳам далилларни баён қилади. “Подшо Доро ибн Доро хазинасида “Абисто”нинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери “Абисто”нинг бешдан учи йўқолиб кетди. “Абисто” ўттиз *наск* эди, мажусийлар қўлида ўн икки *наск* чамаси қолди. Биз Қуръон бўлақларини ҳафтияк деганимиздай, *наск* “Абисто” бўлақларидан ҳар бир бўлақнинг номидир” (*Беруний. Юқоридаги асар, 237-бет*).

Диққатга сазовор томони шундаки, Зардушт қайси ўлкадан экани ва у “Авесто”ни қаерда ёзгани ҳақида ўша даврлардаги баҳсларга барҳам бермоқчи бўлди. Зотан, Берунийгача ҳам Зардушт шахси, зардуштийлик ва “Авесто”нинг яратилиши ҳақида турли халқлар орасида бир-бирига зид фикрлар бўлган. Жумладан, ибронийлар, Зардушт Харрондан бўлган, Илёсдан таълим олган, у ўзининг “Туғилиш китоби”да бу ҳақда айтган, деб даъво қилган эдилар. Румликларнинг даъвосича, Зардушт Мосулдан бўлган. Юнонликлар эса Зардуштни Сиблон (Цейлон) дан бўлган, “Авесто”ни ўша ерда ёзган, деб айтадилар.

Беруний эса “Тўғриси шуки, Зардушт Озарбайжондан бўлган”, дея ўз фикрини қуйидагича давом эттиради: “Эҳтимол, унинг туғилиш ҳақидаги китобида зикр қилишича, у ўз отаси билан Харронга бориб, ҳикматшунос Илёсга учраган ва ундан илм истифода этган...” (*Беруний. Юқоридаги асар, 237-238-бетлар*).

“Авесто” Зардушт номи билан боғланса-да, бу ноёб асар бир даврнинг маҳсули эмаслигини ҳам таъкидламоқ даркор. “Авесто” бир неча асрлар давомида шаклланиб, яхлит асар ҳолига келган. Бу жараён дунё маданияти тарихида синовлардан ўтган тажриба бўлиб, “Авесто” ҳам ана шу тажрибанинг маҳсулларида биридир. Шарқда бу жараённинг намуналари кузатилади. Қадимги Хитойдаги фалсафий рисолалар, Библия ҳам шаклланганда, ана шу йўлни – асрлар йўлини босиб ўтган.

“Авесто”нинг тикланган нусхаси. “Авесто”ни Искандар куйдириб ташлаган экан, бугунги кундаги мавжуд нусха қандай

пайдо бўлган деган савол туғилади. Бу тикланган нусха Сосонийлар сулоласи ҳукмронлигининг илк йилларида пайдо бўлган.

Сосонийлар сулоласининг илк ҳукмдори Ардашер Бобакон ўз саройидаги Хирбадан номли донишмандга “Авесто”ни қайта тиклаш вазифасини топширади. Хирбадан бир канча зардуштий уламолари билан бирга бу асарнинг халқ оғзида сақланиб қолган парчаларини ёзиб олиб, қайтадан тартиб беради. Шундай қилиб, ҳозирги мавжуд нусха Сосонийлар сулоласи даврида шакллантирилган. Шопур II даврида Озарпод Мехросин “Авесто”нинг пароканда қисмларини тўплаб, асардаги кўшаб номлар, атамаларни шарҳлаб, “Занд Авесто” номли китоб яратади.¹⁴ “Занд Авесто”ни бу улкан асарнинг шарҳи ва “Кичик Авесто” деб айтиш мумкин. Бугунги биз ўқиётган ва истифода этаётган мавжуд нусха 1278 йили паҳлавий ёзувида кўчирилган.

“Авесто”нинг энг қадимий қатламига кўра, шундай хулоса чиқариш мумкинки, зардуштийлик уруғчилик жамиятида – табақаланиш бошланганда ва ҳукмрон табақа ўз ҳукмини ўтказа бошлаганда яратилган.

“Авесто” фақат зардуштийлик окимининг муқаддас ёдгорлиги бўлиб қолмай, Марказий Осиё халқларининг ижодий қобиляти, оғзаки ижоди, эътиқоди ва дунёқарашининг маҳсули ҳамдир.

Зардушт шахси ва зардуштийлик таълимоти. Айрим европалик олимларнинг айтишларича, Зардушт ўз даврида таъқибга учраган. Аммо у буюк пайғамбар, инсоният нажоткори деб эътироф этилган. Адабиётларда Зардуштнинг туғилган йилини аниқ кўрсатиш имконияти йўқ. Айрим маълумотларга қараганда, Зардушт бронза давридан темир даврига ўтилаётган пайтда яшаган, бу давр милoddан олдинги 1500–1200 йилларга тўғри келади¹⁵. Зардуштнинг ўз давридаги сиёсий вазиятда муҳим роль ўйнагани уни нажоткор сифатида талкин қилишга сабаб бўлган. Қоҳинлар халққа қарши яйловларни тортиб олиб, халқ жамоа бўлиб ишлайдиган ибодатхоналарни вайрон қилиб, ўзларининг сиёсатини юргизар эдилар. Бунинг устига, эски культларга сиғиниш оқибати ҳам қоҳинлар ва зодагонларнинг манфаати учун мос эди. Мана

¹⁴ Ҳомидов Ҳ. “Авесто” файзлари. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 2001, 14-б.

¹⁵ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. – “Центр Петербургского Востоковедения”, 1994, 2-б.

шундай таранг вазиятда Зардушт кенг омманинг манфаатларини химоя қилиб, ўтроқ чорвадор қабилаларнинг вакили сифатида майдонга чиқди. Унинг таълимоти ёйилиб, халқ орасида мустаҳкам мавқега эга бўлгандан кейин, у пайғамбар деб эътироф этилди. Зардушт таъқибга учрагани учун ҳам онгли равишда унутилгани аниқроқ. Янгилик ва янги ғояларнинг тақдири ҳар доим осон кечавермаган.

Шарққа зардуштийликнинг кириб бориши. Зардуштийлик милoddан олдинги VI асрдан милодий VII асргача узлуксиз равишда Яқин ва Ўрта Шарқнинг катта қисмида фаолият кўрсатди. Форс давлати Шарқдаги бу ҳудудларни эгаллаб олиши натижасида зардуштийлик ҳам ўша ўлкаларга кириб борди. Иуданзм, масихийлик, буддавийлик каби диний оқимлар зардуштийликнинг муҳим ақидаларини, жумладан, нур ва зулмат ҳақидаги ақидаларни ўзлаштирди. Айрим мисолларни келтирайлик. Зардуштийлик ҳақидаги ривоятларга кўра, Зардушт ўттиз ёшга кирганда, ваҳий олди (Исо Масих ўттиз ёшида ер юзида хизматини бошлаган); Мана шу буюк ҳодиса Гоҳларда (Ясна 43) эсланади ва паҳлавий тилида ёзилган “Задспрам” (м.о. IX асрда яшаган зардуштийлик олими ва шу номдаги асарнинг муаллифи- *Encyklopedia Iranica*) асарида қисқача тавсифланади. Бу асарда ҳикоя қилинишича, бир кун Зардушт оломон билан бирга баҳор байрамини нишонлашда иштирок этади. У тонгда хаоми тайёрлаш учун сувга боради. Зардушт дарёга тушиб, дарё оқимининг ўртасидан сув олишга ҳаракат қилади. -У қирғоққа қайтганда (удумга кўра, у шу лаҳзада пок бўлди) унга ваҳий келди. Қирғоқда у ялтираб турган мавжудотни кўрди, бу мавжудот Зардуштга “Яхши фикр” сифатида зохир бўлди (Янги Аҳднинг тўртала Хушхабариди Исо Масихнинг Яхё пайғамбар томонидан Йордан дарёси сувида сувда имонга киритилиши ҳикоя қилинади. Шу лаҳзада Исо Масихнинг устига қаптар шаклида Муқаддас Рух Худо томонидан юборилади). Хўрмузд, яъни Ахура Мазда ўз таълимотини ёйиш учун Зардуштни хизматга даъват этгани сингари, Худо Исо Масихни ер юзида хизматга даъват этади. Ҳар иккаласи – Зардушт ва Исо Масих ҳақиқатни инсониятга етказиш ва ёйиш учун хизмат қилади. Ҳар иккаласи, шунингдек, Будда ҳам, инсониятнинг Нажотқори сифатида талқин қилинади. Мана шу аналогиянинг ўзи ҳам

зардуштийликнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин олганини далиллайди.

Зардуштийликнинг моҳияти. Хўш, Зардушт яратган таълимотнинг моҳияти нимадан иборат? У қандай шакл ва мазмундаги таълимот эди? Унинг таълимоти – эзгулик ва ёвузлик руҳлари ўртасидаги курашдан иборат эди, жамиятдаги мутаносибликни бузадиган номутаносибликка қарши кураш эди. Зардуштийлик таълимоти дастлаб яратилган пайтда диний эмас, балки ахлоқий қарашларнинг мажмуи сифатида халқ орасига кириб борди.

Зардушт яратган ислоҳот шундан иборатки, у якка худоилик ва дуалистик қарашларнинг оригинал бирикувини яратиб, динда ўзига хос тизимни барпо қилди. Хўрмузд зардуштийликда олий Худо сифатида ҳамма карама-қарши кучларнинг яратувчиси ҳисобланади. Аммо унинг эгизак ўғиллари Спентаман (муқаддаслик Руҳи) ва Ахриман (ёвузлик Руҳи) ҳақиқат (*оша*) ва ёлғон (*дурудж*) ўртасида танлов қилишларига тўғри келади. Улар яхши ёки ёмон фикрлари, сўзлари ва ишларида ана шу ҳақиқат ва ёлғонни намоён қиладилар.¹⁶

Ахура Маздада мужассамлашган эзгулик ва ёвузликни Зардушт ижтимоий муаммо сифатидагина илгари суриб қолмади, балки бу муаммо ижтимоий-сиёсий жараёндан диний-фалсафий жараёнга айланди ва илоҳий тус олди.

“Авесто” қисмлари. Гоҳлар. “Гоҳлар” (“кўшиқлар” демакдир) дафтари, юқорида айтганимиздай, “Авесто”нинг биринчи қисми бўлиб, Зардуштнинг бешала кўшиғини ўз ичига олади. Кўшиқлар мазмунидан англашилишича, Зардушт Хўрмуздни шарафлаб, унга ҳамдлар айтади, унинг сифатларини баён этади. Зардушт Ахура¹⁷ Маздани Ашах, яъни Ҳақиқат деган ном билан атади. Гоҳларда Зардушт Ахура Маздага мурожаат этиб, уни шарафлайди ва

¹⁶ Элиаде Мирча. Словарь религий, обрядов и верований. Москва-Санкт-Петербург, 1997, 141-б.

¹⁷ Ахура – қадимги санскрит тилидаги *асура* сўзидан бўлиб, девлар номини ифодалаган. “Олтун ёруғ”да ҳам шу маънода ифодалаган. Асура Шарқ мифологиясига ўтгач, *Яратувчи*, *Худо* маъноларини ифодалайдиган бўлди. “Авесто”да Ахура буюк, сарвар маъноларини ифодалайди. Шарқ халқлари кейинчалик Ахура исмига Мазда сўзини қўшиб айтадиган бўлдилар. Маъноси – “хушёр”, “доно”, “огох” демакдир.

олкишлар айтади: “Эй Мазда! Қачонки мен сени бутун борлигим билан тирикликнинг ибтидо ва интиҳоси, Эзгу Ниятнинг отаси деб танидим, ўшанда мен сени қалб кўзи билан кўрдим. Сенсан Ашах – Ҳақиқатнинг ҳаққоний яратувчиси ва олам аҳли амалларининг ҳаками”. (*Авесто.., 41-б*). Шу билан бирга, Ахура Мазда ҳамма нарсани билгувчидир, шунингдек, Ахура Мазда – тириклик ибтидоси бўлиб, ўз бандаларини комиллик сари етаклайди, аммо Ахура Мазданинг режаларини амалга оширувчи бандалари – ҳукмдорлар Унинг режаларига мувофиқ, яъни солих бўлишлари лозим:

“Шоядки Комил Ақл – Ормантий партави остида солих, неқирдор ва донишманд ҳукмдорлар бошимизда ҳукмронлик қилса.

Бадқирдор ва золим ҳукмдорлардан Яратувчининг ўзи асрасин!

Пок ва беайб туғилмоқ, ёзиқсиз дунёга қадам қўймоқ одамлар тақдири ва тириклигида нечоғли улуғ толедир,

Оламнинг ободлиги, жаҳоннинг осойишталиги учун жидду жаҳд қилмоқ, уни асрамоқ ва ёруғликка томон элтмоқ керак” (*Авесто.., 67-б*). Бир сўз билан айтганда бу дафтарнинг умумий мақсади инсоният солих бўлиши учун бадқирдорлардан узок бўлиши, рост яшаши кераклигини уқтиришдир. Қабиҳларнинг тақдири ҳам олдиндан Ахура Мазда томонидан белгилаб қўйилган.

(*Авесто.., 78-б*). “Готлар” ниҳоясидаги бу ўғитлардан маълум бўлиб турибдики. Эзгу инсониятнинг бир-бири олдидаги бурчи, қабиҳларнинг қилмишлари бу оламда жавобсиз қолмайди. Ҳаммаси қилмишига яраша жавобини олади, ҳамма ҳақ йўлдан – Мазда кўрсатган йўлдан юрса, тўғри йўл ўшадир. Шунингдек, Зардушт Ахура Маздани ягона адолатпеша ҳакам деб талқин қилади.

Ахура Мазданинг каломи муқаддас. Шу боис у “ҳушёрлар”га - эзгу ниятли инсонларга қарата шундай мурожаат қилади: “Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан – хоҳ эр, хоҳ аёл – ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва оимларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз!” (*“Авесто”. Асқар Маҳкам таржумаси, 2000. 13-б; бундан кейинги мисоллар ҳам иу нашрдан олиниб, китобнинг саҳифаси кўрсатилади, холос.*) Муқаддас

каломларни бошқаларга етказувчилар – бу ҳам тоза кўнгили инсонлардир, деб айтилади “Авесто”да.

Гоҳларда баён қилинишича, Ахура Маздадан олдин ҳам инсоният нимагадир эътиқод қилган. Аммо бу эътиқоднинг оқибати инсониятни яхшиликка эмас, балки ёвузликка ундаган, инсоният ўша эътиқоддан факат каззоб ва худбинликни орттирди, инсоният “қабих ниятга қариндош” бўлди, Инсоннинг бу ҳолатга тушишини Ахура Мазда ёмон тарбиячига боғлайди: “Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илохий сўзларни тесқари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди” (14-б).

Мазда ҳақиқатан хушёр, донишманд, инсониятга берган ўғити ва таълимоти билан жамиятни ўзгартиришга ундайди. Зардушт унинг мақсадларини амалга оширишда воситачи. “Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади ... Ўзгаларга ёруғлик истаган кимсаларга ёруғлик насиб этади” (Авесто... 52-б) деб Ахура Мазда ўзининг аъмолини эълон қилди.

Гоҳларнинг ниҳоясида Зардушт эрқагу аёлларни хушёрликка, оламнинг сохталикларига учмасликка, тўғри яшашга чақиради. Унинг айтишича, дуруж – дев фирибгар, алдамчидир. Эрқагу аёл девнинг олға юришига, уларнинг ичига кириб олишларига йўл қўймасликлари лозим. Дев ростликни ва тўғриликни тубанликка улоқтиради, инсонларни ҳам тубанликка бошлайди ва тириклик оламини оёқи ости қилади. Зардушт инсон табиатига хос меҳр-муҳаббатни улуғлайди, инсонлар доимо бир-бирларини қайноқ муҳаббат билан севсинлар, дея ўғит беради. Девларнинг йўриғига юради анлар қабихлик, қаллобликка мубғало бўладилар, шикаст топадилар, деб огоҳлантиради Зардушт. Ёлғончилик – ростликнинг бўйнидаги ўлим занжири чил-чил синиб битишини истайди. Гоҳлар“ дафтари ниҳоясида бу ақидалар ва ғоялар қуйидагича ўз ифодасини топади:

“Билингларки, дуруж – дев дунёда фирибгар алдамчидир. Дуруж – девнинг олға босмоғи ва борлигингизни қамрамоғига йўл қўйманг!

Тубанлик курсисида қўлга киритилган шодлик ҳам ва гуссанинг мойси – асосидир. Шундай қилиб, ростликни тубанлаштирувчи дурвандлар ўз тирикликлари оламини нест-нобуд қиладилар.

Тапу жону дилингиз меҳр ва жўш хуруш билан лиммо лимдир ва бир-бирингиз билан қайноқ муҳаббат билан уйғунсиз – хоҳ кенгликларда, хоҳ тору тангликда бўлсангиз ҳам – муғлар (мағлар мукофотидан бахраманд бўлгайдирсиз.

Аммо девлар олами сизларга ғолиб келса, у ҳолда муғлардан юз бурасиз. Оқибатда афсус надомат бонгини чалгайсиз.

Шунингдек барча қабиҳ кирдор кимсалар алданадилар, кулгу ва мазамматга дучор бўладилар, ниҳоят шикаст топадилар.

Шояд алданиш – ростликнинг бўйнидаги ўлим занжири – чил-чил синиб битса.

Шояд буюкларнинг буюги Mazda Ахура хузуримизга шитоб айласа.

Ўз мақсадларининг кулларига айланган ва ҳақиқатга ишонмайдиган кимсалар ростликдан юз бурадилар... танланган зотларни- азизларни хор тутадилар.

Эй Mazda! Сен ўз оламнинг Шахриёри билан ҳақ йўлда тириклик қилгучи дарвешларга омонлик, беҳрўзлик бахш айлайсан.”

“Ригведа” ва “Авесто”нинг қариндошлиги масаласи. Милоддан олдинги I минг йилликнинг охири - II минг йилликнинг бошларидаги қадимги ҳинд адабиёти ва маданияти *веда* даври деб аталади. Энг қадимги ҳинд адабиёти ёзма манбалари “Ригведа”лардир. Бу адабий ёдгорликлар ва “Авесто” ўртасида қариндошлик алоқалари мавжуд. “Веда” – муқаддас билим, “Ригведа” – мадҳиялар муқаддас билими. “Ригведа” билан “Авесто”нинг қариндошлигини далиллашда олимлар, биринчи навбатда, тарихий алоқаларга таянадилар. Кўп мифологик персонажлар “Ригведа”да ва “Авесто”да бир-бирига уйғун келади. Зотан, ҳар иккала ёдгорликдаги қадимги лисоний шакллар, хусусан, исмлар бир хил вазифани бажаради. Масалан, “Ригведа”да *Yama* – *Vivasvanta* нинг ўғли;

Apam Napat - сўзма-сўз сувнинг чайкалиши

Vata

Vayu

Nasatya

Trita Artya – сўзма-сўз: учинчи сув

“Авесто”да *Yima - Vivahvanta* нинг ўғли

Aram Napat

Vata

Vayu

Nanghaiva

Orita, Advya, Oraetaona -турли персонажларнинг исмлари; бу персонажлар Ригведадаги мос сюжетлар билан бирлашади.¹⁸

Тил ва мифологик мероснинг ҳар иккала манбада бирлиги айрим сўзларнинг маъно ва вазифа жиҳатидан бирлигида аниқ намоён бўлади. Яна ҳар иккала ёдгорликдан мисолларни киёслаймиз: “Ригведа”да – *deva* – “Авесто” да *daeva* сифатида талаффуз қилиниб, биринчисида “худолар”маъносини, “Авесто”да “иблислар”маъносини билдиради. “Авесто”да *ahura* сўзи “Ригведа” ва “Олгун ёруғ”да *asura\ asuri* деб талаффуз қилинади. Биринчисида худолар (масалан, Митра, Варуна каби)нинг эпитети вазифасида, “Ригведа” ва “Олгун ёруғ”да иблислар маъносида ишлатилади.

“Ригведа” ва “Авесто” турли диний тизимга мансуб, бўлса ҳам, улар учун умумий бўлган культлар бор. Жумладан, *олов* култи “Ригведа” билан “Авесто”да заминда қурбонлик куйдиришни, осмондаги қуёш ва бошқа самовий илоҳларга оид ҳамма хусусиятларни ўз ичига олади; ёки *муқаддас ўсимликлар* култи тўғрисида маълумот берилганда, ҳар иккала манбада ҳам бу ўсимликлардан боқий умр ато қиладиган ичимлик тайёрланиши тўғрисида сўз кетади. Шунингдек, ҳар иккала манбада мадҳия–ибодатлар ҳам умумий мазмунга эга. (*Т.Я.Елизаренкова, Юқоридаги асар.., 439-б.*) Келтирилган бу мисолларнинг уйғунлиги ҳар иккала ёзма ёдгорликнинг ҳинд-эрон маданияти ва бадий тафаккури умумийлигидан пайдо бўлгани ҳақида далолат беради. Мана шу умумийликларга таяниб айрим Европа шарқшунослари ведаларнинг қадимий қатлами Эронда яратилган деган фикрни айтадилар (*Т.Я.Елизаренкова, Юқоридаги асар.., 441-б.*)

Юқоридагилардан ташқари, “Ригведа” аслияти тили билан “Авесто” тилининг бир-бирига яқинлиги (айниқса, “Ригведа”нинг “оилавий” мандаллар деб аталадиган қадимий қисмлари ва “Авесто”нинг энг қадимий қатлами деб ҳисобланадиган гоҳлар) шу

¹⁸ Елизаренкова Т.Я. «Ригведа» - великое начало индийской литературы и культуры//Ригведа.Мандалы I-IV. Москва «Наука» 1989. С.439.

даражадаки, баъзан иккала ёзма манбадаги матн бир архаик матннинг икки варианты экани маълум бўлади, фақат товушлар мослиги қоидаларида фарқ бор, холос. Ана шу яқинлик туфайли ҳам айрим олимлар ўтган асрнинг бошларида “Авесто”даги айрим шеъринг парчаларни “Ригведа” тилига таржима қилдилар. Шунда маълум бўлдики, “Авесто” тили билан ведалар тили ўртасида катта фарқ бўлмаган (*Елизаренкова Т.Я. Юқоридаги асар, 437-бет*). Ведалар тили қадимги ҳинд эпослари ва мумтоз санскрит шеъринг тилидан кўра, “Авесто” тилига яқинлиги билан шарқшуносларни хайратга солди.

Ҳар иккала манбаининг матнлари ўртасидаги яна бир яқинлик поэтик нутқадир. Иккаласидаги мифологик мерос ҳам бирдир – иккаласи ҳам арийлар мифологиясидан озикланган. Диний тизим илк босқичда – “Авесто” ва “Ригведа”да ҳинд-эрон маданияти умумийлиги даврида умумий бўлган. Кейинчалик ҳинд-эрон диний-мифологик тизимида ажралиш юз бериб, иккаласида ҳам бу тизим ўз йўлидан кетиб, ривожланди.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг мифологик қаҳрамонлари ўртасидаги умумийлик шунини кўрсатадики, исмларнинг лингвистик жиҳатдан бирлиги, қолаверса, ҳар иккаласида вазифа, сюжет жиҳатидан бирлиги улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини яна бир марта тасдиқлайди.

Ясна. “Ясна” “Авесто”нинг иккинчи дафтари бўлиб, 72 хот(қўшиқ)дан ташкил топган. Зардуштийлик диний қўшиқларида хотлар энг муқаддас ва асосий қисм сифатида пайғамбар Зардуштнинг ҳақиқий нутқи муҳим кашфиёт бўлди. Ҳамма хотларни бирлаштириб турадиган детал Ашах – Ҳақиқатга ҳамду сано, унга олқишлар билдиришдир. “**Мен Рухимни Эзгу ниятнинг кенг ва мухташам саройига элтаман. Мазда Ахура ҳар бир кирдо учун бахш этувчи ажр ниёздан огоҳмен. Токи жисму жонимда заррача куч-мадор устувор экан, инсониятни Ашах – Ҳақиқатга томон бошлаб бораман**”. Агар диққат билан эътибор берилса, асарнинг бошдан охиригача – ҳамма дафтарларда бош қаҳрамон Ахура Маздага олқиш ва ҳамду санолар ва дуолар айтиш билан ҳамда, оловни қўриқлайдиган илоҳ Озарни, дин пешволарини ва бошқа илоҳларни, борлиқни улуғлаш ўз аксини топган. Парчаларга мурожаат қилайлик; “**Эй Ахура Мазданинг ўғлони Озар! Хушнудлик бўлсин сенга, эй Озар - Ахура**

Мазданинг ўғлони; олқиш, ҳамд-сано ва офаринлар!” ҳам айнан Ясна қисмида олқишланади. Зардушт эзгуликларнинг бу уч турини олқишлаб эзгуликнинг зидди бўлган *ёмон фикр*, *ёмон сўз* ва *ёмон амал* (Авесто...,80-б.)дан юз буришини айтади. Зардушт бу максадларини аён қилар экан, ўзининг маздопараст, зардуштий, девлар душмани ва ахуравий эканини ўрни-ўрни билан гаькидлайди.

Яснада зардуштийлар илоҳларни улуғлаб, уларга олқишлар айтадилар, инсоннинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган егулик, ичгулик ва бошқа нарсаларни ҳам улуғлайдилар, жумладан, сувлар, гиёҳлар, яйловлару ўтин-чўплар, тоғларга, шунингдек, адолатга, Зардуштнинг одиллигига азалий нурга олқиш айтадилар. “**Мадҳ эгаман жойлар. Қишлоқлар, яйловлар, сувлоқлар, хонумонлар, сувлар, ерлар, гиёҳлар, замину осмон, покиза бодлар, юлдуз, ой, кўш...** ашаван эрлар ва аёллар ҳамда жамики рад ашаванларни” (85-б). Шунингдек, бу мадҳиялардан кейин ҳар турли нарсаларга, жумладан, ўтин ва тутунга, хувмга ва ҳавм сувига, *эзгу фикр*, *эзгу сўз* ва *эзгу амалга*, “Мазда яратган энг яхши сувлар барча-барча сувлар ва жамики гиёҳларни шарафлашни ” истайди (90-92-бетлар). Бу ҳамду санолар ва олқишлар билан бирга, хушнудлик бўлсин дея тилак ҳам билдирадилар. Бу олқишлар орқали зардуштийлар кундалик фаровон ҳаётни, меҳнатни ва ўзларининг раҳнамоси Зардуштни улуғлаганлар, деган фикрни келиш мумкин. Зотан, Зардушт ўз таълимотини яратиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда илк бор чорвадору деҳқонларнинг, қунармандларнинг манфаатини ҳимоя қилди. Қолаверса, зардуштийлик диний-фалсафий оқим сифатида ҳаётга яқин бўлиб, инсониятга фақат панд-насихат қилиш билан чекланиб қолмасдан, кундалик турмушнинг фаровон бўлишига ҳам йўл кўрсатди, инсониятга шулар ҳақида ўғитлар берди. Шу боис ҳам бу диний-фалсафий оқимларни тарғиб қиладиган ёзма асарлар узоқ асрлар давомида пайдо бўлди, халқнинг қарашлари, удумлари, ақидалари бу матнларнинг ёзма асар сифатида пайдо бўлишида таянч вазифани бажарди.

Жамшид ҳақидаги афсона. Яснада олқиш ва ҳамду санолардан сўнг Жамшид ҳақидаги афсона келади. Астуманд оламида яшовчи инсонлар орасидан Йима (Жамшид)нинг отаси Вайвангхон ҳавм деган ўсимликни сиқиб, ундан сувини олади.

Бунинг эвазига фарзанди Йима дунёга келади. Йима Жам, Жамшид деб ҳам юритилади. Афсонада айтилишича, Жамшид яхши сурувлар эгаси, одамлар орасида энг эътиборлиси, ниҳоятда гўзал бўлиб етилади. Жамшид ҳукмронлиги даврида одамзод ҳам, бошқа жонзотлар ҳам абадий яшайдиган, ўт-ўланлар, дарахтлар ҳам қуримайдиган бўлди, инсон ва ҳайвонлар учун емиш мўл-кўл эди. Жамшид ҳукмронлиги пайтида на киш, на жазирама иссиқ, на кексалик, на ўлим, на девлар бор эди. Ота ва ўғил бир-бирига ўн беш яшар йигитчадай кўринарди.

Шундан кейин Вайвангхоннинг ҳавм ўсимлиги сувидан Отбийн деган одам ичди ва Фаридун ўша одамдан туғилди. Фаридун Ажи даҳокни мағлуб қилган қаҳрамондир. Учинчи бўлиб ўша ўсимлик сувини Сом хонадонидан Атраг деган одам ичган эди, ундан Гершасп туғилди. Гершасп эса шохли аждаҳони ўлдиради. Гершасп чошгоҳ пайти темир ўчоқда аждаҳонинг кўкрагида овқат пишираётган эди. Иссиқлик таъсиридан аждаҳо қаттиқ қалқиб кетади ва ўчоқдаги қайноқ сув тўкилади. Гершасп эпчиллик билан ўзини четга олади ва аждаҳони ўлдиради. Тўртинчи бўлиб эса бу ўсимлик сувидан Пурушаспа деган одам ичди ва ундан маздопарастлик динининг асосчиси Зардушт туғилди.

Ўсимлик култи афсонавий эпик руҳни пайдо қилди. Бу шунчаки афсона эмас, балки “Авесто”нинг бадий асар сифатида пайдо бўлиши учун истифода этилган деталлардан биридир. Вайвангхон ўсимлиги суви мифологик мазмунга эга бўлгани учун мукаддас тушунчаларни ва қарашни ифодалайди. Ўсимлик суви образи оналик уруғининг ибтидоси вазифасини бажаради.

Ҳавм ўсимлиги олқови ва ҳамду саноси Ясна қисмида кўп ўрин эгаллайди. Биргина ҳавм ўсимлиги тимсолида “Авесто” инсон ва табиат ўртасидаги қадимий тасаввурларни гавдалантиради. Зардушт ҳавми олқишлаб, унинг ҳаққонийлигини, дармонбахшлигини мадҳ қилиш баробарида, бадкирдорларни йўқ қилиш учун ундан мадад сўрайди.

Зардушт ҳавмдан қуйидагиларни мурувват билан ато қилишни сўрайди: биринчиси – ҳавм инсониятга мунаввар жаннат ато қилсин, иккинчиси – Зардуштга саломатлик бахш этсин, учинчиси – Зардуштга узок умр ато қилсин, тўртинчиси – Зардуштнинг муроди ҳосил бўлиб, ер юзига жасорат ва шод-хуррамлик билан оёқ кўйсин, бешинчиси – Зардушт жангту жадалларга, иғво, фитналарга

барҳам берсин, олтинчиси — ғоратгар, йўлгўсар, қароқчилар ва бўрилар тажовузидан ҳар доим огоҳ қилсин .

Яснанинг диққатни жалб қиладиган жиҳатларидан яна бири шуки, дин пешволари Зардушт сингари тимсолга эга бўлиб, алқов ва ҳамду сано айтадилар. Жумладан, Яснада буюк дин арбобларидан Завт тимсоли алоҳида ўрин эгаллайди. Завт — энг буюк дин пешвосининг унвони бўлиб, у муҳим маросим ҳисобланган “язишна” (олқишлов)ни бошқариб туради. Маросим чоғида етти руҳоний мўбадга раҳбарлик қилади. Улар бевосита завт амрларини бажарадилар. Завт мақомининг нақадар буюклиги ҳақида “Бундаҳшин”да қуйидагилар ёзилган: “Қиёмат куни Ахриманни ҳалок қилиш учун язишна маросими ўтказилади. Бу маросимда Ахура Мазданинг ўзи “Завт” вазифасини ўз зиммасига олади.” Шунингдек Зардушт ҳам гоҳларда ўзини “кўшиқчи” деб атайдди. (Авесто., 608-б)Завт ҳавм ўсимлигини таъриф-тавсиф қилар экан, у ҳам “Авесто”нинг бутун моҳиятини ташкил қилган бешта хусусият ҳақида сўзлайди: “Беш нарсага боғланганман. Беш нарсдан чекинганман. Эзгу фикрга боғланганман, Ёвуз фикрдан чекинганман. Эзгу каломга боғланганман. Ёвуз каломдан чекинганман. Эзгу амалга боғланганман. Ёвуз фикрдан чекинганман. Бўйинсунгувчига боғланганман. Бўйин тоблагувчидан чекинганман. Ашаҳ — Ҳақиқатга боғланганман. Ёлғондан чекинганман” (54-бет).

Завт образида ҳам комил инсонга хос аломатларни, ер юзига фақат инсонлик ва фаровонлик олиб келадиган зотни кўраман. Завт бундай мақсадларни амалга оширишда маздопарастликка таянади ва уни асосий қуроли қилиб олади. Унинг шиори — маздопараст, зардуштий бўлишни истайди, эзгу ниёт билан фикр қилмоқни, эзгу сўз билан сўзламоқни, эзгу амал билан иш қилмоққа рози. У жанг-жадалларни, уруш аслаҳаларини бартараф қилиб, инсонлар ўртасида қариндошлиқ ришталарини пайванд қилмоққа фармон берадиган маздопарастлик динига ишонади ва ҳ. Хуллас, “Авесто”нинг асосий шиори бўлган фикрда, сўзда ва ишда эзгулик аён бўлиб туради.

Завт образи биладан бирга, Роспий ҳам дин пешволари образларидан биридир. Роспий саккиз нафар дин пешволарининг (мўбад) еттинчидир. Қадимда “язишна” маросимини уюштиришда Роспийлар иштирок этганлар. Роспий сўзининг

маъноси “кўшувчи, омухта килувчи” бўлиб, маросим чоғида у етинчи қатордан жой олиб, ҳавмни сут, сув ва завр билан омухта қилган. Бу турдаги олқиш маросимларидаги барча расм-русм ва амаллар иккала дин пешвоси – Роспий ва Завт зиммасидадир. Роспий ҳам, худди Завт сингари вазифа бажаради – ўлимни узоклаштирадиган ҳавм ўсимлигини “илдизларинг, тананг ва шохларинг билан хуш бўл”, дея дуо қилиб олқишлайди.

“Ясна”нинг бир неча бобларида сувга мадҳия айтилади. Бир ўринда Зардушт томонидан сувга мадҳия айтилса, бошқа ўринларда сув дин арбоблари томонидан олқишланади. Жумладан, дин арбобларидан Роспий 38, 68-хотларда сувларга ҳамду сано айтар экан, сувга нафакат моддий, айна пайтда руҳий маъно юклайди: “Эй сувлар! Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз. Биз сизларни эъзозлаймиз. Сизларни, эй яхши сувлар, хушнудлик бағишлагувчи Ахура Мазда инъом айлаган исмлар билан олқиш этамиз. Ўша номлар воситасида сизларни мадҳ этамиз. Ўша исмлар воситасида сизлардан дўстлик орзусидамиз. Ўша номлар билан намоз келтирамиз” (161,200-б.). Бу парчадан кўришиб турибдики, сув поклик тимсоли сифатида яратилган жамики нарсаларни покловчи восита ва шу боис ҳам ҳар қанча олқишларга сазовордир.

Вандидод. “Вандидод” дафтари “Девларни узоклаштирувчи қонун” ёки “Девларга қарши низом” маъносини ифодалайди. Дафтарнинг номидан кўришиб турибдики, Ахура Мазда ҳам, унинг ер юзидаги элчиси Зардушт ҳам, шунингдек, Жамшид (Жам) ҳам жамики тирик жонни ва наботот оламини Ахримандан ва ёвуз қучлардан ҳимоя қилиши керак. “Вандидод”нинг ибтидосида ҳикоя қилинишича, Мазда Ахура ўн олти сарзамин ва гўзал юрт бунёд қилди. Ахриман эса ана шу гўзал юртларни вайрон қиладиган ёки ўша юртларга зарар келтирадиган ёвузликларни, зулматларни ва хларни яратади. Масалан, Ахура Мазда бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Балх ва Марв оралиғидаги Нисояни яратганини айтганда, “Шундан сўнг бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман келди-да, душманликдан умидсизлик ёзуғларини яратди” (216-бет). Ахура Мазда яратган ўн олти гўзал юртнинг зиддига Ахриман ўн олти хил ёвузликни ўйлаб топади. Ниҳоят Ахура Мазданинг ва Ахриманнинг яратиклари баёнидан кейин Зардушт Ахура Маздадан, мендан бошқа яна қимлардан ҳол-аҳвол сўрадинг, Ахура

ва Зардушт динини кимга ошкор қилдинг, деб сўрайди. Ахура Мазда Зардуштнинг саволига жавоб берар экан, куёш юзли, гўзал киёфали Жамдан ҳол-аҳвол сўраб, Зардуштнинг динини унга ошкор қилганини айтади.

Жам – “Авесто”да Зардуштдан кейин турадиган иккинчи шахс. Зардушт ер юзида маздакийликни ёювчи биринчи зот бўлса, Жам заминга фаровонлик олиб келган илк подшоҳ, ер юзидаги жамики инсоният ва жонзотларнинг ҳомийсидир.

Ахура Мазда билан Жам ўртасидаги суҳбат “Ясна”даги Жам ҳақидаги афсонанинг давомидир. Жам – зардуштийликни тарғиб қилувчи эмас, балки Ахура Мазданинг амрига кўра, ер юзининг подшоҳи бўлишни афзал билади. У Ахура Маздага шундай ваъда беради: “Мен сенинг жаҳонингга кенглик бахш этаман. Мен сенинг жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўламан. Менинг салтанатимда на совук бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на ўлим бўлади” (219–*бет*).

“Ясна”даги Жам афсонаси воқеалари баёни “Вендидод”да узлуқсиз, изчил давом этади. Воқеалар давомида ер юзига ҳайвонот ва паррандалар, инсонлар сиғмай қолганидан Ахура Мазда Жамни огоҳ этганда, Жам заминнинг жануб томониغا ҳаво пуркаб, ер юзини қамчи билан савалади. У Ахура Маздадан “шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла”, дея илтижо қилади. Замин кенгайиб, ҳайвонлар ва инсонлар маскан қиладиган жойлар пайдо бўлиб, кенгайиб бораверади. Аммо “ўшанда Жам салтанатига олти юз зимистон бостириб келди. Ер юзи сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, паррандаю даррандалар ва куйдиргувчи кизил оловларга тўлиб кетди. Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сиғмай қолишди” (220–*бет*). Яна ер юзи торлик қилиб қолгач, Ахура Мазданинг амри билан Жам, яна илгаригидай, заминни кенгайтираверади ва бу бир неча марта давом этди.

Аммо ер юзига ўлат сингари қаҳратон киши келиши ҳақида Ахура Мазда Жамни огоҳлантиради ва ер остига бино қуриб, кўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдирувчи кизил олов уруғларини у ерга олиб боришни амр этади. Ахура Мазда инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, мевали дарахтлар йўқ бўлиб кетмаслиги учун жуфт–жуфт қилиб, ўша ер ости биносига олиб

киришни буюради. Зотан, Ахура Мазда – эзгулик, фаровонлик, яхшилик худоси, ер юзига эзгулик Ахура Мазда оркали келган.

Эзгу ва ёвуз кучлар ўртасидаги кураш ҳар доим ҳар қандай вазиятда бўлиб келган. Эзгулик бор экан, ёвузлик ҳар вақт унга зимдан зарар етказиши муқаррарлиги “Вендидод”нинг ана шу лавҳаларидан аниқ намоён бўлади.

Шунингдек, Ахура Мазда яратувчи илоҳ сифатида меҳнатни, ободончиликни кашф қилди. Инсонлар курук тупроқни юмшатганларидек, Ахура Мазда Жамга ерни товони билан эзгилаб, кўллари билан шудгор қилишни ўргатади. Ахура Мазда нимаики амр этган бўлса, Жам ҳаммасини бажариб, ер юзидаги ҳаётни ер остида ҳам барпо қилган биноларда давом эттирди.

Шу ўринда “Авесто”даги қаҳратон киш афсонаси Шумер миҳхатларида сақланиб қолган Тўфон воқеасини, Мусонинг “Ибтидо” ва Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” китобларидаги Тўфон афсонасини ёдга солишни таъкидлашимиз лозим. Нух пайғамбар ҳам, Тўфон бошланишидан олдин, худди Жам сингари, ҳамма ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларнинг жуфтидан кемага олиб киради ва Тўфондан сўнг ер юзида ҳаётнинг давом этишига сабабчи бўлади. Зотан, Тўфон афсонасини илк бор ёзма равишда сақлаб қолган Библиянинг Эски ва Янги Аҳд китоблари воқеалари бу даврда Марказий Осиёнинг турли худудларига ёйилган эди.

Вандидод – инсоният фақат фаровон яшаши учун яратилган зот эканлигидан, яратилган ҳамма нарсалар инсониятнинг фароғати учун аталган эканлигидан хабар беради. Инсон бахтиёр яшайдиган бахтиёр ўлкаларнинг бир қанчаси ҳақида Ахура Мазда Зардуштга айтади. Бу ўлкаларнинг биринчиси - “кўлда покиза ўтин, ҳавонча, янги соғилган сут тутган” заминдир. Иккинчиси – шундай ўлкада “сигир галаси яхши парвариш қилинади, хўраки тевалар фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб, уй бекаси бахтиёр, фарзанд шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради” (226-бет). Шу тарика инсоннинг бахтиёр яшаши учун асос сифатида яна уч турли замин ҳақида айтилади. *Биринчиси*, буғдой экилган, сув чиқарилган ва дарахт кўкариб турган, суғориладиган ва шудгор қилинган замин; *иккинчиси*, қўйлар ва туялар кўп парвариш қилинадиган замин; *учинчиси*, сернасл қўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир.

Марказий Осиё чорвачилигида транспорт воситасида фойдаланиладиган туячиликка алоҳида эътибор берилётгани ўша

даврда худуднинг иқтисодий ҳаётини ривожлантирган омилларни ҳам кўрсатади. Ана шу бешта фазилатнинг акси - ғам-ғуссага гирифтор бўлган беш маскан ҳақида ҳам алоҳида баён қилинади. Инсониятга тамомила бефойда, шу билан бирга, зардуштийлар эътиқодига тамомила зид бўлган масканлар қуйидагилардир: *биринчиси*, мифологик тоғ Арзивар - дўзахдан чиққан девлар йиғиладиган маскан; *иккинчиси*, одамлар ва итларнинг жасадлари тупроққа кўмиладиган жойлар; *учинчиси*, одамларнинг жасадлари калаштириб кўмиладиган дахмалар; *тўртинчиси*, Ахримандан яралган махлуклар ин курган макон; *бешинчиси*, ғуборли кўчада ўлдирилган тўғри одам ортидан хотини ва фарзандлари оху фиғон чекиб бораётган жойдир. Заминни булғгани учун инсонга бериладиган жазо, турмуш гарзи ҳақидаги қонун-қоидалар "Вендидод"нинг муҳим қисмларидандир.

Ахура Мазданинг яхши ва ёмон масканларга берган бу баҳоси остида фақат реал ҳаёт ҳодисаларини кўрамай. Айрим тимсоллар мифологик мазмун касб этса ҳам, реал воқеликка ва реал борлиққа боғланган.

Ўз навбатида заминнинг бахтиёрлиги маълум бир инсонга, энг муҳими, онгли ҳаёт кечирадиган инсонга боғлиқ. Заминни ҳамма инсон ҳам бахтиёр қила олмайди. Меҳнатқаш, ерга меҳр қўйган инсонгина бахтиёр қила олади. Зардушт "Заминни ҳаммадан кўп ким бахтиёр қила олади?" деган саволга Ахура Мазда шундай жавоб беради:

"У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир. У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир. Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол киздир. Бу киз фарзанд кўриш ва яхши ёстикдошга интиқдир. Кимда-ким заминни чап қўли билан, ўнг қўли ва чап қўли билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза кизга ўхшайди. Бу киз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстикдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл меваларини инъом этади. Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди: - Эй мард! Эй мени чап ва ўнг қўли билан шудгор қилган зот! Одамлар ҳаммаша бу ерга келадилар ва нон

сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман”(229-230-бетлар).

Нафақат фаровонлик ва иктисодий ривожланиш, балки энг қадимги агротехника қондалари ҳам бу парчада ўз ифодасини топган. Бу парчани қадимги халқ оғзаки ижодидаги меҳнат кўшиқларининг бир намунаси деб айтиш мумкин. Меҳнатга эзгу муносабатнинг маҳсули илк халқ кўшиқлари намунасини юзага келтирди. Ёки қуйидаги парча ҳам меҳнат – ҳар қандай ёмонликка барҳам берадиган, ёвузликларнинг олдини оладиган омил экани уқтирилади. Булар илоҳий каломдир:

Кимда ким буғдой экса, у Ашаҳни (Ҳақиқатни) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар дахшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди (231-бет).

Ушбу парчадан кейин руҳонийларга вазифа юкланади – улар юқоридаги илоҳий каломларни халққа ўргатсинлар

Инсоннинг эзгу ва ёвуз табиати албатта меҳнатга муносабатида кўринади. Инсоннинг ёвуз табиати, шубҳасиз, уни ҳалол меҳнатдан узоқлаштиради, ерни қаровсиз қолдиришга олиб келади. Шундай кимсаларга карата замин шундай дейди: “Сен бегоналар эшиги олдида нон истовчилар билан бирга бўлурсен. Кўзларинг йўл кўради. Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар” (230-бет). Заминнинг инсонга бу таънаси гўё лаънатни, қарғишни эслатади. Инсоннинг чинакам киёфаси, ҳаётий ҳодисалар, реал воқеалар тасвири юқоридаги ҳар икки парчада ўз ифодасини топган.

Она заминни пок тутишга оид удумлар. “Вендидод”нинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, биринчидан, она замин инсонни боқади, тўйғизади, алалоқибат, соғлом фарзандлар дунёга

келтиришда асосий омил: иккинчидан, ана шу вазифаси учун ҳам она заминни пок тутиш талаб этилади. Жумладан, Зардушт Ахура Маздадан, одамлар ва итлар жасадини тупроққа топшириб, олти ойгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нима бўлади, деб сўраганда, Ахура Мазда, беш юз қамчи уриш билан жазолансин, деб жавоб берди. Агарда бир йилгача ўша жасадларни кўмган жойидан олмаса, минг қамчи уриш билан жазолансин, деган конунни берди. Зардушт, икки йилгача жасадларни ердан олмаса, ундай одамларга жазо қандай бўлади, деб сўраганда, Ахура Мазда шундай жавоб берди: Бундай гуноҳкорликка бирон бир жазонинг имкони йўқ. Аммо шу ишни қилган одам қаттиқ пушаймон бўлса ва қайтиб бундай ноараво қилмишларга қўл урмаса Мазда унинг гуноҳларини афв этади.

Мазда дини жасадни тупроққа топширишни афв этади. У мурдани тупроққа топшириш нораво эканини билади, аммо унинг гумонича, агар шундай қилмаса, итлар ёки шоқоллар мурдани торткилаб сувга ёки оловга ташлашлари мумкин. Шу гумони натижасида жасадни тупроққа топширишни ҳақ иш деб билади. Хуллас, Мазданинг дини одамлар истар-истамас қўлларини булғашлари мумкин бўлган гуноҳларни афв этади.

Мазданинг дини ҳатто ўғриларни ҳам кечиради. Ўғирлик гуноҳ эканини билади, бироқ бадавлат одамнинг молини ўмариб, уни камбағалларга беришни мардоналик, ҳақ иш деб билади.

Мазданинг дини қотиллик қилган одамни кечиради. Қотил биладики ўлимга муносиб одам қатл қилиниши керак. Бироқ бундай амал ҳакамнинг амрисиз бажарилмаслигини билмайди.

Кимки қарзни ўз вақтида эгасига қайтармаса, ундай одам ўғирлик қилган ҳисобланади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники деб хаёлидан ўтказса, унинг бу хатти ҳаракати омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир.

Шундан кейин Зардушт Ахура Маздадан қасам ҳақида савол беради ва Мазда олти қасам тури, қасамга риоя қилиш, қасам бажарилмаган тақдирда тўланадиган товонларнинг ижросини беради. Қасам сув ва ёниб турган олов олдида бузилса, қасам ичган одамнинг гуноҳлари кечирилмайди (244-б)

Булардан ташқари, бировни уриб қонини оқизган кимса учун тўксон қамчи, бировни уриб суягини синдирган одам учун ҳам

тўқсон камчи жазе бериш зарурлиги ҳақидаги қонун ҳам аслида қадимдан давом этиб келган удумларнинг бир кўринишидир.

Умуман, “Вендидод”даги парчалар, удумларга ва қундалиқ турмушга оид инсониятни ёки жамики жонзотларни қомиллик сари етакловчи омиллар сифатида хизмат қилган. Бу жиҳатдан “Олтун ёруғ”да Будданинг ўғитлари ёки буддавийлик ақидалари билан “Авесто”да Ахура Мазда ва зардуштийлик ақидаларининг ҳамоханлиги қадим тафаккур тарзининг уйғунлигидан далолат беради.

Яшлар тўртинчи дафтарни ташкил қилади. Дафтар **Ахура Мазда қасидаси** билан бошланади. Қасида Ахура Маздани шарафлаш ва Ахриманни даф қилишга даъват билан бошланади: “Шод бўлсин Ахура Мазда ва даф бўлсин Ахриман <энг сазовор ирода Ҳақиқат қушойиши ила> (324-бет). Ахура Мазданинг исмлари ана шу қасидада бирма-бир айтилади.

Зардушт ва Ахура Мазда ўртасидаги савол-жавобдан аён бўлишича, Ахура Мазданинг кўп исмлари бор. Бу исмлар албатта, Ахура Мазданинг маълум бир қирралари билан боғланган ва унинг фаолиятига мос тарзда танланган: Сўровчи, Матлуб, Қудрат, Ҳақиқат, Эзгулик, Ақл, Таълимот, Муаллим, Авлиё, Муқаддас, Ахур, Қудратли, ва х. Ахура Мазданинг яна бошқа исмлари маъзур қасиданинг давомида келтирилган. Ахура Мазданинг исмларига изоҳ тариқасида, унинг танҳолигини, ҳар нарсага қодирлигини кўрсатиш мақсадида келтирилган исмларни Зардушт ёйишига даъват қилади. Қасида давомида Ахура Мазда бир неча марта Зардуштга тавалло қилиб, фақат эзгуликларни ва эзгу инсонларни ҳимоя қилишни сўрайди. Ахура Мазданинг таваллосидан сўнг Зардуштнинг Ахура Маздага юқунчи ва ҳамду саноси бошланади.:

“Оҳ Зардушт, асрагил асрлар оша
Вафодор эрларни хоин ёвлардан,
Асрагил ростларни зиён захматдан
Асрагил ғорат қилмасин улар,
Асрагил илоҳий низом аҳлини,
Бизларни, барҳаёт Авлиёларни,
Асрагил, энг мўъжаз қурбонликларни
Энг улуғ қурбонлик дегувчиларни” (331-бет).

Зотан, Ахура Мазданинг ҳаммадан юксаклигини, унинг нажоткор эканини, ғанимларни ва инс-жинсларни махв айлайдиган қудратли куч эканини Зардушт билади. Ахура Мазданинг муқаддас исми ҳамма табаррук ибодат каломларидан ҳам қудратли ва хузурбахшдир. Шу боис ҳам унинг исми ҳар қанча ҳамду саного лойиқ. Зардушт Ахура Маздани қуйидагича мадҳ қилади:

Санолар айтурман асли саного,
Санолар айтурман дуолар ҳаққи,
Санолар айтурман шиддат, қудратга,
Ахура Маздага, саховаткорга (331-бем).

Зардуштнинг бу ҳамду саноси Ахура Маздага айтилган жамики олқишларнинг хотимасидай жаранглайди.

Ардвисура Анаҳита қасидаси ҳам ўзига хос бўлиб, сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардви (“қудратли”) ва Анаҳита (“ғуборсиз, покиза”) исмларидан ташкил топган. Қасида 30 бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг Зардуштга қарата: “Сен мен учун Ардвисура Анахитани, Шарафлагил, Спийтмон Зардушт” деган накороти билан бошланади. Қасида бошдан охиригача Ардвисура Анахитанинг қудрати тавсифидан, унга келтирилган қурбонликлар баъидан, Ахура Мазданинг Ардвисура Анаҳитага берган тифрифидан, Зардушт ва Ардвисура Анахитанинг суҳбатлиридан иборат. Шунингдек, қасидада руҳоний Заотар образи ҳам Ҷрни-Ҷрни билан намоён бўлади.

Қасида бошқа қасидаларга нисбатан ҳажман катта бўлиб, Ардвисура Анахитанинг барча фазилатларини ва вазифаларини мадҳ қилади. Айниқса, Ардвисура Анахитанинг қуйидагича муболағали тасвири диққатга сазовор:

Қундуз пўстин кийгандир у,
Ардвисура Анаҳита,
Уч юз қундуз терисидан
Тикилгандир қачонлардир.
Бокқан кўзни тиндирувчи
Олтин, қумуш тусда порлар унинг мўйнаси (362-363-бем).

Куёш маъбуди, яйловлар сохиби Митра қасидасида адолат ва адолатсизлик, садоқат ва хиёнат, эътикод ва эътикодсизликнинг бу ҳаётда содир бўлиши ва Митра бу ҳаётдаги ҳар қандай иллатларга қарши аёвсиз курашчи этиб тасвирланади. “Уни ҳеч ким алдаёлмайди, ҳеч ким йўлдан чалғитолмайди”, дейилади дафтарда. Митранинг тамойили шундай: каззобларни, лафзсизларни, хиёнаткорларни кечирмайди. Унинг учун чинакам зотлар бор:

Ул сўзида собитларни,
Лафзи ҳалол кимсаларни
Фалокатдан сақлағайдир,
Ҳалокатдан сақлағайдир (373-бем).

Митра – жасоратлилиги, ўз аҳдига содиқлиги билан ажралиб туради. У девларнинг қалласини мажақлашга, эътикодсиз, аҳдида турмайдиганларни жазолашга қодир, ёлғончи, субутсизларга шафқатсиз, афсунгарларни йўқ қилиб ташлайди. Митрага сиғинганларнинг мамлақати дарвозаларини мустаҳкам қилади, одамларнинг ҳаёти фаровон бўлишини таъминлайди, уларга сурувлар инъом қилади, у яхшиларга – яхши, ёмонларга – ёмон. Каззобларни бор нарсасидан маҳрум қилади. Митрани тан олмаганларга шундай ғазабини сочадики, уларнинг яйловлари ғазаб билан тўлиб-тошади. Уни тан олганларга эса заррача зарар етказмайди. Митра етиб борган мамлакатларнинг водийлари ва яйловлари подага тўлади, одамлару жониворлар ўша мамлакатда эмин-эркин яшайди. У чексиз қудрат сохиби, улғувор илоҳдир. Шу боис:

Биз Митрани эъзозлаймиз,
Талвасага тушар олдида
Еру осмон иблис, девлари
Ва ёлғончи гуноҳкор жонлар...(395-бем)

Уруш ва Ғолиблик илоҳи Вартрагнага бағишланган қасида ҳам бор. Вартрагна Зардушт қошида ўн марта пайдо бўлади ва ҳар сафар пайдо бўлганда, бошқа-бошқа қиёфада зоҳир бўлади: шамол қиёфасида, олтин шоҳли новвос, оппоқ учқур тулпор, бўрон сингари нортуя, қобон, ўн беш ёшли йигитча, мифологик Варагни

қуш, тоғ кўчқори киёфасида, ёввойи эчки ва ниҳоят, ажойиб эр
Пинг киёфасида. Ҳар бир киёфага кирганда, у қудратли бўлади, уни
ҳеч ким ўлдиролмайди.

Бу дафтарда саховатли тақдир ва бахт маъбудаси Аша қасидаси,
бахт ва қудрат соҳиби Ҳуварнога бағишланган қасида ҳам бор.

Яшт дафтарига кирган Етти кичик қасидада Мазда яратган
билим ўргатиш ва ўрганиш, Мазда яратган сувлар ва ҳ.лар
олқишланади. Ундан кейин келган Етти буюқ қасидада эса икки
олмади ҳам энг гўзал бўлган фикр, қалом ва амал, бир қатор илоҳий
ва мифологик қаҳрамонларга ҳамду сано айтилади. Яшт
дафтаридаги Хурдод, Ой, Тиштар ва б. бир қатор қасидалар ҳам
бор.

Виспарад. Виспарад – бешинчи дафтар бўлиб, 24 бобдан
иборат. Асосан, жамики олам пешволарини мадҳ қилади. Айрим
Уришларда Занг ва Распий биргаликда олқиш айтсалар, айрим
Уришларда Ҷ Занг ёки Распий олам пешволарига олқиш айтадилар.
Бу дафтарнинг умумий моҳияти, бутун олам Худоники деган
таълимотни илгари суришдан иборат.

“Кичик Авесто” ёки “Хурда Авесто” олтинчи дафтар деб
юритилади. Бу дафтар “Авесто”нинг умумий мундарижасини
ифодалайди ва бугунги кунга етиб келган “Авесто”нинг
бўлимларидан бири. “Кичик Авесто” асосан, зардуштийларнинг
кўндузги тоат-ибодатлари, дуо ва алқовларидан ташкил топган.
Жумладан, дастлабки уч алқов Ахура Мазданинг Ашах – Ҳақиқат
ни олам Ҳукмдори экани, Ҳақиқат нурлари остида энг гўзал
имилларни бажарувчилардан огоҳ экани ҳақида бўлиб, дарвишларни
асраш учун Зардуштни танлаганини айтади. “Белбоғ боғламоқ
дуоси” қисмида Позанд деган дин арбобларидан бири Маздага
ҳамду сано айтади ва гуноҳлари учун тавба қилади. У Ахура
Маздага шод-хуррамлик ва Ахриманга мағлубият тилайди.
Ахуранинг ҳамма хоҳиши бажо бўлишини истайди. “Авесто”нинг
асосий шиорига ишонишини баён этади. Бу шиор қуйидагилардир:

“Мен эзгу андиша билан андиша юритганга ишонаман. Мен
шу сўз сўзлаганга ишонаман. Мен эзгу амалнинг амалига
ишонаман. Мен маздонарастилик динига ишонаман, зеро у қурол
ушланганга чанг солади ва уни бирёқлик қилади; у қон-қардошлик
робиталарини мустаҳкамлайди. У шу қадар пок диндирки, ҳозирги

ва кейинги келадиган динлар орасида энг улуғи ва энг яхшисидир. Ахуравий, Зардуштий дин” (595-бет).

“Суруш бож” дуоסי ҳар куни бомдод маҳали, уйкудан тургач ўқиладиган машҳур маздопарастлик дуоларидандир. Дуонинг мазмуни— Позанд гуноҳлари учун тавба қилади, маздопараст, зардуштий ва девлар душмани эканини таъкидлайди, илоҳларга ҳамду сано айтади, Сурушни олқишлайди, ғанимлар адоватидан асрашни Mazda ва Зардуштдан сўрайди ва х.

Умуман, “Авесто” китоби Марказий Осиё халқлари ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган. Ўлка халқлари бадий тафаккурининг чексиз имкониятларга эга эканини кўрсатадиган ёзма адабиёт намунаси сифатида ҳам қимматли ёдгорликдир.

Савол ва топшириқлар

1. “Авесто”нинг пайдо бўлишига оид омиллар ҳақида сўзланг.
2. “Авесто” ҳақида Беруний қандай маълумотларни берган?
3. Заддуштийлик таълимотининг моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
4. “Ригведа” ва “Авесто” ўртасидаги қариндошлик алоқалари ҳақида сўзланг.
5. Гоҳларнинг моҳияти нималардан иборат?
6. Яснанинг моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
7. Вендидоднинг моҳияти нималардан иборат?
8. Яштларнинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?

УРХУН-ЕНИСЕЙ ЁЗУВИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Турк хоқонлигининг ташкил топиши. Турк хоқонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият

Режи:

1. Турк хоқонлигининг ташкил топиши ҳақида қисқача маълумот.

2. Турк хоқонлиги ва Эрон ўртасидаги муносабатлар.

3. Турк хоқонлиги билан Шарқий Рум давлати ўртасидаги муносабатлар.

4. Урхун-Енисей ёдгорликлари – қадимги туркий адабиётнинг намунаси.

5. Кул тигиш битигтоши.

6. Кул тигиш битигтошида хоқонлар образи.

7. Билга хоқон битигтоши.

8. Тўнюкүк битигтоши.

9. Моюн чур ва Кули чур битигтошлари.

10. Енисей ёзма ёдгорликлари.

Калит сўз ва терминлар: ёдгорликлар, турк хоқонлиги, жужанлар, оқ хунлар, сосонийлар сулоласи, урхун ва енисей ёзуви, Кул тигиш битигтоши, Билга хоқон битигтоши, Тўнюкүк битигтоши, жанрлар.

Урхун-енисей ёзма ёдгорликларининг топилиш тарихи, бу ёдгорликлар юзасидан XVIII-XIX асрларда бўлиб ўтган мунозаралар, бу ёдгорликларнинг ўқилиш тарихи тўғрисида жаҳон туркийшунослари, жумладан, ўзбек олимлари ҳам катор ишларни амалга оширганлар. Биз бу ўринда қадимги туркий ёдгорликларнинг яратилишига сабаб бўлган тарихий шароит ва маданий муҳит тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Маълумки, турк хоқонлиги барпо бўлмасдан олдинги Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий тарихи жужанлар (манкуртлар) тарихи билан ҳам боғлиқ. Лекин унғача ҳам туркий қавмлар Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида хонликларга уюшган, сиёсий жиҳатдан эса тарқоқ ҳолда яшардилар. Бу қавмларни жужанлар темир куроллар ясашга, турмушда керак бўладиган ашёлар ясашга

мажбур қилардилар. Жужан хонлари туркий қавмларни “темарчи кулларим” деб ҳақоратлардилар. Жужанлар асоратидан қутулиш учун 535 йили бошланган ҳаракат 545 йилга келиб кучайди. Туркий қавмлар ғарбий Тўба сулоласи билан ҳамкорликда жужанларга қарши курашга отландилар. Лекин жужанлар билан уруш бошлаш учун бир баҳона керак эди. Ашин уруғининг йўлбошчиси Бўмин жужанлар хони Айнағайнинг кизига совчи жўнатди. Бўминнинг хатти-ҳаракати Айнағайга ҳақорат бўлиб туюлди ва Бўминнинг элчилари орқали унга ҳақоратомуз жавоб берди. Бўминга айнан шу жавоб керак эди. Бўмин вақтни қўлдан бой бермай, жангга отланди. Тез орада Бўмин Айнағайни тор-мор қилди. Бу воқеа 551 йилда юз берган эди.

Бўмин жужанлар асоратидан қутулгандан кейин, у Турк хоқонлигига асос солди. Турк хоқонлиги жуда катта ҳудудни – Шимолий Мўғулистондан тортиб Амударёгача бўлган жойларни ўз ичига олган эди. Шунча катта давлатни марказдан туриб бошқариш қийин эди. Шу боисдан Бўмин хоқон Истамини ябғу унвони билан Турк хоқонлигининг ғарбий қисмини – Ўрта Осиё қисмини бошқариш учун жўнатди. (Ябғу сўзи ҳарбий унвонни билдиради, бу унвон Кушон империясидан давом этиб келган бўлиб, туркийлар оқ хунлар сулоласидан ўзлаштирганлар. Ябғу – ғарбий Турк хоқонлигида олий унвоннинг номи бўлиб, кўпинча ябғу қазан тарзида ҳам қўлланади. Бундан маълум бўладики, ябғу – хоқонга тенгдир.) Ўзи эса хоқонликнинг шарқий қисмини бошқариш учун Қорақурум шаҳрида маскан топди.

“Турк” деган ном Турк хоқонлиги ташкил бўлмасдан илгари ҳам туркий тилда сўзлашадиган, иркий ва урф-одат жиҳатидан бири-бирига ўхшаш ёки яқин туркий ҳамда туркийлашган (масалан, китанийлар) қавмларнинг сиёсий бирлашмасини билдирган. Турк хоқонлиги даврида бу жараён ўз расмий мақомига эга бўлди. Шунингдек, қадимги турк даврида туркий қавмлар ягона ном билан *кўк турқлар* деб юритиладиган бўлди. Кўк турк – илоҳий турк деганидир. Туркий қавмлар яратган мифга кўра, улар осмонни – ота, ерни она деб тасаввур қилганлар. Шу боис ўзларини ҳам осмон болалари деб айтардилар ва кўк турк деган мифологик ном уларнинг расмий номига айланиб қолди. Гарчи турк ёки туркий деган ном милодий V асрлардан қўллана бошлаган бўлса ҳам, ҳамма қавмлар ва халқларнинг келиб чиқиши каби, этник

жарленишиг шу даврдан бошланганини кўрсатмайди, балки туркий кинмлар қадим замонлардан бери бор ва уларнинг қавм сифатида манжуллигини ашёвий далиллар – археологик ёдгорликлар тасдиқлайди. Ўрта Осиё, Олтой, Қозоғистон каби тарихи қадим ўлкалардан топилган инсон суяклари, турмушга оид ашёлар, ёзув маданияти шундай далиллардандир.

Бўмин хоқон 552 йили оламдан ўтди. Ота вафотидан кейин, қадимги турк хоқонлиги қонунларига биноан, тўнғич ўғил Қорахон тахтга ўтирди. Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас, Қорахон ҳам оламдан ўтди. Унинг вафотидан кейин ўртанча ўғил Муған Турк хоқонлиги тахтига ўтирди.

Муған хоқон ўтган барча турк хоқонлари орасида ўзининг тайратли, ақлли, хушёр ва ҳарбий соҳада ҳам, дипломатия соҳасида ҳам тадбирли хоқон экани билан алоҳида ажралиб турарди. Шу сабабга у дунёга машҳур хоқон бўлиб донг таратди. Муған хоқон тахтга ўтирган йиллар (554-574) Кўк турк хоқонлиги қудратли бир даврга кирди.

Турк хоқонлиги ва Эрон ўртасидаги муносабатлар. Муған хоқон шарқдаги манчжур, мўғул қавмларини, қуриялик (корейс) ларни бўйсундиргандан кейин, ғарбдаги оқ хунларни итоат эттириш ҳаракатига тушди. У 554 йили Эрон Сосонийлар сулоласи шаҳаншоҳи Хусрав Ануширвонга элчи жўнатди. Борган элчилар Эрон билан Турк хоқонлигининг оқ хунларга қарши иттифокни тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу иттифокни қафолатлаш учун Истами ябғу кизи Асна бекани Хусрав Ануширвонга (531-579) никоҳлаб берди. Бу пайтда Эрон Сосонийлар сулоласи оқ хунларга қарам эди. Эрон шоҳи бу қарамликдан қутулиш учун ҳам Турк хоқонлиги билан иттифок тузишга дарров рози бўла қолди. Кўк Турк хоқонлигидек қудратли иттифокчига эга бўлган Эрон милоднинг 554 йилидан бошлаб ҳар йили оқ хунларга бериши лозим бўлган ўлпонни тўлашдан бош торди. Шу йили Эрон оқ хунларга ҳужум қилиб, Афғонистонни босиб олди. Шу йили Истами ябғу ҳам Муған хоқоннинг кўрсатмасига биноан оқ хунларга ҳужум қилиб, уларни Тарим водийсидан қувиб чиқарди. 557 йилдан бошлаб оқ хунларга қарши расман уруш бошланди. Турк қўшинлари билан оқ хунлар ўртасидаги уруш асосан, ҳозирги Афғонистон ҳудудида юз берди. Муған хоқон беш йил ичида (557-562) оқ хунлар сулоласини йўқ

килди. Муған хокон милодий 565 йили оқ хунларнинг қолган-қутганини узил-кесил йўқотиш ва хоконликнинг ғарбий чегараларини янада мустаҳкамлаш ишларини Истам ябғуга топшириб, ўзи Қоракурумга қайтиб кетди. Истами ябғу 565 йилгача оқ хунларнинг қолган кучларини йўқотди ва сулоланинг худудини Кўк Турк хоқонлигига кўшиб олди. Эрон ҳам оқ хунлар худудининг бир қисмини бўлиб олди. Истами шу уч йил давомида яна оқ хунлар худудига оид масалани Эрон билан бир ёкли қилишга ҳаракат этди. У Балхаш кўли билан Орол денгизи бўйларидан тортиб Қора денгиз бўйларигача бўлган жуда катта худудда яшаб келаётган қавмларни бирлаштиришдек тарихий вазифани ҳам бажарди.

Оқ хунлар худуди Эрон билан Кўк Турк хоқонлигининг дўстона муносабатлари бузилишига сабаб бўлди. Охир-оқибат икки дўст мамлакат бир-бирига ашаддий душманга айланди. Оқ хунлар тормор қилингандан кейин уларнинг худудига қарашли бўлган Шимолий Ҳиндистон, Тарим водийси, Ўрта Осиё Кўк Туркларнинг кўлига ўтган бўлса, Хуросон Эронга қолди. Истами ябғу бундай тақсимотга рози бўлмади. Бунинг устига, Эрон Сосонийлар сулоласи Хуросонни эгаллаб олиш билан қаноатланмасдан, оқ хунларнинг худудидан яна кўпроқ жойларни босиб олишга интилди. Бошқа тарафдан эса турклар Ўрта ер денгизи бўйларидаги давлатлардан Ўрта Осиёга, Ҳиндистонга ва Хитойга борадиган муҳим халқаро савдо йўлини, Шарқий Рум билан қилишган ҳолда эгаллаб олган эди. Эрон бу масалада озгина бўлса-да, ён беришни истамади. Бу савдо йўлининг энг муҳим нукталари Эрон худудида эди. Эрон бу савдо йўлидан кўп фойда оларди. Шунинг учун Эрон Турк хоқонлиги барпо бўлишидан олдин Ғарб ва Шарқ орасидаги халқаро савдо йўлида ҳукмронликни эгаллаб, Шарқий Рум билан доимо уришиб келган эди. Албатта, кўк туркларнинг савдо йўлига эгалик қилишларига Эрон ҳеч ҳам рози бўла олмас эди. Эрон ҳам чексиз даромаддан айрилишни, ҳам халқаро микёсдаги обрўйига путур етишни асло истамасди. Турк хоқонлиги билан Эрон ўртасидаги қелишмовчилик бора-бора жиддийлашиб, уруш хавфини келтириб чиқарди.

Истами Турк хоқонлиги билан Эрон ўртасидаги совуқ муносабатларга барҳам бериш, олдингидай ҳамкорликни ва яхши кўшничилик муносабатларини давом эттириш умидида Эронга Маниах бошчилигида яқин аъёнларини элчилар қилиб жўнатди.

Элчилар Хусрав Ануширвон ҳузурига кўп совға-саломлар – нимматбаҳо ипак матолар олиб келишди. Ануширвон аввал элчилари билан маслаҳатлашди. Вазирлар эса Ануширвонни Турк хоқонлигига қарши гижгижладилар, Турк хоқони билан илик муносабат ўрнатиш хавfli деб, алоқаларни узишга даъват қилдилар. Ануширвон вазирларининг маслаҳатларига кулоқ солиб, Турк хоқонлиги элчилари келтирган совғаларни сарой аҳли кўзи олдиди ўтга ташлаб ёндириб юборди.

Эрон ҳукмдорининг кўпол муомаласидан ранжиган элчилар Истами хоқон ҳузурига умидсизланиб қайтиб келдилар. Истами ябғу барибир вазминлик билан Эронга иккинчи марта элчилар жўнатди. Шарқий Рум тарихчиси Менандрнинг хабар беришича, иккинчи марта Эронга борган хоқонлик элчилари оғир бахтсизликка учрадилар. Хусрав Ануширвон элчиларга зиёфат берди, олдидан уюштирилган суиқасд бўйича уларнинг омакларига заҳар соддириб ўлдирди. Элчилардан уч-тўрт кишигина омон қолди, холос. Хусрав Ануширвон суиқасднинг ошкор бўлиб қолишидан кўрқиб: “Турк хоқонлиги элчилари совуқ юртда туғилиб ўсганлар, Эроннинг жазирама иссиқ ҳавосига кўника олмай, нобуд бўлдилар”, деб гап тарқатди.

Турк хоқонлиги билан Шарқий Рум давлати ўртасидаги муносабатлар. Кўк турк хоқонлиги элчилари Эронга икки марта борганиларидан кейин ҳам, натижа бўлмагач, Истами ябғу 568 йили Маннах бошчилигида Шарқий Рум императори Юстин II (565-578)нинг ҳузурига – Константинополга элчилар жўнатди. Турк хоқонлиги элчилари Юстин II билан қилган суҳбатларида ниммаларига юклатилган вазифани бажардилар – улар Турк хоқонлиги билан Шарқий Рум ўртасида савдо муносабатлари ўрнатиш вазифасини кўнгилдагидай амалга оширдилар. Турк хоқонлиги элчилари Шарқий Румдан қайтаётганларида, Юстин II Эмирх бошчилигида жавоб элчиларини хоқонлик элчилари билан бирга Турк хоқонлигига жўнатди.

Истами ябғу Шарқий Рум элчиларини қабул қилиб, жиддий масиллилар устида суҳбатлашдилар. Булар – Турк хоқонлиги билан Шарқий Рум ўртасидаги ипак савдоси, Эронга қарши биргаликда куриш олиб бориш, жужанларнинг Қора денгиз бўйларига қочиб кетган тўдаларини йўқ қилиш каби масалалар эди. Дарвоқе, жужанлар Боёнхон бошчилигида Европада хоқонлик барпо қилиб,

Шаркий Рум империясига гоҳ-гоҳ хужум қилиб турарди. Шаркий Рум элчилари Истами билан қилган суҳбатларида жужанлар масаласини кўтарганларида, Истами ябғу Шаркий Рум билан биргаликда жужанларга қарши хужумга тайёрлигини билдириб: “Агар улар қуш бўлиб осмонга учиб чиқса ҳам, балиқ бўлиб денгиз тубига яширинса ҳам, менинг қиличимдан қутулолмайди”, деб ваъда берди.

Шундай қилиб, бу масалалар юзасидан битимнома тузилди. Битимда Эронга қарши ҳарбий иттифок асосий, кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб белгиланди. Шундан бошлаб узоққа чўзилган урушлар бошланиб кетди. Турк хоқонлиги Шаркий Рум билан иттифоклашиб олгандан кейин Эронга хужум қилди. Истами ябғу 569 йили Хуросонга бостириб кириб, Эрон кўшинларини тор-мор қилди. Эрон оқ хунлардан босиб олган жойларнинг ҳаммасини Истами Эрондан тортиб олди. Эрон турк хоқонлиги билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Сулҳ шартларига биноан турклар ҳар йили Эрондан қирк минг Рум олтини миқдорида бож олиб турди.

571 йилдан бошлаб эса Эрон билан Шаркий Рум орасида узоққа чўзилган уруш бошланиб кетди. Эрон Сосонийлар сулоласи заифлаша борди. Турк хоқонлиги бу даврда ҳарбий ва иқтисодий томондан борган сари кучайди.

572 йили Муған хоқон ва Истами ябғу вафот этдилар. Улардан кейин тахтга ўтирган Тапар хоқон (572-582), Ишбара хоқон (582-587) лар ҳукмронлиги пайтида Турк хоқонлиги билан Эрон орасида бир марта уруш бўлди. Эрон саркардаси Баҳром чубин уч юз минг кишилиқ турк қўшинларини – Чур баға хоқон қўмондонлигидаги лашқарни Ҳирот билан Балх орасида тор-мор қилди. Ўша урушда Чур баға хоқон ҳалок бўлди. Баҳром чубин Бухоро ёнидаги Пайкент шаҳрига бостириб келиб, Чур баға хоқоннинг ўғли Бармудо тигинни асир қилиб олди. Пайкент шаҳрининг хазинасидаги бойликларни бир неча минг туяга юклаб, Эрон шаҳаншоҳи Хўрмузд (Истами ябғунинг қизидан туғилган)га жўнатди. Бу сафарги урушда Эрон ғарб тарафдан хужум қилган Шаркий Рум кўшинларини ҳам Кавказ атрофида тор-мор қилди. Турк хоқонлиги кўшинлари билан Шаркий Рум лашқари мағлуб бўлган эса-да, Эрон халқаро савдо йўлига бўлган ҳукмронликни қайтадан қўлга киритолмади.

582-603 йиллари Турк хоқонлигининг ғарбий (Ўрта Осиё) ва шаркий (Марказий Осиё) қисмларга бўлиниш жараёни ниҳоясига

етди. Ана шу йиллар орасида иккала хоқонлик ўртасида муттасил урушлар бўлиб турди.

Албатта, ғарбий Турк хоқонлигининг дунё харитасидаги ўрни, жиҳон тарихида эгаллаган мавқеи шу билан чегараланмайди. Айниқса, Хитой билан бўлган муносабатлари Турк хоқонлиги тарихида муҳим из қолдирди. Хусусан, қадимги туркий ёзма ёдгорликларда Хитой ва Турк хоқонлиги муносабатлари тўғрисида маълумотлар бор. Зотан, қадимги туркий ёзма ёдгорликлар фақат туркий қавмларнинг ижтимоий- сиёсий ҳаёти тўғрисида бадиий наваҳалар бўлиши билан бирга, бу қавмларнинг дунёқарши, тафаккури, маиший ҳаёти манзараси ҳамдир.

Урхун-Енисей ёдгорликлари – қадимги туркий адабиётнинг намунаси. Урхун-енисей ёзма ёдгорликлари қадимги туркий адабиётнинг алоҳида бир қатлами ва йўналиши сифатида туркийшунослиқда кам ўрганилган. Бу ёдгорликларни тизимли равишда ўрганишни россиялик олим И.В.Стеблева бошлаб берди.¹⁹ Қадимги туркий ёзма ёдгорликларни ўзбекчага таъдил қилиш²⁰, тадқиқот ишлари олиб боришда²¹ Ўзбекистонда ҳам маълум ишлар амалга оширилган.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар бевосита эпослар заминида ўсиб чиққан адабиёт экани билан диққатга сазовор. Шунингдек, тарихий воқеаларнинг халқ оғзаки ижоди руҳида баён қилиниши ёзма адабиётнинг ўзига хос тури яратилишига асос бўлган.

Кул тигин битигтоши. Кул тигин битигтоши қадимги туркий адабий муҳитни ўзида тўлиқ гавдалантирадиган, қадимги туркий адабиётнинг ўзига хослигини кўрсатадиган ёзма ёдгорликдир. Кул тигин битигтоши (731 йили ўрнатилган)даги тарихий воқеалар ва эпосларга хос сюжетлар, бадиий тасвир воситалари ягона тизимли ҳосил қилган. Мазкур битигтошдаги кўтаринки руҳни ўз вақтида В.Томсон, П. Мелиоранский, П.Фалёв каби машхур туркийшунос

¹⁹ Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI-VIII веков. М.: Главная редакция восточной литературы, 1964; шу муаллиф. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. М.: Главная редакция восточной литературы, 1976.

²⁰ Қажомов А. Қадимият обидалари. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971;

²¹ Раҳмонов Н. Орхоно-енисейские памятники и тюркские эпосы, докт. диссертацияси, Тошкент, 1991.

олимлар пайкаган эдилар. Жумладан, П.Мелиоранский XIX асрнинг охирида (1897 йили) ёзган Кул тигин битигтошига бағишланган магистрлик диссертациясида мазкур ёдномдаги кўтаринки рух эпосларнинг маҳсулидир²² деган фикрни айтган эди ва бу фикр ўз исботини топди. Шунингдек, ёдноманинг ўзига хос баён қилиш техникаси ҳам айна туркий эпослар хусусиятини гавдалантиради. Баённинг уч қисми – бошланма, мазмун тараққиёти ва тугалланма бу ёдномдаги ҳикоянинг изчиллигини таъминлайди. Баённинг бу қисмлари туркий халқлар оғзаки ва ёзма адабиётининг энг қадимий кўринишига хосдир. Ҳар уч қисмнинг мазкур ёдгорликдаги амал қилиш жараёни ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун Кул тигин ёдномасининг дастлабки сатрларига мурожаат қилайлик: *Уза кок тангри асра йағиз йар қилинтуқта акин ара киси огли қилинмис. Киси оглинта уза ачум атам Бомин қаган, Истами қаган олурмис. Олурипан турк бодунин алин торусин тутта бирмис, иту бирмис* – Юкорида кўк осмон, пастда қора ер яратилганда, икковининг ўртасида инсон болалари яратилган. Инсон болалари устидан Бўмин хоқон, Истами хоқон ўтирганлар, ўтириб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини ушлаб турган, рия қилиб турган.

Шу парчанинг ўзида бошланма, мазмун тараққиёти ва тугалланма ҳам бор. Еру осмоннинг ҳамда инсониятнинг яратилиши – *бошланма*, Бўмин ва Истами хоқонларнинг фаолияти – *мазмун тараққиёти*, қонун-қоидаларга рия қилишлари эса *тугалланма*дир. Битигтош матнининг бошидан охиригача бу уч қисмдан иборат парчалар давом этаверади.

Кул тигин битигтоши яхши сақланган ёдгорлик сифатида қадимги туркий ёзма адабиётнинг ўзига хос намунасини ифода этар экан, битигтош муаллифи Йўллик тигиннинг ижодкор сифатида қахрамонларга, маълум воқеаларга муносабати тўғрисида ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Билга хоқоннинг турк халқига қарата айтган сўзлари Турк хоқонлигидаги ижтимоий, сиёсий вазиятни тўлақонли баҳолайди. Билга хоқон кичик битиг воқеаларини ўзининг тахтга ўтиришидан бошлайди ва жамики қариндош-уруғларига, фарзандларига, беку амалдорларга, тўғуз ўғуз бекларига мурожаат қилиб, ўзининг ҳукмдорлик фаолиятдан,

²² Мелиоранский П.М. Памятник в честь Кюль-тегина. —СПб., 1897. 56-б..

мамлакат ва эл-юрт учун қилган фидокорлигидан уларни хабардор қилиб қолмайди, балки халқнинг парокандалиги, бекларнинг хиёнатидан азият чекади. Мамлакатни бирликка даъват этади, Билга хоқон қудратли Турк хоқонлигини барпо қилишда ўзининг хизматларини баён қилар экан: “Шунча халқни йиғдим, У энди ёвуз эмас. Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўк”, деб ўғит беради. Бу ўғитнинг остида халқнинг осойишталиги, ғам-ташвишсиз яшашининг омили Ўтуқанда – пойтахтда хоқон мустахкам ўрнашуви ва халқ унинг атрофига бирлашувини ифода этади. Халқнинг парокандалиги, бекларнинг хиёнати хоқонга ишончсизлик пайдо қилди, оқибатда халқнинг ўзи жабр кўрди.

Кул тигин битигтоши икки қисмдан – кичик битиг ва улуғ битигдан иборат. Кичик битигни улуғ битигнинг дебочаси деб айтиш мумкин. Йўллуғ тигин битигтошда Билга хоқон тилидан ҳикоя қилар экан, туркий қавмларнинг икки юз йиллик тарихини бадийий йўсинда ифода қилади, туркий қавмларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан гоҳ юксалишини, гоҳ таназзулини дардли лавҳаларда баён қилади. Табғач (хитой) халқи туркий қабилаларнинг ҳаётига, турмушига доим раҳна солиб келди. Биринчи Турк хоқонлиги даврида (551-630) мамлакатнинг пароканда аҳволга тушиб қолишига сабабчи, туркий қабилаларни йўлдан оздирган ҳам табғач халқи эди. Билга хоқон тилидан воқеаларни ҳикоя қилаётган Йўллуғ тигин табғачлар билан Турк хоқонлиги ўрнатган муносабатни қуйидагича таърифлайди: “Бу ерда (Ўтуқанда – Н.Р.) ўрнашиб, табғач халқи билан мурасага келдим”. Табғач халқи маккор, айёр: “Табғач халқи сўзи ширин, ипак кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлгандан кейин ёвуз. илмни у ерда ўрганар экан”. Маккорликнинг кенг тарқалган, оммалашган усули шу – аввалига ширин сўзлар билан яқинлаштирадилар, кейин қуллик, хўрлаш, эркни бўғиш бошланади. Инсоният бу аҳволни бошидан кўп кечирган. Туркий қавмларни табғачлар ўзларига яқинлаштириб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларни қилди. Табғачларнинг ёвуз илми (*анинг билиг*)га муккасидан кетган туркий қавмларнинг аҳволи фожиали бўлди: “Эй турк халқи, ўлдинг. Эй турк халқи, айриминг жанубга – Чугай йишга, Тўғ, Элтан чўлига манзил қилай десанг, турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пипиқлар экан: йироқ бўлса,

ёмон ипак беради, якин бўлса, яхши ипак беради, деб шу хилда пишиқлар экан. илмсиз киши унинг (табғачларнинг – Н.Р.) сўзига ишониб, унга яқинлашиб, кўп киши ўлди”.

Турк хоқонлигининг ягона орзуси – табғач давлати асоратидан халос бўлиб, тинчлик ва осойишталикка эришиш, барқарор ва пойдор давлат барпо қилиш эди. Бу сингари давлатни барпо қилиш учун эса, биринчи навбатда, халқнинг тафаккурини озод қилиш, соғлом фикр эгаси қилиш лозим эди. Бунинг учун табғачларнинг маккорлигидан заҳарланган, маънавий тубанлашган турк халқининг онгини, дунёкарашини тамомила ўзгартириш, ўзлигини англаши учун тўғри йўлни кўрсатиш керак эди. Бу вазифани Билга хоқон бажарди. У турк хоқонлигининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини изга солди, “ҳар ерда қолган-қутгани ўлиб-тирилиб юрган эди”, уларни яқдил қилди. Билга хоқонни “тангри ёрлакагани учун, истейдоди, бахти бор учун ” туркий қавмлар хоқони бўлди. Билга хоқоннинг энг катта хизмати қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғазди, қашшоқ халқни бой қилди, оз халқни кўпайтирди. Билга хоқон туркий қавмлар олдидаги хизматларини, мамлакатни оёққа турғазганини айтар экан, бекларнинг хиёнатини, манфаатпарастлигини, халқнинг ўзбошимчалигини яна бир марта таъкидлайди: “Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўшлаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганинг(из)ни ҳам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса мангу тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклари, уй, дунёгагина қарайдиган беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тошга ҳаммасини ўйиб ёздим”. Манфаат бор жойда амалдорлар тубан кетади, бойликка ружу кўйган амалдор ўзидан бошқа ҳеч кимни ўйламайди, унинг танлаган йўли битта – фожиадан фойдаланиб бойлик орттириш. Унга мамлакат ва халқ тақдири тамомила бегона – Билга хоқоннинг айтмоқчи бўлган гаплари шулардан иборатдир.

Кул тигин улуғ битиги мифологик сюжет билан бошланади. Осмон ҳамда ернинг яратилиши ва икковининг ўртасида инсон болаларининг пайдо бўлиши мазкур мифологик сюжетнинг асосидир. Сўнгра мифологик сюжет заминида тарихий шахслар ва тарихий воқеалар сингдирилади - Бўмин ва Истами хоқонларнинг тахтга ўтириши ва давлат бошқаруви ҳикоя қилинади. Бўмин ва Истами хоқонларнинг катта хизматлари шуки, улар атрофдаги

душман қабилаларни ва халқларни тобе қилдилар. Ҳар иккала ҳокон фидойилик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, “боши борнинг бошини эгиб таъзим қилдирдилар, тиззаси борни чўккалатдилар...Қадирқан йиш билан Темир дарвозанинг орасида хўжайинсиз, уруғ ҳокимиятисиз, чекланмаган ерга эга бўлиб, асл турк шу тарзда яшайверди”. Билга ва Истами ҳоконларнинг сиёсати ва мамлакат мустақиллиги учун олиб борган курашлари туркий қавмлар ҳудудини шу қадар кенгайтишига сабаб бўлди. Қадирқан йиш – Сибирда, Темир дарвоза эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлиб, Жиззах билан Самарқанд ўртасида жойлашган.

Йўлнинг тигин Билга ҳокон тилидан бу воқеаларни ҳикоя қилар экан, тарихий воқеаларни кўчириб қолмайди, балки бу воқеалар заминида худди эртақларнинг бошланмасидаги “Бор эканда, йўқ экан, оч эканда тўқ экан...бир подшоҳ бор экан” тарзидаги баён усулини қўллаётгандай бўлади. Юқорида Кул тигин битигтошидан келтирилган парчадаги “асл турк шу тарзда яшар экан” жумласи айни эртақ усулини гавдалантиради.

Кул тигин битигтошида ҳоконлар образи. Кул тигин битигтошининг диққатга сазовор томонларидан бири – ҳоконларнинг идеаллашган образига асос солишдир. Эпос қаҳрамонлари одатда, мард, жасур, доно, қаҳрамон ва ҳоказо ижобий сифатларга эга бўлади. Масалан, Хоразм дostonлари туркумига кирувчи “Тўрўғлининг дунёга келиши” дostonида бош қаҳрамонга дostonчи таъриф бермаса ҳам, ҳар бир ҳаракатида мардлик ва баҳодирлик (Абдулла қаландарнинг гуноҳидан ўтиши, йигитларини Тўрўғли талон-тарож қилишдан қайтаргани ва йигитлари аразлаб кетиб қолгани), қаҳрамонлик (отаси Одилбекнинг йигитларидан Сафар маҳрамнинг йигитларини ва ўзини енгитиши) намоён бўлиб туради, дostonчи таъриф билан эмас, балки тасвир орқали бу каби лавҳаларда қаҳрамоннинг қиёфасини чизиб беради.

Кул тигин битигтошида Бўмин ва Истами ҳокон қуйидагича таърифланади: *Билга қаган армис, али қагар армис, буйруқи йама билга армис аринч, али армис аринч, баглари йама, бодуни йама туз армис. Ани учун илиг анча тутмис аринч, илиг тутуп торуг итмис (Кту 3)* – Доно ҳокон экан, баҳодир ҳокон экан, вазирлари ҳам доно ва ботир бўлган бўлиши керак, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан.

Шунинг учун давлатни шу хилда тутиб турган эканлар, давлатни тутиб, қонун-қоидаларини яратган.

Кул тигин битигтошидан олинган бу парчадан эпос қахрамонларига хос таърифнинг пайдо бўлишига асосий омил шу эдики, қадимги туркийлар ўтмишидаги оғзаки ижод манзарасини яратиш ва ўз даври билан боғлаш, шу асосда Бўмин ва Истами хоконнинг ёзма адабиётдаги кифасини яратиш асосий мақсад бўлган эди. Шунинг учун ҳам Йўллик тигин ва Билга хоқон Турк хоконлигини барпо қилган ота-боболари ҳаётидаги реал воқеаларни яратишга интилмадилар, балки идеал қахрамон образини яратмоқчи бўлдилар. Зотан, Бўмин ва Истами хоконнинг – ҳар иккаласининг образи бир хилда таърифланишига сабаб ҳам шудир. Мазкур таъриф бир хоқондан иккинчисига, бир битигтошдан бошқасига кўчиб юраверади. Масалан, юқоридагидай хоконларнинг таърифини Элтариш хоқонга ҳам, хоқонликни пойдор қилиш учун хизмат қилган бошқа хоқонга ҳам татбиқ қилиш мумкин. Албатта, бу таърифни халқ оғзаки ижодидаги афсонавий хоконларга берилган таърифлар билан тенг деб қараб бўлмайди. Турк хоконлиги тарихидан маълумки, Бўмин хоқон вафотидан кейин тахтга ўтирган Муған хоқон (553-572), Таспар хоқон (572-582) даврида хоконликнинг ҳарбий қудрати мустақкамланди, хитой йилномаларида ёзилишича, “Муған хоқон чегара (Буюк Хитой девори – Н.Р.) ортидаги, Шарқдаги Корейс қўлтиғидан ғарбдаги Ғарбий денгиз (Каспий – Н.Р.)гача ўн минг ли масофадаги, жанубдаги Қумли саҳро (Олашан ва Гоби – Н.Р.)дан шимолдаги Шимолий денгиз (Байкал – Н.Р.)гача беш мингдан олт минг ли масофагача бўлган жойдаги давлатларни ваҳимага солди”.²³ Муған хон шимолий Хитойдаги иккита қудратли давлатни – Шимолий Ци ва Шимолий Чжоунни ўлпон тўлашга мажбур қилган эди. Таспар хоқон ҳукмронлиги даврида ҳам ҳар иккала Хитой давлатининг тобелиги давом этди.

Билга хоқон ҳам, Йўллик тигин ҳам Турк хоқонлигининг ўтмишини яхши билган эдилар, хоконлар тарихига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунга биноан, хоконликнинг парокандалигига сабаб бўлган ношуд хоконларнинг ҳам кифасини бир хилда чизиб

²³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.: -Л.: 1950, том 1, 229-б.

бердилар. Қуйидаги парчага эътибор берайлик: Ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўгли отасидай иш тутмаган экан. Тахтга жоҳил хоқон ўтирган экан, бадфеъл хоқон ўтирган экан. Вазири ҳам билимсиз экан, кўрқоқ экан (Кту 6).

Бу парчанинг остида ҳам Турк хоқонлигидаги иктисодий, сиёсий вазият ётади. Юқорида айтганимиздай, Турк хоқонлиги 582-603 йилларда Шарқий (Марказий Осиё) ва Ғарбий (Ўрта Осиё) давлатларга бўлиниб кетди. Ҳар кккала хоқонликда бу даврда ички уруш давом этди. Шиби хоқон ҳукмронлиги даврида (609-619) қисқа муддатда хоқонлик бухрондан чиқди, хоқонликнинг сиёсий мавқеи ошди. Хитойдаги фуқаролар уруши (613-618), Суй сулоласи ўрнига Тан сулоласи (618 -907)нинг келгани Шиби хоқон ва унинг укаси Эл хоқонга (620-630) жанубий чегарада уруш олиб боришга имкон яратиб берди. Аммо бу даврга келиб хоқонликда сиёсий вазият тамомила ўзгарди. 620-629 йилларда Эл хоқон ва унинг лашкарбошилари чегараларга 67 марта хужум қилди. Муттасил урушлар катта лашкарни боқиш, отларни урушга доимо шай қилиш ва бошқа кўплаб харажатларни талаб қиларди. Оқибатда Эл хоқон ўлжа ва ўлпонлар билан қаноатланмай, ўз халқига оғир солиқлар солди. Бунинг устига, 627-629 йиллари қаҳатчилик юз берди. Эл хоқон ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар йўлида кетиб, давлат бошқарувида ривожланган жамиятга хос ҳукмронлик шакллари ва усулларига ўтди. Қабилачилик анъаналари билан маълум даражада боғланган эски бошқарув тизимидан воз кечди, асосий лавозимларга хитой ва сўғдларни тайинлади. Халқ кўзи олдида ҳокимият бегоналар кўлига ўтди, оқибатда ижтимоий ва мулкий тенгсизлик келиб чиқди, вазият таранглашди. Хоқонликда ички зиддият кучайиб бораётганини чегарадаги Хитой амалдорлари доим кузатиб турардилар. “Туркларнинг одатлари оддий ва ўзлари ҳам самимийдирлар. Эл хоқоннинг саройида Чжао Дэ деган бир хитой олими яшар эди, Эл хоқон уни истездоди учун ҳурмат қилар, унга тўлик ишонарди. Натижада Чжао Дэ яна аста-секин давлат ишларига аралаша бошлади. Бундан ташқари, Эл хоқон суғдларни бошқаришни унга ишониб топширди, сафдошларини ўзидан узоклаштирди, уларни хизматга қўймади. У ҳар йили жангга лашкар юборарди... оқибатда халқ оғирликларни кўтара олмай қолди...Йилдан-йилга қаҳатчилик кучайиб борди. Солиқлар ва бож

чидаб бўлмайдиган даражада оғирлашди, қабилаларнинг Эл ҳоконга нафрати кучайиб бораверди”.²⁴

Бунинг оқибати шу бўлдики, 629 йили Эл ҳокон Шаньсида мағлубиятга учради. Ўғуз қабиласи унга қарши исён кўтарган эди. Хитой лашкари вазиятдан фойдаланиб, ҳоконлик ҳудудига бостириб кирди. Эл ҳокондан ҳамма юз ўғирди, у 630 йили асирга тушди. Биринчи турк ҳоконлиги шу тариқа барҳам топди.

Турк ҳоконлигини Эл ҳокон жар ёқасига олиб келди. Халқ жаҳолат ва нодонлик қурбони бўлди. Фитна, адоват, маккорлик, фириб каби иллатлар нафакат инсонни, балки бутун бошли халқларни, мамлакатларни ҳалокатга олиб боргани Эл ҳокон мисолида яққол намоён бўлди. Култигин бититошидаги жоҳил, бадфеъл ҳоконлар Эл ҳокон сингари қудратли давлатнинг пароканда бўлишига сабаб бўлди. Битигтошда ўғит сифатида жоҳил ҳоконларга берилаётган таъриф ана шу тарихий воқеаларга асосланган. Оқибат шу бўлдики, турк халқи “табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан кул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлади. Табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, Табғач ҳоконига қарам бўлди” (Кту 7).

Туркий қавмлар эллик йил Табғач ҳоконлигига қарам бўлиб яшади. Бу қарамлик бўлибгина қолмай, балки ўзлигини унутиш ҳам эди. Аммо табғачларнинг зулмидан халқнинг сабр косаси тўлди: “Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Кимга давлатни эгаллаб беряпман? – дер экан. – Ҳоконли халқ эдим, ҳоконим қани? Қайси ҳоконга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман? – дер экан. Шундай деб табғач ҳоконига қарши бўлибди” (Кту 9). Аммо бу қаршилик бир неча марта Табғач ҳоконлиги томонидан шафқатсизларча бостирилгани ҳақида бититошда хабар берилади.

Қадимги туркий қавмларнинг инонч-этиқоидида Тангри (осмон) ва ер культлари муҳим роль ўйнагани ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Кул тигин бититошида айтилишича, ўз ҳоконлигини Табғач ҳоконлигига бой берган туркий қавмларга Тангри ва ер панох бўлди. Тангри “Турк халқи йўқ бўлмасин”, деб, “халқ бўлсин”, деб Кул тигин ва Билга ҳоконнинг отаси Элтариш ҳокон билан онаси Элбилга хотунни юборди. Элтариш ҳокон Табғач ҳоконлигига

²⁴ Бичурин Н.Я. (Иакниф). Юқоридаги асар, 1 жилд, 194-б.

қарши ўн етти йигити билан исён кўтарди, аммо бутун бошли табғач хоқонлиги лашқарига ўн етти йигит бас кела олмаслиги табиий эди. Элтаришнинг табғачларга қарши кўзгалганини эшитган жамики туркий қавмларнинг фидойи фарзандларидан унинг атрофига етти юзтаси жам бўлди. Ниҳоят, 679 йилда Табғач хоқонлигига қарши Элтариш хоқон бошчилигида бошланган мустақиллик учун кураш 689 йили Элтаришнинг ғалабаси билан тугади. Шундай қилиб, Иккинчи турк хоқонлигига Элтариш асос солди. Элтариш – унинг унвони бўлиб, исми Қутлуғдир.

Кул тигин битигтошида Элтариш хоқоннинг фаолияти алоҳида саҳифани ташкил қилади. Элтариш хоқон туркий қабилаларни оёкка турғазиб, атрофдаги душман халқларни бўйсундирди. Мана, Билга хоқон отаси Элтаришнинг жасорати ҳақида нима дейди: “Отам хоқон...тангри ёрлакагани учун давлати борни давлатсизлантирган, хоқони борни хоқонсизлантирган, душманни эл қилган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни эгиб таъзим қилдирган”(Кту 15).

Элтариш хоқон Иккинчи турк хоқонлигини барпо қилгандан кейин узоқ яшамади. 692 йили у вафот этди. Унинг ўрнига Қапаған тахтга ўтирди. Қапаған хоқон даврида (691-716 йилларда ҳукмронлик қилган) Иккинчи Турк хоқонлигининг ҳарбий-сиёсий кудрати ниҳоятда юксалди. Қапаған хоқоннинг лаёқатини, давлат бошқарувидаги маҳоратини, Марказий Осиёдаги сиёсий мавқеини Билга хоқон қуйидагича тасвирлайди: “Амаким хоқон халқни яхшилаб тузатди, тарбият қилди. Камбағални бой қилди. Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи устидан шад эдим”. Қапағаннинг Марказий Осиёнинг ҳарбий ва сиёсий майдондаги ўрни ҳақиқатан ҳам, катта бўлди. Билга хоқон бу даврда амакиси билан бир каторда ўзининг хоқонлик ҳаётидаги ролига ҳам баҳо бериб боради. Билга хоқон бу даврдаги мамлакат ва давлат ҳаётида ўзининг ролига алоҳида урғу бермайди, аксинча, хоқонликнинг мавқеини мустаҳкамлашда амакиси Қапаған билан бирга ўзининг олиб борган хизматларини баён қилади. Бу ҳам Кул тигин битигтошидаги воқеаларнинг ҳаққонийлигини, тарихий далилларнинг ҳолислигини кўрсатади. Турк хоқонлигининг иқтисодий турмуши яхшиланишига Қапаған хоқон билан бирга, Билга хоқон ҳам астойдил курашди. Натижада Қапаған хоқон ҳукмронлиги даврида “кул қулга эга бўлган эди, чўри чўрига эга бўлган эди” (Кту 21).

Бу иктисодий юксалиш ҳам вақтинча эди. Халкнинг бебошлиги яна мамлакат парокандалигига, давлатнинг таназзулига сабаб бўлди. Юқоридагидай туркийларнинг самимийлигидан фойдаланган душман халқлар яна хоқонликни емириш пайига тушдилар. Хоқонликнинг таназзулига халқ айбдор, Қапаған хоқоннинг қилган яхшилигини халқ билмагани учун, амаким хоқон ўлиб кетди, дейди Билга хоқон. Энди турк халқининг тақдири ниҳоятда ачинарли, ҳатто айтиш мумкинки, фожиали аҳволга тушиб қолди. Халкнинг фожиаси мана бундай оқибатларга олиб келди: “Қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг кул бўлди, сулув киз боланг чўри бўлди” (Кту 24).

Кул тигин битигтошининг хикоячиси Билга Қапаған вафотидан кейин (716 йили) қонуний равишда тахтга ўтирди. Билга хоқоннинг исми – Мўғулиён, Билга унинг унвонидир. Билга хоқон тахтга ўтирганда, мамлакатнинг иктисодий аҳволи ночор эди. Бу вазиятни Билга хоқон шундай таърифлайди: “Мол, йилқилик халққа хоқон бўлиб ўрнашмадим. Ичи ошсиз, таши кийимсиз оч-яланғоч, ёвуз, ёмон халқ уза ўрнашдим. Иним Кул тигин билан сўзлашдик: отамиз, амакимиз қозонган халқнинг оти, донғи йўқ бўлмасин деб, турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим” (Кту 26-27). Билга хоқон илгари тардуш халқининг шади (ҳоқими) бўлиб турганда ҳам, Қапаған хоқон билан бирга хоқонликнинг равақи учун курашди, у элпарвар хоқон сифатида танилди. Билга хоқоннинг тахтга ўтирганини эшитган “ҳар ерга кетган халқ ўлаб-тирилиб яёв, яланғоч” (Кту 28) қайтиб келди.

Билга хоқоннинг фаолияти Кул тигиннинг жасоратлари, таъриф-тавсифи билан бирга тасвирланади. Ҳар иккаласи битта мақсад учун – Турк хоқонлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун курашдилар.

Кул тигиннинг жасорати бититошда алоҳида эътибор ва меҳр билан тасвирланади. Кул тигиннинг қисқа таржима ҳоли: етти ёшда эканида (692 йили) отаси Элтариш хоқон вафот этди, ўн ёшида қаҳрамонлик кўрсатиб элда шуҳрат топди, ўн олти ёшида Қапаған хоқон ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жанглар олиб борди...

Битигтошда Кул тигиннинг қаҳрамонлиги ва у олиб борган жанглар кўпроқ ўринни эгаллайди. Айниқса, у миниб жангга кирган от тасвирига алоҳида эътибор қаратилган. “Кул тигин...йигирма бир

Ўшида Чача Сангунга уруш қилдик. Энг аввал Тадкан Чурнинг бўз отини миниб хужум қилди, у от ўшанда ўлди. Иккинчи бор Ишбара Ямтарнинг бўз отини миниб хужум қилди, у от ўшанда ўлди. Учинчи бор Йиган силик бекнинг тўриқ отини миниб хужум қилди, у от ўшанда ўлди...Кул тигин Байирқунинг оқ отини миниб хужум қилди. Бир эрни ўк билан урди, икки эрни кетма-кет қилиб санчди..” (Кту 32-33, 36). Бу тасвир бевосита ва билвосита халқ оғзаки ижодининг таъсиридир, битигтошларнинг ёзма адабиёт сифатида шаклланишида халқ оғзаки ижоди асос бўлганини кўрсатувчи бир далилдир. Туркий халқлар эртақ ва эпосларида оқ от ҳар доим муваффақият рамзи сифатида қўлланган ва ғалаба келтирган. Кул тигин оқ отни миниб киргандагина от ўлмади. Кул тигин эпос қахрамонларига хос кўтаринки руҳда тасвирланади, яъни у бирданига икки одамга найза санчди. Бошқа бир ўринда Йўшлиғ тигин Кул тигиннинг жасоратини яна бир бор улуғлаш учун жанг тасвирига эътибор қаратади: у яна оқ отни миниб жангга кирганда, қахрамонлик намуналарини кўрсатади ва бир неча душман аскарини бирданига ер тишлатади: “Кул тигин...Алп Шалчининг оқ отини миниб отилиб хужум қилди. Душманнинг икки жангчисини бирин-кетин қилиб санчди” (Кту 42); “Кул тигин Азманнинг оқ отини миниб хужум қилди. Олти жангчисини ўлдирди. Кўшин хужум қилганда, еттинчи жангчини қилич билан чопди” (Кту45); “Кул тигин Ўгсизнинг оқ отини миниб, тўққиз жангчини ўлдирди” (Кту 49).

Кул тигиннинг халокати бутун Турк хоқонлиги учун катта йўқотиш бўлди. Билга хоқон Кул тигин ўлиmidан чеккан азиятини шунчалик таъсирли қилиб тасвирлаганки, гўё бутун Турк хоқонлиги эмас, балки кўшни мамлакатлар учун ҳам катта йўқотиш бўлган. Ватаннинг тақдири, халқнинг тириклиги фақат Кул тигинга боғлиқ қилиб қўйиладики, бу бежиз эмас. Зотан, Кул тигиннинг жасорати ҳақида бошқа тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Жумладан, у тўрт йил (711-715) давомида қорлуқлар билан жанг қилиб, мағлуб қилди ва қарлуқлар Турк хоқонлигига бўйсунадиган бўлди. Қапаған хоқон Кул тигиннинг жасоратига ва халқ орасидаги обрўйига ҳасад қилиб, кўшинга ўзи бош бўлиб, тўқуз ўғузларга қарши жангга кетди. Қароргоҳда аёллар ва болалар қолди. Қапаған хоқон Кул тигинга аёллар ва болаларни кўриклашни топшириб кетди. Бундан хабардор бўлган қарлуқлар, Кул тигиндан қасос оладиган пайт

келди, деб қароргоҳга ҳужум қилдилар. Қарлуқлар, хоқонлик қўшинлари икки фронтда уруш олиб бора олмайдилар, деб ўйлаган эдилар. Асосий кучларнинг урушга кетганидан фойдаланмоқчи бўлган қарлуқларнинг режасини Кул тигин барбод қилди – у қароргоҳни бир ўзи ҳимоя қилди. Бу воқеа Кул тигин бититошида шундай тасвирланади: “Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, тиригингиз чўри бўлар эди, ўлигингиз чўлу биёбонда, йўлда ётиб қолар эдингиз!” (Кту 49). Кул тигиннинг жасорат ҳақида хитой йилномаларида ҳам баён қилинган.²⁵

Кул тигиннинг ҳалокати Билга хоқон учун оғир йўқотиш бўлди. Билга хоқон инисининг ҳалокатидан қаттиқ қайғуради, “Кул тигин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди, жоним азобда қолди” (Кту 50). Битигтош сўнгида Кул тигиннинг азасига Шарку Фарбдаги кўп мамлакатлардан – Табғач хоқонлигидан, Тибетдан, Сўғд давлатидан, Бухородан одамлар келгани тўғрисида баён қилинадики, бу далиллар ҳам, биринчидан, Турк хоқонлигининг Билга хоқон ҳукмронлиги даврида дунё харитасида қатта мавқе эгаллаганини, иккинчидан, Кул тигиннинг шахс сифатида ҳам атроф мамлакатларда обрў-эътибор қозонганини яна бир марта кўрсатади.

Билга хоқон битигтоши. Билга хоқон битигтоши мазмунан Кул тигин битигтошига яқин. Билга хоқон кичик битигининг биринчи-еттинчи сатрлари Кул тигин кичик битигининг биринчи ва иккинчи сатрларининг айнан такрори. Билга хоқон улуг битигининг 3-23 сатрлари Кул тигин улуг битигининг 1-30 сатрларининг айнан такроридир. Билга хоқон бититошининг муаллифи ҳам Йўлиғ тигиндир. Чамаси, Кул тигин битигтошининг ҳикоячиси Билга хоқон ва воқеаларнинг асосий қаҳрамони ҳам унинг ўзи бўлгани сабабли матн айнан такрорланган. Зотан, Кул тигин битигтошида 30 сатргача асосий воқеалар оқимида Билга хоқон образи бор. Кул тигин образи 20 мисрадан давом этади.

Билга хоқон битигтоши асрлар давомида қулаб, кўп зарарлангани учун воқеалар изчиллиги йўқолган. Бититошда,

²⁵ Каранг: Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Изд. “Наука”, Главная редакция восточной литературы. Москва, 1967, 313-314-бетлар.

асосан, Билга хоқоннинг тахтга ўтириши, душман қабилаларга лашкар тортиб, уларни итоат эттиргани ҳикоя қилинади. Жумладан, басмил, идикут халқи туркий кавмлардан бўлиб, аввал Турк хоқонлиги тасарруфида бўлган, аммо Турк хоқонлигига “карвон юбормагани” учун, Билга хоқон бу қабилаларга ҳужум қилиб, уларни яна итоат эттирган.

Воқеаларни аниқлик билан баён қилиш Билга хоқон бититошининг диққатга сазовор томонидир. Воқеалар иштирокчиси ҳам, ҳикоячи ҳам Билга хоқон. Шу боис бу битигтош Кул тигин битигтошидан фарқли равишда тарихий-қаҳрамонлик достонига эмас, балки мемуар жанрига мансуб, деб қараш лозим.

Билга хоқон неча ёшида қайси халқни бўйсундириш учун ҳужум қилганини бирма-бир баён этади:

22 ёшида Табғачга ҳужум қилди, Чача сангуннинг саккиз туманлик (саксон минг) лашкарини мағлуб қилди;

26 ёшида қирғиз халқига ҳужум қилиб, уларни тор-мор қилди, шу йили аз халқини ҳам таслим қилди;

27 ёшида яна Қирғиз хоқонига лашкар тортди, Кўтман (Саян) йишни ошиб ўтиб, қирғиз халқига кечаси улар ухлаб ётганда бостириб борди, қирғиз хоқонини ўлдириб, давлатини Турк хоқонлигига кўшиб олди.

Ўша йили - 27 ёшида тургаш халқига ҳужум қилиб, Бўлчу деган жойда жанг қилди ва хоқонини, шадини ўлдирди, давлатини олди.

30 ёшида Бешбалиққа ҳужум қилиб, кўп лашкарини ўлдирди, Бешбалиқни қўлга киритиш қийин кечди – олти марта ҳужум қилди. Бешбалиқнинг зодагонлари Билга хоқон ҳузурига келдилар. Билга хоқон Бешбалиқ шаҳри аҳолисининг гуноҳида ўтиб, шаҳарни омон қолдирди.

31 ёшида қарлук халқига ҳужум қилди, чунки қарлуқлар Турк хоқонлигига итоат этмай, узоқлашиб кетган эди. Тамғидуқ баш деган жойда жанг қилиб, қарлуқларни мағлуб қилди.

34 ёшида ўғузлар қочиб бориб, табғач хоқонлигига қўшилди ва улар лашкар тортиб, табғачларни мағлуб қилди.

У 19 йил шад бўлиб турди, 19 йил хоқон бўлди.

Бититошда Билга ҳақдаги хронология шундан иборат. Бу саналар Билга хоқоннинг ҳаётидаги энг муҳимларидир. Унинг мамлакат бошқарувидаги хизмати асосий ўрин тутаети. Табиийки,

қахрамоннинг хизмат фаолиятида фольклор қахрамонларига хос таъриф-тавсифларни кўрмаймиз ва бу битигтошнинг бадиий асар сифатидаги қонуниятидир. Битигтошда халқ оғзаки ижодига хос муболаға, воқеаларни далиллаш ва уларга бадиий руҳ бериш учун келтирилган парчалар борки, бу - битигтош муаллифи Йўллиғ тигиннинг маҳоратидан яна бир бор дарак беради. Йўллиғ тигин Билга хоконнинг жасоратини далиллаш, қахрамонлигини кўрсатиш мақсадида жанг манзарасини бир неча сўзда ифода этади ва Билга хоконнинг қахрамонона хатти-ҳаракати китобхон кўз ўнгига намоён бўлади. Саҳнани тўлиқ тасаввур қилиш учун қадимги туркийдаги парчага ва ўзбекча табдилига эътибор берайлик: *(Анта) сўнгуштим, сусин санчдим, ичикигма ичикди, бўдун бўлти, ўлугма ўлти. Саланга қўди йўрипан, қарагин қисдилата абин барқин анта буздим (Бх 37)* – (Ўша ерда) жанг қилдим, лашкарини тор-мор қилдим, таслим бўладигани бўйсуниб, (менинг) халқ(им) бўлди, ўладигани ўлди. Селенга (дарёси) бўйлаб юриб, уларни қаттиқ қисувга олиб, уйини, бор нарсасини ўша ерда вайрон қилиб ташладим.

Билга хокон ўзининг хокон сифатидаги фаолиятига битигтошда баҳо беради. Бу баҳо тарихий асарларда Билга хокон билан боғлиқ воқеаларга мос келади. Аввал Билга хокон битигтошидаги тасвирга эътибор берайлик: Тангри ёрлакагани учун, мен муваффақият қозонганим учун Турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, Турк халқи ўлажак эди, йўк бўлажак эди.

Энди Билга хоконга оид Хитой йилномаларидаги воқеаларга тўхталамиз. Қапаған хокон вафотидан олдин, ўғли Кучук хонни ноқонуний равишда тахт вориси қилиб эълон қилган эди. Аслида қадимги туркийлар қонунига кўра, Қапағандан сўнг акаси Элтаришнинг ўғли Мўғулиён тахтда ўтириши керак эди. Қапаған хокон даврида Билга хокон тардуш халқи устидан шад, яъни бек эди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатга қарши Кул тигин вазиятни қўлга олди ва Қапағаннинг сафдошларини қиличдан ўтказиб, акаси Мўғулиённи Турк хоконлиги тахтига ўтқазди. Мўғулиён Билга (доно) хокон унвони билан тахтга ўтирди. Қапаған хоконнинг сафдошларидан фақат Тўнжук қолди, холос. Билга хокон ташқи сиёсатда ҳам, мамлакат ичкарасида ҳам вазиятни тамомила ўзгартирди. Хитой билан тинчлик шартномаси тузишни таклиф

қилди, аммо Хитойнинг Тан сулоласи нафақат шартномага рози бўлди, аксинча ҳарбий ҳаракатларни янада кучайтирди. Хоконлиқнинг Хитой империяси билан чегарадош ҳудудида туркий қабилалар ёввойи ҳайвонларни овлашни Хитой императори таъқиқлаб қўйди. Бундан ғазабланган халқ исён кўтариб, императорнинг чегарадош ҳудуддаги ноиб Чжан Чжи-юнни асирга олдилар. Хитойликлар уни аранг қутқариб олдилар. Мана шу воқеа ҳам Турк хоқонлигининг таклифларини ўйлаб кўриш учун хитойларга туртки бўлди.

Билга хоқон бошчилигидаги давлат бошиданок халқнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Қапаған хоқон айрим қабилаларга, жумладан, тўлис халқига ниҳоятда қаттиқ зулм ўтказган эди. Оқибатда бу халқ Қапаған билан бўлган жангда мағлуб бўлди ва тўлис халқининг кўлчилиги Хитой империясидан паноҳ излаб, ўша ёққа кочди. Улар Турк хоқонлигида тўнтариш ва янгилашни бўлганини эшитгач, яна ўзларининг юртига қайтиб келдилар. Бу воқеа хитой йилномаларида Тўнюкукнинг таъсири деб баҳоланади.²⁶ Аммо Билга хоқоннинг сиёсати ҳам тўлис халқини ўз юртига қайтиб келишига сабаблардан бири бўлган эди. Тўлис халқининг қайтиб келиши хоқонлиқнинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлади. Хитой империяси ўчаётган уруш алангасини яна аланглатмоқчи бўлди. Аммо бунга муваффақ бўла олмади. Хитой империясига қарши Тибет бошлаган уруш империяни ҳолдан тойдирди. Билга хоқон вақтни қўлдан бой бермай, Табғач хоқони “йўлдан оздирган ва ер-сувини ташлаб, табғачга қарам бўлган” тўқуз ўғузларга амакиси Қапағаннинг ўчини олмасликка (Қапағанни тўқуз ўғузлар ўлдирган эдилар) ваъда бериб, уларни Турк хоқонлигига яна қайтарди. Бу халқ ҳам катта куч эди.

Хуллас, Билга хоқон инсонпарвар, узоқни кўра биладиган, шунингдек, моҳир сиёсатчи сифатида хоқонлиқни бухрондан олиб чиқди, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Тўнюкук бититоши. Бититош Турк хоқонлигининг машҳур саркардаси, Иккинчи Турк хоқонлигини барпо қилган Элтаришнинг, Қапаған ва Тўнюкукнинг маслаҳатчиси Тўнюкукка атаб ўрнатилган. Бититошнинг муаллифи - Тўнюкукнинг ўзидир. Бу бититош ҳам, Билга хоқон битигтоши каби, мемуар жанрига

²⁶ Грумм-Гржимайло. Западная Монголия. С. 321-322.

мансубдир. Бититош яратилган пайтда Тўнюкук ҳаёт ва анча ёшга бориб қолган эди.

Битигтошнинг ибтидоси Тўнюкукнинг тарихи билан бошланади: “Доно Тўнюкук – мен ўзим Табғач давлатида тарбияландим, турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди”. Тўнюкук ҳикоя қилаётган бу воқеа Иккинчи Турк ҳоконлиги барпо бўлмасдан олдинги даврга алоқадор. Бу пайтда Тўнюкук Хитой императори саройида гаров сифатида ушлаб турилган, хитойча тарбияланган эди.

Тўнюкук Биринчи Турк ҳоконлигининг барбод бўлиши ва туркий қавмларнинг пароканда бўлиши воқеаларини баён қилади. Воқеалар сиқик тарзда, оз сўз билан бутун даврнинг манзараси ёки маълум бир воқеалар сахнаси ўқувчи кўз ўнгида гавдалантирилади. Масалан, Тўнюкук Култигин ва Билга ҳокон бититошларида Турк ҳоконлигининг Хитойга қарам бўлиб қолиши ва Биринчи Турк ҳоконлигининг тугаши ҳақида ҳикоя қилар экан, дард-алам билан: “Тангри шундай деган шекилли: Хон бердим. Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Табғачга таслим бўлгани учун Тангри, ўл, деган шекилли, турк халқи ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк халқи ерида биронта ҳам уруғ қолмади” (Тўн., 2-4). Турк ҳоконлигининг фожиаси – Тўнюкукнинг шахсий фожиасидай таассурот қолдиради. Халқнинг тақдирини ўзининг тақдири деб, халқнинг муваффақиятларини ўзининг муваффақиятлари деб билган Тўнюкук доимо ҳаракатда, доим халқнинг, юртнинг ташвишида. Душманлар ҳоконликка ҳужум қилишни режалаштираётганини Тўнюкук эшитиб, Элтариш билан бирга жангга отланар экан: “Шундай турар яшагучи эрк аҳли” дея ўзига ҳурликни шиор қилиб олганини эълон қилади. Тўнюкук ҳоконнинг лашкарбошиси ва маслаҳатчиси сифатида мамлакатнинг мустақиллигини сақлаш учун жонбозлик кўрсатиб курашади. Ҳоконликнинг фожиасини юкоридагидай таъсирчан қилиб тасвирлаш фақат Тўнюкук битигтошига хос бўлиб, бу тасвирдан мақсад халқни огоҳлантириш, доимо ҳушёрликка чорлаш эди.

Битигтошнинг бошланишидан оқ Тўнюкук кўпни кўрган, тажрибали, ҳақиқий маслаҳатчига хос ақли экани кўзга ташланади. У айна пайтда истеъдодли лашкарбоши ҳамдир. Иккинчи Турк ҳоконлигини қайтадан барпо қилишда Тўнюкук Элтариш билан бирга ўзининг иштирокини ҳикоя қилганда, воқеалар баёнида бир

усулни кўллайди – хоқонлик бошидан ўтказаетган воқеаларни душман томоннинг тилидан ҳикоя қилади: “Ўшанда ўғуздан кузатувчи келди. Кузатувчининг гаплари шундай: тўқуз ўғуз халки устига бир хоқон хукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халки юрган эмиш. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан. Ўша икки киши бор бўлса, сени – табғачни ўлдиражак дейман” (Тўн., 8-10). Бу воқеалар Элтариш хоқоннинг Иккинчи турк хоқонлигини барпо қилиш учун кураш олиб бораётган давр воқеаларини ўзида акс эттиради. Душман томоннинг Элтариш хоқон ва унинг маслаҳатчиси Тўнюкукка берган баҳоси ҳар иккаласига берилган реал баҳо эди. Бу усул шуни кўрсатадики, Тўнюкук юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг аниқлигини далалиллайди, душман томонни яхши, синчиклаб кузатганига ишора қилади.

Тўнюкук битигтошидаги ёки бошқа бититоплардаги воқеалар уларга бадий асар сифатида ёндашишни талаб қиладими, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг учун бадий асарнинг муҳим элементларидан сюжет ва мотивнинг Тўнюкук битигтошида келиб чиқишини таҳлил қиламиз.

Сюжетнинг уч элементи – *воқеа*, *вазият* ва *коллизия*нинг мавжудлиги Тўнюкук битигтошини бадий асар сифатида ўрганишга имкон беради. *Воқеа* – Турк хоқонлигини марказлашган давлатга айлантириш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар, *вазият* – хоқонлик ичидаги ва хоқонликнинг ташқарисидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, *коллизия* – хоқонликнинг душман қабилалар ва сулолалар билан тўқнашуви, Турк хоқонлигининг Тан сулоласи ва бошқа қабилалар билан олиб борган жангу жадалларидир. Тўнюкук ўша воқеаларнинг марказида туради, барча воқеалар, вазият Тўнюкукка боғлиқ равишда юз беради. Коллизия эса тўқуз ўғуз халки билан ўғуз, табғач, хитой халқлари ўртасидаги душманлашув ва курашдир. Сюжетнинг ҳар учала элементи Тўнюкук битигтошида ҳам, бошқа бититопларда ҳам такрорланади. Зотан, бититопларнинг асосий мавзуи ҳам ватанни ҳимоя қилиш, жанг лавҳалари, қахрамонларни шарафлашдан иборат.

Албатта, Тўнюкук битигтошининг бадий асарга хос яна бир хусусияти – халқ мақоллари ва маталларининг келтирилганидир. Тўнюкук бирон воқеа ёки вазиятни баҳолайди, унга муносабатини

билдиради. Масалан, Турк хоқонлиги танг вазиятда колганда, Тўнюкук Элтариш хоқонга шундай маслаҳат беради: “Табғач, ўғуз, Хитой – бу учови камал қилса, камалда қолажакмиз. Унда вужуднинг ичи-тошини – молу жонини топширгандай бўламиз. Юпка йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон эмиш. Юпка калин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш” (Тўн., 12-13). Вазиятни баҳолашда Тўнюкук мазкур хикматлардан унумли фойдаланиш орқали бевосита Турк хоқонлигининг имкониятини кўрсатади ва бу имкониятдан ўз вақтида фойдаланишга хоқонни даъват қилади.

Тўнюкук - машҳур лашкарбоши бўлиш билан бирга, хоқонликнинг мавқеини мустаҳкамлашда фидойи инсон эканлигини ҳам кўрсатади. Тўнюкук - хоқоннинг илгончли лашкарбошиси, у мохирлиги туфайли оз сонли лашкари билан Хитой, ўғуз ва табғачнинг кўп сонли лашкарини мағлуб қилади. Хонини ташлаб, Хитойга кўшилиб кетган ўғузлар яна хоқонликка қайтиб келдилар.

Тўнюкук битигтоши, биринчи навбатда, Тўнюкуқнинг ижоди бўлиб, унинг бир асари сифатида уқилиши лозим. Битигтошнинг мақсади Тўнюкуқ олиб борган жанглари ёки унинг хоқонликдаги хизматларини хронологик тарзда баён қилишдан иборат эмас, балки унинг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни баён қилишдан иборат эди. Тўнюкук вазиятни ниҳоятда тўғри фахмлайдиган, зукко, душман томоннинг режаларидан яхши хабардор, тажрибали кўруг (разведкачи). У хоқонлик ҳаётидаги майда тафсилотларга берилмайди. Жумладан, юқоридаги уч халқнинг мағлубияти ҳақидаги воқеалардан кейин Тўнюкук Турк хоқонлигига яна душманлашган табғач, ўн ўк, кирғиз хоқонликлари ҳақида сўз юритиб, уларнинг режаларидан ўқувчини хабардор қилади:

“Табғач хоқони душманимиз эди, ўн ўк хоқони ҳам душманимиз эди. Ундан бошқа кирғизнинг қудратли хоқони душманимиз бўлди. Ўша уч хоқон маслаҳатлашиб, Олтин йиш устига талон солайлик, депти, шундай маслаҳат қилишибди. Шарққа – Турк хоқонига лашкар тортайлик, депти, унга қарши лашкар тортмаса, қачон ғазабланса, у бизни йўқ қилади, депти. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, қачон ғазабланса, ўлдирадиган кўринади. Учовимиз ёпирилиб хужум қилайлик, уни

йўқотайлик, депти. Тургаш хокони шундай депти: менинг халким у ерда бўлади, турк халқи яна ҳаяжонда депти, ўғуз халқи яна пароканда депти. Ўша гапни эшитиб, тунлари уйқум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим: табғач, ўн ўк, кирғиз хоконига Кўгман тоғидан ошиб ўтиб ҳужум қиламиз. Шунинг учун аввал биз лашкар тортайлик, дедим” (Тўн., 19-23).

Тўнюкукнинг фидойилиги (тунлари уйқум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди), душманга қутилмаган томондан зарба бериш режаси (Кўгман тоғидан ошиб ўтиб ҳужум қилиш ҳақидаги режаси) реал воқеалар оқимининг бир кўринишидир.

Тўнюкук бититошидаги маълум бир воқеалар муносабати билан деталлар тафсилотига алоҳида урғу бериш ҳолатлари, табиат манзараси тасвири учрайди. Муаллиф Тўнюкук воқеаларнинг аниқлигини халққа, қолаверса, авлодларга етказиш ва тарихийлик тамойилини сақлаш учун ҳам бундай тафсилотларга кўп ўрин берган. Қуйидаги парчага эътибор берайлик: “Кўгман йўли битта экан. Бу йўл билан юрса ярамайди, дедим. Ерчи (ер биладиган киши – Н.Р.) суриштирдим. Чўллик аз қабиласидан бир йигитни топдим. Аз ерини у яхши билар экан, бир манзили бор экан. Ани дарёси билан борилар экан, ўша ерда ётиб, бир отлиғ йўл юриб борилади, деди. Ўша йўл билан юрса имкони бор, деб ўйладим. Хоконимга бунни айтиб, қўшинни йўлга солдим. “Отлантир!” деб буйруқ бердим. Оқ тармал (ҳозирги Хуа Кэм – Н.Р.) дарёсини кечиб ўтдик, дам олдик. Кейин қўшинга отланишга буйруқ бердим. Қорни ёриб, юқорига отни етаклаб, ўзимиз яёв юриб, дарахтларга таяниб қўшинни чиқардим...” (Тўн., 23-25). Бундан кейинги воқеалар лашкарни Тўнюкук қаерлардан қандай қилиб олиб ўтгани, ерчи (яъни йўл бошловчи) янглишиб, ўлдирилгани тўғрисидаги воқеаларни ҳикоя қилади.

Бититошда Тўнюкукнинг ҳарбий маҳоратига кўпроқ ўрин берилган. Жангларда Тўнюкукнинг зафар қозонишига сабаб “тун ухламай, кундуз ўтирмай” Элтариш хоконга, Бўту хоконга ва Билга хоконга хизмат қилгани бўлди.

Тўнюкук бититошида диққатга сазовор жиҳатлардан бири – қадимги турк мифологиясига оид анъанавий тимсоллардан истифода этилганидир. Булар – *Тинси ўғли ётадиган Банглигак тоғи, Тангри, Умай, муқаддас ер- сув* ва ҳ. Бу мифологик образлар

бошқа бититошлардаги каби маъно ва вазифасини бу ёдгорликда ҳам саклаган.

Тўнюкук хоқонлик олдидаги ўзининг хизматларини баён қилар экан, давлатнинг ва халқнинг эркин нафас олишига, душман устидан зафарларга эришувига Элтариш хоқон билан бирга, ўзининг хизматлари муҳим омил бўлганини алоҳида таъкидлайди.

Битигтош ёзилган пайтда Тўнюкук анча кексайиб қолган кўринади, зотан, бититош сўнгида Тўнюкук буни алоҳида таъкидлайди ва Билга хоқон ҳукмронлиги давом этаётганини ҳам эслатади. Бундан маълум бўладики, мазкур битигтош ёзилган пайтда Турк хоқонлиги анча кучайган, атрофдаги душманларни мағлуб қилган эди. Тўнюкук, шунингдек, Элтаришнинг иккала ўғли Мўғулиён (бўлғуси Билга хоқон) ва Кул тигин Тургаш хоқонлигининг Чабиш чур бошчилигидаги қолган-қутган лашкарини таъқиб қилиб, Сирдарёнинг ортига ўтдилар. Тўнюкук бу пайтда ғарбий Турк хоқонлигига ёрдам бериш учун келган эди. Бу пайтга келиб Тургаш хоқонлигини Қапаган мағлуб қилган, бу хоқонлик алоҳида давлат сифатида таназзулга юз тутиб бўлган эди. Тўнюкук билан Элтаришнинг иккала ўғли Шарқий Турк хоқонлиги Сўғдда пайдо бўлиб қолдилар ва Сўғд шоҳи Гурак томонида туриб, арабларга қарши жанг қилдилар. Тўнюкук бититошида бу воқеа эсланади: “Инал хоқонга араб ва тухор (арабларнинг иттифокдоши) хужум қилди. Ўшанда ажраладиган чоки бор дубулға кийган сўғдок халқи ҳаммаси келди” (Тўн., 45). Бу воқеа 712-713 йиллардан кейин бўлиб ўтган. Аммо Қутайба ибн Муслим томонидан енгилганларидан сўнг, 714 йили чекиндилар ва Олтойдаги исён кўтарган қабилаларни бостириб, Ўтуканга қайтиб келдилар.²⁷ Бу воқеалардан аён бўладики, Тўнюкук битигтоши, айрим олимлар кўрсатганларидай, 712 ёки 716 йили эмас, балки 725 йили ёзилган бўлиб чиқади. Юқоридаги тарихий воқеаларда Тўнюкукнинг иштироки шундан далолат беради.

Битигтош сўнгида Тўнюкук Иккинчи Турк хоқонлиги ташкил топгандан бошлаб кейинги барча хоқонларнинг хизматларини таъкидлаб ўтади. Бититошнинг сўнгги мисраси худди эртақларнинг

²⁷ Кляшторний С.Г., Савинов Д.Г. Степные империи Древней Евразии. Санкт-Петербург, Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 103-6.

тугалланмасини эслатади – гўё подшоҳ мамлакатни обод қилди ёки ёвуз душман даф бўлди, қахрамоннинг ўзи “мурод-мақсади”га етди: “Мен билга Тўнюкук ва Элтариш хоқон муваффакият қозонмаса эди, у бўлмаса эди, мен ўзим доно Тўнюкук муваффакият қозонмасам эди, мен бўлмасам эди, Қапаган хоқон бошлик турк сир халки ерида уруғ ҳам, халк ҳам, киши ҳам, турк халки ерига хўжайин ҳам бўлмас эди” (Тўн., 59-61).

Умуман, Тўнюкук битигтоши қадимги туркий адабиётда алоҳида, ўзига хос мемуар жанри намунасиدير.

Кули чур бититоши. Бу ёдгорликни 1912 йили Мўғулистоннинг Ихе-Хушоту деган манзилидан В.Л.Котвич топган. У мазкур ёдгорликнинг тарихий аҳамиятини батафсил баён қилган. Кули чур Бешбалик шаҳрида тўртта жангда кураш олиб борди. Билга хоқон ёдгорлигида ҳам Кули чур тардуш бекларини бошлаб Билга хоқонга 716 йили таслим бўлиб келди (ўн учинчи сатрда).

Кули чур бититоши ҳажман катта эмас: битигтошнинг ғарб томони 12 сатрдан, шарқ томони 13 сатрдан ва жануб томони тўрт сатрдан иборат. Битигтош кўп зарарланган, шу боис воқеаларнинг мантикий изчиллиги кузатилмайди.

Битигтошнинг бошиданок Тўнюкук исми учрайди. Кули чур Элтариш хоқон даврида анчагина машҳур бўлган кўринади. Бититошнинг ғарб томони учинчи сатрида “(Кули чур) Элтариш хоқон давлатида кексайиб, яхши мангулик кўрди, улуг Кули чур саксон йил яшаб вафот этди” деган жумладан шу мазмун англашилади.

Кули чур бититошининг узук-юлуқ сақланган жумлаларидан шу нарса аён бўладики, у моҳир жангчи ва лашкарбоши бўлган. У миниб жангга кирган от, жанг кийимларига алоҳида урғу берилган. Жангларда қахрамонлик кўрсатиб, шуҳрат таратган, инсон сифатида яхши дўст, фазилатларга бой инсон бўлган. У тардуш халқининг ҳукмдори бўлган. Қорлук халки билан жанг қилган, худди Кул тигин миниб кирган отлар қандай тасвирланган бўлса, Кули чурнинг жанговар отлари ҳам шу тарзда тасвирланган. Битигтош муаллифи номаълум.

Моюн чур битигтоши. Бу бититошни 1909 йили Г.И.Рамстедт топган. Моюн чур - уйғур хони, 745 йили охириги Турк хоқонлиги ҳукмдори Ўзмиш тегинни мағлуб қилди. Битигтош шуниси билан

диққатга сазоворки, уйғур хонига уйғур-турк ёзувида эмас, балки туркий-рун ёзувидаги битигтош ўрнатилган.

Моюн чур битигтоши ҳажм жиҳатидан Кули чур битигтошидан каттароқ бўлиб, битигтошнинг шимол томони 12 сатрдан, шарқ томони ҳам 12 сатрдан, жануб томони 15 сатрдан, ғарб томони 10 сатрдан иборат. Битигтош кўп зарарланган.

Моюн чур битигтоши, худди Тўнюкук битигтоши каби, Моюн чур томонидан ҳикоя қилинади. Битигтош Турк хоқонлигининг худуди, мавқеи ва қудратли давлат бўлганини ҳикоя қилиш билан бошланади. Қипчоқ қавмининг эллик йил ҳукмронлик қилгани ҳақида шу битигтошда илк бор сўз юритилади: “турк қипчоқ (қавми) эллик йил ўтирди турк халқи устидан, йиғирма олти ёшимда (хоқон отамга шад унвонини) берди” (4).

Моюн чур отаси Кул доно хоқон билан бирга турк хоқонлиги қўшинини итоат эттирганини ҳикоя қилади. Қўй йили (745 йили) Ўзмиш тигинни асир олгани ва унинг хотинини ўзига олганини ҳикоя қилар экан, уч қарлуқ халқи барибир, Моюн чурга итоат этмасдан, ғарбий турк хоқонлигига қўшилиб кетгани ҳақида хабар беради.

Моюн чур битигтошининг қиммати шундаки, унда Турк хоқонлиги тугагандан кейинги туркий қавмларнинг уйғур хоқонлигига қўшилиши, айрим қабилаларнинг исёни, 757 йилгача бўлган туркий қабилалар билан Моюн чур лашқари ўртасидаги кураш воқеалари баён қилинади. Битигтош кўп зарарлангани учун изчиллик йўқолган.

Енисей ёзма ёдгорликлари. Енисей битигтошлари миқдор жиҳатдан кўп. Бу битигтошларда воқеалар қисқа бўлса ҳам, марҳумнинг ҳаётига оид муҳим воқеалар – қимлиги, оила аъзолари, жангда кўрсатган қахрамонликлари лўнда баён қилинади. Бу ёдгорликларда воқеаларни эпиклаштириш (мифологик образларнинг олиб кирилиши, фольклорга хос услубнинг ассий ўрин тутгани ва б.) хусусиятлари бор. Енисей ёдгорликлари йиғи жанри намунасидир.

Енисей битигтошларининг ҳаммасида воқеалар марҳум тилидан ҳикоя қилинади. Бу ёдгорликлар йиғи жанрига мансубдир. Воқеалар биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинишига сабаб шуки, марҳум жисмонан ўлган бўлса ҳам, унинг ҳаёти, худди бу оламдаги

сингари, нариги дунёда ҳам давом этади деган анимистик тасавурлар мавжуд эди.

Савол ва топшириқлар

1. Турк хоқонлигидаги сиёсий вазиятда қайси давлатлар жиддий роль ўйнади?

2. Хоқонликнинг ташкил топишида қайси тарихий шахслар асосий роль ўйнади?

3. Турк хоқонлиги ва Эрон Сосонийлар сулоласи муносабатлари ҳақида сўзлаб беринг.

4. Қадимги туркий ёдгорликларнинг пайдо бўлишига оид омиллар ҳақида сўзланг.

5. Кул тигин битигтошидан *бошланма*, *мазмун тараққиёти* ва *туғалланмага* мисол келтиринг.

6. Кул тигин битигтошидаги мифологик сюжет қайси ўринда кўринади?

7. Кул тигин битигтошидан эпосларга хос парчалардан мисол айтинг.

8. Кул тигин битигтошида қайси тарихий шахсга бағишланган йиғи жанрига оид парча бор?

9. Нима учун Тўньюкук битигтошини мемуар жанрига мансуб деб қараймиз?

10. Енисей ёзма ёдгорликлари қайси жанрга мансуб?

МОНИЙЛИК ОҚИМИДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ

Режа:

1. Монийлик оқими ҳақида қисқача маълумот.
2. Беруний Моний ҳақида.
3. Монийлик адабиёти
4. “Хуастуанифт” ҳақида.
5. “Хуастуанифт”нинг тузилиши.
6. “Хуастуанифт”нинг ғоявий мазмуни.
7. Монийлик шеърлари.

Калит сўз ва терминлар: *монийлик оқими, ғоя, тизим, таълимот, синкретик тизим, монийлик адабиёти, мадҳия, тўртлик, ёзув, тимсол.*

Монийлик оқими қадимги туркий муҳитдаги алоҳида, ўзига хос бўлган маънавий ва фалсафий жараённинг маҳсулидир. Монийлик оқимининг асосчиси – Моний ибн Фатақдир. Моний ёшлигида кўп саёҳат қилди: Ўрта Осиёда, Ҳиндистонда узоқ вақт яшаб, бу ўлкалардаги маҳаллий динлар, жумладан, брахманизм, буддавийлик ва насронийлик оқимларини чуқур ўрганди. Айниқса, Ўрта Осиё ва Эрон худудида мустаҳкам илдиз отган зардуштийлик Монийнинг эътиборини кўпроқ жалб қилди. Шу сабабдан ўзи яратишни мақсад қилиб қўйган таълимот учун зардуштийликка таянди. Жумладан, зардуштийликда ҳам, монийликда ҳам оламнинг пайдо бўлиши ва тузилиши ҳақидаги таълимот бир асосга таянади. Бу – Хурмуздда мужассамлашган Эзгулик ва Нурга, Ахриман (монийликда Шмну)да мужассамлашган Зулмат ва Ёвузликдир.

Зардуштийликда синовдан ўтган ва инсоният ҳаётининг асосий мазмунига айланган икки қарама-қарши руҳий кучлар ўртасидаги кураш монийлик оқимида янада очикроқ намоён бўлди. Моний тарихда биринчи бўлиб, Марказий Осиёда ўзигача яратилган бошқа диний оқимлардан фарқли ўлароқ, ҳаётга яқин ғояларни ўзида мужассамлантирган, кенг қамровли диний тизимни яратишга ҳаракат қилди. Монийнинг таълимоти унинг “Барҳаёт Инжил”, Шопур ибн Ардаширга бағишлаб ёзган “Шопуроқон” асарларида ўз таълимотини илгари суради.

Беруний Моний ҳақида. Беруний Моний ва унинг таълимотини таҳлил қилар экан, Будосаф, Зардушт ва Будда каторида уни ҳам “пайғамбарлик даъво қилган кишилар” каторига қўшади. Моний мажусийлар, христианлар ва “санавия” (иккиланувчилар) мазҳабларини яхши ўрганган. Зотан, “Шопуроқон” асарида Моний шундай дейди: “Ҳикмат ва яхши амаллар доимо (худонинг) элчилари вақти-вақти билан келтириб турганларининг ўзидир. Бир замон у (ҳикмат ва яхши амаллар) Буд (Будда демоқчи – Н.Р.)исмли элчи орқали Ҳиндистон мамлакатига, бир замон Зардушт орқали Эрон заминига ва бир замон Исо орқали Мағриб заминига юборилган. Сўнгра бу охириги асрда мен Монийга

ҳақиқий худонинг элчисига – шу ваҳий туширилиб ва шу пайғамбар келтирилиб, (мен орқали) Бобил заминига юборилди”.²⁸ Моний ҳақиқатан ҳам пайғамбарлик даъво қилган. Лекин шуниси ҳам борки, Будда ҳам, ундан кейин ўтган Моний ҳам “ҳикмат ва яхши амаллар” ҳақида гапирмоқда. Бу ҳикмат ва амаллар нимани англатади? Чамаси, Моний юқоридаги учта мазҳаб заминидан шакллантирган ўзининг ҳаётда бажариш мумкин бўлган амаллари, ақидалари тўғрисида айтмоқда.

Моний абжад ҳарфлари тартибида йигирма икки ҳарфни жорий қилган ва шу ҳарфлар тартибида ўзининг Инжилини яратган. Ана шу Инжилида Моний: “Исо Масих “Фуроқлит” асарида мен тўғримда хабар берган”, деб пайғамбарлар муҳри эканини далolat қилган.

Монийнинг олам борлиги ва кўриниши ҳақидаги далиллари Берунийни қониктирмади ва уларни хато деб ҳисоблади. Монийнинг нур одамларига, кадимги инсонлар ва “ҳаёт руҳи”га ишонишга даъват этганини Беруний қоралайди. Моний зардуштийлик таълимотидан олган нур ва зулмат курашининг абадийлигини у ишончсиз деб қаради. Монийнинг таълимотидаги муҳим қирраларни Беруний қуйидагича баён қилади: “Ҳайвон сўйишни ва унга алам етказишни, олов, сув ва ўсимликларга зиён етказишни – энг очик сўз билан – ҳаром қилди. Сиддиқлар, яъни Моний мазҳабидагиларнинг тақводорлари ва зоҳидлари ўзларига фарз қилган қонунлар тузди. У (қонунлар) бечорачиликни ихтиёр

²⁸ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1 жилд. Т.: “Фан” нашриёти, 1968, 241-б.

етиш, хирс ва шаҳватни кўпориб ташлаш, тарки дунё килиш ва ундан юз ўгириш, узлуксиз рўза тутиш, имкони борича садақа бериш, бир кунлик овқат ва бир йиллик кийимдан бошқа кўр-кутни ўзига харом қилиш, жинсий алоқани тарк этиш, халқни даъват қилиб йўлга солиш учун доимо дунёни кезишдан иборатдир” (Беруний. *Юқоридаги асар*, 242-б.).

Моний ишлаб чиққан ва амалга татбиқ этган юқоридаги қонунлар Берунийни бефарқ қолдирмаган. Бу қонунларнинг баъзилари – фақирликни ўз ихтиёри билан қабул этиш, тарки дунё килиш, мол-мулкка ружу кўймаслик ва ортиғини муҳтожларга бериш каби ақидалар исломий тасаввуфда ҳам кенг ёйилганидан Беруний яхши хабардор. У “Минералогия” китобида келтирган мурувват ва футувват қоидалари бунга далилдир. Фақат “халқни даъват қилиб йўлга солиш учун доимо дунёни кезиш” ҳақидаги Моний ўғити Исо Масихнинг ҳаворийларига берган ўғитидан олингани учун Берунийни ташвишга солган.

Беруний Монийнинг ахлоқсизлиги ҳақидаги ҳар хил миш-мишлар асоссизлигини таъкидлайди, унинг “ўзим вокиф бўлган китобларда бундай сўзни учратмадим, аксинча, унинг тутган йўли у ҳақда хикоя қилинганнинг тескарисидан далолат беради”, деб хабар қилади (Беруний. *Юқоридаги асар*, 242-б.).

Моний таълимоти ва у яратган ақидалар юзага чиқиб, ёйилиб боравергач, унинг издошлари кўпайди. У ўзининг “Инжил”ини, “Тириклар хазинаси”, “Жабборлар ҳақида китоб”, “Сирлар китоби” каби асарларини яратди. Бу асарларида Исо Масихнинг рамзларини очиб берганини айтди.

Монийнинг таълимоти Ардашер, унинг ўғли Шопур, Шопурнинг ўғли Хурмузд ҳукмронлиги даврларида катта мавқе эгаллади. Монийнинг пайғамбарлик даъволари рост ёки сохта эканлиги тўғрисида ҳам Беруний Шопур ҳукмронлиги давридаги айрим хабарларни келтиради. Берунийнинг таъкидлашича, ислом мамлакатидан ташқарида шарқ туркларининг, Хитой, Тибет аҳолисининг аксари, хиндларнинг баъзилари Моний дини ва мазҳабидадирлар. Булар Моний тўғрисида икки хил сўзлайдилар: бир гуруҳи “Монийда мўъжиза бўлмаган”, дейдилар ва у тўғрида яна “Исо Масих ва унинг суҳбатдошлари оламдан ўтганда, у (ердан) оятлар кўтарилди”, деб хабар қилган, дейдилар. Бошқа бир гуруҳ айтадики, Монийда пайғамбарлик аломатлари бўлган, у мўъжизалар

кўрсатган. У шоҳ Шопурни ўзи билан осмонга олиб чиққан, иккови осмон билан ер орасида муаллақ қолганлар. Шунда Шопур Монийнинг бу мўъжизасига ишониб, унга имон келтирган. Яна бу гоифанинг таъкидлашича, Моний суҳбатдошлари орасидан кўтарилиб, бир неча кун осмонда турар, кейин улар олдига қайтиб гушар экан (*Беруний. Юқоридаги асар, 243-б.*).

Беруний Моний тарафдорларининг мазкур хабарларини шарҳламайди, муносабат ҳам билдирмайди, улардан эшитганларини баён қилади ва ҳукм чиқаришни китобхон эътиборига қолдиради.

Моний таълимотининг Беруний танқидига учрашига биринчи сабаб – дуалистик қараш (Беруний таъбири билан айтганда, санавия, яъни иккиланувчилар мазҳаби)га асосланганидир; иккинчи сабаб – Моний яратган таълимот мустақил бўлмай, бир неча диний оқимлар ва мазҳабларнинг, хусусан, христианлик, зардуштийлик ва буддавийликнинг қоришиқ ҳолатидан пайдо бўлганидир.

Монийнинг ҳаёти аянчли бўлди. Баҳром уни ўлдиртириб, терисини шилдирди ва терисига сомон тикдириб, Жунжишопур шаҳрининг дарвозасига осдирди.

Моний ибн Фатакнинг таълимоти ва ҳаёти яна дарвеш Августин, авлиё Эфраим, авлиё Елифаниёнинг асарларида (IV аср), насроний-сурёний йилномаларида, қатор араб ва форс манбаларида ҳам бор. Унинг исми маъноси тўғрисида ҳар хил талқинлар юради: “телба”, “одамхўр”, “қимматбаҳо тош”. Моний издошлари эса унинг исмини сурёнийча “Моний тирик” сўзидан деб талқин қилган эдилар.

Моний яратган таълимот теософик синкретизм (нариги дунё билан бевосита мулоқот қилиш ва худони билиш ҳақидаги қарашларнинг яхлитлиги) га таянади. Унинг таълимоти ўз даврида ҳаётга яқин бўлди, шунинг учун ҳам минг йилча яшади ва нафақат Ўрта Осиё ва Эронда, балки Европадан Хитойгача бўлган худудда ёйилди. VIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган уйғур-турк хоқонлигида монийлик оқими яқин юз йилча расмий дин сифатида фаолият кўрсатган эди.

Моний яратган синкретик тизим шундан иборатки, атрофимиздаги олам икки қарама-қарши руҳий куч – эзгулик билан ёвузлик, нур билан зулмат шафқатсиз курашадиган майдондир. Бу курашнинг оқибати, шубҳасиз, ижобий натижа билан тугайди.

Хўрмузд монийлик оқидамида оламдаги жамики мавжудотларнинг ярагувчиси, коинотдаги жисмларга шакл берган бош худодир. Монийликда ҳам, зардуштийликдаги сингари, инсон танаси эмас, руҳи бош ўринга қўйилади.

Монийлик адабиёти. Қадимги туркий адабиёт кўп қатламли, турли мазмундаги манбаларга таяниши билан диққатга сазовордир. Қолаверса, туркий халқлар яшаган заминдаги кенг оммага тўлик маълум бўлмаган, етиб бормаган шундай ёзма манбалар борки, бу ёзма манбаларнинг туркий халқлар адабиёти тарихида тутган ўрнини белгиламасдан туриб, қадимги туркий халқларнинг маълум тарихий босқичдаги маданий, ижтимоий-сиёсий мавқеини тўғри белгилаб бўлмайди. Милоднинг бошларидаги давр мафқураси, жамиятдаги маънавий бўшлиқ айнан шу асарлар орқали тўлдирилди. Жамиятга комил инсонни етказиб беришдай масъулиятли вазифани монийлик оқими ва бу оқимдаги адабиёт бажарди. Шу боисдан монийлик оқимининг ва унинг таъсирида ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки зарурат бўлган эди. Монийлик оқимидаги адабий ёдгорликнинг бизга етиб келган намунаси “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси) ва бир қатор монийлик шеърларидир.

“Хуастуанифт” ҳақида. “Хуастуанифт”нинг қадимги туркийда учта нусхаси бор. Лондон ва Берлин нусхаси – моний ёзувида, Санкт-Петербург нусхаси – эски уйғур ёзувида битилган. Тўлиғи – Лондон нусхаси, нотўлиғи – Берлин нусхасидир. Асар яратилган давр тўғрисида В.В.Радлов фикр билдириб, милодий V аср деб айтган эди, С.Е.Малов эса VII аср деб қарайди. Монийлик оқимининг мавқеи ҳамда тил хусусиятларига асосланиб хулоса чиқариладиган бўлса, В.В.Радловнинг фикри ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади. Санкт-Петербурглик Л. Дмитриева ҳар учала нусха асосида 1963 йилда “Хуастуанифт”нинг йиғма матнини яратди.

“Хуастуанифт”нинг тузилиши. “Хуастуанифт” Моний жамоаси аъзоларининг мадҳияси сифатида янграган. Айни пайтда бу асар жамоат аъзоларининг низоми ҳамдир. Бу асарнинг диққатга сазовор томони шундаки, асар монийлик оқимини тарғиб қилишдангина иборат эмас, балки бу оқимнинг келиб чиқиши, туб моҳияти, монийлик қонунларини таҳлил қилиш ва кенг оммага етказишдан иборат бўлган. Монийлик пайдо бўлмасдан олдин, моний жамоасига мансуб бўлгандан кейин гуноҳларини англаган

инсоннинг тавба-газаррулари бу оқимнинг манзарасини тўлиқ намоён қилади. Асарнинг Л.Дмитриева тиклаган тўлиқ варианты ўн беш бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим – Хўрмузднинг ёвузлик оламига қарши отлангани, нур билан зулматнинг кўшилуви ёмон оқибатларга олиб келгани ва инсоният Худони унутиб, оғир гуноҳ ичида қолганлари баёнидан иборат. “Кимдир бировни тирилтирса. Худони тирилтирган бўлади, кимдир бировни ўлдирса, худони ўлдирган бўлади” деган ақидани инсоният билмагани ана шу энг оғир гуноҳлардан биттасидир. Мазкур бўлим охирида Раймаст деган шоҳ барча Моний жамоаси аъзолари номидан тавба қилади. Бу бўлим монийлик тарихини умумлаштирган, шу боис қолган бўлимларнинг дебочаси деб айтиш мумкин.

Иккинчи бўлим – Кун ва Ой худоларининг фаолияти - нур сочиш, иккаласи иккита Нур саройи ичида ўтирадилар, бошқа худолар уларнинг саройлари ичида, аммо одамлар Кун ва Ой худоларини илгари танимаганлари, уларга ишонмаганлари, уларга уятли, ёмон сўзлар айтганлари учун тавба-газарру қиладилар, чинакам худолар эканини эътироф этишга даъват қилинадилар.

Учинчи бўлим – Хўрмузнинг ёрдамчи худолари – енгил шабада худоси, шамол худоси, нур худоси, сув худоси, олов худоси ҳамда бу худоларнинг фаолияти, мазкур бешта худога тобе бўлган моддий ва руҳий олам, бу бешта худони танимаслик оғир гуноҳ экани тўғрисида сўз юритилади.

Тўртинчи бўлим – Будданинг тимсоли – бурхонлар, хабарчилар – руҳлар, лашкарлар – Хўрмузднинг бешта ёрдамчи худолари тўғрисида сўз кетади. Бу бўлимда турли диний тизимдан кириб келган худолар ва руҳларнинг монийликда яхлит ҳолга келтирилгани кўринади. Бу бобда тилга олинган яхши хулқли пок руҳонийлар, қайси диний тизимдан кириб келганидан қатъий назар, Худонинг элчиларидир. Аммо улар орқали Худо муқаддас битикларни юборганда, инсоният қаршилик кўрсатди, муқаддас битикларни тан олмади. Шу боис улар гуноҳкорлардир.

Бешинчи бўлим – инсоният икки оёқли одамларга, тўрт оёқли жониворларга, қанотли жонзотларга, сувда сузувчи жониворларга, ерда бағри билан судралиб юрвчи жонзотларга қарши гуноҳ қилган: уларни ҳақоратлаган, урган, кўрkitган, ҳурkitган, азоб берган, ўлдирган. Энди ўша қилган гуноҳлари учун тавба қилади.

Олтинчи бўлим – инсон доим гуноҳ билан юрган, фикрлари, сўзлари билан гуноҳ қилган, қасам ичган, гуноҳкор одамларга гувоҳлик берган, бегуноҳларни таъқиб қилган, инсонларга руҳан азоб берган, инсонларни, жонзотларни урган, ўлдирган, алдаган, йўлдан оздирган. Кун, Ой худоларига маъқул келмаган ишларни кўп қилган. Ўн турли гуноҳдан халос қилгин, деб Хўрмуздга илтижо қилади.

Еттинчи бўлим – сохта қонунларга, шайтону арвоҳларга сажда қилиб, уларни худойим деб гуноҳ қилган. Худонинг қонунини ваъз қилганларга ишонмасдан, “Мен худоман, мен руҳонийман” деганларнинг сўзларига ишондилар. Иблис ва арвоҳларга жониворларни қурбонлик қилдилар, уларга таъзим этдилар. Сохта ёзувларга амал қилиб, сиғиндилар. Ўша ёвуз иблис ва арвоҳлардан бахт сўрадилар. Ана шу қилган гуноҳлари учун тавба қиладилар.

Саққизинчи бўлим – инсон ҳақиқий Худони, пок муқаддас ёзувни, икки илдизни (эзгулик ва ёвузликни), уч замонни инсон билмасдан олдин, шуури тўртта нурли тамғани қалбига муҳрламаган эди. Булар: *севги* – Азруа Худонинг тамғаси; *имон*, *ишонч* – Кун, Ой худоларининг тамғаси; *қўрқув* – бешта худонинг тамғаси; *дониймандлик* – бурханларнинг тамғаси. Ана шу тамғаларни инсон билгандан кейин, ёруғ илдизни, Худонинг ерини, қоп-қоронғу илдизни, дўзах ерини билиб олди, еру осмонни ким яратганини билди.

Тўққизинчи бўлим – монийлар ўнта назрни адо қилар эдилар. Бу ўнта назрдан учтаси – оғизники, учтаси – юракники, учтаси – кўлники, биттаси – ҳамма жонзотники. Уларни тана севгиси йўлдан оздирган бўлиб, чорвага, мол-мулкка ружу қўйиб, ўзларининг ғам-ташвишларига ўралашиб, ўнта назрни адо эта олмаган эдилар.

Ўнинчи бўлим – ҳар кун Азруа худога, Кун ва Ой худоларига, бурхонларга ақл билан айтиладиган мадҳия бор эди. Аммо инсонлар бу худолар олдидаги қўрқувни унутиб, ҳиссиётларини, ҳамду саноларини худоларга бағишламадилар.

Ўн биринчи бўлим – бешта худога ва пок, муқаддас ёзувларга назр бериш қонунини бор эди. Аммо инсонлар бу руҳий мавжудотларга эмас, балки ёмон хулқли инсонга, йиртқич жонзотларга, моддий нарсаларга назр бердилар, назрларни исроф қилдилар. Осмон нурларини – Қуёш ва Ой нурларини инсонларга эмас, заминга улоқтириб гуноҳ қилдилар.

Ўн иккинчи бўлим – монийлик қонун-қоидалари бўйича бир йилда эллик кун рўза тутиш лозим. Бу Худо йўлида тутиладиган рўза бўлиб, муқаддас ва Худо йўлида хизмат қилишнинг бир кўриниши эди. Аммо инсонлар, аввал уй-рўзгоримизни таъминлайлик, деб чорва, мол-мулк йиғайлик, деб рўзани унутиб кўйдилар ва гуноҳ қилдилар, ўзларига мафтун бўлдилар, оқибатда рўзани буздилар ёки қонунда кўрсатилганидай рўза тута олмасдан катта гуноҳ қилдилар.

Ўн учинчи бўлим – инсоннинг гуноҳларию айблари учун Кун гангриси ҳар кун худолардан, муқаддас ёзувлардан, пок руҳонийлардан афв сўрар эди. Аммо эринчоқ инсон меҳнатга, ташвишга ўралашиб, гуноҳдан фориғ бўлишга интилмади.

Ўн тўртинчи бўлим – йилига етти марта қурбонлик маросими ўтказилсин, бир ой давомида назрлар қилинсин, деган қонун бор эди. Бундан ташқари, қурбонлик маросими пайтида ибодатхонада ўтириб, рўза тутиб, Худонинг элчиларига ишониб, улардан гуноҳлари учун сўрашлари керак эди. Аммо инсонлар буларни адо этмаганлари учун гуноҳга ботдилар.

Ўн бешинчи бўлим – инсон ҳамма гуноҳлари учун тавба қилади. Уларнинг гуноҳлари аввалги бобларда айtilган гуноҳларини – иблиснинг сўзига кириб, бешта худо нурини сарсон қилганлари, уларнинг нурига итоат этмаганлари, беш турли танани, беш турли майсани, дарахтни ташвишга кўйганлари, монийлик қонунларига итоат этмай, назрларни адо этмаганлари ёки жуда ҳам камайтириб ташлаганларини, қонун воизи бўлган руҳонийларга, муқаддас ёзувларга ишонмасдан, кўп гуноҳ қилганларини яна бир марта такрорлашдан иборатдир.

“Хуастуанифт”нинг ғоявий мазмуни. “Хуастуанифт”да Хўрмузд оламнинг ибтидосидир. У эзгулик учун курашга бошчилик қилади. “Хўрмузд Худо бешта худо билан бирга ҳамма худоларнинг поклиги учун иблисларга қарши курашга отланиб, осмондан тушди”. Асарни Хўрмузднинг фаолияти билан бошлашдан мақсад – оламнинг ибтидоси азалда эзгуликдан иборат эди, олам эзгулик учун яратилган эди, жонзотлар руҳиятида эзгулик ва олийжаноблик ҳукмрон эди, деган ўғитни бош ўринга кўйишдир.

Шмну – “Хуастуанифт”да ёвузлик тимсоли, бу хусусияти билан “Авесто”даги Ахриманни эслатади. “Хуастуанифт”да оламнинг ибтидоси тасвирида Хўрмузд ва Шмну бир-бирига қарама-қарши

куч экани таъкидланади. Шмну пайдо бўлгач, нур билан зулмат кўшилиб кетди ва уларни ажратиб бўлмай қолгандан кейин, Шмну ва яна бешта иблис билан жанг қилиш учун Хурмузд осмондан тушди. Аммо Шмну ўз ишини қилди – инсониятнинг онгини, ниятини иблиснинг қилмиши томон буриб, уларни руҳсиз қилиб қўйди. Руҳсизлик – Худодан узоклашишга, фақат тана севгиси билан янашга олиб келади, деган хулоса “Хуастуанифт”да бош ўрин тутади.

Монийлик қонунларида руҳий олам бош ўринга қўйилгани бежиз эмас. Моддий олам эса ёвузлик ва зулматни уйғунлаштиради. “Хуастуанифт”нинг мақсади ҳам битта – одамзоднинг руҳиятидаги нурни, яъни эзгуликни моддий оламдаги зулматдан қутқариш лозим. Моний - бу йўлда нажоткор, унинг қонунлари ҳам эзгулик йўлини кўрсатувчи воситадир. Фақат тавба-тазарру ва гуноҳларни эътироф этиш инсониятни тўғри йўлга солиши мумкин. Шунинг учун ҳам “Хуастуанифт”нинг ҳар бир бўлими сўнггида Моний жамоаси аъзолари илгари қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, Хўрмузддан гуноҳларини кечиришини сўрайдилар.

Моддий бойликларга ружу қўйиш жамиятда табақаланишни юзага келтириши табиий эди. Ер юзида моддий бойликларни чеклаш ва уларни тана лаззати учун бағишламасдан, Худога бағишлаш, назр қилиш, эҳтиёждан ортигини истамасдан, муҳтожларга инъом қилиши керак, деган ўғит Моний жамоатининг ўзак ақидаларидан эди. Бу ақида эса, масиҳийлик (христианлик)даги заминий бойликларга берилмасдан, Осмон шоҳлигидаги хазинанинг пайдан бўлиш кераклиги ҳақидаги ўғитга бориб тақалади (Марк 10-боб, 21-23-оятлар; Лука 18-боб, 23-25-оятлар). Айни шу ғоя монийлик оқимининг муҳим жиҳатларидандир: “Осмонга (олиб) борадиган, (ёвузликдан) халос қиладиган бешта худо нурини уйга, бошпанага боғлаб қўйиб, ёмон хулқли инсонга, йиртқич жонзотларга, моддий нарсаларга бердик, тўқиб-сочиб ташладик” (Хуастуанифт 11-бўлим). Масиҳийликда камол топган бу умуминсоний ақида Шарқ мамлакатларига кенг тарқалган эди. Бу ақиданинг ёрқин кўриниши яна Янги Ахдда учрайди.

Янги Ахднинг “Матто баён этган Хушхабар” китобида Исо Масиҳ хаворийларига шундай ўғит беради: “Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини яхши кўради, ёки бирига бағишланиб, бошқасини менсимайди.

Сизлар ҳам Худога, ҳам бойликка бирдек хизмат қила олмайсизлар” (Матто 6-боб, 24-оят). Исо Масихнинг бойликка, тана лаззатига ружу қўймаслик ҳақидаги ўғитлари Янги Аҳднинг бошқа китобларида ҳам кўп марта такрорланади.

“Хуастуанифт”да илгари сурилган ақидалардан яна бири – инсоният ақл-идрок билан кимга назр бериши лозим, аммо уларни йўлдан оздирган бойлик қандай оқибатларга олиб келди – ана шулар тўғрисида бўлиб, бу ҳам илк бор масихийлик таълимотида шаклланган эди.

Янги ғоялар ҳамма даврда осонликча қабул қилинавермаган. Айниқса, зодагонлар Монийнинг бойликларни тенг тақсимлаш ҳақидаги юқоридагидай ақидаларини қабул қила олмаганлар, бу ақидалар улар учун ниҳоятда хавfli бўлиб туюлган. Моний жамоаси аъзоларининг қувғинга учрашига, Монийга нисбатан бўҳтонлар ёғдириб, охир катл қилинишига сабаб шудир.

“Хуастуанифт”даги нур ва зулмат ўртасидаги кураш руҳий ва моддий бойликлар ўртасидаги курашнинг тимсолидир. Инсон ўз руҳида мавжуд бўлган нур зарраларини моддий нарсалар ташвишидан халос қилиш керак.

Руҳан покланиш, руҳий уйғоқлик, танага лаззат бағишлайдиган кўнгулхушликлардан ўзни тийиб, Худога хизмат қилиш “Хуастуанифт”да бош ўрин тутган ақидалардандир. “Хуастуанифт” ўз даврининг ёзма адабиёти сифатида бу ғояларни ёйиш ва тарғиб қилишда катта хизмат қилди.

Монийлик шеърлари. Монийлик оқими бир катор шеърларни ҳам юзага келтирди. Бу шеърларда Монийнинг шахсияти ва у яратган оқимнинг ақидалари мадҳ қилинади. Моний шахси эса деярли ҳамма шеърларда бор. Монийга буюк илоҳ сифатида ҳамду санолар айтилади.

Монийлик шеърларининг санаси аниқ эмас, лекин бир неча юз йиллар давомида бу шеърлар яратилганини тахмин қилиш мумкин. Турк хоқонлиги даврида, бу хоқонлик тугаб, унинг ўрнига туркий қавмларнинг энг катта қабилаларидан уйғурлар ҳокимият тепасига келган даврда ҳам монийлик шеърлари яратилди. Бу тарихий жараён VII-IX асрлар бошларига тўғри келади. Барча монийлик шеърларининг ғояси ва мақсади бир-бирига яқин бўлгани учун у ёки бу тимсол шеърдан – шеърга кўчаверади. “Худодан шафқат тилаш” ёки “нариги дунёда ҳузур-ҳаловатга эришиш”нинг

ташришигина эмас, балки монийлик окимини барча таъсирчан воситалар орқали тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим рол ўйнади.

Инсонни гуноҳлардан қайтариш, тўғри йўлга солиш учун дўзах азоблари билан кўрқитиш бу туркумдаги шеърларнинг асосий мавзuidир. Моний жамоаси аъзоларининг тасавури бўйича, оламнинг тузилиши уч қаватдан иборат. Монийликдаги бу тасаввур шомонлик окимидаги оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурларга ўхшайди. “Ўлим тасвири” ва “Дўзах тасвири” номли шеърлар бу жиҳатдан диққатга сазовор.

“Ўлим тасвири” шеърини панднома жанрига мансуб деб қараш мумкин. Шеърнинг асосий мавзуи – тўртта доно тангрини инкор этиш қандай ёмон оқибатларга олиб келгани тўғрисида бўлиб, воқеалар баёни орқали ўғит берилади. Шеърда айтилишича, чинакам инсон тангриларнинг каломига итоат этмоғи лозим. Тўртта доно тангрига итоат этсалар, тўртта азобдан қутуладилар. Дарвоқе, тўртта доно тангри кимлар? Улар ер, сув, куёш ва олов худоларидир. Тўртта оғир азоб ҳам ўша худоларга қарши қилинган гуноҳлардан келадиган азоблардир. Бу ўринда тўртта азоб тушунчаси куйидагилар бўлиб, жисмоний азобга эмас, руҳий азобга ишора қилади: *тўртта доно тангрини инкор этиш, Тангрининг каломини қадрламаслик, зулмат шайтонларига топиниш, жуда кўп гуноҳ қилиш.*

Ўлим ҳақ, деб эътироф этилади шеърда. Шу боисдан нариги дунёда келадиган азобларни унутмаслик лозим. Агарда инсон тангриларнинг каломига итоат этмаса, ундай инсоннинг жойи дўзахдир, деган катъий ҳукм мазкур шеърнинг моҳиятини ташкил этади. Шеър курук панд-насихатдан иборат эмас, балки дўзахда инсоннинг шайтонлардан кўрадиган азоблари чексизлигидан афсус-надоматлар ҳам бор. Шунинг учун шеърда дўзахда юз берадиган фожиаларнинг манзараси берилади:

Охири инсоннинг ўлмоғи ҳам бор,
Қоронғу дўзахга тушмоғи ҳам бор.
Ўн мингларча шайтон келади, дерлар,
Ўн мингларча шайтон иш кўрар, дерлар.

Шайтоннинг тавсифи ва тасвирига бу шеърда алоҳида ургу берилади. Ана шу тавсифнинг ўзи ҳам шеърнинг оригиналлигини

гаъминлайди. Шайтон одамзод сингари эмас, балки одамзодга тескари яратилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ёвуз кучларнинг тавсифига оид муболағавий деталлар, халқнинг тасаввуртушунчалари шайтоннинг тавсифи учун асос бўлган, деб қараш мумкин. Қари шайтоннинг бутун танаси юнг билан қопланган, кошлари худди дўл ёғаётган пайтдаги булутга, кўзлари қонга тўла тувакка ўхшайди. Кўкраклари қозикка ўхшаган беўхшов. Бурнидан қора булут осмонга ўрлаб туради, бўғзидан қоп-қора туман юксалади, бағри илон билан тўла, бармоқлари ҳам катта.

Шайтоннинг бундай қиёфаси халқ тасаввуридаги тимсолларга асосланган. Одатда, аксарият ўзбек халқ эртақ ва дostonларида ялмоғиз тимсоли монийлик шеърларидаги шайтоннинг тавсифига ҳамоҳангдир. Ялмоғиз билан шайтонга инсонларнинг бир хил муносабати шундай ҳамоҳангликка сабаб бўлган. Мақсад – дўзах азоблари билан кўркитишгина эмас, балки монийлик оқимининг моҳиятини, унинг афзаллигини кўрсатиш, гуноҳлардан қайтариш, фақат эзгу ишлар билан машғул бўлишга ундаш эди. Шунинг учун ҳам бу шеърда “доно инсон”га – Монийга алоҳида урғу берилади. Дарвоқе, донолик – инсоннинг ўта билимдон бўлишидан иборат эмас, балки Моний кўрсатган йўл-йўриқларни бутун вужудига сингдириш, Азруа (Зерван)ни таниб-билишдан иборат. Азоблардан кутулишнинг шартларию йўллари ҳам аслида шудир.

Шеърда *Тардич* тимсоли бор (*Тардичдай вужудин тарк этар дерлар, молу мулк орқада қолади дерлар*). Тардич инсон танасидаги руҳдир. Руҳ танани тарк этса, тана жонсиздир. У асл моҳиятини йўқотади. Худди шунингдек, мол-мулк аслида дунёпарастлар учун руҳ, яъни жондир. Шеърда шу икки нарса тенглаштирилмоқда. Дунёпарастлик ва монийлик асло келиша олмаслигини, иккаласи икки қутб эканини “Хуастуанифт” ҳам тасдиқлайди. Умуман, монийликдаги бу ғоя умумбашарийдир. Яссавийнинг

Қамуғ дунё йиғганларни валлоҳ кўрдум,
Ўлур вақтда куларсан деб ҳолин кўрдум,
Шайтон айди: имонингга чангал урдум,
Жон чиқарда йиғлай, йиғлай кетар, дўстлар

каби тўртликларига ҳамоҳанг. Моний жамоаси аъзоларининг тутган йўли, эътиқоди мутассавифларни эслатади.

Моддий оламдаги ҳаёт, умр инсон тақдирида канчалик муҳим роль ўйнаса, руҳий оламда эзгуликнинг киймати ва мавқеи муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, шеърда инсон руҳиятига алоҳида диққат қаратилади.

Руҳият – инсонни эзгуликка етакловчи омил, у инсонни шайтоний хиссиётлардан ҳалос қилади, Тангри каломига итоат этишга, ундан юз ўғирмасликка даъват қилади. Руҳиятнинг даъваткор кучи уни ташвиқу тарғиб ёки турли ифодалар орқали тасвирлаш орқали эмас, балки аксинча йўл орқали – шайтоннинг кийёфаси, яъни бунга моддий оламга ҳос ёвузликларни кўрсатиш орқали эришилади.

“Дўзах тасвири” шеърининг бошланиши ва охири нуқсонли, айни пайтда мазмунан “Ўлим тасвири” шеърига ўхшайди, иккала шеър бир-бирини тўлдиради. Инсоннинг қилмишлари қандай оқибатларга олиб келиши, инсон ёруғ оламдаги гуноҳлари эвазига нариги дунёда оладиган жазоси тўғрисидадир. Бир қарашда бу шеър, “Ўлим тасвири” шеъри каби; воизларнинг нутқидан иборат бўлган шеърдай таассурот қолдиради. Шеърнинг диққатга сазовор томони шундаки, унда гуноҳкор инсон фақат дўзах азоблари билан кўрkitилмайди, балки дўзахнинг манзараси ўқувчи кўз ўнгида чизиб берилади. Шеър заминида қадимий инсоннинг олам тўғрисидаги тасаввурлари ётади, у нариги оламни қандай идрок қилганини англаб олишимиз мумкин.

Инсоннинг қилган гуноҳлари тўғрисида сўз юритилар экан, дўзахда ҳамма ишлар сарҳисоб қилинади, дейилади шеърда. Инсоннинг ҳамма гуноҳлари дўзахда очик-ойдин намоён бўлади: оддий ҳақиқатнинг манзараси яна бир қарра уқтирилади:

Инсон қилмишлари айтилар, дерлар,
Ўзи қилган ишлар кўрилар, дерлар,
Ер-сув кути қочади, дерлар,
Ўт-сув кути зорланар, дерлар.

Гуноҳкорлар қилмишлари учун оладиган жазо бутун тафсилоти билан берилади. Шайтонларнинг гуноҳкорларни жазолаш манзараси шеърда мантқан изчил тасвирланади. Гуноҳкорларни шайтонлар қамчилаб жазолайдилар, ўлдирмоқчи бўладилару лекин

“Ўлимни топа олмайдилар”. “Ўлимни топа олмаслик” ақидаси “Олтун ёруғ” асаригадаги Ку тай афсонасида бор.

Монийлик шеърлари орасида *мадҳиялар* алоҳида ўрин тутади. Мадҳияларнинг таржимаси ҳамда асл намуналари бизгача етиб келган. Мадҳиялар шеърятнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан олға силжиганини далиллайди. Қадимги турк давридан бизгача бир неча мадҳия етиб келган.

Тонг тангрисига бағишланган мадҳия алоҳида ўрин тутади. Мадҳиянинг тузилишидан шу нарса англашиладики, у махсус куй учун яратилган. Шеърнинг биринчи банди накоротдир.

Кун ва Ой тангриларига мурожаат ва мадҳиянинг асосий мазмуни бу тангриларни мадҳ қилишдан иборат. Шеърнинг дастлабки банди тонг тангрисининг тимсолини гавдалантиради. Тонг тангриси тимсоли мифологик мазмун касб этиб, худди жонли мавжудотлар хусусиятларига эга. Тонг тангрисини жонли мавжудот сифатида тасаввур қилганларининг ўзи онгли муносабатнинг маҳсулидир. Мифологик фикрлашнинг энг қадимий босқичида худо ва табиат уйғун ҳолда тасаввур қилинган. Шеърнинг дастлабки мисралариданоқ шу хусусият кўзга ташланади:

Тонг тангриси келди,
Тонг тангриси ўзи келди,
Тонг тангриси келди,
Тонг тангриси ўзи келди.

Кун ва Ой тангрилари эса тонг тангрисининг бўлаги, шу боисдан шеърнинг давомида Кун ва Ой тангрилари тонг тангрисининг ёрдамчи худолари сифатида куйланади. Умуман, дунё халқларининг аксариятида Кун тўғрисидаги кўхна тасаввурлар бир-бирига яқин: яратувчи, қудрат, эркаклик уруғи, Бош худонинг ўғли.²⁹ Ой – фаровонлик, аёллик уруғининг бошланиши (аммо шумерларда Ой эркаклик уруғига мансуб бўлиб, тақвим ва инсон тақдири ҳукмдори деб тасаввур қилинган), донишмандлик рамзи сифатида тасаввур қилинган.³⁰ Тонг тангрисини бошқа халқлар

²⁹ Каранг: Джек Трессидер. Словарь символов. Москва, 1999, 348-351-6.

³⁰ Джек Трессидер. Словарь символов., 203-207-6.

кандай мадх қилсалар, қадимги туркийлар Кун ва Ой тангриларини ҳам шундай мадх қиладилар:

Кўринган Кун тангри,
Сиз бизларни кўриқланг.
Кўринган Ой тангри,
Сиз бизларни кутқаринг.

Тонг тангриси Моний жамоаси аъзолари орасида, худди Хўрмузд сингари, бош худо, Кун ва Ой тангрилари эса унинг ёрдамчилари бўлиб, нажоткорлардир. Тонг тангриси Нур худоси Хўрмузднинг рамзидир.

Одамлар, бизнинг шахсий ҳаётимиз, табиат тонг тангрисининг иродаси орқали бошқарилади, деб тушунганлар. Бундай тасаввур қадимги туркий кавмларда пантеистик³¹ фикрлашнинг излари мавжудлигини тасдиқлайди.

Тонг тангрисини ҳам руҳан, ҳам жисман англаш, ҳис қилиш айниқса қуйидаги парчада очикроқ аён бўлади:

Тонг тангриси!
Гўзал ҳидли, мушк ҳидли
Ялтираган. Нур сочиб турган
Тонг тангриси!
Тонг тангриси!

Бошқа бир шеърда Тангрининг ўзгача сифати куйланади. Тангри – доимо нурга йўғрилган, қудратли, энг донишманд мавжудотдир. Бу ўринда Тангри Хўрмузд экани яққолроқ англашилади:

Ёлворармиз Тангри – порлоқ, кучли донога,
Ўтинармиз Кун, Ой тангрига.

Тангриларга эътикод қилиш – юксак маънавий оламнинг, ахлоқий муносабатларнинг натижаси эди. Агар бу шеърда Кун ва

³¹ Пантеизм – худони табиат билан бир, табиатни худонинг тажассуми деб қаровчи диний-фалсафий таълимот.

Ой тангрилари фақат фазовий жисмлардир ва Моний жамоаси аъзолари фазовий жисмларга эътикод қилганлар, деб талкин қилинса, бир ёқлама, тор тушуниш бўларди. Тўғри, илк эътиқодий тасаввурлар шундай бўлган эди. Бу шеърда эса Кун ва Ой тимсолини руҳий куч-қудрат, “нур сочувчи, ёруғлик бахш этувчи худо” деб эътикод қилганлари шеърнинг асл мақсадини юзага чиқаради. Жамиятдаги муқаддаслик ва қабиҳлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги курашни англаб, инсон ўзига ҳомий ахтарди. Натижада Кун ва Ой тимсолини топди. Шеърнинг давом шундай фикр юритишга ундайди:

Қут бахш этинг, эй Тангрим,
Вужудимизни асранг!
Рухимизни озод қилинг!
Қут илтижо этармиз нурли тангрилардан,
Қўрқувсиз турайлик,
Севинч-ла яшайлик.

Тангрилар одамнинг тасавурида руҳан озод қиладиган кучлардир. Руҳан озод бўлиш – Моний жамоасининг тасавурида муқаддаслик билан тенгдир. Руҳан озодлик қўрқувни енгади.

Монийлик муҳиtida яратилган мазкур мадҳиядан ташқари, Тангрига бағишланган яна бир мадҳия бор. Мадрҳиянинг мазмунидан бу мадрҳия ҳам Хўрмузд тангри экани англашилади. Бу мадрҳиянинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, мадрҳиянинг муаллифи қайд этилган. Унинг исми – Апринчур тигин. Апринчур тигин тўғрисида бирон манбада маълумот йўқ. Маҳмуд Кошғарий қадимги туркийда ижод қилган шоир сифатида Чучунинг номини қайд этган эди, холос. Апринчур тигин қачон, қаерда яшаган – буниси бизга номаълум.

Апринчур тигин қаламига мансуб мадрҳия тўртликлар шаклида ёзилган ва 12 мисрадан иборат. Ҳар учала банднинг биринчи мисраси иккинчи мисра бўлиб такрорланади. Бу такрор мадрҳиянинг нақоротиدير. Тангрини шарафлаш, унинг сифатларини кўкларга кўтариш мадрҳиянинг асосий мақсади бўлган эди:

Бизим Тангримизнинг хўблиги жавҳардир, дерлар,
Бизим Тангримизнинг хўблиги жавҳардир, дерлар,
Жавҳардан-да устун менинг аъло тангрим, алпим, паҳлавоним,
Жавҳардан-да устун менинг аъло тангрим, алпим, паҳлавоним.

Шеърда параллелизм воситасида Тангрининг бошқа яна бир сифати мадҳ қилинади:

Олмос учи қайралган-чун кескир дерлар,
Олмос учи қайралган-чун кескир дерлар.
Олмосдан ҳам кескир менинг донишмандим, аслзодам, нурим,
Олмосдан ҳам кескир менинг донишмандим, билимдоним,
паҳлавоним.

Параллелизмдан мақсад – тангрининг кудратини ҳар томонлама кўрсатиш ва аниқроқ, кенг қамровли қилиб Моний жамоаси аъзолари, қолаверса, кенг омма ўртасида намоён қилишдир. Табиатнинг энг ноёб ҳодисаларидан олмос билан Тангрининг кудрати ўртасида тенглик бор. Қадимда буюмларнинг номи ўз сифатларидан ажралмаганини, ном ва сифат яхлит тасаввур қилинганини эътиборга олсак, олмос билан тангрини уйғунлаштириш тасодиф эмаслигини кўрамиз. Қуйидаги мисраларда ҳам Тангрининг шу хусусиятлари мадҳ қилинади:

Олмосдан ҳам кескир менинг билимдоним, донишмандим,
паҳлавоним,

Менинг куёш тангри нури каби фаҳрим, донишмандим,
Менинг Куёш тангри нури каби фаҳрим ақллигим.
Гўзал асл Тангрим шуҳратим, нажоткорим,
Гўзал асл Тангрим, бурхоним, ноёбим.

Апринчур тигиннинг бундан бошқа яна бир шеъри бор. Бу шеър – дунёвий ишқ, ҳижрон азоблари, ёрнинг таъриф-тавсифи тўғрисида. Шеър йигирма бир мисрадан иборат бўлиб, учликлар шаклида ёзилган. Бундай шеър шакли қадимги туркий адабиётда ноёб ҳодиса. Шеърнинг дастлабки уч мисрасида ўчиб кетган жойлари бор. Ошиқ севикли ёрига дард-аламларини сўйлар экан,

ёрини дунёда тенгсиз севикли деб мурожаат этади. Лекин севикли ёр узокда, бу аҳволдан ёрнинг дарду изтироблари чексиз. Шундай бўлса-да, ошиқ умидсизланмайди, ёрнинг висолига етишмоққа умид килади:

Узоқдалигингни билиб ҳасрат чекаман,
Ҳасрат чекканимча, қоши гўзалим,
Қовушмоқ истаيمان.

Шеърнинг давомида қаҳрамоннинг ўз истагига зид ўлароқ ҳаракати шеърнинг таъсирчанлигини кучайтирган, қаҳрамоннинг жисмоний ҳолатидан кўра, руҳий ҳолати ёрқинроқ юзага чиққан. Ёрнинг ошиқ назаридаги энг гўзал тасвири ҳам ошиқнинг истаги ва ўз истагига қарши зид ҳаракатларининг натижаси сифатида юзага чиқади:

Борайин десам, гўзал севгилим,
Бора олмасман.
Меҳрибон жоним.
Кирайин десам, жажжигинам,
Кира олмасман,
Анбар мушкли кокиллим.

Ошиқнинг бу дардлари умидсизлик кайфиятлари эмас, балки ҳар қандай ошиқ бошидан ўтказадиган кечинмалардир. Ошиқнинг истақлари бажо бўлиши учун омил яна Кун, Ой тангриларидир. Ошиқ тангрилардан мадад сўрайди. Ошиқ ўз тилақларини бажо киладиган куч тангрилар эканига ишонади. Гарчи ошиқ ҳали изтиробда, ёр висолига етишмаган бўлса ҳам, орзусининг амалга ошуви шубҳасиздир:

Майин феъллим ила
Қовушиб, бир муддат айрилмайлик.
Қудратли малаклар қувват берсин,
Кўз қарашлари ила
Кулишиб ўтирайлик.

Қадимги туркий шеърят, хусусан, монийлик шеъряти ранг-баранг экани келтирилган намуналардан кўришиб турибди. Исломгача яратилган шеърят мавзу жихатдан турлича. Юқоридагилардан ташқари, Моний мухотида ёзилган “Буюк илоҳ” номли беш юз мисрага яқин шеър ҳам бор бўлиб, Монийга аталган қасида деб аташ мумкин. Бу қасидада буддавийлик терминлари кўп учрайди. Монийлик ва буддавийлик бир ҳудудда бир пайтнинг ўзида амал қилгани ва ҳар иккаласидаги эзгулик, солиҳлик тўғрисидаги ақидалар бир-бирини тўлдириб келгани учун ҳам бу қасиданинг мазмун ва моҳияти ифодасида ўзига хослик бор.

Савол ва топшириқлар

1. Монийлик окимининг моҳияти нималарни ўз ичига олади?
2. Берунийнинг Моний шахси ва таълимоти ҳақидаги қарашлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Моний яратган синкретик тизим нима?
4. Монийлик окимидаги адабиётнинг ўзак масалалари ҳақида сўзланг.
5. “Хуастуанифт” неча бўлимдан иборат? Дастлабки беш бўлимнинг мазмунини сўзлаб беринг.
6. “Хуастуанифт”нинг олтинчи-ўнинчи бўлимлари мазмунини сўзлаб беринг.
7. “Хуастуанифт”нинг ўн биринчи-ўн бешинчи бўлимлари мазмунини сўзлаб беринг.
8. “Хуастуанифт”даги руҳан покланиш ақидаси нималарни ўз ичига олади?
9. Монийлик шеърларида кўтарилган масалалар нималардан иборат?

БУДДАВИЙЛИК ОҚИМИДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ

Режа:

1. Буддавийлик ҳақида қисқача маълумот.
2. Буддавийликда “тўрт олий ҳақиқат”.
3. Будданинг ваъдалари ва уларнинг ҳаётий аҳамияти.
4. “Олтун ёруғ”нинг яратилиши. Асарда фалсафий таълимот.
5. “Олтун ёруғ”нинг яратилишида туркий қавмларнинг иштироки.
6. Махаяна мазҳаби ҳақида.
7. “Олтун ёруғ”да нўм тушунчаси.
8. “Олтун ёруғ”да замон тушунчаси. Дарма.
9. “Олтун ёруғ”даги афсоналар. Ку тау афсонаси.
10. “Шаҳзода ва барс” афсонаси.
11. “Удақатати табиб ва унинг ўғли” афсонаси.
12. “Олтун ёруғ” ўғитлари.

Таянч сўз ва иборалар: *махаяна, масихийлик, санскритча, монийлик, махаяна, масихийлик, Учта Йўл, дарма, ўнта ваъда, нажот, “Хуастуанифт”, иштиёрий фақирлик, “Олтун ёруғ”, чадик.*

Буддавийлик ҳақида қисқача маълумот. Буддавийлик дунёдаги йирик, кенг тарқалган динлар – ислом ва масихийлик (христианлик)дан ҳам қадимийдир. “Будда” деган ном санскритча бўлиб, “онг тиниклашуви” маъносини билдиради. Будданинг ҳаётини тасвирлайдиган ҳикоялар “чадик” деб аталади ва мифологик мазмунга йўғрилган бўлиб, “худонинг одами” тимсолини гавдалантиради.

Будда тарихий шахс сифатида талқин қилинади. Тирик мавжудотларни азоб-укубатлардан қутқариш Будданинг асосий мақсади бўлган.

Будда - ҳақиқат нажоткори демакдир. Унинг асл номи – Сиддхартха. Сиддхартханинг онаси – шакийлар ҳукмдори Майянинг хотини бир куни тушида ёнига оқ филнинг кириб ётганини кўрди. Маълум вақтдан сўнг у ўғил туғди. У бошқа аёллар сингари туғмай, қўлтиғидан туғди. Аёлнинг овозини коинотдаги ҳамма худолар эшитди. Борликдаги укубатларнинг олдини оладиган

Зот келди, деб хурсанд бўлдилар. Доно Асита чақалоқнинг буюк қахрамонликлар кўрсатиши ҳақида каромат қилди. Чақалоққа Сиддхартха деб исм қўйдилар. Бу – “топширикни бажарувчи” деганидир.

Сиддхартханинг туғилган йили мил.ол. 642-448 йиллар оралигида деб тахмин қилинади. Онаси Сиддхартхани тукқандан кейин бир неча кун ўтгач вафот этди. Онага вафотидан олдин, сиз ғайритабиий нарсани дунёга келтирдингиз, деб хабар беришга улгурдилар. Будданинг туғилиши ҳақидаги ривоятларга кўра, у нуқсонсиз хомила бўлган ва хомиладорлик даври ҳам нуқсонсиз бўлиб ўтди, шу боис Буддани онаси дунёга келтиргандан кейин ҳам, у бокира қизлигича қолган. Будданинг танасида оламнинг бўлғуси ҳукмдори аломатлари кўринган.

Сиддхартханинг отаси ўғли диний тарбия олишини истамади. Ота ҳаётнинг салбий томонларини ўғлидан яшириб, дабдабали ҳаётни мухайё қилди. Ўғлига хақиқий дунёвий тарбия берди.

Сиддхартха ўн олти ёшида иккита маликага уйланиб, отасининг саройида беташвиш ҳаёт кечираверди. У саройдан уч марта ташқарига чикиб, учта муқаррар ёвузликни билиб олди: булар – *кексалик*, *азоб-уқубат* ва *ўлим* эди. Тўртинчи марта саройдан ташқари чикиб, кашшоқ роҳибга дуч келди. Роҳибнинг хотиржам ва шод эканини кўриб, заминий ёвузликларга қарши дори-дармонни топди. Ярим тунда уйғониб, ёнида ётган маликаларнинг ҳорғин танасига назар ташлади ва яна бутун заминнинг оғир юкини англаб етди. Ўша зоҳоти Сиддхартха саройни тарк этиб, саройидан бутунлай чикиб кетди ва зоҳидона ҳаёт кечира бошлади, исмини Гаутама деб ўзгартирди. Икки муаллим раҳбарлигида фалсафани ва йог техникасини ўрганди, бешта шогирди билан ўз танасини азоблашни машқ қилди. Етти йил давомида у азоб-уқубат билан тер тўкиб, кохин брахманларнинг муқаддас китобларини ўқиди. Аммо мақсадга эришолмай ва бу сингари риёзат чекишнинг беҳудалигини тушуниб етди. Энди у гуруч билан озиклана бошлади. Сиддхартханинг заифлашиб бораётганидан хафа бўлган шогирдлари уни тарк этдилар. Шундан кейин Шақямуни (Шақя шоҳлигидан келган зоҳид) анжир дарахти остига ўрнашиб олди ва “Менда “онг тиниклашуви” юз бермагунча жойимдан кимирламайман”, деб қарор қилди. У Ўлим ва Ёвузлик илоҳи Маранинг сиқувларига ва тазйиқларига бардош берди. Эртасига

тонг пайти Мара устидан ғалаба қилиб, Буддага айланди ва “тўрт олийжаноб ҳақиқат”ни англаб етди. Шу тариқа у “тўрт олий ҳақиқат”нинг соҳиби бўлди. Илгари уни тарк этиб кетган бешта шогирдига Банорас шахрида ана шу ҳақиқатни ваъз қила бошлади.

Буддавийликда “тўрт олий ҳақиқат”. Биринчи олий ҳақиқат шундан иборатки, ҳамма нарса Азобдир: туғилиш – азоб, ўлим – азоб, хасталик – азоб, жамики беқарор нарсалар – азоб. Иккинчи ҳақиқат шуки, азобнинг сабаби шахватдир. Учинчиси – шахватдан халос бўлиш азоблардан халос бўлишга олиб боради. Тўртинчиси – ҳақиқат азоблардан халос бўлишга олиб борадиган саккизта йўл ёки Ўрта Йўлни кўрсатади. Булар – Фикрлаш, Тафаккур, Калом, Фаолият, Ҳаёт тарзи, Тиришқоқлик, Дикқат-Эътибор, Мушоҳада. Тўртала ҳақиқат Будданинг инсониятга йўллаган чинакам мактубини акс эттиради.

Будда Банорас шахрида биринчи марта ваъз айтгандан кейин, янги имонга юз бурган жамоат брахманлар, шоҳлар ва зоҳидлар ҳисобига тўлиб бораверди. Онги тиниклашганнинг – Будданинг фикрича, уларнинг кўпчилиги ортиқча эди, шунинг учун ибодатхонага аёллар киришига ҳам ижозат берди. Шу тариқа Будданинг жамоати мукамаллашиб бораверди. Эътиқоди чинакам бўлмаганларни назарда тутиб, Қонуннинг инкирозга юз тутиши ҳақида башорат қилди. Бунга *дарма* деб ном берди.

Будда саксон ёшида вафот этган. У ўлими олдидан одамларга шундай деган экан: “Эй одамлар! Ҳамма яратилган нарсалар бузилишга маҳкум қилинган. Кучингиз борича ўша нарсаларни кутқаришга интилинг”. Будданинг бу ўғитидан шу нарса англашиладики, бузилишга ёки айнишга маҳкум бўлган жонзотлар қайта туғилганларидан кейин, бузилиш ёки айниш уларнинг аввалги оламида қолиб кетади. Қайта туғилганларида покланиб туғиладилар.

Будданинг йўли – “Мен”нинг ҳеч нарсага айланиши йўлидир, атроф олам ҳодисаларининг ҳеч нарсага айланишидир. Будда қилган ваъзларида шундай деган экан: “Олам абадий ва олам абадий эмас, оламнинг ниҳояси бор ва оламнинг ниҳояси йўқ, руҳ ва тана бирдир, руҳ ва тана бир эмасдир, архат (валий) ўлимдан кейин яшайди ва архат ўлимдан кейин яшамайди, у мавжуд ва мавжуд эмас...” Роҳиблардан бири буни тушунтириб беришни Буддадан сўраганда, у шундай жавоб олган: “Бу қуйидаги ҳодисага ўхшайди:

захарланган ўқдан ярадор бўлган одамга дўстлари ва қариндош-уруғлари табибни олиб келишга шошилганда, ярадор одам шундай деяётгандай бўлади: “Мени ким яралади – *жангчими, брахманми, деҳқонми* ёки *қаролми*, унинг исми ким, қайси уругдан...баланд бўйлими ёки ўрта бўйлими ё паканами...унинг сочлари қорами ёки сарикми ва х. – шуларни билмагунимча, танамдаги ўкни чиқариб ташлашига ижозат бермайман”. Тасдиқ ва инкор Будда фалсафасининг асоси бўлган. Бу фалсафага кўра, ҳар бир ҳодисанинг ёки нарсаларнинг туб моҳиятини билиш асосий шарт эди.

Будда оддий мантик қонунларига кўра фикр юритаётган (агар А ёлғон бўлса, демак, А-эмас ҳақиқийдир) роҳибнинг паришон бўлганини кўриб ундан сўради: “Сен шу саволимга жавоб бера оласанми: сўнган олов шарққа кетдими, ғарбга кетдими, жанубга кетдими, шимолга кетдими?” Будда архант (валий)ни сўнган оловга қиёслашига суҳбатдош роҳиб имкон бериб, ўз жоҳиллигини тан олди: архантнинг мавжудлигига алоқадор ҳар бир тасдиқнинг нотўғрилигини исботлаш мумкин эди.

Будданинг ваъдалари ва уларнинг ҳаётий аҳамияти. Будда жамики олам жонзотларига, хусусан, инсониятга ўнта ваъдасини эълон қилган. Будда бу ваъдаларини ёмон қилмишларга барҳам беришга қарши руҳий куч сифатида яратган. Бу ваъдалар қуйидагилардир: 1. Жонли мавжудотларга ҳеч қандай зарар етказмасликка ваъда бераман. 2. Агар ўз хоҳиши билан бермаса, ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайман. 3. Эр-хотин ўртасидаги вафодорликка раҳна солмайман. 4. Ёлғон гапиришдан ўзимни тияман. 5. Ўз устимдан назоратни йўқотмаслик учун маст қилувчи ичимликлардан ва гиёҳвандликдан сақланаман. 6. Мечкайликдан воз кечаман ва гарчи мумкин бўлса ҳам кўп таом емайман. 7. Рақсга тушишдан, мусиқа тинглашдан, қўшиқ айтишдан, саҳнада ўзимни кўрсатишдан воз кечаман. 8. Гулчамбарлардан фойдаланишдан, атир ва турли тақинчоқларни ишлатишдан воз кечаман. 9. Баланд ўриндикларда ўтиришдан, қалин тўшақда ётишдан воз кечаман. 10. Олтин ва қумушдан фойдаланмайман.

Буддавийлик ҳамма даврда, шароит тақозосига кўра вазифа бажарган. Бу буддавийликнинг маълум бир ҳудуддаги мақсад ва вазифалари, шу жойнинг ижтимоий ҳаётига муайян таъсири билан белгиланади. Айрим мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракатига

буддавийлик катта таъсир кўрсатди. Аммо қандай шароитда ва қаерда бўлмасин, буддавийлик ўз моҳиятини – инсониятга нажот бериш мақсадини сақлаб қолди. Зотан, Будда шундай деган эди: “Океаннинг суви битта таъмга – шўр таъмга эга бўлганидай, менинг таълимотим ҳам бир йўсинга – қутқаришга мўлжалланган. Одам бажариши керак бўлган энг муҳим вазифа – атроф–муҳитни итоатдан қутқаришга эришишдир, кўрқувнинг йўқолиши одамзодни озод қилади. У озод бўлгандагина ўз озодлигини билади, қайта тирилишдан қутулганини тушунади, муқаддасликка тўла эришилган бўлади, бурч бажарилган бўлади, одам бу дунёга қайтиб келмайди”.

Фақат жасад тирилиб қайтиб келмайди, борди-ю, тирилиб қайтиб келадиган бўлса, итоатдан қутула олмайди. Буддавийликнинг асосий мақсади фақат одамзоднинг озод бўлишига йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат бўлиб қолмай, балки бутун мавжудотни қутқаришга мўлжалланган. Иродага эга бўлиш ва иродани бирдан-бир мақсадга бўйсундириш буддавийликнинг гўб мақсадидир.

“Олтун ёруғ”нинг яратилиши. Асарда фалсафий таълимот. Инсониятни солиҳликка етаклашда дунёнинг турли жойларида муштарак йўллар мавжуд бўлиб, бу йўллар бир манзилга олиб боради. Манзил – инсон, инсон кўнгли. Ҳиндистонда – буддавийлик, Эронда – монийлик, Яқин Шарқ мамлакатларида – ислом. Акидалару эътиқодлар турлича бўлса–да, мақсад бир. Ана шу муштарак йўллар бир манзилда – комиллик манзилида тугашадилар. Бугун биз кўп гапирётган маънавиятнинг пировард натижаси ҳам жамиятга комил инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборат бўлган эди ва шундай бўлиб қолади.

Комилликка эришган жонзотлар орасида энг олийси инсондир. Комиллик панду насиҳатларга қулоқ тутишнинггина эмас, амалдаги хатти– ҳаракатни, мушоҳадани талаб этади. Комилликнинг даъваткор қудрати адабиётдадир. Қадимдан шундай бўлиб келган ва бугунгача давом этиб келмоқда. Тарихга назар ташласак, Марказий Осиёда истиқомат қилган туркийзибон халқларнинг исломиятгача бўлган адабиёти бу жиҳатдан намунадир. Гап V–IX асрларда заминимизда яратилган монийлик ва буддавийлик оқимидаги адабиёт тўғрисида кетяпти. Бу давр туркий тилли адабиётида аниқ мақсадга – комил инсонларни тарбиялашга йўналтирилган алоҳида даъвату акидаларни кўрамиз. Гап жамиятнинг бунга мухтож бўлиб

қолганида эмас, балки соғлом жамият барпо қилиш, руҳан собит ва уйғок насл яратишга интилишда бу даврнинг алоҳида ўзига хослигидадир.

Исломгача яратилган ёзма обидалар орасида монийлик оқимидаги шеърлар, “Хуастуанифт” (ёки “Монийларнинг тавбаномаси”), буддавийлик оқимида мансуб “Майтри смит” драмаси, “Олтун ёруғ” (яъни олтин сингари нур) судурлари, монийлик шеърлари ҳамда кўплаб буддавийлик ва монийлик матнлари парчалари ҳамма даврда ҳам Марказий Осиё туркий халқларининг ижодий маҳсули бўлиб келди. Мазкур адабий ёдгорликлар орасида “Олтун ёруғ” судурлари диққатга сазовор бўлиб, бир неча асрлар давомида Туронзаминда маънавий мухитнинг барқарорлашувида катта хизмат қилди.

“Олтун ёруғ” судурлардан ташкил топган. Судур санскритча сўз бўлиб, “ришта”, “қоида”, “қўлланма” маъноларини билдиради. Судур ҳинд адабиётининг, жумладан, фалсафий адабиётнинг алоҳида жанри бўлиб, бирон таълимотнинг асослари баён қилинади. “Олтун ёруғ”да маълум яхлитликни ҳосил қилган бир қанча судур жамланиб, худди ипга тизилгандай тасаввур қолдиради, яъни судур жанрининг талаблари бу асарда мужассамлашган.

Судур жанри афсоналарни, турли мулоқот шаклларини, қоидаларни, ўғитларни, панд-насихатларни ўз ичига олади.

Асар буддавийликка мансуб бўлиб, халқнинг шуурий изланишлари, эътиқод бутунлиги орқали пайдо бўлди. Асар туркий тилли халқлар орасида эътиборга молик асар бўлгани учун ҳам X–XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилган ва шарқдаги кўп тилларга таржима қилинган. “Олтин ёруғ”нинг Радлов–Малов нусхаси 10 китобдан (tägzinç) иборат. Асарни 1910 йили рус олими С.Е. Малов Хитойнинг Гансу вилоятига қаршли Виншгу қишлоғидаги буддавийлар ибодатхонасидан топган. Асар қўлёзмаси 710 саҳифадан иборат бўлиб, 1687 йили кўчирилган. Ҳозирда бу нусха Санкт–Петербургнинг Осиё музейида сақланади. Бу асарни биринчи марта В.В.Радлов ва С.Е. Малов эски уйғур–турк алифбосида чоп эттирганлар⁶. Ўнта китоб 31 бўлимни ўз ичига олади.

⁶ Радлов В.В., Малов С.Е.. Суварнапрабхаса (Сутра Золотого блеска). – Текст уйғурской редакции. Санкт–Петербург, 1913–1917, XV + 723 с.

“Олтун ёруғ”нинг яратилишида туркий қавмларнинг иштироки. Бунга, биринчидан, Ўрта Осиёнинг қадимий мифологияси ва афсоналаридаги қаҳрамонлар исмининг мазкур ёзма ёдгорликда учраши бир далилдир. Жумладан, “Олтун ёруғ”нинг биринчи китобида Эрлик хон (*Эрклиг* деб ҳам айтилади) тимсоли бор. Эрлик хон турк-мўғул мифологиясида кенг тарқалган. “Олтун ёруғ”да бу тимсол Ку тауни ёвуз қилмишлари учун ҳукм қилмоқчи бўлади, чунки Эрлик хон марҳумлар шохлиги ҳукмдоридир (*Эрклиг*нинг луғавий маъноси ҳам қадимги туркий тилда “қудратли ҳукмдор”дир). Афсоналарга кўра, Эрлик қадимда руҳоний бўлиб, авлиёликнинг энг юқори даражасига эришган ва ғайритабиий қудратга эга бўлган эди. Унинг ўлими ҳақида икки ривоят бор: биринчиси – у ўғирликда айбланиб, тухматнинг қурбони бўлган, иккинчиси – талончиларнинг жиноятларига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган. Оқибатда талончилар томонидан ўлдирилган. Шуниси ажабланарлики, Эрликнинг боши олингандан кейин ҳам, унинг танаси тирик қолган. Эрлик қалласи ўрнига хўкизнинг бошини ўрнатиб олиб, кўркинчли қиёфага эга бўлиб қолган. Хуллас, Эрлик инсонлар тасаввурида ҳалокат келтирувчи иблис сифатида қолган. “Ўлим ғолиби” Ямандаг Эрликни мағлуб қилиб, ер ости дунёсига жўнатиб юборган. Шундай қилиб, Эрлик нариги дунёнинг ҳукмдори ва ҳаками бўлиб қолган. Гарчи Эрлик билан Ямандаг ўзаро душман бўлса-да, икковининг ҳам қиёфаси бир-бирига ўхшатилиб бутлар ясалаверган (масалан, Мўғулистонда).

“Олтун ёруғ” асари X-XVIII асрлар ораллигида буддавийликка эътикод қилувчи қавмлар орасида кенг тарқалган. Бу асар улар эътикод қиладиган буддавийлик қонун-қоидаларидан иборатдир. “Олтун ёруғ” мазмунан ва моҳиятан буддавийликнинг маҳаяна мазҳабига оиддир.

Маҳаяна таълимоти Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Айниқса, Кушон давлатида шох Қанишка ҳукмронлиги (унинг ҳукмронлиги милодий 78 йилдан бошланган) даврида маҳаяна кенг тарқалиб, расмий диний оқим даражасига кўтарилиди. Қанишка буддавийлик тарихида “иккинчи Ашок” (милоддан олдинги 274\268 – 236\234 йилларда ҳукмронлик қилган шох, у Бактрияга, Сўғдага миссионерлар юборган) номи билан шуҳрат қозонди. Қанишка

даврида “Олтун ёруғ”дан бошқа, махаяна мазҳабининг асосий қондаларини тарғиб қиладиган кўплаб асарлар яратилди.

“Олтун ёруғ” асарининг қадимги туркийдаги тўлик номи “*Altun onglug, yariq, yaltiriqligh, qopta kötölmsh nom iliki atligh nom bitig* – Олтин рангли, ёруғ, ялтироқ, ҳамма (нарса)дан устун турадиган нўм подшоҳи номли нўм битиги” деб номланиб, ҳозиргача “Олтун ёруғ” деб номланиб келади. Асарнинг санскритча номи “Суварнапрабхаса” дир.

“Олтин ёруғ”нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилган бўлиб, судур (сутра)лардан ташкил топган. Хар бир бўлимда буддавийликнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида Тангрилар тангриси бурхон билан Хўрмузд ҳамда бошқа тангрилар ўртасида савол-жавоб кечади. Буддага берилган савол билан мавзу бошланади. Будда саволга жавоб бераётганда, орада ҳикоялар ҳам киритилади. Айниқса, асардаги айрим образларнинг мифологик мазмун касб этгани асло бу савол-жавобларга ҳалақик бермайди, аксинча, савол-жавобларда табиийлик акс этади³².

Махаяна мазҳаби ҳақида. Бу асар бошдан–охир махаяна мазҳабини тарғиб қилишга қаратилган эди. Савол туғилади: нима учун бу асар айнан махаяна мазҳаби асосида яратилди ва Канишка ҳам айнан шу таълимотни ёйиш учун хизмат килди? Зотан, махаяна таълимотида ички покланиш, рухий, маънавий соғломлик бош ўрин тутади. Махаянанинг бу мезонларини ўзига сингдириб бораётган буддавийлар жамики жонзотларга яхшилик қилишни асосий мақсад қилиб олган эдилар. Қолаверса, Марказий Осиёдаги азалий маънавий мухит ҳам махаяна мазҳаби билан уйғунлашган эди.

“Олтин ёруғ”нинг асл нусхаси яратилиш даври айнан Кушон империясининг кучайиб, Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллаб олган даврга тўғри келади. Бу империя даврида буддавийлик Ўрта Осиёда, хусусан, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ёйилиб бораётган эди.

“Олтун ёруғ”нинг ёйилиши ҳақида асарнинг дастлабки саҳифаларида қуйидагича маълумот берилади: “...нўм ёрлиғи

³² Журакузиев Н. Мифы в древнетюркской буддийской и манихейской литературе и их значение. - *Türkoloji Üzerine Araştırmalar*. Тюркологические исследования. *Journal of Turkology. Dil ve Edebiyat İncelemeleri Dergisi*. Türkiye. Sayı 5. Nisan 2013. P. 15-21.

шарқдан – Табғач элидан кенг ёйилганда, тангри Табғач хони замонида Китсу Самасто номли бўдисатв¹⁰ муаллим жанубдан – Йингак суви йўли бўйлаб кетиб, Анаткак¹¹ юртига борди. У тугал доно, Тангриларнинг тангриси бурхоннинг муқаддас саккизта ибодатхона барпо қилинган юртларини тўлиқ кўриб чикди. Ўттиздан ортиқ катта эл–халқларни кезиб, йигирма йил тунлари юриб, бу нўм хазинани (ўгиришни) бошлади. Эзлик туман¹² мисрали, жами миқдори тўрт юзга хиндча нўм битигларни (битта ҳам) қолдирмай, табғач тилига (ўгирди, яъни) бу нўм хазинани табғач (тилида ҳам) тугатди. (I . 2а,б) Бу ўринда қадимги хиндчадан табғач тилига ўгирилган асарларнинг жами миқдори ҳақида сўз кетяпти. Бу ўринда фақат “Олтун ёруғ” ҳақида эмас, балки буддавийлик мазмунидаги бошқа асарларнинг – тўрт юзга асарнинг табғач тилига таржима қилингани ҳақида сўз кетяпти.

Махаяна “катта ғилдирак” ёки “нажотнинг катта йўли” деган маънони билдириб, буддавийликда асосий йўналишлардан биридир.

Махаянанинг бошқа буддавийлик йўналишларидан фарқи нимада, нима учун уни “катта ғилдирак” деб атайдилар, деган савол туғилади. Гап шундаки, махаяна тарафдорларининг қарашича, онгнинг тиниклашуви фақат роҳибларгагина эмас, балки жамики мавжудотлар учун жоиздир. Махаянанинг асосий фарқли хусусияти шундан иборат. Махаянада, ҳамма нажот топиши мумкин, бу йўлда инсонга буддалар ва бўдисатвлар ёрдам берадилар, деб қаралади.

Буддавийлик диний тизимини ахлоқ фани билан бир доирада қараш мумкин. Ёки нажот топиш ҳақидаги ақида ҳам бир неча

¹⁰ бўдисатв санскр. – “онгнинг тиниклашувида интилувчи мавжудот” маъносини билдириб, бурхонга айланишга қарор қилган инсон ёки бирор мавжудот. Бундай қарорга келишга қайта туғилишнинг туганмаслигидан – сансарадан чиқишга ҳаракат қилиш ва жамики тирик мавжудотларни азоб–уқубатдан қутқаришдир, деб ҳисоблайдилар. Махаяна таълимотида бўдисатвнинг йўли ҳаммага маълум. Шунинг учун Ўрта Осиёда мустаҳкам қарор топган махаяна таълимотини *бўдисатваяна – будиставнинг араваси* деб ҳам айтадилар. Бўдисатвнинг йўли “онгнинг тиниклашув руҳини кўтариш”дан бошланади ва шундан кейин бўдисатв (одатда бирор бурхоннинг ёки бошқа бўдисатвнинг иштирокида) ҳамма тирик жонзотларни сансара кишанларидан қутқаришга ваъда беради.

¹¹ Анаткак – Ҳиндистон.

¹² Эзлик туман – беш миллион.

диний тизим билан мақсад ва моҳият жиҳатдан бир, фақат иш-амаллари, тимсоллари билан фарқ қилади, холос. Аммо нажот топиш, шунингдек, “қайта туғилиш” ҳам таълимот бўлиши билан бирга, диний тизим ҳамдир. Масалан, “Олтун ёруғ”даги ҳар бир судур йнсониятга нажот бериш ва иллатлардан халос қилишга қаратилган.

“Олтун ёруғ”да баён этилишича, Будданинг инсониятга кўрсатадиган чексиз инояти ва марҳамати таърифи ер юзида мавжуд бўлган таърифун тавсифларнинг ҳаммасини қамраб олади. Инсониятни солиҳликка етаклашда инсонга имконсиз нарса Будда учун имконли. Қолаверса, Будданинг ўнга ваъдаси ва буддавийликнинг туб моҳияти – инсониятни комиликка етаклаш учун уларни иллатлардан халос қилиб, амалий натижага олиб келади. Асарда инсонларни нуқсонлардан тамомила холи, пок, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш йўл-йўриқлари Будданинг сифатларига мос ўғитларининг амалий натижасидир. Маънавий пок инсонлар, ёки умуман жонзотлар (“Олтун ёруғ”да *tinhighlar*) моддий жиҳатдан ҳам ўзига хос тарзда шаклланадилар. Агар ўша жонзотлар Будда хонга (яъни бурхонга), бўдисатв (буддага айланмоқчи бўлган жонзотлар ёки инсонлар)ларга таъзим қилиб, уларга ҳамду сано айтсалар, натижага эришадилар. Ҳар уч замондаги – ўтган, ҳозирги ва келажак замондаги бурхонларга ҳамду сано айтган ва таъзим бажо айлаган аслзодалар ўғиллари ва аслзодалар кизлари (улар жамиятдаги алоҳида тоифа эмас, балки буддавийликка эътиқод қилувчи, Будданинг ақидаларидан асло оғишмайдиган инсонлар)нинг ҳаётда эришадиганлари ниҳоятда улкан, улар “емак-ичмакли, тўну кийимли, мол-дунёли, билимли, фазилатли, қутли, саодатли (бўлади), хасталикка, кулфатга, каршиликка учрамайдилар, умрлари узун бўлади, қанча-қанча орзулари бўлса, ундай орзу йўқки, кўнгил хохиши бўйича қонмайдиган, амалга ошмайдиган (бўлсин)” (V 86\22-9a4).

“Олтун ёруғ”да нўм тушунчаси. “Олтун ёруғ”даги, асарнинг бошидан охиригача давом этадиган муҳим термин - нўм ва унинг турлари, нўмнинг буддавийлар ҳаёти ва эътиқодидаги мавқеи, руҳий таъсирига эътибор қаратайлик. Асарнинг бошланишидаёқ “нўм”, “нўм подшоҳи”, “нўм ёрлиғи”, “нўм хазинаси” каби иборалар учрайди. “Нўм” қонун демакдир. Нўм сўзи иштирок этган мазкур терминларнинг ҳаммаси буддавийлик ақидалари ва қонун-

қондалари маъносини билдиради. “Олтун ёруғ”нинг ҳамма китоблари ва бўлимлари нўм сабабли бирлашади.

Нўмнинг инсон ҳаёти тарзини ўзгартирувчи бошка жиҳатлари ҳам борки, бу руҳий-маънавий жараёнга таянади. Жумладан, инсонлар сеҳр-жоду нўмининг дуоларини ўқиганларида, уларнинг ҳаётида қуйидагича ўзгаришлар юз беради: сеҳр-жоду нўми инсонларни йирткич ҳайвонлар балосидан, ўт-сув балосидан, шайтону арвоҳлар балосидан, инсон ва инсон бўлмаган жонзотлар балосидан, хавф-хатардан халос қилади. Сеҳр-жоду нўми уч замонга оид бурхонларнинг акли, тафаккуридир. Сеҳр-жоду нўмларини кўп сўзлаш билан бурхонларга иззат-ҳурмат кўрсатилади. Айни пайтда аслзодалар – буддавийликка эътиқод қилувчилар нўм удумларини ижро этгач, аслзоданинг “бахти, куч-қудрати кўпаяди, ошиб кетади, нима орзуси бўлса, амалга ошади” (V 96). Шунингдек, инсонлар ўзларига тасалли топишлари учун келтирилган санскритча дуолар муҳим руҳий омил бўлиб хизмат қилади.

“Олтун ёруғ”да “қурук” ёки “бўшлиқ” нўм ҳам борки, таянадиган ҳеч нарсаи йўқ. Нўмнинг бу тури асарда “моддият”га таянгани учун “эгасиз, бўм-бўш маҳаллага ўхшайди”. Бундай ҳолатда ҳиссий аъзолар – кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тил, тана ва тафаккур ўз вазифасидан узоклашиб, ўзига алоқаси йўқ ишлар билан машғул бўлганда, ёлғондакам билим пайдо бўлади. (ёки “ўғри”) Кўринадики, “Олтун ёруғ” ҳар бир тушунчани инсон ва унинг маънавий оламига хизмат қилдиришга қаратилган.

“Олтун ёруғ”да замон тушунчаси. Дарма. “Олтун ёруғ”да буддавийлик тизимига мансуб замон, хусусан, уч замон муҳим категориялардан биридир. Уч замон абадийлик демакдир. Будданинг қиёфаси ҳам, бурхонлар ҳам уч замонда талқин этилади. Шунингдек, уч замонга тегишли дарма (санскр. *dharma*) ҳам уч замонга мансуб бўлиб, “Олтун ёруғ”да маъно ва вазифа жиҳатдан ўзига хос мақомга эга. Дарма муҳим мақом сифатида “Олтун ёруғ”нинг ўнта бўлими бошланмасида “*Буддага таъзим, Дармага таъзим. Сангага таъзим*” тарзида қўлланади. Бу ўринда дарманинг мақоми белгилаб берилган – унинг мақоми Будданинг мақоми билан барабар. Мазкур термин, биринчи навбатда, буддавийлик таълимоти маъносини ва бу йўлга кирганларнинг маънавий ҳаётига оид ҳамма томонларни қамраб олади.

Буддавийлик тарихида махаяна мазҳаби дармага таянди, дарма инсоният ҳаётининг ҳамма томонларига кириб борди. Дарма, инсоният ҳаётининг мазмуни комилликка эришувдан, бўдисатвларга айланишдан иборат, деб уқтирди. Жонзотлар бўдисатвларга айланишлари учун дармани ўзида мужассамлантирган ўнта маъно ва сифатларга эга бўлишлари талаб этилади. Бу маъно ва сифатлар – мавжудлик элементи, йўл, нирвонга етишув, ҳис қилинмайдиган элемент, фазилатли ҳаёт, таълимот, доимий барқарорлик сифатлари, диний ваъда, дунёвий қонунардир. Бир сўз билан айтганда, дарма – эътиқод қилувчиларнинг бутун онгли фаолиятидир деб айтиш ҳам мумкин. Буддавийлар “мен дармада паноҳ топганман”, деб айтар эканлар. Дарма айна пайтда, билиш асоси бўлиб, шахс қобилятини энг юксак даражада шакллантиради. Буддавийлар шундай деб айтар эканлар: “Қиролнинг олийжаноб хонимлари ва ёш шахзодалар! Бир-бирингизга дармага мувофиқ муносабатда бўлинглар!”

Ҳамма замонларда ҳам зодагонларда ахлоқ ва тарбия олий даражада бўлгани ва дарма ана шу ахлоқ ҳамда тарбиянинг тажассуми экани маълум.

Дарма – ҳаёт ва унинг мазмуни ҳам демакдир. Буддавийларнинг яна “дунёвий одамлар дунёвий дармага боғланиб қолганлар” деган гаплари айнан шу маънода истифода этилган. Будда дармага таъриф бериб: “Дарма судур ва бошқалардир”, деб айтганда, таълимотни назарда тутган эди.

“Олтун ёруғ”даги афсоналар. Ку тау афсонаси. Афсоналар “Олтун ёруғ”нинг бадииятидан далолат бериб, Шарқдаги барча диний-фалсафий асарлар сингари, кенг омма томонидан бадиий асар сифатида ҳам қабул қилинган. Асардаги “Ку тау” ва “Шахзода ва Барс”, “Удакатати табиб ва унинг ўғли” ҳақидаги бир қатор афсоналар, асарнинг ҳикоя қилиниш усули, мулоқот шаклларининг ўзига хослиги “Олтун ёруғ”ни бадиий асар сифатида эътироф этишга имкон беради. Бу афсоналар комиллик йўл-йўриklarини кўрсатади, шу йўлга даъват этади. Зотан, асарнинг бошидан-охиригача кўтарилган масалалар, ақидалар, ғоялар комилликка даъват этадиган омиллардир. Ҳар учала афсонада ҳам буддавийликнинг илк босқичидаги комилликка эришиш йўл-йўриқлари баён этилган. “Ку тау афсонаси”да Ку тау образи орқали жамики инсониятга манфаат келтирадиган эзгу иш – “Олтун ёруғ”

асарини кўчиртириш ҳатто жисмоний ўлим ва хасталикларнинг ҳам олдини оладиган бир омил сифатида талкин қилинади.

Афсонада ҳикоя қилинишича, нўм кенг тарқалмаган вақтда Инчйу номли шаҳарда чанг қабиласидан Ку тау деган бир одам шаҳар беги эди. У шаҳар беги бўлиб турганда, кўп жонзотларни курбон қилди. Вақти келиб, қизининг тўйи бўлганда, сигир, кўй, тўнғиз, ғоз, ўрдак, товук каби кўплаб жонзотларни сўйиб, катта зиёфат берди. Орадан ўн кун ўтмасдан ўша бек оғир хаста бўлиб, гап-сўздан қолиб, тутқанок касалига йўлиқди ва оламдан ўтди. Ўлгандан кейин бутун аъзолари совиб, фақат ёлғиз юраги сиртида бир парча эти совимай қолди. Бу аҳволни кўриб, хонадонидаги одамлар каттиқ йиғи-сиғи қилиб мурдани кўмишга олиб бормасдан, уч кунни ўтказдилар. Тўртинчи кун тонг саҳарда улар қуйиб-ёниб турганларида, ўша бек тирилиб, ўрнидан туриб келди, юқорига ўтириб, овқат, ичимлик сўради. Бу аҳволдан бекнинг қариндош-уруғлари, бир қанча одамлар ваҳимага тушиб, нарирок кочдилар. Уларнинг қочиб бораётганини бек кўриб, овоз берди ва шундай деди: “Қайтинглар, яхшиларим, мен тирилганимга сизлар нима учун дарров қочиб кетяпсизлар? Кўрқманглар, мен энди сизларга тирилишим сабабини айтиб берайин, бурханлар нўмининг турличалигини энди эшитинглар”. У шундай дея сўзлаб берди: “Касал бўлганимда, энг аввал менга тўртта шайтон яқин келди. Битгаси йўғон қамчи тутган, иккинчиси аркон тутган, учинчиси қоп тутган, тўртинчиси кўк тўнли, от минган бек экан. Бу тўрт иблис мени бир уй дарвозасига олиб борганларидан кейин, ўша кўк тўнли бек отдан тушиб, мени чақирди. Мен у бекнинг олдига борганимда, у кўйнидан бир битигни чиқариб, менга ўқитди. Ўқисам, бу битигда ўша кунги бизнинг зиёфатда ўлдирилган сигир, кўй, тўнғиз каби жониворларнинг сўзи битилган экан. Уларнинг сўзлари қуйидагича экан: “Биз, ҳамма ҳайвонлар, олдин инсоният дунёсида қилган ёмон қилмишларимиз сабабидан ҳайвонот оламида туғилган эдик. Қарзимизни тўлайдиган, бурчимизни ўтайдиган йил, ой вақт миқдорини тугатсак эди, унда қиёфамизни ўзгартириб, инсоният дунёсида туғиладиган бўлар эдик. Шундай қилиб, ҳайвонот оламидан айрилиб, қутиладиган вақтимиз, кунимиз тугамасдан, Инчйу шаҳридаги чанг қабилалик Ку тау деган бек бизни ўлдирди. Шунинг учун ҳаммамиз қайтадан яна ҳайвонот дунёсида туғиладиган бурчдан, азоб-уқубатдан шикастландик. Бундай азоб-

укубатдан шикастланган замонда бизнинг бу кайгуларимизни, азоб-укубатларимизни очикчасига тушунтириб сўзлаб берадиган даражада мадоримиз йўқ эди. Қандай қилиб яна қаршилиқ қилишга, бардош беришга кучимиз бўлсин?! Бу кайғумизни энди яратган Тангри ўнгарсин”, деб илтижо қилдилар. Шунинг учун биз сени олиб кетгани келдик. Бу хабар битигда бор”. Бу сўзларни битигдан мен охиригача ўқиб битирдим. Кейин ўша кўк тўнли бек: “Ушланглар уни!” деб бакирган эди, учала иблис менга яқин келди, биттаси аркон билан бўйнимни бўғди, биттаси қонга мени солди, биттаси йўгон камчи билан бошимга урди, иккала қўлимни қайириб, Бопсўка тоғи томонга олиб бордилар. Йўл ўртасига борганда, ўша мени олиб бораётган иблислар менга шундай дедилар: “Эй инсон, сен шунча-шунча хайвонларни ўлдирдинг. Ўша сен умрларига зомин бўлганлар мактуби сабабидан сени олиб кетгани келдик. Сен буни билишинг керак”, деб айтдилар. Бу сўзни эшитиб, мен уларга шундай дедим: “Эй яхшиларим, тангриларим! Агар мен у пайтда инсонларнинг бу дунёлик кўзи ўнгида ёмон иш қилганимни кўриб-билган бўлсам, булар Йаманинг¹⁷ бойлигидир. Ўша ёмон ишларнинг ҳозиргидай оғир натижа ва оқибатларини билмаган эдим. Мендан бошқа қанча-қанча одамлар сон-саноксиз жонзотларни ўлдирганларини кўрдим. Аммо ўша кишиларнинг очик-ойдин тушига кирган нарсаларга яхши эътибор бермаган эдим. Шунинг учун икки орада яна ҳозиргидай тилим боғлаиб, ўлим азобига дучор бўлдим. Қандай амал-чорасини қилсам, қайтадан тирик жон бўла оламан? Билмасдан янглишиб, хато қилиб ёвуз қилмишим учун ўзим пушаймон бўляпман, қаттиқ азоб тортяпман. Энди нима қилайин?” деб сўрадим. Шу гапларни айтганимдан кейин ўша иблислар менга шундай дедилар: “Эй инсон! Сен иссиқ жонини олганлардан ўттиздан ортиғи – боғланган,

¹⁷ Йама санскр. – мурдалар шохлигининг ҳукмдори, Йама дастлаб ўлалиган деб тасаввур қилинган бўлиши мумкин. “Ригведа”даги Йама ва унинг эгизак синглиси Ямига бағишланган мадҳияга кўра, Йама “ўлганлардан биринчиси”дир. Шу тариқа у бошқаларнинг ўлиши учун йўл очиб берган. Буддавийликдаги диний-мифологик тасаввурларга кўра, жонзотлар ўлгандан кейин Йаманинг олдидан ҳозир бўлишлари лозим, ўлган мавжудотларнинг жаннатга лойиқ ёки нолайоқатлигини Йама ҳал қилади.

ушланган жонзотлар кудратли Эрклиг хоннинг¹⁸ каршисида душманларча кўзини чакчайтириб, ўша кўзларини тикиб, сени кугиб турибдилар. У ерга борганинда, Эрклиг хон жуда қаттиқ кийнаб ўлдирилганларнинг қаттиқ қонуни бўйича ҳукм қилади, у сздаги оғир азоблардан қутулмагайсан”, дея сўзладилар. Бу сўзни эшитганимдан кейин мен янада қаттиқ кўрқдим, азобларим ортди. Улар ҳар тарафга аланглаб, мени пастга тушириб, олдинга тортиб, кейинга тортиб, уриб-сўкиб, яна бекнинг ҳузурига қаттиқ шошилтирдилар. Шундан кейин мен яна уларга ёлвориб, шундай дедим: “Эй яхшиларим, ўйлаб қарасам, азобларимдан асло қутулмоқлик йўқ. Энди сизлардан ўтиниб сўрайман, ёлвораман: ўзим ўлдирганларнинг қўлига тушгач, улар мени Эрклиг хон олдига сўроққа олиб борганларида, мен нима қилай? Шуни менга айтинглар”, деб сўраган эдим, улар менга шундай дедилар: “Эй инсон! Агар ўша ўзинг ўлдирган жонзотлар учун кўнглинда ўкинч пайдо бўлса, қандай бўлмасин, кўнглингни пок қилгин. Дунёнинг умид-ишончи комил, доно Тангри тангриси бурхон қонун қилиб берган “Олтин рангли, ёруғ, ялтироқ, ҳамма нарсадан устун бўлган нўм подшоҳи” номли нўм битигини тугал, тўлик битишга хоҳиш уйғотишни чин дилдан истасанг, бу азобларингдан халос бўлар эдинг”, дедилар. Бу сўзни эшитишим биланок, мен биринчиларнинг биринчиси²⁰ бўлиб етти тоза кўнглим²¹ билан ўша жонзотларни ўлдирган ёвуз қилмишим учун тавба қилдим, дадилланиб, ёвузликни ташладим, тоза содик кўнги билан туриб, сўнгра “Олтин рангли, ёруғ, ялтироқ, ҳамма нарсадан устун бўлган нўм подшоҳи” номли нўм хазинани тўлик, тугал битишга кўнглимни чоғладим.

Буддавийлик пайдо бўлмасдан илгариги брахманизм эътиқоди ва удумларига кўра, худоларга жонзотлар қурбонлик қилинаверган, Ку тай афсонаси яратилган даврда ҳали буддавийлик ақидалари

¹⁸ Эрклиг хон – *мўғул-бурят*. – турк- мўғул мифологиясида марҳумлар шохлигининг ҳукмдори, ер ости дунёсида олий ҳакам, шайтон, демиург яратган биринчи тирик мавжудот. Буддавийлик афсоналарига кўра, Эрклиг қадимги олий даражадаги монах бўлиб, гайритабиий кудратга эга бўлган. Эрклиг хон шохлиги ер остида деб тасаввур қилинган.

²⁰ биринчиларнинг биринчиси – жонзот бўдисатвга айланганини билдиради.

²¹ етти тоза кўнги – буддавийликнинг махаяна таълимотида эътиқод қўйганликни билдиради.

яратилмаган ва ҳаётга татбиқ қилинмаган эди. Ку тай ҳали буддавийлик ақидаларидан беҳабар, брахманизм ақидалари бўйича ҳайвонлар ва паррандаларни қурбон қилгани учун, улар брахманизмдан нирвонга етиша олмаган. Шундан кейин Эрлик хонга шикоят қилганлар. Ку тай махаяна мазҳабига асосланган “Олтун ёруғ”ни кўчиртиришга ва тарғиб қилишга ваъда бериши биланок “ўликдан тирилди”. Бу дегани – Ку тай нирвонга етишиб, “қайта туғилди” демакдир.

“Шаҳзода ва барс” афсонаси. “Олтун ёруғ”нинг охирги – X бўлимида “Шаҳзода ва барс” афсонаси бор. Афсонада далага сайрга чиққан уч шаҳзодадан энг кичиги эндигина етти бола тукқан ва очдан ўлаётган она йўлбарсга ва унинг болаларига ўзини қурбон қилгани ҳикоя қилинади. Она йўлбарс ва унинг етти боласи шаҳзода Мағаствининг танасини еб тирик қолди. Дунёвийлик нуқтан назаридан шаҳзоданинг бу иши телбалиқдан бошқа нарса эмас, аммо буддавийлик, хусусан, “қайта туғилиш” ақидаси бўйича шаҳзода Мағастви “қайта туғилди”. Қуйидаги парчада Мағастви танасини қурбон қилгач, қайта туғилиб, бўдисатвга айланган йўлбарс болалари қуйидагилардир: “ўша урғочи барс *Махаттрасати* бўлди, еттита боласидан бештаси беш *панчики*³³ бўлдилар. Битта боласи энди бўлди *Мхамодалйатири* танаси. (Яна) бириси энди бўлди *Сарипутирия* авлиёнинг танаси. Мен сизларга – роҳибларга кўрсатиб, билдириб ваъз қилдим ўтган замонда у бошқаларга фойда келтирмоғининг сабабини. Бунга шу тарика астойдил ҳаракат қилиб бўдисатвлар ҳаёт тарзи бўйича, бурхон бахт-саодати туфайли иш тутдим....Ўша замонда мен ўз кўнглимда кўзгатган эдим ниҳоятда улуғ бахтга эришмоқни. Бу танам суяги қолса бу ерда, келяжак замонларга фойда берсин жонзотларга деб” (X 226\23-23a\1-16).

“Шаҳзода ва барс” афсонасида кенжа шаҳзода Мағастви оч қолган йўлбарс ва унинг етти боласига ўзини қурбон қилиш орқали комилликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Будданинг “Жонли мавжудотларга ҳеч қандай зарар етказмасликка ваъда бераман” деган биринчи ваъдаси мана шу афсонада ўз ифодасини топган. Мағастви агарда оч қолган йўлбарсга ўзини қурбон қилмаганда эди, Будданинг мана шу ваъдасига хилоф иш тутган бўларди. У “қайта туғилмаган” бўларди.

³³ Панчики – иблис маъносини билдиралади.

Удакатати табиб ва унинг ўғли ҳақидаги афсона (1X 22a-1X 116). Бу афсона юқоридаги иккала афсонадан фарқли равишда, ҳаётий масалалардан сабоқ беради. Удакатати табибнинг ўғли Удакани ишантининг фидойилиги, ўз юртининг халқига раҳм-шафқатли экани ҳикоя қилинади.

Юртга оғир хасталик тарқалганда, Удакани ишанти халқнинг аҳволидан қаттиқ қайғуради. У отаси Удакататидан хасталикка оид дор-лармонлар китобини ўрганиб, халққа ёрдам беришга қарор қилади. У отасининг хузурига бориб, мақсадини баён қилади. Тўрт фаслга оид хасталиклар ва қайси фаслда қайси хасталикларнинг пайдо бўлиши, қайси хасталикка чалинганда қайси таомларни истеъмол қилиш керак ва қайси таомлардан тийилиш кераклигини, умуман, овқатланиш тартиби, хасталикларни даволаш усуллари тўғрисида отасидан таълим олади. Мана, аслзода Удакатати йил фасллари ва йилнинг ойларга тақсимланиши, фаслларда пайдо бўладиган хасталиклар ҳақида ўғлига берган таълими:

Уч ой баҳор мавсуми деб (аталади), уч ой ёз мавсуми деб (аталади), уч ой аталади куз мавсуми деб. Уч ой аталади қишки мавсум деб. Шу тариха фарқлаганда, бир йил миқдори ойларни уч (ой)дан ажратиш орқали фасл ажратилиб, шаклланади. Икки ойдан жуфтлаштириш орқали кесин⁶ ҳосил бўлади. Шундан сўнг ҳосил бўлади бир йилда олти кесин. Биринчи (ва) иккинчи ой нилуфар гул (очилган) фаслдир. Учтинчи ой ва тўртинчи ой иссиқ фасл пайтидир. Бешинчи ва олтинчи ой ёмғирли пайт дейилади. Еттинчи ва саккизинчи ой куз фаслидир, тўккизинчи ва ўнинчи ой қиш фасли деб аталади. Кейинги икки ой биргаликда корли, музли фасл бўлади. Буни шу тариха фарқлаб, мавсумларнинг ажралишини билиш керак. Фаслларни аралаштирмай, тартиби билан бу фаслларга мос ҳолда риюя қилиб емак, ичмакни, айронни тановул қилиш керак қоринга сингдириб, етилтириб, вақтида; шундан кейин жамики хасталик пайдо бўла олмайди. Мавсумларнинг изчиллиги ўзгаришидан мавсумда тўртта катта ўзгариш, алмашув пайдо бўлади. Бу фаслларнинг ўзгаришига эргашиб, фаслга мувофиқ дори-дармон истеъмол қилмаса, шубҳасиз, касаллик пайдо бўлади... Бу

⁶ Кесин —“ вақт бўлагини” деган маънони билдиради, фақат икки ой вақт бўлагига нисбатан қўлланади.

(хасталик)ларнинг тўрт турини фарқлаш керак, дейдилар. (Булар) куйидагилардир: ел, сарик, балғам каби хасталик (ва) дардлар, санипат деган аралаш оғир хасталик бўлади тўртта. (Шуни) билиш керак: бу(хасталик)лар пайдо бўладиган, тарқаладиган фасллар (қайси экани)ни. Ёз фаслида шамоллаш оқибатидан хасталик келиб чиқади, куз фаслида кўзғалади иситма-безгак пайдо келтириб чиқарадиган сарик (хасталиги). Қиш фаслида пайдо бўлади санипат деган оғир хасталик. Баҳор фаслида кўплаб юмшоқ пиширилган иссик овқат ейиш керак. Ёзда шўр, аччиқ, иссик ёғли овқат ейиш керак. Куз фаслида кўплаб совук, ёғли, чучук таомни (тановул килиш керак). Қишда тановул қилиш керак нордон, чучук, ёғли таомни... мижозга лойиқ тановул қилса, ундай ҳолда касал бўлмайди... табиб ўша фаслларга қараб дори бериб эмласин, егулик, ичимликни, дори-дармонни ўз вақтида бериши керак”.

Аслзода Удақатати табиб ўғлига хасталикларни аниқлаш ва даволаш усулларини ўргатгандан кейин, ўғли Удақани ишанти халқни хасталиклардан фориғ қилди.

Шу воқеадан кейин Удақани ишанти икки ўғли билан шаҳару қишлоқларни кезиб юрганда, суви куриб қолган кўлда баликларнинг нобуд бўлиш арафасида турганини кўрди. Шунда у иккала ўғлини ўзлари яшайдиган шаҳардаги Диваиндарапи деган элик бекнинг хузурига зудлик билан юбориб, йигирмата фил сўради. Диваиндарапи элик бек филларни берди. Удақани ишанти иккала ўғли билан дарёдан сув ташиб, кўлга қуяверди. Ниҳоят, балиқлар қирилиб кетишидан сақлаб қолди. Кейин у иккала ўғлига: “Боболарингизга – менинг отамга айтинглар, бугун чўриларга, хизматкорларга берадиган озиқ-овқатни берсин, олиб келинглар”, деб буюрди. Иккала ўғил бориб, оталарининг айтганларини боболарига етказдилар. Чўрилар ва хизматкорлар истеъмол қиладиган бир кунлик овқатни олиб келиб бердилар. Удақани ишанти ҳамма егуликларни кўлга ташлади. Шу тарика ўн мингдан ортиқ балиқдан биронтаси ҳам нобуд бўлмасдан омон қолди.

Бу воқеалар махаяна мазҳабининг ақидаларини, хусусан, рухий, маънавий соғломлик ва жонзотларга эзгулик тилашни тарғиб қилишга қартилган эди.

“Авесто” ва “Олтун ёруғ”да Хўрмузд ҳамда Зервон образлари. “Авесто”даги образлар – Хўрмузд образи “Олтун

ёруғ”ла мавкеи жиҳатидан Будда тимсолидан кейин турадиган тимсолдир. Бу образ “Олтун ёруғ”да ҳам давом этган. Хўрмузднинг “Олтун ёруғ”даги яна бир исми Кавсиякидир. Хўмузд - тўрт маҳаранч тангриларнинг раҳнамоси, тўрт маҳаранч тангрилар эса оламнинг тўрт томони кўрикчиларидир. Хўрмузд “Олтун ёруғ”да солихлик, поклик, жамики жонзотларнинг ҳомийси рамзи сифатида намоён бўлади.

“Авесто”нинг Гоҳлар қисмида Хўрмузд инсониятни бу оламнинг гуноҳларидан поклайдиган курашчи сифатида намоён бўлади. Шу боис Зардушт Хўрмуздга тавалло қилиб, унинг сифатларини бирма-бир баён қилади: Хўрмузд – бу оламнинг танҳо адолатпешаси, илк донишманд, Эзгу Ниятнинг отаси, Ҳақиқатнинг чинакам яратувчиси ва х.

Хўрмузд “Авесто”да қандай вазифа бажарса, “Олтун ёруғ”да ҳам ўша вазифани бажаради. Ҳар иккала асарда ҳам Хўрмузд образи келиб чиқиши жиҳатидан бирдир. Ёки Зервоннинг вазифаси ҳам “Олтун ёруғ”да (Азруа деб номланади) “Авесто”даги Зервон билан айнидир. Масалан, “Олтун ёруғ”да Зервон тангрининг масканида жонзотлар қайта туғилиши учун гуноҳларидан пушаймон бўлиб, илтижо қилиб, ва тавба-тазарру қилиб, пок сўзлар билан ёмон қилмишларини, кирларини, ифлосликларини ювиб, тозалашни керак (III 9а). Зервон “сон – саноксиз оламнинг хони” (III 19а), Зервон тангри подшоҳлар, қонлар риюя қиладиган Рачашастир деган қонун битигини сўзлаган ва битиг ҳолига келтирган (VIII 26а). У Буддадан, нўм ғилдирагини айлантирай, маҳаяна мазҳабини жонзотларга берай, деб илтимос қилади. Шу хатти-ҳаракатлари орқали Зервон ер юзида солихликни барпо қилишни, жамики жонзот болаларини тинч – омон, шод – хуррам қилишни кўзлайди. Умуман, Зервон тангри “Олтун ёруғ”да қомил жонзотларни яратади ва кўнайтиради.

Мазкур қиёслардан маълум бўладики, “Авесто” ва “Олтун ёруғ” ўртасидаги мувофиқлик Ўрта Осиё билан “Олтун ёруғ”нинг илк ватани Ҳиндистон ўртасидаги тарихий алоқаларга ишора қилади. Кўп тарқалган нуқтаи назарга кўра, II минг йилликдан олдин Ўрта Осиёдан, хусусан, Амударё ва Сирдарё оқими бўйлаб жойлашган ўлкадан тортиб, Орол ва Каспий денгизларигача чўзилган юртга Ҳиндистонга арийлар қабиласи бостириб кирган (М. Майрхофер, И.Дьяконов, Т. Боррау ва бошқа кўп шарқшунослар шу фикрда).

Ана шу даврдан бошлаб арийларнинг алоҳида қабилалари Шарққа томон кўча бошлаганлар. Бу кўчиш милоддан олдинги II минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Улар Ўрта Осиёдан Афғонистонга, у ердан Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга – ҳозирги Панжоб вилоятига ўтганлар. Арий деган номни Ҳиндистондаги қабилалар кўйган эмас, балки Ўрта Осиёдан борган қавмлар ўзлари билан бирга олиб борганлар. Арийлар “нафақат ҳарбий истеъдоди билан, балки бадий сўз соҳасидаги иқтидори билан ҳам ажралиб турганлар. Бу қабилаларнинг энг асосий хазинаси мадҳиялар бўлиб, келгусида жамланган Ригведаларнинг асосида ана шу мадҳиялар ётган эди”.³⁴ Арийларнинг бошқа ўлкалардан Ҳиндистонга киргани тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор, аммо кўпчилик рус ва Европа шарқшунослари арийлар дунёнинг кўп томонларига Ўрта Осиёдан тарқалганини тасдиқлайдилар.

“Авесто” ва “Олтун ёруғ”да Хўрмузд ҳамда Зервон образларининг бирлиги уларнинг ижодкорлари бир халқ эканини кўрсатувчи битта далил бўлса, иккинчиси – Зервон билан Будданинг, Зардушт билан тангрилар хони Хўрмузднинг фаолиятидаги ўхшашликлардир. “Авесто”да Зардушт муҳим қонунлар сўраб, Ахура Маздага мурожаат этади, Ахура Мазда жамики ер юзига Зардушт орқали қонунлар беради. “Олтун ёруғ”дан яна бир мисол келтириш билан чекланамиз: Хўрмузд, махаяна йўл- йўриқлари бўйича яшамайдиган инсонлар ўзларининг қилган ҳимматларидан хурсанд бўлишга лойиқми, деб сўраганда, тангрилар Тангриси Будда шундай йўл-йўриқ кўрсатади: “Қайси бир жонзот хоҳ муқаддас махаяна нўмидаги йўл – йўриқ бўйича юришга қодир бўлсинлар, хоҳ яна муқаддас махаяна нўмидаги йўл – йўриқ бўйича юришга қодир бўлмасин(лар), қодир бўлганлар (ва қодир бўлмаган) ўша аслзодалар ўғли, аслзодалар кизи кечаю кундуз олти замонда жануб томонга ўнг елкаларидаги тўнларини очиб, ўнг тиззалари билан чўккалаб, қафтларини (бир – бирига) қовуштириб, кўп ҳурмат–эҳтиром (билан) ғоят пок содиқ кўнгил билан, бир мақсад, идрок ва ҳис–туйғулар билан ўнг томондаги оламларнинг жонзотлари қилган ҳимматли, эзгу ишларига, эзгу саъй – ҳаракатларига мувофиқ хурсанд бўлиб, севиinsa, кейин ўша

³⁴ Елизаренкова Т.Я. “Ригведа” – великое начало индийской литературы и культуры. “Ригведа” китобида. Москва, “Наука”, 1989, 496-б..

аслзодалар ўгли, аслзодалар кизи ҳисобсиз, тенги йўқ ҳимматли, ўзгу ишларини қилади” (III 126- 13a).

“Олтуң ёруғ” ўғитлари. “Олтуң ёруғ”да бурхоннинг эътироф этишича, Хўрмузд жамики инсонларни қилмишлари, гуноҳлари учун пушаймон қилдириб, тавбага олиб келади. У, инсонларни ёвуз қилмишларидан поклагин, деб бурхондан илтимос қилади (III 26). Хўрмузднинг бу ишини Тангрилар тангриси маъқуллайди ва жамики инсоният гуноҳларидан покланиши учун қандай амалларни бажариши лозимлиги тўғрисида Хўрмуздга йўл-йўриқ кўрсатади. Бу амаллар – ҳамма бурхонларга таъзим қилиш, яъни уларни иззат-хурмат қилиш, зехни очилганларга таъзим қилиш, махаяна таълимотини тарғиб қилувчиларга таъзим қилиш ва ҳоказолардан иборат. Аммо амаллар фақат шулардан иборат эмас, балки инсонлар қилган гуноҳларини эътироф этиб тавба қилишлари ҳам лозим. Зотан, инсонлар буддавийлик қонунлари пайдо бўлмасдан илгари, ёвуз, ёмон қонунларга эргашиб, ҳатто дўзахга ҳам тазйик ўтказган, ғазабнок бўлиб, нафрат ва нодонлиги туфайли жонзотларга зулм қилган, яхши-ёмон ишларни ажрата олмай, тана хоҳиши билан иш қилиб жонзотларга жабр қилган, тилига эрк бериб, кўнглида ёмон ишларни ўйлаб, гуноҳ қилган, ёмон ният билан бурхоннинг танасидан қон чиқарган, тўғри, ҳақиқий нўмдан нафратланган, нўмдан нафратланиб, ундан юз ўгирган, соф ниятли рухонийлар орасида иғво кўзгаб, жанжал чиқарган, ҳатто ота-онасини йўқ қилдирган, гуноҳу айбларни фақат ўзи қилиб қолмай, бошқаларни ҳам шундай ярамас ишларга ундаган ва ўзи бу қилмишларидан хурсанд бўлган, пок одамларга иллату гуноҳларни тўнкаган, ёмонни яхши деб мақтаб, яхшини ёмон деб қўллаб-қувватлаб, у нуқсонлидир, у шайтондир, деб ҳукм чиқарган.

Хуллас, дунёда нимаики иллатлар бўлса, инсоният шуларнинг ҳаммаси ижрочиси. Шунчалик қабоҳатга ботган инсониятнинг гуноҳлари учун афв сўраб, Хўрмузд бурхон олдида воситачи бўлади. Хўрмузд қатта ижтимоий вазифа бажаради – бурхондан инсоният учун бахт сўрайди, инсониятни тўғри йўлга солишдан, яхшилик иллизини мустаҳкам қилишдан иборат вазифани амалга оширишни бурхондан илтимос қилади ва жамиятда соғлом муҳит яратиш учун курашади.

Бурхоннинг берган ўғитлари, йўл-йўриқлари ҳамма бўдисатвларнинг ҳаёти учун мезон, улар бу йўлни қундалиқ вазифа

сингари кабул қилишлари керак. Инсон бўдисатвга айлангандан кейин, у комилликнинг энг юқори нуктасига эришади. Энди у ўзини эмас, бошқаларнинг роҳат- фароғатини ўйлаши, бошқаларнинг ташвиши билан яшаши лозим:

“Беи оламдаги жонзотлар учун ўз танасининг шу тариқа шодлигини, хурсандчилигини, озиқ-овқатини, қурол-ярогини (кўзда) тутмайдилар, жонларини, бошларини фидо қилиб, ҳаётини бериб, сабр қилиб, чидайдилар. Шу тариқа бўдиставлар бу сингари (воқеалар) бўлишини биладилар, ўзлари тинч, шод бўладиган сабаблар орқали ҳам энг (қаттиқ) азобларни тушуниб етадилар. жонзот безовталанса, азобланса, у тинчликни, хурсандчиликни истамайди. (Улар) ўзларининг таналарини фидо қилиб, бошқалар (эса бундан) эзгулик, хурсандчилик топадиган бўлса, таналарини, ҳаётларини аямайдилар. Шундай қилиб, бу тахлитда бўдисатвлар ўзларининг тинчлигини, шодлигини тиламайдилар, таналарини, ҳаётларини аямайдилар, шу билан ўздан юқори турадиганларнинг кўрқув, азобларини, ўздан қуйидагиларнинг хўрликларини, ёмон ниятли душманларнинг азоб-уқубатга солишини (ва шунга ўхшаши) кўп (азобларнинг) турларига сабр қиладилар, бардош берадилар. Шудир ўзларининг тинчлигини, хурсандчилигини истамасдан, таналарини, жонларини аямасликка ишониб, сабр қилмоқ фазилатига эришмоқ (дегани)” (IV 14a).

Зерван, Хўрмузд, уларнинг атрофига йиғилган барча тангрилар инсониятнинг халоскори, муҳофаза этувчиси бўлиш билан бирга, “олтун нур”ни – буддавийлик акидаларини ёвчилардир. Бу нурга итоат этиб, унинг йўл-йўриғидан юрадиган юртнинг халқи, подшоҳи катта манфаат топади. Улар фақат руҳий мадад олиб қолмай, бу оламда инсоният хотиржамлиги учун зарур бўлган кўп нарсаларга эришадилар: “биринчидан, соғ-саломат, хавф-хатарсиз бўлади, иккинчидан, умри узун бўлади, учинчидан, лашкарининг куч-қудрати ошиб кўпаяди, душманлари бўлмади, тўртинчидан, эл-улус шод-хуррам, тўғри, қонун-қонда бўйича яшайди” (III, 33 а,б).

Бу – ваъда эмас, балки амалга ошиши мумкин бўлган ҳақиқатдир. Қолаверса, ҳақиқат фақат шундан иборат эмас. Бурхоннинг ўғитлари, Зерванга, Хўрмуздга ва тангрилар орқали

берган ўғити юртни, инсонларни маънавий томондан соғлом қилади, молпарастлик иллатидан халос қилади, иллатлардан халос бўлишнинг махсули сифатида инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўладилар. Хукмдорга ўзининг халқи, атрофдаги душманлар ҳам совға-салом келтириб, дўст тутинадиган бўладилар, бунинг натижаси ўларок шон-шухратга эришадилар, ўзлигини намоён қиладилар, ҳамманинг иззат-хурматиغا сазовор бўладилар. Подшоҳдан тортиб халқигача узоқ умр кўрадилар, тинч-омон яшайдилар (111 35 а,б – 36 а,б).

Зерван, Хўрмузд ва тўрт махаранч тангрилари, худди эртак, эпос қаҳрамонлари сингари, инсониятни бахт-саодатга элгувчи кудратли куч бўлишлари билан бирга, уларнинг душманларини, эзгуликка қарши кучларни тумтарақай кочирадилар. Зотан, азалдан – яратилиш давридан бери Зерван билан Хўрмузднинг вазифаси шундай бўлган эди. “Хуастуанифт”нинг бошланишидаги Хўрмузд билан Зерванга оид воқеалар ҳам бунинг далилидир. Айни пайтда улар инсоният қалбидан жой олиб, “баҳодирлик, мерганлик, фазилат, маҳорат, билимни уларнинг кўнгилларига жо қилиш” учун бурхонга ваъда берадилар. Бу фазилатлар фақат руҳий маънода эмас, балки жисман инсон қалбида жо бўлиши лозим. Эларнинг хукмдорларидан тортиб халқигача жисмонан соғ-саломат яшашининг асосий шarti – бурхон берган тўғри қонун-қоидалар, қонунлар таркибидаги ёрликлардир. Инсоният йўлидаги азоб-уқубатларни бартараф қилиш, шунингдек, ахлоқни жамиятнинг соғломлиги учун асосий шарт қилиб қўйиш, донолик, мушоҳада орқали руҳий етукликка олиб боришнинг пировард мақсади – ноқомил бу оламни қомилликка етказишдир. Инсон ҳеч қачон азоб-уқубатдан, кексайишдан, хасталик ва ўлимдан холи бўла олмаган. Бунинг имкони ҳам йўқ, зотан, ҳаёт шундай қурилган. “Олтин ёруғ”нинг яна бир мақсади – инсоният азобни тушунсин, уни бартараф этиш йўлини англасин.

“Олтин ёруғ”да буддавийлик фалсафаси, юқорида кўриб ўтганимиздай, ахлоқий-таълимий қарашлар асосига қурилган. Умуман олганда, бу фалсафа инсониятни қамтарликка, ҳокисорликка ундайди, инсонлар мол-дунёнинг ўткинчи, арзимас эканини ҳис қилишларига ундайди, жонзотларга, инсонларга бўлган севгиси бўйича мол-дунёсини, иссиқ жонини азобга дучор қилишга даъват қилади. Айниқса, устозларга, улуғларга, ота-онага ҳурмат

асарда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ахлоқий муаммоларга “Олтин ёруғ”да алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Чунки инсоният ҳар доим гуноҳ қилишга мойил, “нопок инсонлар олами”да инсонларнинг қилмишлари кўп.

Асарда уч қимматбаҳо ҳазина тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Бу уч ҳазина куйидагилардан иборат: *Ёвузлик қилмаслик. Яхшилик қилиш. Ақлни поклаш.* Шу ўринда “Авесто”нинг Ясна дафтаригаги *Эзгу фикр, Эзгу сўз* ва *Эзгу амалнинг* уч ҳазинага ҳамоҳанглигини эслаб ўтиш ўринлидир. Буддавийликда уч ҳазина ниҳоятда кадрланган, шунинг учун ҳам ҳар доим буддавийликка эътикод килувчилар бу уч ҳазинани кўз-кўз қилиб эмас, балки ўз зиммаларига мажбурият сифатида олиб, эътиқоднинг асосий таянчи сифати деб билганлар.

Бу уч ҳазина “уч заҳар” (“Авесто”нинг Ясна дафтаригаги *ёмон фикр, ёмон сўз* ва *ёмон амални* шу ўринда эслайлик) ёки уч турли ёмон қилмиш деб аталадиган зарарли одат ва кўникмаларга – очкўзлик ёки шаҳвоний истак, нафрат, йўлдан озийш ёки нодонликка қарши қўйилади.

Инсоният “уч ҳазина”га боғланиб, “уч заҳар”дан қочишга интилишни мақсад қилиб олиши лозим (1V 96 –10а). Дарвоқе, одамзоднинг табиати доимо дунёвий лаззатга мойил бўлиб келган. Дунёвий лаззат – инсон учун бошпана, маскан. Фақат ташқи олам инсоннинг тана истакларини қондира олади. Кимдир пул ва бойликдан лаззат топиб, уни ўзига маскан деб билади, кимдир гиёҳванд моддалардан, кимдир лаззатли овқатдан, кимдир денгиз бўйида дам олишдан лаззат топиб, ташқи оламнинг хузур-ҳаловатини ҳаётнинг асосий мазмуни деб билади, ўзини бахтиёр, ҳамма нарсага эришган деб ҳисоблайди. Аммо инсон умр бўйи ботиний озодликни – ботиний масканни излайди.

“Олтун ёруғ”да руҳий камолотга интилиш жамиятнинг ҳамма томонини ва ҳамма қатламини қамраб олган. Ҳаммасининг остида инсонга муҳаббат ётади. Инсоннинг камолоти учун, биринчи навбатда, мамлакатда адолат барқарор бўлмоғи, қонун-қоидаларга амал қилмоғи лозимлиги – асардаги муҳим ақидалардандир. Қонун-қоидаларга амал қилиш – буддавийлик ақидаларига риоя қилишни англатади, яъни солиҳлик, поклик ҳар бир одамнинг шиори бўлиши керак. Жумладан, асарнинг учинчи бобида бу ҳақда шундай дейилади: “Қайси бир юртдаги подшоҳ, бек, амалдор тўғри қонун-

қоида бўйича юрса, бу китобдаги фармонлар бўйича юрса, халки ҳам шу китобдаги қонун бўйича юради”.

“Олтун ёруғ”нинг шу бобида яна айтилишича, инсоннинг шон-шуҳрати унинг мулкидан иборат эмас. яъни инсон бойлигига таяниб шон-шуҳратга эришмайди. “Бойлик, – дейилади бу асарда, – қонунни оёқ ости қилишга олиб боради. Инсон бойликдан нафратлансагина, қонун-қонидани ҳурмат қиладиган бўлади. Инсон бу оламдан манфаат изламагандагина, шон-шуҳратга эришиб, таъмағирликка, фаолиятсизликка, руҳсизликка чек кўяди”. Ўзликни намоён қилиш, кўпчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиш ҳам манфаат изламаганда пайдо бўлади. “Олтун ёруғ” асаридаги “ҳақиқий билим”ни – ақидалар, ўғитларни юрагига жойлай олгандагина, инсон фазилатлилар қаторига ўтади. Ҳақиқий билимни эгаллаган одам бу дунёда солиҳ ҳаёт кечириб, жамики жонзотларнинг азоб-уқубатларига шерик бўлади. Жонзотларга нажот бағишлаш, уларнинг азобларига шерик бўлиш, жон фидо қилиб бўлса ҳам ёрдам бериш – “Олтун ёруғ”даги яна бир муҳим ақидадир. Ана шу ақидага амал қилган одам “таналарни, тирик жонларни ўлдирмайди, бировнинг мол-дунёсини тортиб олмайди, ўғирлик қилмайди, бошқаларнинг хотинига боғланмайди, ёлғон гапирмайди, тухмат қилмайди, қўпол, ёқимсиз сўз сўзламайди, тилёғламалик қилмайди, ҳасад қилмайди, бошқаларга ғазабини сочмайди” (IV). Бир сўз билан айтганда, оддий ҳаётий ҳақиқатни англаб, унга риоя қилиш шудир.

Очкўзликка олиб келадиган оқибатлардан ҳам танани, ҳам кўнгилни тийиш яна бир фазилатдир. Ғазабни тийиш, кўнгилни қирлардан кетказиб руҳан покланиш, билимлилик ва ақллиликни пайдо қилиш каби қатор фазилатлар ҳам инсониятнинг безагидир, деб уқтирилади асарда.

Ботинан ва зоҳиран қомил, руҳан собит инсонни тарбиялаш масаласи исломиятдан олдин ҳам жиддий масала бўлиб кўтарилган. “Олтун ёруғ”даги бу сингари ақидалар маънавий барқамол инсонни тарбиялашда бугун ҳам қатта аҳамиятга эга.

Туркий будда шеърларининг асосий мазмуни будда ғояларини тарғиб қилишдан иборат бўлса-да, бу шеърларнинг орасида табиатнинг гўзал тасвири мадҳ қилинган, табиат билан инсон руҳияти ўртасидаги ботиний боғлиқлик кўрсатилган мисраларни

ҳам кўрамиз. Турк будда шеърларининг асосий мазмуни ҳам буддавийлик ақидаларини тарғиб қилишдан иборат.

Савол ва топшириқлар

1. Буддавийлик тарихи ҳақида қисқача маълумот беринг.
2. “Олтун ёруғ” асарининг тузилиши, юзага келиш тарихи ҳақида қисқача сўзлаб беринг.
3. Махаяна мазҳабининг таълимоти нималарни ўз ичига олади?
4. “Олтун ёруғ”да нўмнинг қандай турлари бор?
5. “Олтун ёруғ”да “Ку тау” афсонасида қандай масалалар кўтарилган?
6. “Удақатати табиб ва унинг ўғли” афсонасида-чи?
7. “Шахзода ва барс” афсонасида илгари сурилган ақидани шарҳлаб беринг.
8. “Олтун ёруғ” ўғитлари инсониятни нималарга даъват қилади?
9. “Олтун ёруғ”да “уч қимматбахо хазина” қайси таълимотни камраб олади?
10. “Олтун ёруғ”да “уч заҳар” қандай таълимотни ўз ичига олади?
11. “Олтун ёруғ”да қандай ахлокий-таълимий масалалар илгари сурилади?
12. “Олтун ёруғ”да қандай инсонга хос сифатларга таъриф беринг.

МАЙТРИ СМИТ (МОЙТЎРА БИЛАН УЧРАШУВ)

Режа:

1. “Майтри смит” асари ҳақида умумий маълумот.
2. Майтри смит”нинг бағишлов мундарижаси.
3. “Майтри смит”нинг нусхалари ва таржимаси ҳақидаги баҳслар.
4. “Майтри смит”нинг таржимони ҳақида.
5. “Майтри смит” ва хинаяна мазҳаби.
6. “Майтри смит”нинг “Юкунч” бўлими.
7. Биринчи парданинг мазмуни.
8. Иккинчи парданинг мазмуни.
9. Учинчи парданинг мазмуни.

Таянч сўз ва иборалар: *туркий қавмлар, буддавийлик, пьеса, драма, адабий тур, уйғур-турк ёзуви, анъанавий образ, туркий афсоналар, бағишлов.*

1. “Майтри смит” асари ҳақида умумий маълумот. Буддавийликни туркий қавмлар орасида тарғиб қилиш, буддавийлик адабиётини ривожлантиришнинг самарали йўлларида бири турли жанрдаги асарларни қадимги туркчага таржима қилиш эди. Шу мақсадда “Майтри смит” (“Мойтўра билан учрашув”) драматик достони ўз даврида таржима қилинди. Бу асарнинг эски уйғур-турк ёзувидаги кўлёмаси 27 пардадан иборат бўлиб, сахнада ижро қилиш учун мўлжалланган асардир. Драманинг бош қаҳрамони Тангри бурхон ва унинг содик ҳамроҳи ҳамда шогирди Майтридир.

Майтри образи қадимги туркий афсоналарда бор. Жумладан, “Оламнинг пайдо бўлиши” ҳақидаги афсонада Мойтўра энг фаол образлардан биридир³⁵. “Майтри смит” 37 пардадан ташкил топган катта ҳажмли сахна асаридир. Буддавийлик ёзма ёдгорликлари орасида бу асар туркий тилдаги энг қадимги ёзма ёдгорлик деб эътироф этилади. Бу драматик дoston шаклан мукамал, бадий

³⁵ Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Тузувчилар филол.ф.д. Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев. 1-жилд, Тошкент, «Фан» нашриёти, 2003, 13-14-бетлар.

етук, образлари жонли, тили равон. Драмада буддавийлик оқимининг нажоткор шоҳи — келажакдаги бурхон Майтрининг ҳаёт тарзи, фаолияти асосий ўрин эгаллайди. Умуман, Майтри туркий кавмларга бегона эмаслиги, анъанавий образ сифатида туркий афсоналарда яшаб келгани маълум бўлади. Шу боисдан бу асарнинг қадимги туркчага таржима қилингани ҳам табиий ҳолатдир.

“Майтри смит” қўлёзмасининг топилиши тарихи қизиқ тасодиф билан боғлиқ. Асарнинг мазкур қўлёзмаси Қумул нусхаси деб юритилади. Бу нусха 1959 йили Хитой Халқ Республикасининг Уйғур автоном республикаси Қумул туманидан Қорғайлиқ адиридан топилган. Қўлёзмани Баҳёр исмили бир чорвадор мол боқиб юриб топиб олган. Асарнинг қўлёзмаси кигизга ўралиб, тошлар орасига бостириб беркитиб қўйилган экан.

Шу йили Қумул тумани масъуллари уйғур автоном туманидаги Шинжон тарих музейига бу қимматли ёзма манбани топширдилар. Ҳозирда сақланаётган мазкур қўлёзма жами 293 варақдан иборат. Варақлар ҳажми 47,5x21,7 сантиметр ҳажмида. Қоғози қорамғир сарик рангли, калин. Ҳар бир саҳифанинг устида ва остида бўш жойлар қолдирилган ва ингичка чизиқлар устига қора сиёҳ билан чипдан ўнга қарата тик шаклда эски уйғурча хат чиройли қилиб ёзилган. Ҳар бир саҳифада 30-31- қатор ёзув бор. Баъзи бўлимларнинг бошига воқелик ўрнини кўрсатувчи жумлалар қизил сиёҳда берилган. Ҳар бир варақнинг олд бети чап тарафига кичикроқ қилиб қайси бўлимнинг нечанчи варағи эканлиги ҳам алоҳида ёзилган. Бундан ташқари, ҳар бир саҳифанинг 7-қаторидан 10-қаторигача бўлган оралиқ ўртасига диаметри 4-6 сантиметр келадиган ингичка доира чизилган ва доиранинг ичига китоб ҳақидаги қисқа маълумот берилган.

“Майтри смит”нинг мазкур нусхасининг 193 варағи ичида 110 варағи яхши сақланган, қолган варақлари зарарланган. Бунинг устига, баъзи бўлимларнинг боши ва охиридаги варақлари, шунингдек, бир қанча бўлимларнинг оралиқдаги варақлари йўқ. Яна 26, 27-бўлимларнинг (яъни пардаларнинг) ўрни ҳам йўқ. Баъзи бўлимларнинг бир неча варақлари қолган. Шунга қараганда, бу нусха тош остида узоқ йиллар ётиб, айрим варақлари чириб кетмасидан аввалроқ, баъзи варақлари йўқолганга ўхшайди.

“Майтри смит”нинг Кумул нухаси Кучу уйгур хонлиги (милодий 9-13 асрлар)нинг юқори лавозимдаги амалдори Чу Таш Йиган томонидан хонликнинг дастлабки йилларида кўчиртирилган.

“Майтри смит”нинг бағишлов мундарижаси. Асар “Йукунч бўлим” (Топиниш бўлими) билан бошланиб, 14-варақдан олдинги саҳифада қуйидагича мундарижа берилади:

Yüküng tört yigirmi patar

Бўлим, ўн тўртинчи варақ

1. Яна мадҳия (қуйлайман) айтишга лойиқ Ойга, орзу қилинган Кунга.

2. Танланган яхши пайтга, қутли-хайрли вақтга.

3. Қутлуғ қўй йили рун (кабиса) учинчи ойининг

4. йигирма иккинчи кунида мен уч фазилатли инсонларга –

Айта

5. Қатчанинг укаси Чу Таш Йиган

6, тутук(ка), аёлим Тузун ва кейин келадиган

7. Майтри бурхон билан учрашайлик деган (ниятда)

8. бир Майтри ҳайкалини ясатдик.

9. Майтри смит нўмини ҳам

10. тамомладик.....

21. Энг аввал савобни бағишлаймиз

22. Тангри(га), Бўгу эл билга Арслон тангри

23. уйгур тархонимиз (яъни хонимиз – Н.Р.) (жаноби)

олийларига. (У) мадҳияга лойиқ

24. ўн уйгур эли, ўттиз шахзода ўғлони, тўққиз

25. элчи(нинг) доноси, мингта саждағўйлар(га), туман

26. (ўрдаси) ичидагиларга (ва) минг туман йилга

27. қадар элни идора қилиб, гуллатиб-яшнатсинлар.

Бу дебеча-бағишловдан мазкур асарнинг кимга бағишлангани ойдинлашади. Бу дебечада китобни кўчирган котиб “савоб” ҳақида тўхталган. Буддизм ақидаси бўйича, Будда нўмларини кўчириш ва ҳайкалларни безатиш, бурхон суратларини чиздириш, Будда ибодатхоналарини ясатиш каби ишлар савоб иш ҳисобланган эди. Бундай савоб иш буддавийликка эътикод қилувчиларнинг эътикоди, дунёқараш и билан боғлиқдир.

“Майтри смит”нинг 1, 3, 10, 12, 16, 20, 23, 25-саҳналарининг сақланиб қолган охириги варақларидаги хотималарда эски уйғур-турк ёзувидаги бу асарнинг қайси тиллардан ва кимлар томонидан таржима қилингани аниқ эсланади. Жумладан, 3-саҳна хотимасини мисол қилиб келтирамыз:

19. Борлиқ китобларни (яъни билимларни –Н.Р.) пухта ўрганган ва тадқиқ қилган, 20. Войбош китобларни ўрганган Очйочантри бӯдисатв 21. Устоз Анаткак (санскрит) тилидан тухри тилида 22 яратган, Партаракшит Қирмоворишиқ тухри 23. тилидан турк тилига таржима қилган Майтри смит 24 нўм битигида...Анирити архантнинг 25. тимсоли номли учинчи бўлим тугади.

Бу маълумотдан шундай фикр пайдо бўладики, санскрит нусхаси асл нусхадир. Очйочантри бу асарнинг санскрит тилидаги нусхасига асосан, тухри тилидаги таржимасини яратган. Партаракшит эса тухри тилидаги нусхасидан қадимги туркчага таржима қилган.

“Майтри смит”нинг нусхалари таржимаси ҳақидаги баҳслар. “Майтри смит”нинг эски уйғур-турк ёзувидаги бошка нусхалари ҳам бор. Германиялик турколог А. Фон Габеннинг маълумотларига караганда, яна эски уйғур-турк ёзувидаги олти нусха бор. Бу олти нусхадан иккитаси Шарқий Туркистоннинг Сангим деган кишлоғидан, иккитаси Муртуқ деган кишлоғидан топилган. Иккитасининг қаердан топилган маълум эмас.

А.фон Габен 1957 йили Майнз Фанлар академиясида сақланаётган парча варақларининг (114 варақ) Футу нусхасини, 1961 йили у яна Берлин Фанлар академиясида сақланаётган парчалар ва варақларнинг (114 варақ) Футу нусхасини эълон қилди. Габен “Майтри смит”ни Кучу хонлигининг илк даврида таржима қилинган деб қарайди. Олмон олими Ле Кок асарнинг Саъгим нусхасига асосланган ҳолда, VIII-IX асрларда қадимги туркчага таржима қилинган деб қарайди. Габен бу нусха IX асрда кўчирилган, таржима қилинган даври олдинроқ, деб айтади. Француз олими Хамилтон Германияда сақланаётган нусханинг (Габен нашр қилган нусханинг) палеографик хусусиятларига асосланиб, Дунхуандан топилган эски уйғур-турк ёзуви ёдгорликларининг хат услубини ўзида ифода этишини айтади ва “Майтри смит” таржимаси X асрга оид, деб қарайди. Хитой олими Финг Шё Шинг эса Кумул нусхасига таянган ҳолда, бу асар X-XI

асрда таржима қилинган, деган фикрни ўртага ташлайди. Турк олими Шиноси Текин Қумул нусхасининг 219-саҳифасидаги номи тилга олинган Клапратри (санскритча сўз бўлиб, “Оқ кўнгилли авлиё” ёки “Олийжаноб донишманд” маъносида) исмининг қўлланганини далил қилиб кўрсатар экан, бу исм Турфондаги ибодатхона пештокига ёзилган садақачи билан бир одамдир, деб қарайди. У Қумул нусхасининг хати алоҳидалигини таъкидлаб, VIII-IX асрларда таржима қилинган, деган фикрни айтади. Яна бир хитой олими Генг Шиминнинг бу асар таржимаси ҳақидаги қараш Шиноси Текинники билан бир. Хуллас, ҳанузгача бу асарнинг қачон яратилгани тўғрисида жаҳон туркологиясида яқдил фикр йўк³⁶.

Тадқиқ этилаётган мазкур Қумул нусхасининг хат услуби бир қалар қадимийроқдир. Бу нусха Майли Партонракшит таржима қилган эски уйғур-турк ёзувидаги Тунжи нусхасидан кўчиртирилган. Таржима нусхага қараганда Қумул нусхасининг нақт жиҳатидан кейин кўчирилгани тушунарли. Шунга кўра, Қумул нусхаси VIII аср ўрталарида таржима қилинган деб қараш ўринли.

“Майтри смит”нинг таржимони ҳақида. “Майтри смит”ни қадимги турк тилига таржима қилган Партонракшит ўз она тили – қадимги турк тилини мукамал билиши билан бир қаторда, тухри (қадимги хинд-европа тиллари оиласига мансуб тил,) тилини ҳам ниҳоятда яхши билади. Асарнинг тили равон, гўзал, бадий тасвир воситалари хилма-хил, китобхонни зериктирмайди. Таржимон асарни таржима қилишда ҳар доим китобхонни кўз олдида тутгани аён бўлади. Асарни ўқиш жараёнида китобхон шунга амин бўладики, таржимон Партонракшит қадимги туркий тилни яхши билиши билан бирга, ижодкор эканини ҳам намоён қила олган. Чамаси, у таржимонликдан ташқари, бадий ижод билан ҳам шуғулланган. Ижодий жараёнда муваффақият қозongan Партонракшит таржимада ҳам ўз иқтидорини кўрсатган. У “Олгун ёруғ”нинг таржимони Сенги Сели сингари етук тил устаси бўлган. Таржимоннинг Партонракшит Қирморовшиқ деган тахаллусидан шунини англаш мумкинки, у буддавийликка қаттиқ эътиқод қўйган ва

³⁶ Бу ҳақда қаранг: Уйғурча «Майтри смит». Шинжонг халқ нашриёти. 1986. 4-бет.

буддавийлик бўйича катта олим бўлган, шу боис ўзи туркий қавмдан бўлгани ҳолда, санскритча тахаллусни олган.

“Майтри смит” ва хинаяна мазҳаби. “Майтри смит” буддавийликнинг хинаяна мазҳабига мансуб асардир. Хинаяна – “кичик ғилдирак” маъносини билдиради. Бунинг маъноси – “кичик ёки куйи йўл, зарар етган йўл” ёки “тор йўл” деганидир. Махаяна ва хинаяна – бир-биридан тамомила фарқ қиладиган мазҳаблардир. Хинаяна мазҳабининг асоси мавжудликнинг икки ҳолати – зохирийлик ва ботинийлик ҳақидаги ғоя, шунингдек, зохирийликнинг *дарма* билан ўхшашлиги ҳақидаги ғоядир. Хинаянада “Мен” ва олам – дарманинг тезлик билан ўтиб кетадиган комбинацияси эканига урғу қаратади. Хинаянанинг диққатга сазовор хусусияти шуки, у руҳни мустақил руҳий моҳият сифатида инкор қилади.

Хинаянада шахснинг камолотга эришган идеали – архат бўлиб, бошқаларнинг камолотга эришувига унчалик эътибор қаратилмайди, балки комилликка ҳамма мустақил равишда эришади, деб қаралади. Хинаянада Будда – комиллик орзуси ва устози, тақлид ва эъзозлаш объектидир. Гарчи хинаянада Буддани илоҳийлаштириш бор бўлса ҳам, унда бирон мураккаб культ асло йўқ, культлар монахлик жамоасидаги ҳаёт билан алмаштирилган.

Хинаяна таълимотига мувофиқ, нирвонга фақат будда монахлари эришадилар. Дунёвий одамлар, бу таълимотга кўра, олийжаноб ишлари орқали ўз кармасини яхши томонга ўзгартиришлари лозим. Бу мазҳаб таълимотига мувофиқ, дунёвий одамлар ўз ҳаётлари давомида монах бўлишлари мумкин.

Тухрича нусхалардан бирида асарнинг номи “Дирахманатака” (“Майтри смит нўм битиги”) деб кўрсатилган. Асар мулоқот (диалог) асосига қурилган. Зотан, бадий асарнинг бир тури бўлган драма жанри қонуниятлари санскрит адабиётшунослигида ишлаб чиқилгани шундан ҳам маълум бўлади. Шунингдек, асарнинг адабий турлардан драмага мансуб эканини “кўрунч” (кўриниш) сўзининг бир неча марта учраши ҳам далиллаб туради. “Нўм битиги” термини кенг маънода қўлланган бўлиб, “ҳикоя сўзлаш” деганидир.

“Майтри смит”нинг “Юкунч” бўлими. Энди “Майтри смит”нинг “Юкунч” бўлими (таъзим, топиниш) ва 1-2 сахналари киска мазмуни билан танишамиз.

“Юкунч” бўлими асарнинг кириш қисми бўлиб, 14 варақдан иборат. Гирчи бу бўлимда айрим саҳифалар зарарланган бўлса ҳам, **юфғилилик**, таъсирчан тимсоллар орқали Тангри бурхон (**Шакямуни**)нинг илоҳий қароматлари маҳорат билан ифодаланган, **липагани** мазҳабига оид терминлар бор тафсилоти билан ширҳланган. “Юкунч”нинг мазмуни синчковлик билан баён қилинган. Кўҳна Ҳиндистондаги, Кўчудаги ва Сулму (**Қориншаҳар**)даги машҳур буддавийлик устозлари ҳурмат билан таъриф ва тавсиф қилинган. Шунингдек, кўчирувчи котиб бу нуسخани хон ва унинг жамоатига, ўзининг ота-онасига, уруғ-аймоғига, фарзандларига бағишлаганини ва ҳаммага яхши тилақларини баён қилган.

Биринчи парданинг мазмуни. *Биринчи парда* 32 саҳифадан иборат. Айрим варақлар йўқолган. Сақланган саҳифаларга қараб, мажкур пардадаги воқеаларни икки қисмга ажратиш мумкин. Парданинг биринчи варағи шундай жумла билан бошланади: “Энди бу нўмлик сўзни Рачагри шаҳар давлатида ўқиш керак” деган воқеа юз берадиган жой баён қилинади. Шундан сўнг учта сарқарданинг мулоқоти орқали *биринчи кўриниш* бошланади. Улар осмондаги йўлдан учиб келаётиб, Шақямуни бурхон бахтини топишга муяссар бўладилар, яъни буддавийликка етишадилар. Улар Посанг тоғида нўм ваъз қиладилар, ўзларининг яқинларини ташлаб, будда роҳиби бўлганларини, Майтри ҳам хурсанд ҳолда, ўз устози Бадари брахмон билан Посанг тоғига Тангри бурхон ёнига бориб, унинг шогирди бўлганини, кўп одамлар Майтри руҳоний мартабасига эришганини эшитиб, бу маросимни кўришга кетаётгани ҳақида суҳбат қиладилар. Учала сарқарда ҳам шу маросимга кетаётганлари тўғрисида ўзаро суҳбатлашадилар. Шу билан биринчи кўриниш ниҳоясига етади.

Иккинчи кўриниш еттинчи саҳифадан бошланади. Варақ зарарланган. Воқеа ўрни қуйидагича баён қилинади: “Энди бу нўмлик сўзни Догсананот...Бадари доно брахмон...ўлкасида ўқиш керак”. Бадари брахмон беш юз шогирди қуршовида Майтрининг кўлини ушлаган ҳолда сўзлаш билан бу парда бошланади. Бу саҳнада, асосан, Тангри бурхон Шақямунини кўриш учун тангрининг элчисидан Бадари брахмонга ваҳий келгани баён қилинади. Кунларнинг бирида кечқурун Тангри элчиси Пурнабатри тангри, эғнидаги зеб-зийнат буюмларидан нур чакнаётган ҳолда,

Бадарига зохир бўлади. У Шақямуни буддага айланишига оид ажойиб ишлар тўғрисида сўзлайди ва Бадарига, Шақямунининг олдига бор, деб даъват қилади. Бадари Шақямуни хузурига боришни ва уни кўришни истаса ҳам, хаста бўлиб қолгани сабабли Тангри бурхонни кўришга боролмаганидан ҳасрат чекади. Пурнабатри унга, соғлигингни асра, умидсиз бўлма, Тангри бурхон кутқарадиган жонзотлар, қаерда бўлишидан қатъий назар, сенинг орзуингни қондиради, дея унга тасалли беради ва кўздан ғойиб бўлади. Бу пайтда аста-секин тонг ота бошлайди. Шу билан иккинчи парда охирига етади. Парда охирида “Майтри смит нўм битигида Бадари пратмани назр қилиш” номли биринчи бўлим тугади”, деган жумла билан парданинг охирлагани уқтирилади.

Иккинчи парданинг мазмуни. *Иккинчи парда* 17 варақдан иборат. Бу парда ҳам зарарланган ва бир неча варақ йўқ. Бу парда биринчи пардага табиий равишда боғланган бўлиб, парданинг бошланишида “Энди бу нўмлук сўзни Бадари брахмоннинг уйидан ўқиш керак” деб воқелик ўрни кўрсатилади. Бу парда тўрт кўринишга ажралади. *Биринчи кўринишида* Майтри ўн олти шогирдини бошлаб Бадарининг уйига тонг саҳарда келади. Улар устозидан ҳол-аҳвол сўраганларидан кейин, Тангри бурхон Шақямунининг хузурига бориб, будда дини роҳиби бўлмоқчимиз, деб Бадаридан ижозат сўрайдилар. Бадари уларга, кечаси Тангри элчисидан менга ваҳий келди, аммо узоқ йўл босиб Тангри бурхон хузурига боришга соғлигим имкон бермайди, деб узрини айтади. Майтри шогирдларига Тангри бурхоннинг ўттиз икки хил бахт-саодатли аломатини бирма-бир айтиб беради ва уларга қуйидагича уқтиради: “Шақямунининг хузурига борганингизда, биринчи навбатда, унинг ўттиз икки хил аломатига диққат билан қарасангиз, кейин ундан мураккаб масалалар тўғрисида сўрасангиз бўлади. Агар унинг ўттиз икки аломати мукамал бўлса, у сизларнинг саволларингизга тўлиқ ва тўғри жавоб берса, унинг шогирди бўла оласизлар”. Шундан сўнг улар устози Майтридан узр сўраб, хайрлашиб чиқиб кетадилар. *Иккинчи кўринишида* Майтри устози Бадарини қолдириб кетади, Тангри бурхон ёнига боришга отланмоқчи бўлган халқлар турли томондан йиғилиб келиб, сиздан айрилишга кўзимиз қиймаяпти, деб Майтрига хурматларини бажо қиладилар. Халқлар Майтрига шундай дея хитоб қиладилар: “Эй кут Тангри, пок брахмон, Азруа тангри! Эй жамики жонзотларнинг

умид-ишончи! Эй буткул Доксонпот элининг ифтихори! Сиз нега бигни ташлаб кетмоқчисиз?” Майтри уларга: “Бу оламнинг қонуни исида шундай, узоқ замонлардан бери жонзотлар шодликка тўлиб келган бўлсалар ҳам, бир кун келиб ҳамма суюқлилар бир-биридан айриладилар”, деб меҳрибон ота сингари уларга насиҳат қилади, халқларга тасалли беради ва “ҳасрат чекмасдан умидвор бўлинглар”, деб даъват қилади. Халқлар Майтрининг сўзларидан каттик таъсирланадилар. Минг-минглаб одамлар қатъий қарор қилиб, ота-оналарини, мол-мулкни ташлаб, Майтрига эргашадилар.

Учинчи кўринишда сафар манзараси тасвирланади. Майтрига эргашганлар сафар пайтида катта шаҳарлардан ўтадилар ва шаҳарлар аҳолисининг хурматини қозонадилар. Майтрининг мухлислари ўрмонлардан ва далалардан ўтганларида, арслон, йўлбарс, фил сингари жонзотлар ҳам худди кўлга ўргатилгандай ювош бўлиб қоладилар. Филлар хартумларида нилуфар гулларни Майтрига олиб келиб, унга хурмат бажо қиладилар. Арслон, йўлбарслар ер бағирлаб ётиб, Майтрининг товонини ялайдилар ва гунохлари учун тавба қиладилар. Охирида Майтри сингари одамлар бирин-кетин кийинчиликларни, хавф-хатарларни енгиб, узоқ йўл босиб, ниҳоят, Посанг тоғига етиб келадилар. Қисқаси, бу кўринишда Майтри келажакдаги бурхон бўлишига оид илоҳий қаромат берилади.

Тўртинчи кўриниш Тангрилар тангриси бурхон Посанг тоғида Тангри жамоати орасида арслон шаклидаги тахт устида ўтириб, нўм ваъз қилаётгани билан бошланади. Майтри ва унинг мухлислари, шогирдлари бу ерга етиб келганларидан кейин, бурхоннинг ўттиз икки хил аломатига диққат қиладилар. Майтрининг атрофидагилар бурхонга ҳамду сано ўқийдилар. Уларнинг ҳар бири кўнглига маъқул келган қийин масалалар тўғрисида сўрайдилар. Тангри бурхон уларнинг саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб беради. Майтри ҳам бурхонга таҳсинлар ўқиб, унга таъзим бажо қилади ва хурматини билдирадилар. Шу пайтда олам олти хил тебранади. Бутун кўк юзини тангрилар қоплайди. Посанг тоғидан келган “Тангри бурхон нўмида олийжаноб Майтри руҳоний бўлди!” деган садолар ҳамма ёқда янграйди. Жамики жонзотлар шод бўладилар. Бу кўриниш охирида Майтри бошчилигидаги қирқ туман янги руҳонийларга ёрлик келади ва “тана, тил ва дил билан яхши иш

қилинглар, савоб иш қилинглар, бурхон ёрлиғини бажаришга ҳаракат қилинглар”, деб топшириқлар беради. Шундан кейин Майтри “Мен энди бошқа жонзотларни қутқаргани бораман”, деб зълон килади.

Иккинчи парда “Майтри смит нўм битигида Майтри бўдисатвнинг руҳоний бўлиши номли иккинчи бўлим тугади” деган жумла билан охирига етади.

Учинчи парданинг мазмуни. Учинчи парданинг 13 варағи сақланиб қолган. Дастлабки беш варақ яхши сақланган. Бу пардада, асосан, Шақямуни ва унинг инъикоси Моҳпирчопони Говтоми хотуннинг бурхон Шақямунига олтин рангли бўз мато тўқиши воқеаси баён қилинган. Бу пардани мазмунан иккига бўлиш мумкин. Парданинг бошланишида воқеалар ўрни қуйидагича кўрсатилади: “Энди бу нўмлук сўзни Копловасту шаҳридаги Нигудорам номли санграм (ибодатхона)дн ўқиш керак”.

Биринчи кўриниш Тангри бурхон Копловости шаҳрига қачон етиб келишини сўраш учун Потни қизи Нигудорам санграмига келганини Говтоми хотун ҳикоя қилиши билан бошланади. Санграмдан бир аёл чиқиб, ундан, нима иш билан келдингиз, деб сўрайди. У, Говтоми хотун мени хабар олиб кел, деб юборди, у яна шуларни айтди: “Говтоми хотун суюкли ўғилга тўн тикиб кийдираман, деб ўз кули билан бирга уруғ сочди, ўт териб, пахта титди, булардан ип йигириб, олтин рангли бўз тўкиди, Шақямуни бу ерга келганда, унга шу бўздан тўкилган тўнни ҳадя қиламан деб айтди”. Иккаласининг суҳбатидан яна шулар маълум бўладики, Тангри бурхоннинг нўмини англашга муяссар бўлолмаган шаки уруғидаги эрлар, хотинларимизнинг беш хил айб бор деб камситилаётган экан. Аммо Тангри бурхон аёлларга ҳам нўм ваъз қилиб: “Бу аёлларнинг беш хил фазилати бор”, деб мактагани пьеса матнидан маълум бўлади. Иккала аёл кизгин суҳбат қилаётганларида, Борсударо хотун кириб келади ва “Ёсударо хотун ҳам бўз тўкиб, Тангри бурхоннинг келишини кутяпти”, деб хабар беради. Шаки уруғи беклари бу хабарларни эшитиб хурсанд бўладилар. Биринчи кўриниш шу воқеа билан тугайди.

Иккинчи кўриниш Говтами хотун шаки уруғидан беш юз аёлни атрофига йиғиб, олтин рангли бўз тўнни қўлида ушлаб, Ёсударо хотунга сўзлаб тургани ҳақидаги воқеа билан бошланади. Улар, ҳадемай Тангри бурхон билан кўришамиз, унга ўзимизнинг совғаларимизни ҳадя қиламиз, деб ҳаяжон билан гапирадилар. Улар

хурсандлик билан ўтган ишларни эсга оладилар. Шу пайтда улар Тангри бурхон худди куёшдай нур таратиб, шаки уруғидаги беклар даврасида тўрда ўтирганини кўрадилар. Говтоми хотун ўзи тиккан тўнни Тангри бурхонга тутати. У ниҳоятда чиройли сўзлар билан, кўлимни кайтарманг, деб илтимос қилади. Тангри бурхон эса Говтоми хотунга, бу тўнни бошқа роҳиб жамоасига садака қилинг, бу тўн Майгрининг кўлига етиб боради, Майтри эса менга инъом қилади, деб совғани олмайди. Говтами хотун, совғамни олинг, деб каттик илтимос қилади. Тангри бурхон ширин сўзлар билан унинг совғасини қабул қилолмаслигини тушунтиради ва бошқаларга садака қилиб берсангиз, кўп фойдали бўлади, деб буддавийлик ақидалари бўйича савобнинг моҳиятини шарҳлаб тушунтириб беради. Атрофда турганлар Тангри бурхоннинг бу сўзларидан каттик таъсирланиб, ниҳоятда мамнун бўладилар. Иккинчи кўриниш шу билан тугайди.

Хуллас, “Майтри смит” пьесаси санскрит адабиётида буддавийлик ақидаларини ёйиш ва шу орқали инсониятни комилликка етаклашда катта хизмат қилган асардир. Асарнинг икки саҳнасидаги воқеалар тахлилидан кўришиб турибдики, бутун бир даврларни ва авлодларни тўғрилиқ, собит эътиқод руҳида тарбиялаш катта муаммолар сифатида кўйилган. Туркий қавмлар орасида “Майтри смит”, худди “Олгун ёруғ” сингари, кенг тарқалгани ҳамда бадий адабиётнинг ноёб намунаси сифатида шуҳрат қозонгани маълум бўлади. Шунингдек, санскрит адабиётшунослигининг, хусусан, адабий турлар ва жанрларнинг қадимги туркий адабиётшунослигига таъсири тўғрисида ҳам сўз юритишга мазкур пьеса туртки беради.

Савол ва топшириқлар

1. “Майтри смит”нинг қадимги туркий адабиётдаги ўрни ҳақида қисқача сўзлаб беринг.

2. “Майтри смит”нинг бағишлови мазмуни.

3. Пьесанинг таржималари тарихи ҳақида қисқача сўзланг.

4. Нечанчи асрда таржима қилингани ҳақиқатга яқинроқ?

5. Хинаяна мазҳабининг асосий қоидалари нималардан иборат?

6. Биринчи пардада қандай воқеалар ҳақида сўз кетади?

7. Иккинчи пардада-чи?

8. Учинчи парданинг мазмунини сўзлаб беринг.

“ЎҒУЗНОМА” ДОСТОНИ

Режа:

1. “Ўғузнома”нинг ўрганилиши.
2. “Ўғузнома”да мифология.
3. “Ўғузнома”да уч қаватли олам модели.
4. “Ўғузнома”да туш мотиви.
5. “Ўғузнома”да ранг ва инонч эътиқодлар.
6. Ўғуз хоқон ҳақидаги достонларнинг қиёсий таҳлили.

Калит сўз ва терминлар: *китобий эпос, эски уйғур-турк ёзуви, достон, шомонлик мифологияси, сюжет, космогоник мифология, уч қаватли олам модели, образ, қадимги туркий ёдгорликлар.*

“Ўғузнома”нинг ўрганилиши. “Ўғузнома” достони қадимги туркий адабиётнинг, хусусан, китобий эпоснинг бир намунаси бўлиб, туркий халқларнинг муштарак меросидир. Бу достон “Ўғуз хоқон ҳақида достон” деган ном билан ҳам юритилади. “Ўғузнома” достони эски уйғур-турк ёзувида кўчириб қолдирилган ва ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланади.

Достонни ўрганишни 1815 йили немис олими Диц бошлаб берган эди. У асарни немис тилига таржима қилиб, чоп эттирди. Достонни ўрганишда ва турли тилларга таржима қилишда олмон олими В.В.Радлов, турк олими Ризо Нур, француз олими В.Банг, рус олими А.М.Шчербак, Х. Кўруғли, ўзбек олими Н. Раҳмонов, қозок олими Қ. Ўмиралиев ва бошқаларнинг хизматлари катта. “Ўғузнома” достони бўйича иш олиб борган олимларнинг аксарияти бу образнинг тарихига эътибор қаратадилар. Ўғуз хоқон тимсоли остида тарихий шахс ётади, деган олимларнинг фикрлари ҳам бир хил эмас: Н.Я.Бичурин - хун ҳукмдори Модэ билан, В.В.Радлов ва Ризо Нур - Буқахон билан, И.Маркварт, Д. Синор - Чингизхон билан боғлайдилар. “Ўғузнома” дастлаб оғзаки айтилган, XV асрда эски уйғур-турк ёзувида битилиб қолдирилган. У халқ оғзаки ижоди маҳсули, аммо тарихий шахслар эпос қахрамонлари сифатида пайдо бўлишига мисоллар кўп. Шунингдек, Ўғуз хон ҳам мил.ол. III асрда Хун тангрикутлигини қудратли давлатга айлантирган Ботир тангрикутнинг прототипи деб қараймиз.

“Ўғузнома”да мифология. “Ўғузнома” достонининг асосини шомонлик мифологияси билан боғлиқ мотивлар, образлар ташкил қилади. Зотан, мифология синкретик хусусиятга эга бўлиб, ибтидий инсоннинг ҳам илмий, ҳам диний ва айни пайтда, ҳам бадий карашларини мужассамлаштиради. Достонда Ўғузхоннинг туғилиши шундай тасвирланади: “Шундай бўлсин дедилар. Унинг киёфаси шундайдир (Шу жойда бука ёки йиртқичнинг сурати берилган). Шундан сўнг севиндилар. Кунлардан бир кун Ой хоконнинг кўзи ёриб болалади, ўғил туғди”. Мазкур парчадан кўриниб турибдики, Ўғузнинг туғилишида ва уни дунёга келтирган Ой хокон тимсолида мифологик мазмун мужассамлашган. Ой хокон тимсолида akkaд ва шумерлар тангриларининг онаси Иштарни кўриш мумкин. Бу тангри тимсолида оналик уруғидан оталик уруғига ўтиш даври акс этганлигини таъкидлаш лозим. Қадимги туркийлар тасаввурига кўра, Куёш – эркаклик ибтидоси, Ой – аёллик ибтидосидир. Ёкут тилида “Ой (Ай)” сўзи *яратмоқ, борлиққа келтирмоқ* маъноларини билдиради. Шунга мувофиқ, Ой хоконни “яратувчи” сифатида талкин қилиш ҳам мумкин.

Достондаги диққатга сазовор яна бир мифологик мотив Ўғузнинг ўрмонда бахайбат йиртқич билан курашувидир. Бу кураш мотивининг илдизи Марказий Осиёдаги кавмлар эпик ижодидаги эзгу ва ёвуз руҳлар ўртасидаги курашга бориб тақалади. Жумладан, “Авесто”даги ёвузлик тимсоли бўлган Ахриман билан эзгулик тимсоли Хурмуздининг кураши бунга мисол бўла олади. Зардуштийликдаги айни шу ақида монийлик адабиётида ҳам бор. “Хуастуанифт”нинг бошланмасидаги Хўрмузд билан Шмнунинг кураши бунинг бир намунасидир.

“Ўғузнома”даги Ўғузнинг йиртқич билан кураши эртактлардаги кураш мотивини ёдга солади. Ўғуз йиртқични кўлга тушириш учун биринчи куни буғуни, иккинчи куни айикни дарахтга боғлаб кетади. Учинчи куни эса Ўғуз ўзи ёлғиз дарахт тагига бориб ўтиради ва йиртқични енгади. Ер юзига ёвузлик уруғини сочган ёвуз тимсол – ана шу йиртқич, Ўғуз эса эзгулик тимсолидир.

Ўғузнинг туғилишидан йиртқични ўлдиргунга қадар бўлган лавҳа мифологик сюжет асосига қурилган бўлиб, бу биринчи қатламни – мифологик қатламни ҳосил қилади. “Авесто”даги эзгу ва ёвуз руҳлар ўртасидаги кураш ғояси ва эзгуликнинг ғалабасини

хам, зардуштийликнинг таъсирини ҳам, эртақлар схемасини ҳам ана шу биринчи қатламда учратиш мумкин.

Иккинчи қатлам эпос хусусиятларига хос сюжетлардан ташкил тошган. Ўғуз хоннинг уйланиши билан боғлиқ воқеалар шундан далолат беради. “Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон бир ерда Тангрига ёлвораётган эди. Қоронғу тушганда, кўкдан бир кўк нур тушди. Қуёшдан ёруғ, ойдан ёрқинрок эди. Ўғуз хоқон у томонга юрди. Кўрсаки, ўша ёруғликнинг орасида бир киз бор эди. Бошида оташга ўхшаш ёруғ бир холи бор эди. Худди олтин козиқ юлдузига ўхшаш эди. У киз шундай чиройли эдики, кулса кўм-кўк осмон куларди, йиғласа, кўм-кўк осмон йиғларди”. Қадимги туркий космогоник мифологиясига биноан, Тангри (осмон) яратувчидир. Космогоник мифология ибтидоий инсон оламнинг қурилиши, коинотнинг яралиши, одамнинг пайдо бўлиши ҳақида тасаввурлари самарасидир. Шубҳасиз, ҳозир бизга маълум бўлган ва оддий ҳол бўлиб кўринган ҳодисалар улар учун ғайритабиий эди. Тангридан, яъни осмондан тушган қиздан Ўғуз хон уч ўғил кўрди ва уларнинг исмларини ҳам космогонияга боғлиқ ҳолда Кун, Ой, Юлдуз деб қўйди.

“Ўғузнома”да уч қаватли олам модели. Ўғуз хоннинг иккинчи аёлга уйланиш лавҳаси ҳам космогоник мифологияни ўзида ифодалайди. Шу билан бирга, бу лавҳада уч қаватли олам модели ўз ифодасини топган. “Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон овга кетди. Бир кўлнинг ўртасида, ўз қаршисида бир дарахт кўрди. Бу дарахтнинг остида бир киз бор эди, ёлғиз ўтирар эди. Чиройли бир киз эди. Унинг кўзлари кўк эди, унинг тиши инжу эди. Шундай чиройли эдики, оҳ-оҳ, ўламан, деб сутни қимизга айлантларди». Ўғуз хоқон бу кизга уйланиб, ундан ҳам уч фарзанд кўрди ва Кўк, Тоғ, Денгиз дея исм қўйди.

Бу исмларда уч қаватли олам модели ўз ифодасини топган. Кўк – юқори оламни, Тоғ – ўрта оламни, Денгиз – куйи оламни ифодалайди. “Ўғузнома”даги уч қаватли оламнинг ибтидоси дарахт култидир. Жаҳон мифологиясида “олам дарахти” ёки унинг бир варианты бўлган “ҳаёт дарахти” *ҳосилдорлик дарахти, марказ дарахти, самовий дарахт, билиш дарахти, шомонлик дарахти* ва х. номлар билан юритилади. Маъно ҳамда вазифа жиҳатдан эса турличадир: олам ўки, олам устунни, дунё тоғи, биринчи инсон ва б.

Дунё мифологиясида дарахт культининг горизонтал ва вертикал маънода ўзига хос маънолари ҳам бор³⁷.

“Ўғузнома”даги дарахт култи, хусусан, Ўғузхоннинг иккинчи хотинининг дарахт билан боғлангани шундан далолат берадики, бу культда никоҳ муносабатларининг умумий моделига алоқадорлигини англаш мумкин. Кенгроқ маънода олиб қаралса, авлодларнинг ворисийлик алоқалари, ёки умуман олганда уруғларнинг насабномасини ифода этади. Дарахт культидан келиб чиққан киздан туғилган фарзандлар - Кўк, Тоғ, Денгиз исмлари ва улар англатган уч қаватли олам модели насабноманинг давомийлиги билан бирга, ҳаёт дарахтининг горизонтал ва вертикал тузилишини англатади. Ўғуз хоннинг ҳар иккала хотинидан туғилган ўғиллар исми шундай тузилиш борлигига ишора қилади. Аслида дарахт култида уч қаватли оламнинг асосий ҳудудлари – юкори (самовий шохлик ёки Кўк), ўрта (ер ёки Тоғ), куйи (ер ости шохлиги ёки Денгиз) акс этган деб қараш мақсадга мувофиқдир. Қадимги туркий космогоник мифологиясининг мазкур кўриниши қадимги туркийларда фазовий оламни хаос, яъни бўшлиқ оламидан ажратади. Бундан ташқари, “Ўғузнома”даги космогоник мифология схемаси космик оламни тартибга келтирувчи “мифопоэтик” сонлардан иборат. Бу хусусият уч сони ифодасида аниқроқ ўз ифодасини тошган: Ўғузнинг уч кун давомида йиртқични пойлагани воқеаси, Ўғуз хон ўғилларининг исмида акс этган вертикал йўналишдаги уч қаватли олам, Ўғуз хон тушида уч кумуш ўкни кўргани, ўғиллари топиб олган олтин ёйни учга бўлиб ўғилларига бергани, Кўк, Тоғ, Денгиз йўлда учта кумуш ўк топиб олганлари ва Ўғуз хон ўкларни учала ўғилларига бўлиб бергани.

Мифопоэтик давр учун олам дарахти яна шуниси билан диққатга сазоворки, у коинот (макрокосм) ва инсон (микрососм) ўртасида боғловчи бўғин сифатида юзага чиққан бўлиб, уларнинг кесишув жойи ҳисобланади (*Древо мировое. – Мифы народов мира, том 1, 405-б.*). “Ўғунома”да дарахт культининг кизни Ўғуз хон элига келтириш лавҳаси айни шу даврни ўзида ифода этади.

³⁷ *Древо мировое. – Мифы народов мира. Москва, 1991, том 1, с. 399-400; Батафсил маълумот олиш учун яна қаранг: Журқаузиёв Н. Мировое дерево в литературе и фольклоре тюркских народов. – “Тил ва адабиёт таълими. Преподавания языка и литературы” ж., 2015 йил. 6-сон. 61-62-б.*

“Ўғузнома”да туш мотиви. “Ўғузнома”да туш мотиви ҳам дoston тузилишида алоҳида аҳамиятга эга. Қадимги туркийлар тушни азалдан кундалик турмуш билан боғлаганлар. Туш - ғайрибатиий ҳодиса, Фол китоблари бунинг далилидир. “Ўғузнома”да туш лавҳаси куйидагича ифодаланади: “Аммо ёддан кўтарилмасинки, маълум бўлсинки, Ўғуз хоқоннинг ёнида оқ соқоллиғ, оч сочлик, узун бўйли, эпчил бир кекса киши бор эди, укувли, доно бир одам эди, афсунгар эди. Унинг оти Улуғ Турк эди. Кунлардан бир кун Улуғ Турк уйкусида бир олтин ёй кўрди, яна уч кумуш ўк кўрди. Бу олтин ёй кун чиқишдан кун ботишгача тортилган эди, яна бу уч кумуш ўк қоронғулик томонга кетар эди. Уйкудан сўнг Улуғ Турк тушида кўрганини Ўғуз хоқонга билдирди”. Улуғ Турк - шомон, тушни таъбирлаш айнан шомонларга хос. Улуғ Турк тушининг таъбирини Ўғуз хоқонга шундай баён қилади: “Эй хоқоним, сенга узоқ умр ато қилсин. Эй хоқоним, сенга давлатинг буюрсин, абадий кўк тангри берди менга тушимда аён, эзгулик келтирсин, қўлга киритилган ерларни уруғига бўлиб берсин, деди. Ўғуз хоқон Улуғ Туркнинг сўзини маъқул кўрди”.

Туш ва унинг таъбири инсониятнинг кундалик ҳаётни ва келажакни билиш ҳақидаги қарашлари ифодасидир. Улуғ Туркнинг туши “Ўғузнома” дostonи воқеаларининг ечимини ҳосил қилади. Ўғуз хон Улуғ Туркнинг туши таъбирига амал қилган ҳолда, мамлакатни ўғилларига бўлиб берди. Мамлакатни қонун-қондалар ва маросимларга риоя қилган ҳолда бўлиб берди. Зотан, “Ўғузнома”да мамлакатни ўғилларга бўлиб бериш воқеаси, қадимги давр анъаналарига кўра, маълум бир удумларга, урф-одатлар ва инонч-эътиқодларга таянган ҳолда амалга оширилди. Чунки шомон Улуғ Туркнинг туши айнан инонч-эътиқодларга ишора қилади.

“Ўғузнома”нинг ниҳоясида Ўғуз хоқон удумлар ва анъаналарга риоя қилган ҳолда мамлакатни ўғилларига бўлиб беради. Яна айтдики, “Эй менинг ўғилларим, кўнглим ов қилмоқни истайди, кексайганим учун шуҳратим йўқдир. Кун, Ой, Юлдуз, тонг сарига сизлар боринглар. Кўк, Тоғ, Денгиз, тун сарига сизлар боринглар, деди. Шундан кейин учови тонг сарига кетдилар, яна учови тун сарига кетдилар. Кун, Ой, Юлдуз кўп кийиклар, кўп қушлар овлаганларидан кейин, йўлда бир олтин ёйни топдилар, олдилар, отасига бердилар. Ўғуз хоқон севинди, кулди, яна уни учга бўлди.

Яна айтдики, эй инилар, ёй бўлсин сизларники, ёйдан ўқларни кўкка отинглар, деди. Шундан кейин Кўк, Тоғ, Денгиз кўп кийиклар овлаганларидан кейин, йўлда уч кумуш ўқ топдилар. Ўқларни олиб, отасига келтириб бердилар. Ўғуз хоқон севинди, кулиб яна ўқларни учовига бўлиб берди. Яна айтдики, эй инилар, ўқлар бўлсин сизларники. Ёй ўкни отди. Ўқлардай сизлар бўлинг, деди...”

Олтин ёй – Ўғуз хоқон кўлга киритган давлатлар, уч кумуш ўқ эса унинг кичик хотинидан туғилган уч ўғли – Кўк, Тоғ, Денгиз. Биринчи хотинидан туғилган ўғилларига - Кун, Ой, Юлдузга ёйни - ер юзини бўлиб берди, кичик хотинидан туғилган уч ўғлига - Кўк, Тоғ, Денгизга ишора қилинган тун эса ер ости оламини ифода этади. Учта ўқ, умуман, ўқ туркий мифологияда буйруқларни етказиш учун фойдаланилган³⁸. Бундан келиб чиқадики, Ўғуз хоқон ўз ўғиллари Кўк, Тоғ, Денгизга кумуш ўқларни бўлиб берган экан, уларни буйруқчи ёки элчи лавозимига тайинлаган.

Дунё мифологиясида ёй ва ўқ тимсоли кенг тарқалган. Айниқса, шомонлик мифологиясида ва шомонлик удумларида ёй ва ўқнинг муҳим роли бор. Масалан, Сибирь шомонлари дўмбираси хали пайдо бўлмасдан олдин, маросимларнинг асосий қуроли ёй бўлган эди. Шомонлар доира чалиб ўтказадиган маросимлар ёй ва ўқ воситасида ўтказилган. Шор, олтой тилларида шомон “ўкчи”, “ёйандоз” маъноларини билдиради.

Мазкур туш мотиви дostonдаги ўзига хос мифологик мазмунни янада бойитган. Улуғ Турук – Ўғуз хон қавмининг шомони бўлиб, уларнинг алоҳида вазифаси бор эди. Шомонлар халқнинг ёки хукмдорларнинг кейинги тақдирдан башорат қилганлар, уларнинг маслаҳатсиз хоқонлар жиддий ишларга киришмаганлар.

“Ўғузнома”да ранг ва инонч-эътиқодлар. Эпосдаги дастлабки учрайдиган ранг Ўғузнинг киёфасига тегишлидир. Ўғуз туғилганда унинг рангига алоҳида эътибор берилади: “Бир куни Ой хоқоннинг кўзи ёриб болалади. Ўша ўғилнинг юзи кўк эди, оғзи оташдай қизил, кўзлари айёрона, сочлари, кошлари қора эди”. Кўк ранг туркий халқларда қадимдан бор бўлиб, маълум мақсадни ифодалайди. Дунё халқлари мифологиясида кўк ранг абадийлик, ҳақиқат, садоқат, инонч, донишмандлик каби маъноларни ифода

³⁸ Бу ҳақда қаранг: Раҳмонов Н.А. Орхоно–енисейские памятники и тюркские эпосы. АДЦ, Ташкент, 1991. 35–6.

этади. Кўк рангнинг мазкур маънолари Ўғузнинг ҳамма фаолиятида намоён бўлади: абадийлик – йирткични ўлдириб, инсониятга омонлик беришида, ҳақиқат – ёвузликни йўқ қилиб адолат ўрнатишида, садоқат – ота-боболари ўрнатган анъаналарга содиқлигида (мамлакатни ўғилларига бўлиб беришида), инонч – ўзи барпо қилган мамлакатни саклаш ва мустаҳкамлаш учун ўз кудратига ишониб бошқа мамлакатларга хужум қилиб босиб олишида, донишмандлик – бошқа мамлакатлар ҳукмдорларига юборган мактуби мазмунида ўз ифодасини топган.

Кўк ранг қадимги турклар тасавурида *илоҳий* деган маънода қўлланади. Кўк рангнинг “илоҳий” маъноси илдизлари қадимги туркларнинг мифологик тасавурларига бориб такалади. Кул тигин бититошидаги Тангрининг кўк ранги Ўғузнинг ҳаётида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Воқеалар баёнида шундай лавҳа бор: “Қунлардан бир кун Ўғуз ҳокон бир ерда Тангрига ёлвораётган эди. Қоронгу тушганда, кўкдан бир кўк нур (таъкид бизники –Н.Р.) тушди”. Кўк ранг Тангри (осмон)нинг ранги билан бир. Бу ўринда кўк нур тимсоли қадимги турклар тасавуридаги илоҳий нур маъносини англатади. Илоҳий нур – яратувчи, оламга келтирувчи маъносидадир.

“Ўғузнома”даги муҳим образлардан бири кўк *ёлли* эркак бўри образидир. Кўк бўри тимсоли қадимги туркий ёдгорликлардаги маъносини ва вазифасини саклаган. Мазкур бўри ҳам Тангри (осмон)дан тушган. Шунинг учун бўрининг ранги осмон ранги билан бир хилда. Аслида бўри тимсоли бу ўринда аҳамиятлидир. Қадимги хитой йилномаларида туркий қавмларнинг бўридан келиб чиққани ҳақидаги афсона бор.³⁹ “Ўғузнома”даги бўри образи Кул тигин бититошидаги бўри тимсолининг айнан ўзи – бир маънода ва бир вазифада.

Туркий халқлар фольклорида бўри образи анъанавий равишда қадимги турк давридаги бўрини давом эттирган. Жумладан, бошқирд халқ эпосларида ҳам бўри образи қадимги турк афсоналаридаги хусусиятларга эга. Жумладан, қадимги хитой йилномаларида қайд этилишича, қадимги турк ва мўғул халқлари байроғида бўри қалласи тасвири туширилган. Она бўридан туғилган

³⁹ Қаранг: Н.Раҳмон. Турк ҳоконлиги. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, ...бет

Ашин уруғи катта иктидор эгаси бўлиб, давлатни бошқарганлар. Улар қаерга бориб ўрнашсалар, ўша жойда бўрининг тасвири туширилган байроқни ўрнатганлар ва бу билан ўзларининг келиб чиқишларига ишора қилганлар. Мўғуллар ҳам ўзларининг аجدодларини хурматлаб, байроқларида бўрининг олтин калласини тасвирлаганлар. Мўғул афсоналарига кўра, Чингизхон кул ранг бўридан келиб чиққан.⁴⁰

“Ўғузнома” сўнгида Ўғуз хоқон мамлакатни ўғилларига бўлиб бериш маросимини ўтказди. Бу маросим куйидагича тасвирланади: “Ўғуз хоқон катта қурултой чақирди, навкарларини, халқини чорлади. Ҳаммалари келиб, кенгашиб ўтирдилар. Ўғуз хоқон катта ўрдада тахтга ўтириб, ўнг ёқда қирқ қулоч ёғочни тикка қилдирди. Ёғочнинг бошига бир олтин товукни кўйди, остига бир оқ кўйни боғлади. Чап тарафига ҳам қирқ қулоч ёғочни тикка қилдирди. Ёғочнинг учига бир кумуш товукни кўйди. Остига бир қора кўйни боғлади. Ўнг тарафга бузуклар ўтирди, чап тарафга учуқлар ўтирди”.

Бузуклар – Ўғуз хоқоннинг ёйга эгалик қилган уч ўғли Кун, Ой, Юлдуздан келиб чиққан қабилалар *бузук* номини ва лақабини олган. Бузукнинг маъноси – қисмларга бўлмоқ деганидир. Бу сўзни шунинг учун уларнинг лақаби қилиб бердики, ёйни бўлиш имкони бўлсин, зарур бўлганда, синдирилсин, деди ва лашкарнинг ўнг қаноти ана шу учала ўғлимга ва унинг наслига тегишли бўлсин, деб тайинлади.

Учуқлар – ўқларни олган учала ўғилдан келиб чиққан авлоддир. Учук – уч ўқ деганидир. Ўғуз шундай деган эди: “Эндиликда уларнинг насли мен берган лақабга алоқадор бўлсин. У лашкарнинг қайси қанотидан эканини ҳамма билиб кўйсин. Ўнг қўл йўли юқоридир, шунинг учун мен уларга ёйни бердим. Улар шох даражасига тенгдир. Элчи даражасида турадиган ўқларни эса чап қанотда турадиганларга бердим” (*Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1 жилд, 252–б.*).

Ўғуз хоқон ҳақидаги дostonларнинг қиёсий таҳлили. Ўғузхон – Шарқ адабиётидаги тарихий асарларда кўп учрайдиган,

⁴⁰ Раҳмонов Н.А. Орхон–енисейские памятники и тюркские эпосы. АДД, Ташкент, 1991. 35–бет.

кўп тилга олинадиган шахс. Жумладан, Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида Ўғуз хокон билан боғлиқ афсоналар ўз аксини топган. Мазкур асарлардаги Ўғуз хокон афсонаси ва “Ўғузнома” дostonи ўртасида бир қанча умумий ва фаркли жиҳатлар мавжуд. Юқорида келтирилган асарларнинг барчасида Ўғуз хокон мусулмон сифатида талқин қилинади. Рашидиддин ҳам, Абулғози Баҳодирхон, Мирзо Улуғбеклар ҳам туркий қавмларнинг Ўғузхондан тарқалганини айтиб, Ўғуз хокон шажарасини Нуҳ пайгамбарга бориб тақалишини кўрсатадилар.

“Ўғузнома” дostonи билан санаб ўтилган тарихий асарлардаги Ўғуз афсонаси ўртасидаги умумийлик ва фарқлар Ўғузхоннинг туркийларга ном бериши билан боғлиқ воқеаларда ҳам кўзга ташланади. “Жомеъ ут-таворих”да ҳам, “Тўрт улус тарихи”, “Абдулланом”, “Шажараи турк”да ҳам *қипчоқ, қорлуқ, қалач (халаж), қанг* каби қабилаларнинг келиб чиқиши ҳақида ривоятлар мавжуд. Фақат бу ривоятлар келтирилган тарихий асарларда турлича бўлиб, сюжетида ўзгаришлар юз берган. Биргина *қанг* уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятларни солиштириб кўрамиз. Мазкур ривоят “Ўғузнома” дostonида куйидагича берилган: “... Жангдан сўнг Ўғуз хоконнинг кўшинига, навкарларигаю халқига шундай қатта ўлжа келдики, уларни олиб кетишга от, хачир, хўкиз камлик қилди. Ўғуз хоконнинг кўшинида чакқон, гавдали бир яхши одам бор эди. Унинг оти Бармаклик Жусун Билик эди. Бу чакқон одам бир қанга чопти. Қанга устига мол-мулкларни юклади, қанга бошига тирик бойликларни юклади, жўнаб кетдилар. Навкарларнинг, халқнинг ҳаммаси бунни кўрдилар, шошдилар. ... Ўғуз хокон қангаларни кўрди, қулди. Яна айтдики, қанга билан бойликни эзгулик тортиб борсин, қанғалик сенга от бўлганлигини «қанга» сўзи билдирсин, деб ўз йўлига кетди.” (*Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1 жилд, 252–б.*)

Айнан шу этнологик миф Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да куйидагича берилган: “Аммо, қангли ақллилик, фаросатлилиқ маъносидадир. Чунончи, бир жангда Ўғузхон қўлига жуда кўп бойлик ўлжа тушган эди. Ганимдан хушёр ўлжа олиб, унинг қулфини оча олмаганди. Лапқарбошилларнинг тўғри фикр юритувчи бир тўдаси уриниб кўришди. Батартиб қилдилар ул

ўлжани осонликча олиб ташиб олдилар. Ўз ақлу фаросати билан дунё мушкулларини еча олганликлари сабабли уларга конгли деб ном қўйди.”²

Қанг уруғининг пайдо бўлиши, умуман, юқорида келтирилган барча халқларнинг пайдо бўлиши тарихига оид маълумотлар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ҳам мавжуд: «Ўғуз ва унинг аммакиваччалари ўртасида низо кучайиб (улар бир-бири билан) тиф ва тили билан сўзлашиб юрган вақтларида (қангли кавми) уларнинг мулкани, хирожини, тахту тожини талон-тарож килди ва ҳад-ҳисобдан ташқари кимматбаҳо тошлари, нақдиналари ва турли мато ва кийимлари (қангли) кўлига тушди. Бу (нарсалар)ни ўша томондан олиб кетиш мушкул ва кийин кўринди. (Шу вақтда бу жамоа назар ва фикрнинг нозиклиги билан аравалар ясадилар; кўларидаги юкнинг ҳаммасини араваларга орттирдилар. Ва шу макбул ишлари туфайли «қангли» лақабини олганлар, (қангли) араванинг номи бўлган. Қангларнинг барчалари ўша номнинг катралари ва ўша дарёнинг томчиларидир.”¹

Юқоридаги парчалардан шу нарса кўришиб турибдики, “Ўғузнома” ва тарихий асарларда берилган этнологик мифларда у қадар катта фарқлар кўзга ташланмайди. Фақатгина сюжетда бир оз фарқлар мавжудлиги кўринади. Биз фақат бир уруғ номидаги фарқларни келтириш билан чекландик. Рашиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих” асарида баён қилинган Ўғуз хон ҳақидаги афсона сюжет жиҳатдан тамомила эски уйғур-турк ёзувидаги “Ўғузнома”дан фарқ қилади (“Жомеъ ут-таворих”даги Ўғуз хон афсонаси ҳақида “Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний” мавзусида тўхталамиз).

Савол ва топшириқлар

1. “Ўғузнома” достони қачон ва қайси ёзувда ёзиб қолдирилган?
2. “Ўғузнома”нинг асосий қатламини қайси турдаги мифология ташкил қилади?
3. “Ўғузнома”да мифологик сюжет қайси ўринда кўринади?
4. “Ўғузнома”да космогоник мифология қайси лавҳаларда бор?

² Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.; «Чўлпон», 1994, 50-51- бетлар.

¹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Т.; 1 жилд, 1966, 72-бет

5. “Ўғузнома”даги уч қаватли олам моделига таъриф беринг.
6. “Ўғузнома”даги туш мотивини шарҳлаб беринг.
7. Кўк ранг қандай маъно англатган? Кенгрок изохланг.
8. “Ўғузнома”даги кўк ёлли бўри тимсолини шарҳлаб беринг.
9. Ўғуз хоқон ҳақидаги дostonларнинг қайси бирида кадимийлик хусусияти сақланган?
10. “Ўғузнома”даги ранг ва инонч-эътикодлар қайси тимсолларда ифодаланган?
11. Дostonдаги қорлуқ қабиласининг келиб чиқишига оид ривоятни айтинг.

ГАЗНАВИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ

ИЛК УЙҒОНИШ ДАВРИДАГИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА МАДАНИЙ МУҲИТ

Режи:

1. Хоразмийнинг илмий фаолияти.
2. Аҳмад ал-Фарғонийнинг фаолияти.
3. Форобийнинг фанга қўшган хиссаси.
4. Ибн Синонинг адабиётга қўшган хиссаси.
5. “Ҳайй бин Яқзон” қиссасининг қисқача мазмуни.
6. “Ҳайй бин Яқзон”нинг жаҳоншумул аҳамияти.
7. “Қуш” ва “Саломон ва Ибсол” қиссалари.
8. “Шеър санъати” асари.
9. Рудакийнинг Ўрта Осиё адабий муҳитидаги ўрни.
10. Исмоилийлар мазҳаби
11. Фирдавсийнинг адабиётга қўшган хиссаси.

Таянч сўз ва терминлар: *форс-тожик адабиёти, маънавий-адабий муҳит, тарих, фалсафа, мантиқ, аниқ фанлар, астрономия илми, зиж, математика, география.*

Илк уйғониш даврида ўзбек адабиёти намуналари йўқ.

Араблар истилосидан кейин Ўрта Осиё, хусусан, Мовароуннахрнинг маданий, адабий жараёнида кескин ўзгаришлар юз берди. Биринчи навбатда, ижтимоий, сиёсий вазият ўзгарди, халифалик юзага келди. Давлат бошқарувида янгича тартиб ва қоидалар жорий қилинди. Хуросон ноиб бўлиб турган Маъмун отаси Хорун ар-Рашид вафотидан кейин тахт учун курашлар жараёнида 813 йили Хуросон ва Мовароуннахрдаги катта заминдорлар Тоҳир ибн Ҳусайн ва бошқалар ёрдами билан Бағдодда халифалик тахтини эгаллади. Шундан сўнг Тоҳир ибн Ҳусайн халифадан кейинги иккинчи шахс бўлиб қолди. У ўзининг бу мавкеидан фойдаланиб, Хуросон ва Мовароуннахрдаги ҳокимиятни қўлга олди ва ўзини бу ерда мустақил ҳоким деб эълон қилди. Шу йўсинда Тоҳирийлар сулоласи (821-873) пайдо бўлди.

Худди шу даврда Мовароуннахрда Сомон авлодлари ҳукмронлиги ҳам кучайди. Маҳаллий ҳукмдорлар ёрдамига суянган халифа Маъмун (813-833) Асад ибн Сомоннинг ўғиллари Нуҳ ибн

Асадни – Фарғонага, Яхё ибн Асадни – Шошга ва Усрушонага, Илёсни эса Ҳиротга ҳоким этиб тайинлади.

Тоҳирийлар Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳокимиятини тан олгач, Сомонийлар вассал сифатида тахт сўради. 841 йили Нух ибн Асад, кўп ўтмай Яхё ҳам вафот этиб, Самарқанд ва Шош Аҳмад ибн Асад кўлига ўтди. У тахтни Фарғонадан Самарқандга кўчириб, бу шаҳарни ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилди. Аҳмад ибн Асад вафотидан кейин эса тахтни унинг катта ўғли Наср ибн Аҳмад эгаллади (864-892).⁴¹

Сомонийлар даврида форс- тожик адабиёти Мовароуннаҳрнинг адабий- маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Адабий жараён ижтимоий-тарихий жараёндан ажралмаган ҳолда ривожлана борди. Илм-фан ривож топди, Бухоро Шарқнинг йирик маданий, ҳунарманчилик ва савдо марказига айланди. Бу ҳақда ас-Саолибийнинг “Йатимат ат-дахр” асарида қимматли маълумотлар берилган.

X аср ва XI асрнинг биринчи ярмида бадиий адабиёт ривож топди. (Бу давр адабий жараёни ҳақида ўз ўрнида сўз юритилади.) Ўрта Осиё маданий ҳаётида араб ва форс тилларидаги адабиёт муҳим роль ўйнади. Исломнинг ёйилиши ва Ўрта Осиёда мустақкам қарор топишида араб тили асосий ролни ўйнади. “Тарихда фавқуллодда бўлган ва биз Уйғониш деб атайдиган даврни яратган кучлар” (Конрад) худди шу даврда юзага келди. Уйғониш даврининг буюк намоёндалари ўзларининг амалий фаолияти, тарих, фалсафа, маънавий, шунингдек, аниқ фанлар соҳасидаги кашфиётлари билан Ўрта Осиё тарихида чуқур из қолдирдилар.

Сомонийлар, Газнавийлар ва Қорахонийлар давридаги маданий, илмий муҳит, жамиятнинг янги бир ўзанга солиниши натижасида Уйғониш даври пайдо бўлди.

Дунёвий билимларга интилиш, табиий фанларга диққат қаратиш, инсонпарварлик, ҳар томонлама билимга эга бўлиш ва комусийлик Шарқ Уйғониш даврининг асосий белгиларидир. Қуйида Уйғониш даврига асос солган Ўрта Осиё олимларидан айримларининг фаолияти ҳақида қисқача тўхталамиз.

⁴¹ Қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат-ад-дахр. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И. Абдуллаев. Т.: “Фан” нашриёти, 1976, 3-6.

Хоразмий (тахминан 783- 850)нинг илмий фаолияти. Ўрта Осиёда аниқ фанларнинг, хусусан, математика илмининг пайдо бўлиши Хоразмий номи билан боғлиқ. Унинг жаҳоншумул олим эканини бутун олам эътироф этади. Хоразмийнинг илмий фаолияти антик давр фанидан Уйғониш давридаги фанга кўприк бўлиб хизмат қилди.⁴² Хоразмий ҳақидаги дастлабки маълумот Х асрда Ибн ан-Надим деган олимнинг “ал-Фихрист” (“Рўйхат”) номли асарига учрайди. Маълумот қисқа бўлиб, қуйидагича: “*Ал-Хоразмий*. Унинг исми – Мухаммад ибн Мусо, Хоразмдан. У ал-Маъмун даврида “Донолар хазинаси”ни бошқариш учун тайинланган, астрономия илмининг билимдонларидан. Одамлар обсерватория кузатувлари бошлангунга қадар ва кейин ҳам унинг икки зижига (астрономик жадвалига) таянганлар. Бу зиж “ас-Синдхинд” номи билан машхур. Хоразмийнинг қуйидаги китоблари бор: биринчи ва иккинчи тахрирдаги “Зиж”, Қуёш соатлари ҳақидаги китоб”, “Устурлоблар билан ишлаш ҳақидаги китоб”, “Устурлобнинг тузилиши ҳақидаги китоб”, “Тарих китоби” (*Булгаков П.Г. ва б. Юқоридаги асар, 8-б.*). Кейинги тарихий манбаларда қайд этилишича, Хоразмий 813 – 833 йиллар орасида “Тенглама ва қаршилангириш ҳисоби мухтасари”, “Қўшув ва айирув ҳақида китоб”, “Ҳинд рақамлари ҳақида китоб”ларини ёзган. Унинг “Ернинг шакли ҳақидаги китоб”и география илмига бағишланган.

Хоразмий ёзган китобларини ҳаётий заруратга боғлади. Хоразмнинг хўжалиги учун астрономия ва математика ниҳоятда керак эди. Хусусан, каналлар қуриш учун уларнинг йўналишини тўғри белгилаш, суғориладиган ерларни ўлчаш ва ҳисоб-китобларини олиш, қишлоқ хўжалиги тақвими олиб бориш ва бошқа катор ишларга айнан астрономия ва математика фанларининг хизмати керак эди. Жумладан, алгебрага оид рисоласининг дебочасига шундай ёзади: “Мен тенглама ва қаршилангириш ҳисоби ҳақида китоб ёздим. Бу китоб арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олади, чунки бу одамларга мерос бўлишувда, васиятнома тузишда, мол-мулкни бўлишувда ва суд ишларида, савдо ишларида, ҳар турли битимларда, шунингдек, ер

⁴² Қаранг: Булгаков П.Г., Розенфельд Б.А., Ахмедов А.А. Мухаммад ал-Хорезми. Москва. «Наука», 1983, 5-бет.

ўлчашда, каналлар ўтказишда, қурилиш геометриясида ва бошқа шунга ўхшаш қатор ишларда керакдир”.⁴³

Ал-Хоразмийнинг “Тарих китоби” диққатга сазовордир. Бу китобнинг сақланиб қолган парчаларидан Абу Райхон Беруний ҳам “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Муҳаммад с. а.с.нинг туғилган йилини келтирганда фойдаланган. Шунингдек, Бағдод шахрининг қурилиши тарихи тўғрисида ҳам жуда аниқлик билан баён қилади: “145 йилнинг пайшанбасида грекларнинг 1073 йил 1 нисон ойи [эрамизнинг 762 йил 1 апрели] бошланди. Шу йили ал-Мансур Бағдодни қуришни бошлади. У бу шаҳарни Тинчлик шаҳри деб атади...146 йили душанба куни грекларнинг 1074 йили, адар ойининг 21чиси [763 йил 21 март] бошланди. Ал-Мансур Тинчлик шаҳрини қуришни бошлади ва ўз одамлари билан у ерга кўчиб ўтди...” Шунингдек, ал-Хоразмий ҳазарлар томонида Нибелисининг олиниши, Маъмун тарихига оид қизиқарли воқеаларни шу асарида батафсил баён қилади. Хуллас, ал-Хоразмийнинг “Тарих китоби”нинг сақланиб қолган парчалари тарихий воқеаларга, табиий фанларга оид маълумотларга бойдир.

Ал-Хоразмий “Ернинг шакли ҳақидаги китоб”ида бутун оламнинг географик жойлашуви ва уларнинг ўртача узунликлари, қайси градусда жойлашгани, мамлакатлар шаҳарлари, дарёлари ва халқлари ҳақида батафсил маълумот беради. Айни пайтда ал-Хоразмий юнон олими Птолемейнинг (тахминан 100 йилда туғилиб 170 йилларда вафот этган) “География” асаридан ва Шарқда яратилган бошқа географияга оид асаларда фойдаланган. Ал-Хоразмий уларга қараганда кўп аниқликлар киритган. Айниқса, Ўрта Осиё географиясига, жумладан, аҳолининг этник таркиби ва жойлашувига оид унинг маълумотлари бугунги кунда диққатга сазовордир. Масалан, Птолемей “География” асарида Каспий ва Орол денгизини битта денгиз деб қарайди ва Ўрта Осиёдаги икки йирик дарё – Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) бу денгизларга қуйилади, деб маълумот беради. Ал-Хоразмий бу иккала денгизни алоҳида-алоҳида деб қарайди ва айни пайтда Оролни кўл (батиха) деб талқин қилади, иккала дарёнинг бу кўлга қуйилиши ҳақида сўз юритади. Ал-Хоразмий Каспий денгизини “Хоразм денгизи,

⁴³ Ал-Хорезми. Математические трактаты. Пер. Ю.Х.Копелевич, Б.А.Розенфельда, Т.: Фан, 1964, 26-б.

Журжон. Табаристон ва Дайлам денгизи” деб атаган эди (*Булгаков И.Г. ва б. Юқоридаги асар, 204-б*). Олим бу денгизнинг киргоғи чегараларини ҳам аниқлик билан ҳисоблаб чиқди.

Ал-Хоразмий Каспий денгизини “Хоразм денгизи” деб атаган экан, буни шундай тушуниш керак: қадимги Хоразмнинг таъсири ва мавқеи нафақат Каспий денгизининг шарқида ва шимолида, балки бу денгиздан ғарбда ҳам кучли бўлган эди.

Шунингдек, ал-Хоразмий Ўрта Осиёнинг, хусусан, Шош (ҳозирги Тошкент), Тарбанд, Исфижоб (Сайрам), Усрушона (Ўратепа яқинида, ҳозирги Истаравшан) каби кичик туркий давлатлари араблар истилосидан кейин ҳам мустақиллигини сақлаб қолганини айтади. Бу шаҳарларнинг ҳозирги қайси ҳудудларга тўғри келиши тўғрисида кейинги тарих асарларига таянилади. Жумладан, Тарбанд ўрта асрлардаги Ўтрордир. Ал-Хоразмий даврида Шош ва Тарбанд ҳозирги Тошкент вилояти, Жанубий Қозоғистонни ўз ичига олган. Хуллас, ал-Хоразмийнинг географияга оид асарида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги туркий давлатлар, жумладан, Шош ҳақида ҳам керакли ва ишончли маълумотларни топиш мумкин.

Аҳмад ал-Фарғоний (797-865) нинг фаолияти. Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қатир ал-Фарғоний – Ўрта Осиёдан етишиб чиққан математик ва астроном. Фарғона водийси (ҳозирги Кува шаҳри)да туғилгани учун “Фарғоний” тахаллусини олган. Европада латинчалаштирилган *Alfraganus* деган ном билан машҳур бўлган эди. Халифа ал-Маъмун асос солган “Донишмандлар хонадони” деб аталган олимлар сафида бўлган. Бу улкан илмий марказнинг бошқа номи “ал-Маъмун академияси” дир. Бу академияга Хоразмдан, Фарғонадан, Сўғдиёнадан, Шовшдан, Форобдан, Хуросондан олимлар таклиф қилинган.

Аҳмад Фарғонийнинг таржима ҳоли ҳақида маълумотлар жуда кам. Фарғонийнинг илмий ишлари унга олам микёсида шуҳрат келтирди. Унинг устурлобга оид “Ал-Комил фи-л-устурлоб” (“Ҳаммаси устурлоб ҳақида”) китоби бор. Шунингдек, Фарғонийнинг асосий ишларидан бўлган астрономияга оид “Фи санъат ал устурлоб” (“Устурлоб тайёрлашга оид”) асари ҳам машҳурдир. Бу асарнинг яна бир неча номлари бор: “Жавами’ илм ан-нуджум ва-л-харакат ас-самавийа” (“Юлдузлар ва самовий ҳаракатлар ҳақида билимлар тўплами”), “Усул илм ан-нуджум”

("Юлдузлар ҳақидаги илм асослари"), "Ал-Мудхал ила 'илм ха'ит ал-афлак" ("Осмон таркиби ҳақидаги фанга пириш"), "Китаб ал-фусул атталатин" ("Ўттиз бўлим китоби"). Фарғонийнинг бу асари астрономияга бағишланган араб тилидаги дастлабки адабиётдир.

Маъмун академиясида иккита обсерватория очилган ва ўша даврнинг энг яхши астрономик асбобускуналари билан жиҳозланган эди. Маъмун академиясининг астрономлари Ернинг атрофини, ер меридианининг узунлик даражасини ўлчаганлар, юлдузларни кузатганлар, Зиж (жадвал)лар тузганлар, илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Фарғонийнинг бу асари 12 асрда араб тилидан латин тилига, 13 асрда Европанинг бошқа тилларига таржима қилинди ва машҳур бўлди. 1493 йили чоп этилди. Унинг астрономияга оид асарлари 700 йил давомида Европада қомус ва дарслик сифатида хизмат қилди. Фарғоний ернинг думалоқ эканини илмий жиҳатдан асослаб берди, йилнинг энг узун куни 22 июнь ва энг қисқа кун 23 декабрь эканини аниқлади. Шунингдек, у Қуёшда доғ борлигини кашф қилди ва Қуёш тугилишини ҳам олдиндан айтиб берди. Тарихий маълумотларга қараганда, бу ўзбек олимнинг қимматли илмий мероси унинг замондош олимлари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Бу фикрнинг далили сифатида шуни айтиш мумкин: Х11 асрда Аҳмад Фарғонийнинг "Астрономия асослари ҳақида китоб"и латин ва иброний тилига таржима қилинган.

Аҳмад Фарғоний географияга оид асарларнинг ҳам муаллифидир.

Аҳмад Фарғоний умрининг охириги йилларини Қоҳирада ўтказди. У Қоҳирада устурлобни куриш билан машғул бўлди. Бу асбоб юлдузларнинг жойлашувини аниқлашда ва улар орасидаги масофани ўлчашда ишлатилган. Шунингдек, Аҳмад Фарғоний Ниломер деб аталган иншоот қурилишига бошчилик қилди. Бу иншоот 861 йили Нил дарёси сувини ўлчаш учун ўрнатилди. Бу асбоб Миср халқининг иқтисодий ҳаёти учун жуда муҳим бўлган эди. Нил суви айрим пайтларда кўтарилиб, ботқоқ ҳосил бўлишига ва сув тошқини оқибатида ҳосилнинг қобуд бўлишига олиб келарди. Юнон муаррихи Геродотнинг хабар беришича, Нил тошганда нафақат дарё соҳилини, балки атроф худудларни ҳам сув босарди. Бунинг оқибатида Нил дарёсини кечиш учун икки кун вақт кетарди. Аҳмад Фарғоний яратган Ниломер Род оролида

жойланган бўлиб, тошқин ҳақида маълумот олиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу иншоот ҳозиргача одамларнинг эътиборида бўлиб келади. 2007 йили Қоҳирада Аҳмад Фарғонийнинг хайкали ўрнатилди.

Форобий (872 йили Фороб шаҳрида туғилиб, 951 йили Дамашқда вафот этган)нинг фанга қўшган хиссаси. Шарқда “муаллим ас-соний” (иккинчи муаллим) деб ном олган Абу Наср Форобий табиатшунослик, метафизика, математика, мантиқ, астронимия, тиббиёт, ахлоқ, мусика каби фанлар билан шуғулланиб, жуда катта бой илмий мерос қолдирди. У Аристотел ишларига шарҳлар ёзди ва “иккинчи муаллим” деган унвон унга шу туфайли берилган. Абу Насрнинг ғоялари ибн Сино, ибн Туфайл, ибн Рушд каби машҳур файласуфларнинг ҳамда ўрта аср Ғарбий Европа фалсафасига таъсир кўрсатди. Ўтрор кутубхонасининг ташкил топиши унинг номи билан боғланади.

Форобийнинг таржима ҳолини яратиб ишлари XI асрдан бошланган. Жумладан, шу асрда яшаган Абу Саид ибн Аҳмад ўзигача, яъни XI асргача яшаган буюк донишмандлар ҳақида комус тузган. Ана шу комусда Форобийнинг таржимаи ҳоли яратилгани ҳақида бошқа муаррихлар ва биографлар Байхақий, Кифтий, ибн Абу Усайбия, ибн Холлиқонларнинг асарларида маълумотлар берилган. Аммо Абу Саид ибн Аҳмаднинг қомуси топилмаган. Ҳамма манбаларда ҳам Форобийнинг Фороб (ҳозирги Ўтрор) қишлоғида туғилгани ва Дамашқ шаҳрига бориб мадрасада муаллимлик қилгани ҳақидаги маълумот берилган. У Самарқандда, Шошда мадрасаларда ўқигани ва мударрислик қилгани ҳақида маълумотлар бор. Буюк файласуф таълим олиш учун араб халифалигининг пойтахти Бағдодга кетади. Йўл-йўлакай у Эроннинг Исфаҳон, Ҳамадон, Рой (Техрон) шаҳарларида бўлади. Форобий Бағдодда халифа ал-Муқтадир (908-932) ҳукмронлиги даврида яшади. Бу ерда у фаннинг турли соҳаларини ва тилларни ўрганди. Айниқса, тиббиётни, мантиқни ва юнон тилини пухта ўгаллади.

Бағдод ўша давр илм аҳли учун гўё Макка каби эди. Айнан Бағдодда таржимонлар мактаби шаклланган эди. Улар Афлотуннинг, Аристотелнинг, Гален ва Эвклиднинг асарларини шарҳладилар. Бу билан баравар равишда Ҳиндистоннинг маданий ютуқларини ўзлаштириш жараёни ҳам кечди. Бундай иш мустақил

ижодий фаолликни оширди. Форобийнинг таржимонлик фаолиятига Юҳанно ибн Хайлон ва антик давр матнларининг араб тилига моҳир таржимони Абу Бишр Матто устозлик қилдилар. Абу Бишр Матто мантиқдан Форобийга таълим берди.

Форобий 941 йили Дамашқ шаҳрига кўчиб ўтди ва умрининг колганини шу ерда ўтказди, илмий иш билан машғул бўлди. У илгари бошлаган “Фозил одамлар шаҳри ҳақида рисола” китобини Дамашқда ёзиб тугатди. Дастлабки йиллари Форобийнинг Дамашқдаги ҳаёти осон кечмади. Адабиётларда ҳикоя қилинишича, у тирикчилик ўтказиш учун боғбон бўлиб ишлаган, илмий фаолият билан эса тунда машғул бўлди. Кундузи ишлаган маблағига шам сотиб оларди. Орадан маълум вақт ўтгач, Форобийга Халаб хукмдори Сайфуддин ад -Давла Али Ҳамадоний (943-967) хомийлик қила бошлади.

Абу Наср Форобийнинг “иккинчи муаллим” деган номга муносиб ишлари орасида “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида” (“Рисола фи қавонийи синоат аш-шуаро”) алоҳида ўрин эгаллайди.

Аристотелнинг асарлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдириш, унга шарҳлар ёки ундан таъсирланган ҳолда асарлар ёзиш Шарқда катта бурч саналган. Жумладан, Аристотелнинг “Поэтика”сига Абу Исҳок ал-Киндий (801-866) деган араб файласуфи ҳам кичкина бир китоб ёзган. Шу боис ал-Киндийдан сўнг Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушд каби машҳур алломалар ҳам Аристотелнинг “Поэтика”сига ўзларининг муносабатларини билдирганлар.

Форобийнинг “Шеър санъати қонунлари ҳақида” номли рисоласи Аристотелнинг “Поэтика”сига ёзилган шарҳдир. Форобийнинг ёзишича, Аристотелнинг “Поэтика” асари охирига етмай қолган. Форобийнинг вазифаси мавжуд “Поэтика”да айтилган фикр-мулоҳазаларини исботлаб кўрсатишдан ва унинг маъноларига ишора қилишдан иборат бўлган эди. У шеърдаги сўзнинг вазифаси, моҳияти ва мақсади ҳақида фикр билдириб, биринчи навбатда, сўзнинг тузилиши ва маъноли қисмларини, жумла таркибидаги ролини, ниҳоят, поэтик вазифасини қуйидагича очиқ беради: “...маънони билдирадиган сўзлар содда ва мураккаб бўлади. Мураккаб бўлган сўзлар бирор мулоҳазани англатади, ё англамайди. Мулоҳазани англатадиганларининг қатъий жазмлилиги ва жазмсизи бўлади. Қатъийлари ё тўғри, ё ёлғон бўлади. Ёлғонларининг баъзилари эшитувчилар зехнига маъноси

билан ўрнашиб қолади, бошқалари эса киши онгида нарсаларнинг ўхшashi – акси билан ўрнашиб қолади. Мана шу нарса ўхшатиш – шеърый мулоҳазалар саналади”⁴⁴

Форобий бу асарида шеър вазнлари, адабий турлар ва жанрлар, шеърдаги “ёлгон” – кўчимлар орқали юзага келадиган фантазия кабиларнинг табиати ва хусусиятлари ҳақида таъриф беради. Айниқса, шеърят ва шоир ёки умуман ижод ахли, уларнинг истеъдоди ҳақидаги Форобийнинг айтган гаплари бугунги адабий жараёнда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. У юнон шеърятига таянган холда сўз юритган бўлса ҳам, унинг шеърни шеър қиладиган воситалар, шеърятга қўйган талаблари ҳамма даврдаги барча халқлар шеърятига татбиқ қилиниши мумкин бўлган қарашлардир. Унингча, шоир ахли уч тоифага бўлинади.

Биринчи тоифаси шулар: шоирлар чиндан ҳам туғма кобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади, ташбиҳ ва тамсилга лаёқатли бўладилар. Бир хил шоирлар шеър санъатидан етарли хабардор бўлавермайди, балки туғма кобилиятининг ўткирлиги билан қаноат хосил қиладилар. Улар ўзларининг истеъдод даражаларига кўра иш тутадилар. Уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди. Ким ўша тоифадаги одамнинг ёзган шеърини кўриб, у кобилиятли одам экан, деб ўйласа, буни шундай тушуниш керакки, унинг феъл-атворида шоирларга хос турк-кўриниш мавжудлиги учун ўша одам шундай хулосага келган.

Иккинчи тоифаси қуйидагилар: бу хил одамлар чинакам шоирлик санъатини эгаллаган бўлишади, ҳатто шеърый ижодга хос хусусиятлардан биронтаси - у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин – барибир, бу қонун-қоидалар ундан қочиб қутулмайди. Улар шеърят санъатида қўлланиладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар. Бу тоифа шоирлар чиндан ҳам кобилиятли шоирлар деб айтишга сазовордирлар.

Учинчи тоифаси қуйидагилар: юқорида айтиб ўтилган икки тоифа шоирларнинг феъл-атворида таклид қилувчилар бўлади. Бу тоифага мансуб одамлар иккала тоифа шоирлар йўлини – ижодини

⁴⁴ Форобий. Шоирлар санъати қонунлари ҳақида. – “Аристотель. Поэтика” китобида. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 64-б.

ёд оладилар. Ўзларида туғма қобилияти бўлмаган ҳолда, шеърий санъат қонун-қоидаларидан хабардор бўладилар, ташбих, тамсил (метафора)лар ортидан борадилар. Йўлдан адашадиган шоирларнинг кўпчилиги ана шу табақа шоирлар ичидан чиқади (Юкоридаги асар, 70-71-б.).

Умуман, Форобийнинг мазкур рисоласи ўз давригача бўлган адабий жараён қонуниятлари ва йўл-йўриқлари, шоирлик истеъдоди ва ижод масъулияти ҳақида тўлақонли таассурот қолдиради.

Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахтга эрипиш ҳақида рисола”, “Жамиятни ўрганиш ҳақида рисола” каби қатор асарлари ижтимоий ҳаёт қурилишига бағишланган. У Аристотель ва Афлотуннинг, шунингдек, бошқа юнон файласуфларининг сиёсий ва ахлоқий ғояларига ва қадимги Шарқнинг ижтимоий ғояларига таяниб, давлат ва жамият қурилишининг назариясини ишлаб чиқди. Унинг қарашича, фазилатли шаҳарлар тепасида файласуф ҳукмдорлар турадилар, айти пайтда улар диний жамоа раҳбарлари ҳамдир. Фазилатли шаҳарларда жамики аҳоли учун чинакам бахтга эришиш йўллари кўрсатилади, бу шаҳарларда яхшилик ва адолат ҳукмрон бўлади, адолатсизлик, ёвузлик қораланади. Форобий фазилатли шаҳарларга жоҳил шаҳарларни қарама-қарши қўяди. Жоҳил шаҳарларнинг ҳукмдорлари ва аҳолисининг чинакам бахт ҳақида тасаввурлари мутлақо йўқ, бундай бахтга улар интилмайдилар. Улар фақат тана соғлиғига, тана лаззати ва бойлигига интиладилар.

Соғлом ва бенуксон жамият ҳамда мамлакат, халқ ва ҳукмдорларнинг ўзаро мувофиқати мамлакатнинг иқтисодий, маънавий ва ҳарбий қудрати ошиб боришига омил бўлиши ҳақидаги қарашлар Шарқдаги кўп асарларда айтиб ўтилган. Жумладан, “Олтин ёруғ” асарида ҳам соғлом мамлакат қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ўғитлар, жумладан, халқ ҳукмдорнинг йўл-йўриқларидан оғишмаслиги, жамики жонзотларга яхшилик қилиш лозимлиги каби ўғитлар бор эди. Ёки “Қутадғу билиг”даги идеал ҳукмдорлар, халқ ва мамлакат ҳақидаги қарашлар билан Форобийнинг бу борадаги ғоялари ўртасида шубҳасиз боғланишлар бор. Зотан, Форобий ўз асарларида араб, юнон, форс, ҳинд ва туркий маданиятни бир-бирига яқинлаштирган, омухталаштирган олим эди.

Форобий айни пайтда фаннинг ислохотчиси бўлиб ҳам майдонга чиқди, У “Фанлар таснифи ҳақида сўз” асарида педагогика фанининг ислохотчиси сифатида кўзга ташланади. У кенг оммага билимни тарқатиш, маърифатни ривожлантириш орқали одамларда инсоний фазилатларни ривож топтириш ғоясини илгари сурди. У инсонларда ахлоқий тарбияга алоҳида урғу берди. Унингча, жамиятнинг юксак ахлоқий кифоаси унинг гуллаб-яшнаши учун асосий омилдир. Шунингдек, унинг мазкур асарида устозга қўйилган талаблар ҳам эътиборга молик. “Устоз учун, - дейди Форобий, - адолатпарварлик, талабчанлик, эътиборлилик, ирода кучи, сабр-тоқат хислатлари муҳимдир”. Муаллимнинг хулқ-атвори, Форобийнинг фикрича, қуйидагича бўлиши лозим: у таълим олувчига ўта қаттиққўл ҳам бўлмаслиги керак, уни ҳаддан ортиқ эркалитиб юбормаслиги ҳам керак, чунки қаттиққўллик таълим олувчида ўз устозига нисбатан зиддиятни пайдо қилади, ҳаддан ортиқ эркалитиш оқибатида эса устозни ҳурмат қилмай қўяди.

Форобий мусикага, математикага ва фаннинг бошқа соҳаларига оид илмий мерос қолдирди. Фаннинг барча соҳаларига оид 150 дан ортиқ асарлари маълум.

Ибн Синонинг адабиётга қўшган хиссаси (тўлиқ номи –Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино; 980 Бухоро-1037 Ҳамадон). Ибн Сино ўрта аср Шарқ оламида тиббиёт, кимё, астрономия, механика, фалсафа, психология, адабиёт, мусиқа каби қатор фанларни пухта эгаллаган ва бу фанларга доим асарлар яратган улкан олимдир. У фаннинг 29 соҳасига оид 450 та асар ёзган бўлиб, шундан 240 таси бизгача етиб келган. Унинг асарлари, асосан, араб тилида. У туғилган пайтда Бухорода Сомонийлар ҳукмронлик қиларди. Қорахонийлар салтанати Сомонийлар сулоласини йиқитгач, ибн Сино Урганчга Хоразм ҳукмдорлари саройига (1002 йили) хизматга борди. Бу ерда у “табиблар беги” деган номга мушарраф бўлди. Махмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни рад этиб, Ҳамадонга кетди. 1015-1024 йиллари Ҳамадонда яшади, амир Шамсиддин ад-Давлани шифолагандан кейин, вазир лавозимига кўтарилди. Ибн Синонинг атрофида унга нисбатан душманлик кайфиятида бўлганлар бор эди. Уларнинг чақуви билан Шамсиддин ад-Давла Ибн Синони ўз ҳукмронлиги ҳудудидан чиқариб юборди. У яна қаттиқ бетоб бўлиб қолгач, ибн Синони топтириб келди ва яна вазир лавозимига тайинлади. Шамсиддин ал-

Давла вафот этгач, Исфахонда (1023 - 1037) умрининг охиригача амир Алоуд –Давла саройида яшади.

Ибн Сино комусий олим, ноёб хотираси, фикрининг тералиги билан алоҳида ажралиб турарди. У, биринчи навбатда, дунё табобат илмига улкан ҳисса қўшган олимдир. Ибн Сино жаҳон табобат илмига қанчалик ҳисса қўшган бўлса, бадий ижод соҳасида ҳам ўз даврида катта мерос қолдирди. У файласуф олим сифатида танкидларга ҳам учради, айни пайтда унинг карашларини қўллаб-қувватловчи (масалан, Носируддин Тусий) мутафаккирлар ҳам бўлди. Шунингдек, Умар Хайём ибн Синони фалсафа соҳасида ўзининг устози деб билган.

Ибн Синонинг бутун илмий фаолияти куйидаги асарларда жамланган: 1. “Ал Қонун фи-т-тибб” (Тиб қонунлари) -- ўз давридаги тиббиёт илмининг назарий ва амалий масалаларини бир тизимга солган тиббий комус; 2. “Китоб аш-шифо” (Шифолаш китоби) – фалсафий комус бўлиб, тўрт қисмдан иборат: мантик, табиий фанлар, математикага оид фанлар, метафизика (яъни илоҳиёт); 3. “Китоб ан-нажот” (Нажот китоби) – “Китоб аш-шифо”нинг қисқартирилган шакли; 4. “Донишнома” (Билимлар китоби) – форс тилидаги фалсафий асарлари, асарда назарий фалсафанинг, жумладан, мантикнинг қўллаб масалаларини ўртага ташлайди; 5. “Рисола ал-иксир” (Эликсир ҳақида рисола) – кимё фанига бағишланган бўлиб, металларни ўзгартиришнинг амалий усулларини тадқиқ этган; 6. “Ал-адвийат ал-қалбийя” (Юрак хасталиклари шифоси) – юрак хасталикларига шифо беришга оид фалсафий-тиббий асар, шунингдек, муаллиф руҳ ҳақидаги карашлари ва мулоҳазаларини ҳам бу китобда баён қилади; 7 “Соломон ва Ибсол”, “Ҳайй бинн Яқзон” (Уйғок ўғли Тирик) – бу икки асар адабий-фалсафий қиссалардир; 8. Ибн Сино ва Берунийнинг физика (яъни табиатшунослик) ва фалсафага оид ёзишмалари - бу ёзишмаларни олимлар “аср ёзишмалари” деб атаганлар. Ёзишмаларда ибн Сино Аристотел (мил.ол.384 – 322)нинг табиатшуносликка оид айрим карашларини Беруний билан мунозара қилди; бу масалалар – тана ва моддаларнинг табиий ўрни, тананинг марказдан қочувчи кучи, энг майда қисмларнинг бўлинувчанлиги, оламларнинг кўплиги, моддаларнинг ўзидан ўзи ўзгариши ва бошқалар эди.

Ибн Синонинг тиббиётга оид асари XII асрда лотин тилига таржима қилинган ва XV асрдан бери 40 марта чоп этилган. XVIII асргача Европанинг ҳамма университетларида унинг “Тибб кунунари” асаридан тиббиёт бўйича дарслик сифатида фойдаланганлар.

Европанинг буюк файласуф ва маданият арбоблари Роджер Бэкон (XIII аср), Данте (XIII-XIV аср), Леонардо да Винчи (XV – XVI), Микеланжело (XV – XVI), Везалий (XVI), Гёте (XVIII – XIX) кабиларнинг фалсафий қарашларига ва назарияларига ибн Синонинг таъсири жуда кучли бўлди. Ибн Синонинг фалсафий қарашлари асосан, унинг “Тайр”, “Солмон ва Ибсол”, “Ҳай бин Яқзон” каби бадиий асарларида ўз ифодасини топган. Ибн Сино Аристотелнинг қарашларига эргашди. Аристотель “Метафизика” асарида яратилиш ҳақида шундай ғояни илгари суради: “Шакл буюмга ҳақиқий мавжудликни ато қилади, материя эса ўзида буюмнинг мавжудлиги имкониятини камраб олади. Масалан, ҳайкал ҳақиқий буюм, аммо ҳайкал ясалган материалга шакл берилмасдан олдин, у лаёқатга, ҳайкал бўлиш имкониятига эга эди”. Ибн Сино оламнинг Яратувчи билан бирга абадийлигини тасдиқлайди. Ибн Сино бу қараш билан олий муҳаббат объекти – Яратувчи билан ашёлар ўртасидаги боғлиқликни назарда тутди. Ибн Синонинг бу қараш Афлотуннинг “Олам севги асосида вужудга келади ва шу қонуният билан ҳаракат қилади” деган назариясига ҳамоҳангдир.

Хуллас, ибн Сино ўз фалсафий асарларида қадимги юнон фалсафасини янги ғоялар билан бойитиб, ривожлантирди. Унинг бадиий асарлари ҳам, шубҳасиз, Ўрта Осиё фалсафий тафаккурини ривожлантиришга, ахлоқий ва таълимий ғояларни ёйишга катта хизмат қилди. Айтиш мумкинки, ибн Синонинг барча бадиий асарлари Ўрта аср Ўрта Осиё адабиётидаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Ибн Синонинг ўз давридан бери кўпчиликнинг эътиборини тортиб келган асари “Ҳайи бин Яқзон” қиссасидир. Қисса Ибн Сино тилидан ҳикоя қилинади.

“Ҳайи бин Яқзон” қиссасининг қисқача мазмуни. Бир куни бир неча дўстлар ўзлари яшаётган юртнинг бир четига сайру саёҳат қилдилар. Улар ўша музофот четида истараси иссиқ бир қарияни учратадилар. Кўп йиллик меҳнат ва кексалик унинг юзларида ўз

мухрини қолдирганига карамай, қариянинг киёфасида ва вужудида ёшлик куч-гайрати барк уриб турарди: унинг улуғвор қад-қоматида кексалик аломатлари асло кўринмас, сочларидаги оқ унга ҳусн бағишлаб турарди. Сайёҳ дўстлар қария билан танишадилар. Дўстларнинг “Кимсиз, нима билан машғулсиз, қандай орзу-ниятларингиз бор, қаердансиз?” деган саволларига у шундай жавоб беради: “Мени Уйғоқ ўғли Тирик деб айтадилар, Мен асли Қуддусданман. Қиладиган ишим — олам мамлакатлари бўйлаб кезаман, шу боис ҳамма мамлакатлар менга ҳам бўйига, ҳам энига таниш. Мен отамга юз бурганман, у тирик. Отам мени ҳамма фанларнинг калити билан қуроллантириб, қадамларимни оламнинг турли бурчакларига олиб борадиган сўқмоқларга йўналтирган. Мен саёҳатларим билан олам уфқларини бирлаштирамагунимча юришда давом этавераман”.

Биз унга фанлар ҳақида саволлар бериб, фанларда яширилган сирлар ҳақида изоҳ ва тушунтиришлар олишга ҳаракат қилардик. Ниҳоят, биз фаросат фанига етиб келдик. Бу фан соҳасида мен унда заковатни кўрдим, мен ниҳоятда ҳайратландим. Биз бу фан ҳақида энди сўрашга шайланиб турганимизда, у фикрларини айта бошлади: «Фаросат — шундай фанлардан биридирки, ундан келадиган фойда нақдир. Чунки бу фан инсон табиатининг хусусиятларини сенга шундай ёркин қилиб кўрсатадики, бу хусусиятларни ҳар ким бошқалардан сир тутишга ҳаракат қилади. Шунга мувофиқ равишда сен инсонлар билан ё очик ёки пинҳон муносабатда бўласан. Фаросат илми сендаги ўчиб кетай деган қирраларни, деярли йўқолиб кетай деган, сал-палгина сезилиб турадиган сифатларни ёркинлаштиради. Агар сенга фаросатнинг тузатадиган кўли тегса, сени комилликка олиб боради, ўзингни чархлашни бошлагин, йўлдан оздирувчи — сени сирпанчиқ сўқмоққа олиб чиқади. Мана, сен ўзингдан юз ўтириб кетмайдиганлар қуршовидасан. Ахир, улар аҳмоқ ҳамроҳлардир. Сен улардан қутула олмайсан. Агар сени қандайдир сахий ҳомий сақламаса, улар сени васвасага соладилар.

Сенинг олдингда турган дўстинг ёлғончи ва маҳмадона. У фақат сафсата сотади, бўҳтон тўқийди. У сени ҳеч қачон йўл асбоб-анжомлари бўлиб хизмат қилмайдиган хабарлар билан таъминлайди, ҳақиқий воқеа сафсата оқибатида лойқаланади, ёлғон оқибатида ҳақиқат панада қолади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам олдиндагиси сенга айғокчи ва назоратчи бўлиб хизмат қилади:

сенга кўринмайдиган, сен турган жойдан йўк қилинган нарсалар ҳақидаги маълумотлар у орқали сенга етиб келади. Унда ҳақиқийни ноҳақиқийдан ажратаман, уйдирмадан ҳақиқатни излайман дейсан, аммо сенга ҳеч нарса қолмайди; бир тўда хатолардан ҳақиқатни топаман, дейсан, аммо барибир, бунинг эвини килолмайсан. Сенинг кўлингдан омад ушлаб, сарсонликдан олиб чиқиши мумкин; саросималик сени жойингда қотиб туришинг учун мажбур қилиши мумкин; эҳтимол, ҳақиқатга ўхшаб кўринадиган қопқон сени уйдирмага қизиқтириб ўзига тортиши мумкин.

Сенинг ўнг томонингда турган дўстинг — баттол: агар у ғазабга минса, уни ўтит-насихатлар билан боса олмайсан, эркалаш билан шахтидан тушира олмайсан. У қуруқ ўтин устидаги олов, тик жарлик қайрилишидаги сув оқими, болаларидан айрилган она шер кабидир. Чап томонингда турган эса разил очофат, шахватпараст айғир от сингаридир: унинг қорнини чаңг-тўзон тўлдиради; фақат тупрок унинг нафсини кондиради. У ялаб ичадиган, чапиллатиб ялайдиган, жигилдонига урадиган, маккор ахта чўчка; уни дорилаб ўлдирганлар ва кейин гўнгтепага олиб чиқиб ташлаганлар.

Эй бахти қаро, сен уларга тобесан, фақат ўзинг туғилган ўлкадан буларга ўхшаганларнинг биронтаси қадами етмаган ерга кочиб кетибгина улардан кутула оласан. Аммо сен кочиб кетишинг учун ҳали вақт-соати келмади, улардан кутулишинг учун нажот йўқ. Қўлларинг уларнинг устидан ҳукмронлик қилсин, ҳукмронлигинг улар устидан тантана қилсин. Уларга жиловингни бериб қўйишдан ёки жиловингни бўшаштиришдан сақлангин. Яхшиси, ўзингни яхши хўжайин қилиб кўрсатиб, улардан кўра кўлингни узун қилиб юргин. Сенинг ҳукминг уларнинг ҳукмидан устун келсин. Агар сен уларга қаттиқ турсанг, улар сени эмас, балки сен уларни итоат эттирасан. Улар сени эмас, балки сен уларни бўйсундирасан.

Бу ошналарингга нисбатан қўлланадиган таъсирчан воситалар шундан иборатки, ўша мечкай эси пастни силтаб ташлаб, унинг ҳирсини тийиб қўйиш учун, тийиксиз бу бевош воситасида уни енгилш учун, тилёглама, ҳушомадгўй эси пастни тинчитасан, ўша ўжар одамни ҳушини жойига келтириб қўясан. Ана шу ёлғончи махмадонага келсак, у Оллоҳдан ишончли кафолатни сенга намоён қилмагунча, унга мойил бўлишга уринма. Оллоҳдан кафолатни намоён қилгандан кейин унга ишонгин, у, гарчи гапидан адашиб кетса ҳам, сенга айтадиган хабарларига қулоқ солишдан бўйин

товламагин. Ана шунда текширишга лойиқ бўлган хабарлар орасидан асосли ва ишончлиларини назардан четда қолдирмайсан...".

Қиссадан олинган мазкур парча ибн Синонинг фалсафий қарашларини ифода этади. Асардаги образлар мажозий маънога таянади. Жумладан, *дўстлар* – инсоннинг ички ва ташқи сезги аъзолари, *ўзлари яшаётган юрт* – инсоннинг бадани, яъни тириклик пайти, *қария* – Ақл, *Қуддус* – соф ақл олами, *фаросат илми* – мантик илми, *ота* – қомиллик рамзи, *йўлдан оздирувчи* – ҳиссиётга берилиш, *ўнг томонингда турган дўстинг* – ғазабланиш, *чап томонингда турган дўстинг* – инсондаги истакка берилиш қайфияти ва х..

Бу мажозий маънолар ибн Синонинг фалсафий илмларни чуқур эгаллаганини далиллаш билан бирга, инсон мантик илмини тухта эгаллаши лозимлигини ва бунинг натижасида ҳаётда ҳеч қачон йўлдан адашмаслигини уқтиради. Ақлнинг қамолоти мантик илмига боғлиқ. Зотан, ибн Сино “Ҳайй бин Яқзон” қиссаси сўнгида чиқарган куйидаги хулосаси асарнинг асосий мақсадини ифода этади: “Сени уйғотиш мақсадида қилган бу ҳикоям мени унга (яъни ақлга – Н.Р.) яқинлаштирмаганда эди, мен бу ҳикоя билан машғул бўлмасдим, сенга бу сўзларни гапириб ўтирмаган бўлардим. Истасанг, менга эргаш, сени унга олиб борагин”.

Шу ўринда мазкур асарнинг жанр хусусияти ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Ибн Сино асарининг сўнгидаги парчада “ҳикоя” сўзини қўллайди. Аммо бу адабий жанрни эмас, балки “баён қилиш” маъносини ифода этади. Ибн Синонинг ҳамма наصريй асарларига (“Қуш”, “Соломон ва Ибсол”, “Юсуф” қиссалари) нисбатан “қисса” термини, шеърий асарларига нисбатан “достон” термини тўғри келади.

“Ҳайй бин Яқзон”нинг жаҳоншумул аҳамияти. Ибн Синонинг “Ҳайй бин Яқзон” асари кейинги асрларда Шарқ оламига кенг ёйилди. Жумладан, ХII асрда яшаган араб олими ибн Туфайл (1110 -1185)нинг илмий ва адабий фаолияти бунга мисолдир. Ибн Туфайл Алмоҳидлар саройида вазир, айна пайтда табиб лавозимларида хизмат қилган эди.

Ибн Туфайлнинг қизиқиш доирасида фалсафа асосий ўринни эгаллайди. У инсоннинг билиш фаолияти масалаларига эътибор

қаратди. Шарқ фалсафасини, жумладан, ибн Синонинг фалсафий қарашларини чуқур ўрганди, унинг илмий ва адабий фаолияти билан яхши танишди. Ибн Туфайл ўзининг “Ҳайй бин Яқзон” қиссаси билан машҳур бўлди. Ибн Туфайл шу асарнинг муқаддимасида ибн Синони алоҳида ҳурмат билан тилга олади ва ўз асарининг қуйидагича номланганини баён қилади: “Файласуфлар раҳнамоси, имом Абу Али ибн Синонинг ва комил файласуф, билимдон Абу Бакр ибн Туфайлнинг сўзлари моҳияти мағзидан олинган Шарқ донишмандлигининг сирларига оид “Ҳайй бин Яқзон” рисоласи”.

Ибн Туфайл мазкур китобида инсоннинг табиий равишда ривожланиши ва унинг тафаккури ҳақида ҳикоя қилади. Асарда Шарқнинг буюк мутасаввифлари Абдулҳамид Ғаззолий, Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Ибн Рушд кабиларнинг асарларидан иқтибослар келтиради, Ҳаққа етишиш ва инсон камолоти тўғрисидаги қарашларини илгари суради. Ибн Туфайл ўз асарида Ибсол ва Соломон билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳам баён қилади ва ҳар иккаласини олийжаноб фазилатлар, эзгу мақсадлар эгаси қилиб тасвирлайди. Аммо бу асарда ибн Синоникки сингари Саломон ва Ибсолнинг эртақнамо сааргузаштлари йўқ, асосан ҳар иккаласининг комиллик сари интилишлари фалсафий йўсинда баён қилинган.

“Қуш” ва “Саломон ва Ибсол” қиссалари. Ҳар иккала қиссада ҳам, худди “Ҳайй бин Яқзон” асаридаги сингари, ибн Синонинг фалсафий қарашлари мажозий образлар орқали тасвирланганини кўрамиз. Хусусан, “Саломон ва Ибсол” шаклий томондан қаҳрамонлик ва ахлоқий таълимий мазмундаги қисса бўлиб кўринади, қиссада ўзбек халқ эртақларининг баён усули етакчилик қилади. Аслида эса ибн Синонинг бу қиссани яратишдан мақсади тамомила бошқа: Саломон – бир инсон, Ибсол эса инсоннинг руҳий-маърифий жиҳатини кўрсатадиган тимсол. Саломоннинг хотини – шахвоний ҳирслар тимсоли.

Бу қиссадаги мажозий маънони ибн Сино “Юсуф” қиссасида давом эттиради: Яъқуб – Саломон образини, Юсуф – Ибсол образини, Юсуфнинг хўжайини хотини – Саломоннинг хотини образини такомиллаштиради. Ҳар иккаласи ҳам саргузашт қисса жанрида ёзилган.

“Соломон ва Ибсол” киссаси такрорланмас асар сифатида машхурдир. “Юсуф” киссаси эса Мусонинг “Ибтидо” китобидаги ва Куръони Каримдаги Юсуф киссалари билан мазмунан бирдир, яъни мавзу анъанавийдир. Ибн Синонинг киссасида бир ўринда такрорланмас, аввалги киссаларда йўқ лавҳа бор: Юсуфни акалари кудукқа ташлаганларидан кейин, Мисрга кетаётган қарвон одамлари сув олгани кудукқа челақ ташлаганларида, челақдан сув ўрнига чиройли бола чиқади.

“Шеър санъати” асари. Ибн Синонинг адабиётшунослик соҳасидаги хизматлари ҳам диққатга сазовор. Олим шеърят ҳақида умумий тушунча берар экан, шеър образли сўзлардан ташкил топипши, шеърда вазн, ритм ва кофия ҳақида маълумот беради. Хусусан, шеър тузилишида тенг ва вазнли гапларнинг вазифасига изоҳ бериб, шеърдаги ҳар бир гап ритмли қисмлардан тузилган⁴⁵, деб тушунтиради.

Ибн Синонинг шеърда кофия ҳақидаги қарашлари Шарқ мумтоз поэтикасидаги, жумладан, ўзбек адабиётшунослигидаги кофия назариясига мос келади. Унингча, ҳар бир кофиядош сўзларнинг охири бир хил ҳарф, яъни бир хил товушлар билан тугаллашиши керак. У кофия элементлари ҳақида батафсил тўхталмайди, чунки мантиқшунос шеърда диққат қилиши керак бўлган нарса кофия, аруз ёки бошқа воситалар эмас, балки образлиликдир. Зотан; “образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади”(Юқоридаги асар, 89-б.). Ҳар қандай образлилик бадийлик ва ижодийлик билан уйғунлашгандагина, ижтимоий бурч максадларини ўзида ташийти. Шеърнинг бош максади ҳам шунда.

Ибн Сино шеърдаги таажжуб, сунъийлик каби бир қатор усуллар шеърнинг шаклий томонлари ва мазмуни ифодаси учун қўлланишини чуқур таҳлил қилади, юнон шеър жанрлари — трагедия, дифирамба, комедия, ямб, драма, диакрама, эфикий-риторикий, сатира, фиюмута (поэма), эфижонасувус, акустика кабиларни алоҳида-алоҳида тавсиф қилади, уларнинг жанрий табиатини яққол ифодалаб беради. Масалан, у ямбнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритиб: “жамиятнинг ҳар бир соҳасида

⁴⁵ Абу Али ибн Сино. Соломон ва Ибсол. — Т.: Фағур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980, 89-бет.

машхур бўлган воқеалар, элга таниқ бўлган масалалар зикр қилинади. Бу нав шеърлар ўзида тортишувли масалаларни ифодалайди. Унда уруш, жанжал, ғазабланиш, ғижиниш каби кайфиятлар тасвирланади”, дея таъриф беради. Ёки бугунги адабиётдан мустахкам ўрин олган драмани шундай таърифлайди: “Шеър навларидан яна бири драма деб аталади. Бу нав ҳам худди ямбнинг ўзи. Фақат шуниси борки, бу нав – жанр воситасида эл аро танилган бир шахс ёки маълум кишилар ҳақида ҳикоя қилади”. Бундан маълум бўладики, ибн Синонинг назаридаги драма бугунги адабиётдаги бадиха жанрига тўғри келади. Яна бир диққатни жалб қиладиган томони шуки, ибн Сино драмани адабий турга эмас, балки жанрга таааллуқли деб билади.

Умуман, ибн Сино шеърий жанрларнинг алоҳида, ўзига хос хусусиятларини аниқлаганда, жанрларнинг шаклий томонига эмас, фақат мазмун томонига эътибор қаратади.

Ибн Сино тиббиётга оид асарларини дoston жанрида ёзди. Булар қуйидагилардир:

1. “Соғлиқни сақлаш – гигиенага оид уржуза”.
2. “Тўрт фасл ҳақида уржуза”.
3. “Анатомияга оид уржуза”.
4. “Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза”.
5. “Тажрибадан ўтган тиббий нарсалар ҳақида уржуза”.
6. “Тиббий насиҳатлар ёзилган уржуза”.
7. “Мантиққа оид уржуза”.
8. “Алоқа ҳақида уржуза”.
9. “Табобат ҳақида уржуза” (*Юқоридаги асар, II-б.*).

Ибн Сино бу асарларини арузнинг ражаз баҳрида ёзган. Шунинг учун ҳам унинг шеърий йўл билан ёзган илмий асарлари *уржуза* деб аталган.

Рудакийнинг **Ўрта Осиё адабий муҳитидаги ўрни** (тўлиқ исми **Абу Абдуллоҳ Жаъфар Ибн Муҳаммад**) - форс-тожик шеърятининг, умуман, форс-тожик адабиётининг асосчисидир. У форс шеърятининг шеърий шакллари, жанрларини, шеър ўлчовларини яратди. 858-860-йиллар оралиғида Панжруд қишлоғида туғилди. Ёшлигиданоқ шеърий истеъдоди, руд номли мусика асбобини маҳорат билан чалиш, қўшиқ айтиш орқали донг таратди. Уни Сомонийлар ҳукмдорлари саройга таклиф қилдилар. Шоирнинг қирқ йил умри саройда ўтди ва катта ҳурмат-эътиборга

сазовор бўлди. Унинг ҳам шоирлик, ҳам хонанда ва чолгучи сифатида иқтидори “Хуросон булбули” деб ном таратишига сабаб бўлди.

Рудакийнинг туғма кўзи ожиз экани тўғрисида баҳслар бор. Ривоятларга кўра, Рудакий исмоилийлар (яъни фотимийлар) мазҳабига мансуб эди. Айрим ўринларда Рудакий фотимийлар (бу халифалик 909 – 1171 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб, Муҳаммад а.с.нинг қизи Фотиманинг исмидан олинган) тарафдори бўлган деб айтилади. Фотимийлар ҳам аслида Исмоилийлар мазҳабига эътикод қилганлар, уларнинг қарашлари, диний-фасофий ақидалари деярли бир бўлган. Шу боис Рудакий бир шеърда фотимийлар (яъни исмоилийлар) билан ҳаммаслақ эканини, уларни қўллаб-қувватлагани ҳақида айтар экан, халқни ҳам Фотимийлар ақидаларига қўшилишга даъват қилади:

Фақат Фотимийларнинг бўл тарафдори,
Чунки агар кўзғалса сичқон чийиллаб,
Илон кўрқар, мушукнинг тугар мадори
(*М. Муинзода таржумаси*)

Бу пайтда Рудакий Амир Наср саройида малик уш-шуаро бўлиб хизмат қиларди. 940 йили исмоилийларга қарши кўзғолон бўлди. Рудакийга ҳасад қилиб юрган вазирнинг қутқуси билан Амир Наср шоирнинг кўзини ўйиб олишга ва мол-мулкни мусодара қилишга буйруқ берди. Шу воқеадан кейин Рудакий туғилган қишлоғига қайтиб келди ва 941 йили вафот этди.

Шу ўринда Исмоилийлар мазҳаби ҳақида қисқача маълумот беришни ўринли деб биламиз.

Исмоилийлар мазҳаби 765 йили шиачилик мазҳабида бўлиниш натижасида юз берди. 760 йили шиачиликда олтинчи имом Жафар ас-Содик тўнғич ўғли Исмоилни имоматнинг қонуний меросхўрлигидан маҳрум қилди ва кичик ўғлини валиаҳд деб эълон қилди. Бунинг сабаби шу эдики, Исмоил суннийларга ашаддий душманлик қайфиятида эди. Исмоилнинг ҳокимият тепасига келишидан аҳолининг ўрта ва қуйи қатлами шиалар жамоатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзгариш бўлишига умид қиларди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай Исмоил вафот этди. Исмоил вафот этган бўлса ҳам, унинг тарафдорлари ҳаракати ёйилиб бораверди. Аввалига у, Исмоил ўлдирилмаган, балки душманлардан яшириниб

юрибди, яъни Оллохнинг хохиши билан “ғойиб” бўлди, деб гап таркатдилар. Маълум вақт ўтгач, Исмоилни еттинчи, “яширинган имом”, у керак пайтда пайтда Ёғ суртилган-махди сифатида пайдо бўлади, шунинг учун янги имомларнинг келишига ҳожат йўқ, деб эълон килдилар. Исмоилийлар аста-секин кучайиб, X асрда Шимолий Африкада Фотимийлар халифалигига асос солдилар. Айнан Фотимийлар халифалиги даврида Исмоилийлар Якин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалдилар. Фотимийлар халифалигининг маркази Қоҳира бўлиб қолди. Мусулмон оламининг бошқа ўлкаларида, шунингдек, ортодоксал шиалар яшайдиган ўлкаларда ҳам Исмоилийларни ашаддий мазҳаб деб ҳисобладилар ва уларни шафқатсиз таъқиб килдилар.

Исмоилийларнинг фалсафий-диний ақидаларидан бири шу эдики, Оллоҳ вақти-вақти билан ер юзига юборилган пайғамбарлар Одам Ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад а.с.ларнинг таналарига ўзининг илоҳий моҳиятини жойлаштирган. Исмоилийлар уларни “нотиклар”, яъни воизлар деб атаган эдилар. Ҳар бир юборилган пайғамбар воизларга ҳамроҳ килиб “сомитлар”, яъни сукут сақловчиларни ҳам юборади. Сомитлар ҳеч қачон ўзларидан гапирмайдилар, балки пайғамбар воизнинг ваъзларини талқин киладилар. Мусо даврида Ҳорун, Исо даврида Бутрус, Муҳаммад а.с. даврида Али бин Абу Толиб сомит эдилар. Оллоҳ ҳар бир пайғамбар воизни юборганда, улар одамлар олдида фазовий идрокни ва илоҳий ҳақиқатни очиб берардилар. Исмоилийларнинг яна бир ақидасига кўра, оламга етгита пайғамбар воиз келиши керак. Уларнинг биридан кейин иккинчиси пайдо бўлиши оралигида оламни етти имом изчил равишда бошқарадилар, Оллоҳ улар орқали пайғамбарларнинг таълимотини талқин килиб берадилар. Охириги – еттинчи пайғамбар воиз Исмоил ўғли Муҳаммад қайтиб келганда, у сўнги илоҳий тимсолни ўзида зоҳир этади. Шундан кейин оламда илоҳий идрок ҳукмрон бўлади. Илоҳий идрок эътиқодли мусулмонларга адолатни ва роҳат-фароғатни олиб келади.

Рудакийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ишончли маълумотлар ас-Сомонийнинг “Китоб ул-ансоб” (Насабнома китоби), Муҳаммад Авфийнинг “Лубоб ул-албоб” (Мағизларнинг мағизи, 1222 йил) ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш-шуаро” тазкираларида бор. Ҳамма тазкираларда Рудакий ҳақидаги маълумотлар бир-

бирини тўлдиради: араб ва Ажамда унга тенг келадиган шоир йўклиги, халқ уни доимо тантана билан кутиб олгани, Амир Наср даврида бениҳоя бойигани, унинг шеърлари юз жилддан (дафтардан) иборат бўлгани ҳақида мазкур тазкиранавислар ёзиб қолдирганлар. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, “устод Рудакий адвор (мусика соҳасининг бир тури – Н.Р.) ва мусикий фанида тамом қувватга эга эди... унинг илмлар ва кўп фанлардан воқифлиги бордир. Шеърят турларидан қасида ва маснавийни (ҳам) яхши айтар эрди. Устод Рудакий хосу авом олдида баланд мартабага эришган”.

Ўрта аср адабиётида Фирдавсий ва Ҳофиз ижодида, баёзларда, луғатларда Рудакий номи тез-тез эсланади.

Рудакийнинг ижодий мероси 130 минг байтдан иборат. Баъзи маълумотларга қараганда, бир миллион уч юз минг байтдан ҳам кўп экан.

Жумладан, XI асрда яшаган шоир Рашидий Самарқандий Рудакийнинг адабий мероси ҳақида қуйидагича маълумот беради:

Жаҳон шеърятига бошлиқ керак бўлса гар,
Шоирларга бош бўлмоқ Рудакийга ярашар.
Шеърини санаб чиқдим ўн уч мартаба юз минг,
Яхшироқ санаганда, эҳтимол, кўпроқ чикар.

(М. Муинзода таржимаси)

Бизгача унинг минг байтдан ортиқроқ ижодий мероси етиб келган. Бу мерос турли луғатлардан, баёзлардан ва тазкиралардан йиғиб жамланган.

Рудакий форс-тожик адабиётида биринчи бўлиб девон қолдирган шоирдир. Унинг девони қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа жанрлардан иборат бўлган. Рудакийнинг бизгача етиб келган адабий мероси орасида “Май онаси” (933 йил), “Қариликдан шикоят” автобиографик қасидаси ва 40 та рубоийси тўлиқ сақланган. Қолган ижодий мероси – мадҳия, ишқий, фалсафий дидактик мазмундаги асарлар парчаларидан иборат. Рудакий ҳинд халқининг машҳур достони “Калила ва Димна”нинг араб тилидаги насрий нусхасидан форс-тожик тилига маснавийда таржима қилган (932 йили).

Шоирнинг бизга етиб келган шеърларидан маълум бўладиги, у ҳаётдан завқ олишни, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишни

куйлайди, яратилган жамики нарсалар, жумладан, табиатнинг гўзаллиги ҳам, инсоният учун эканини алоҳида таъкидлайди. Шоир кўллаган ташбеҳлар, тасвир усули такрорланмасдир. Бу воситалар фақат табиат манзараси ифодаси бўлиб қолмай, балки инсон калби, руҳий кечинмаларининг ифодаси ҳамдир:

Баҳор оёи етиб келиб қиш ойини этди яғмо,
Фазо юзини қоплади чанг, қонга тўлди дашту сахро.
Илк баҳорнинг кўз ёшидан шохлар олди юзига ранг,
Ҳамал ойин хуш ҳидидан бўлди тупрок анбаросо.

(М.Муинзода таржимаси)

Куйидаги рубоий ҳам, юқоридаги сингари, дунёвий ишқнинг мадҳияси бўлиб жаранглайди. Шоир психологик параллелизмдан ва ўхшатиш санъатидан фойдаланиб, чин ошиқнинг ва маъшуканинг образини яратади:

Лайло юзи каби лола сахро бўйлаб кулиб турар,
Мажнун кўзи каби булут қон ёшини қилур дарё.
Оқар сувдан келмоқдалар ҳар соатда гулоб ҳиди,
Менинг ёрим арик ичра гул юзини ювмиш гўё

(М.Муинзода таржимаси)

Рудакийнинг китъалари чуқур фалсафий-дидактик мазмунга эгаллиги билан ажралиб туради. Унинг китъаларидаги инсон бу оламда том маънода мардона ҳаракат қиладиган, бошқаларга керак бўлганда тиргак бўладиган, ёрдами аямайдиган зотдир. Унинг қаҳрамони инсонларга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билади. Куйидаги китъага мурожаат этайлик:

Ўз нафсини мағлуб этолган марддир,
Ғийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир,
Номард тегиб ўтар йиқилганларни
Ожиз кишилар қўлин тутолган марддир.

(Эргаш Очил таржимаси)

Китъа моҳиятан Паҳлавон Махмуд рубойиларидаги жавонмардларнинг фаолиятини эслатади. Зотан, жавонмардлар

гарчи филдай кучли бўлсалар ҳам, ўзларини чумолидай ожиз қилиб кўрсатардилар. Демак, Рудакийнинг ижодида жавонмардликнинг илк куртаклари бор деб айтиш учун асослар бор.

Куйидаги қитъа ҳам, юкоридагиси каби, дидактик мазмун ифодалаб, бу ҳаётда инсон умр кечирар экан, ҳар бир одамнинг ҳаётда ўз ўрни бор, одам бу оламга келиб, ҳаёт мактабидан самарали сабоқ олиши керак, деган ўғитни илгари суради. Айни пайтда бу қитъа “ҳаёт - муаллимдир” деган оддий ҳақиқатни одамларга яна бир бор эслатади:

Замон менга жуда қиммат насиҳат этди,
Агар билсанг, замон тўла насиҳат эрур.
Деди: ўздан баландроқни кўриб ғам ема,
Кўп киши бор, сен бўлишни орзу қилур.
(*М. Муинзода таржимаси*)

“Қарилқдан шикоят” касидасида шоирнинг ёшлиқда ҳаётда топган қувончу шодликлари, ёшлиқ даврининг гўзалликлари ва мадҳи, ҳаёт гўзалликларидан қувониш куйланади. Шу билар баробар, касиданинг номига биноан, шоир кексайган чоғларида дучор бўлган азоб-уқубатларию дарду аламлари ўз ифодасини топган. Айтиш мумкинки, мазкур қасида Рудакийнинг таржимаи холидир. “Дурри ғалтон” (думалоқ дур), “чароғи тобон” (ёп-ёпуг чирок), “дурри маржон” (маржон дури), “тонгдаги чўлпон” бўлган тишнинг тўкилиши шоирнинг ҳаётда завқланиб, бадастир яшаганининг аломатини ифода этса, куйидаги байтлар шоирнинг нафақат жисмонан қарилқ азобларига гирифтор бўлганини, балки маънавий томондан ҳам пароканда бўлган ҳаётини ифода этади:

Юзим текислиги атлас каби замон ўтди,
Менинг сочим у замонда қарою катрон эди.
Чунончи шунча гўзаллик азиз меҳмон экан,
Қайтмагай яна, беш-олти кунга меҳмон эди.
(*Ғафур Ғулом таржимаси*)

Рудакийнинг шеърлари ҳатто ҳукмдорларга ҳам катта таъсир ўтказа олгани тўғрисида ривоятлар бор. Амир Наср Ҳиротга бориб, анча вақт қолиб кетади. Сарой аҳллари, шоҳ аъёнлари Бухорога – ўз

оилалари бағрига қайтишни истадилару лекин ҳеч ким шохга бу ҳақда айтишга ботина олмайдилар. Улар бу қийин ишни етказишни Рудакийдан илтимос киладилар. Зотан, Рудакийнинг ўзи ҳам она шаҳри Бухорони соғинганди. Бир кун амир эрталаб зиёфатда ўтирган пайтда Рудакий ўз ўрнига ўтиради-да, кўлига созини олиб, куйидаги ғазални куйлай бошлайди:

Мулиённинг ҳиди бу ён келади,
Меҳрибон ёр ёди шу он келади.
Амунинг қум тоши оёқ остида
Пар мисоли роҳатихон келади.
Қанчалик тошса-да Аму сувлари
Отимиз қорнидан тубон келади.
Эй Бухоро, шод бўл, ҳам шод кул,
Сен тараф шох шоду шодмон келади.
Шоҳ ойдир ҳам Бухоро осмон,
Осмонга ой нурафшон келади.
Шоҳ сарвдир ҳам Бухоро бўстон,
Бўстонга сарви равон келади.

Она юрт манзарасига, ватан соғинчига йўғрилган бу ғазални эшитган амир Наср ирғиб ўрнидан туради-да, этик кийишни ҳам унутиб, уйда юрадиган кафши билан отга минганича, Бухорога йўл олади.

Шарк адабиётида Умар Хайём, Низомий, Фирдавсий, Жомий ва Румий каби буюк ижодкорлар Рудакийни шеърятдаги устозлари деб биладилар.

Фирдавсийнинг адабиётга қўшган хиссаси (тўлиқ исми **Ҳаким Абулқосим Мансур Ҳасан Фирдавсий-Тусий** 935, Тус (Эрон) — 1020) машҳур форс шоири, “Шоҳнома” достонининг муаллифи. «Юсуф ва Зулайхо» достони ёзган. Фирдавсий шоирнинг таҳаллуси бўлиб, «жаннат» демакдир. “Ҳаким” унвони билим доираси ниҳоятда кенглиги учун берилган бўлиб, «донишманд», «олим» маъносини билдиради.

Фирдавсий тахминан 932 - 936 йиллар оралиғида Хуросоннинг Тус шаҳрида шиа мазҳабининг Исмоилийлар оқимига маъсуб оилада туғилган.

Фирдавсийнинг ёшлиги ҳақида деярли маълумот йўқ. У ўз даврида Эроннинг асосий адабий тилларини - араб ва форс тилларини пухта ўрганган. Эронда форс тилигача асосий тил бўлган паҳлавий тилини ҳам жуда яхши ўзлаштирган деган маълумотлар бор. Ўз узоқ вақт Ғазна шаҳрида яшади, Маҳмуд Ғазнавий хизматида бўлди («Шоҳнома»ни ҳам Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаган). Аммо дostonда илгари сурилган «Шоҳнинг меросхўр авлодларигина ҳукмронликка даъво қилиш ҳуқуқига эга» деган ғоя Маҳмуд Ғазнавийга маъқул келмади. Афсоналарга кўра, султон Маҳмуд мазкур дoston учун Фирдавсийга ваъда қилинган мукофот тўлашни рад қилган. Шоир бундан каттиқ ранжиди ва бир сатира ёзиб, султон Маҳмуднинг қул наслидан эканига таъна қилди. Оқибатда султон Маҳмуд ғазабланиб, шоирни филнинг оёғи остига ташлашга амр берди. Фирдавсий эса мамлакатдан қочиб чиқиб кетди ва умрининг охиригача камбағалликда дарбадар кезиб юришга мажбур бўлди. Мана, ўша ҳажвиядан бир неча мисра:

Кишварлар фотиҳи Маҳмуд подишо,
Мендан кўркмас эрсанг, Худо бор, Худо.
Ўттиз йил меҳнату захматда қолдим,
Форсийда Ажамни тирилтиролдим...
Номамга бирор бор ташламай нигоҳ,
Йғвогарга кулок солдингми, гумроҳ?...
Шундаймиди ваъда, шундаймиди дид,
Шундаймиди жаҳон шоҳидан умид?
Мамлакат бошига хасис чиқмасин,
Мардларга хасислик асло юқмасин...
Аждодлари тождор бўлмаган подшо
Тождорлар ишини қилолмас асло...
Шоҳлардан бўлсайди бу шоҳга падар,
Кийгизган бўларди менга тожу зар...

(Ш.Шомухамедов таржимаси)

«Шоҳнома» олтмиш минг байтга яқин улкан асар. Бу дostonда эллик подшоликдан иборат тўрт сулоланинг – Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар, Сосонийлар сулолаларининг тўрт минг йиллик тарихи берилган.

Пешдодийлар сулоласининг ҳукмронлиги Қаюмарсдан бошланади ва сўнгра Хушанг, Тахмурас, Жамшид, Заҳҳок,

Фаридун, Манучеҳр, Зол каби ўн бир ҳукмдор давом эттиради. Каёнийлар сулоласи Кайковус ҳукмронлигидан бошланади ва Искандар ҳукмронлиги билан тугайди. Бу сулолани ўнта ҳукмдор бошқарган (баъзи манбаларда Искандар Каёнийларга эмас, Ашконийлар сулоласига мансуб деб қаралади). Ашконийлар сулоласи эса Доро ҳукмронлигидан бошланиб, Ардувон бинни Ялош ҳукмронлигигача давом этади ва, Навоийнинг айтишича, «тарих аҳли орасида бу табақа дағи салотин тартибида бағоят мухолифат кўптур (Тарихчи олимлар орасида бу сулола султонлари тартибида қарама-қарши фикрлар кўп)». Навоийнинг тадқиқ этишига қараганда, Ашконийлар сулоласи Ашк бинни Дородан бошланган ва давлатни жами ўн бешта ҳукмдор бирин-кетин бошқарган. Сўнгги – Сосонийлар сулоласи ҳукмдорлиги Ардашер ҳукмронлигидан бошланиб, Яздигирд ҳукмронлигигача давом этди.

Достон мукаддимаси Оллоҳга ҳамд билан бошланиб, «Ақл васфида бир неча сўз» бобига ўтади. Бу бобда Фирдавсий инсон ақл-заковатини улуғлайди, Оллоҳ ато этган олий идрок – бу ақл экани, кишига ақли раҳнамо бўлиши лозимлиги, ақс ҳолда инсон умрини афсус-надомат билан ўтказиши ҳақида ўғит беради. Шу билан бирга, инсониятни ақл билан иш туттишга, донолардан ибрат олишга даъват этади:

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,
Нолойиқ ишлардан олисроқ кетгил.
Йўл изла донолар сухани томон,
Доно сўзин тақрор этиб, кез жаҳон
(Ш.Шомуҳамедов таржимаси)

Мукаддимадан сўнг достонни уч қисмга бўлиш мумкин. Достон афсонавий қисм, қаҳрамонлик эпоси ва тарихий бўлимлардан иборат бўлиб, қадим замонлардан то араблар истилосига қадар бўлган Эрон тарихини қамраб олади. «Шоҳнома»нинг асосий ғояси она Ватанни жондан севишга даъват, босқинчиларга қарши курашиш учун мамлакатда бирлик ва яқдилликни тарғиб қилишдан иборатдир. Бу асар, асосан, Эрон ва Турон халқлари ўртасидаги кураш воқеаларига бағишлангани билан эмас, балки Қаюмарс, Хушанг, Жамшид, Коваи оҳангар, Заҳҳок каби бир қатор афсонавий ва тарихий образлар орқали ер юзида яратилган барча нарсалар инсоният учун эканини, ҳукмдорлар ўз қўл остидаги инсонларнинг манфаати учун масъуллигини айтмоқчи бўлган эди. Шунингдек,

хукмдорларнинг такаббурлиги, халққа ўтказган зулми охир-окибат мамлакат вайронагарчилигига ва тож-тахтнинг кулашига сабаб бўлишига ишора қилади. Жумладан, Қаюмарс афсонасига эътибор берайлик. Қаюмарс — ер юзидаги биринчи подшоҳ, у ўзига ҳашаматли сарой курмади, балки манзилини тоғ ичига ўрнаштирди; серҳашам, кимматли либослар киймади, балки йўлбарс терисини чопон қилиб киярди. Айти замонда:

У бошлаб инсонни қилди парвариш,
Янгиланди кийим-кечак ва емиш...
Не турли жондор бор оламда, бари
Ором истаб келар Қаюмарс сари.
Одамлар эгилиб ўпар тахтини,
Барчаси шу тахтдан топар бахтини...

Кейинги воқеалар Қаюмарснинг ўғли Сиёмак ва набираси Хушанг билан боғлиқ кечади. Қаюмарс жамики инсониятга ором берган бўлса ҳам, ер юзида ҳали ёвузлик бор эди. Ёвузлик тимсоли дев Ахриман Сиёмакни ўлдирди. Энди Қаюмарснинг кўшини лашкарбошисиз қолди. Ўғлининг ўлиmidан дунё кўзига тор кўринган Қаюмарс бир йил аза тутди. Бир йилдан сўнг Оллоҳдан шундай пайғом келади: «Энди сен дев Ахриман тўдасининг кулини кўкка совур, кимнинг дилида ўч олови бўлса, сен сув сепиб ўчир». Қаюмарс ҳам, ёмонларнинг бошига ёмонлик ёғилсин, деб онт ичди. Қаюмарс набирасига — Сиёмакнинг ўғли Хушангга лашкарга бош бўлиб дев Ахриманга қарши юриш қилишни маслаҳат берди. Хушанг ва бобоси Қаюмарс жангга лашкарни эргаштириб, бирга жўнадилар. Хушанг Ахриманни тутиб, «тупрокқа унинг бошини корди». Шу воқеадан кейин Қаюмарснинг умри ҳам ниҳоясига етди. У ўттиз йил подшоҳ бўлган эди.

Абу Райхон Беруний Қаюмарс афсонасини қуйидагича баён қилади:

Тангри Ахраманнинг иши хусусида ҳайрон бўлиб, пешаласи терлади. У терни сидириб ташлаган эди, ундан Қаюмарс пайдо бўлди. Тангри уни Ахраманга қарши юборди, у Ахраманни енгиб миниб олди ва унинг устида оламни айлангиришга тушди. Ниҳоят, Ахраман Қаюмарсдан энг ёмон кўрадиган ва энг кўрқинчи нарчасини сўради. Қаюмарс унга жаҳаннам дарвозасига етганда каттик кўрқинини айтди. Ахраман жаҳаннам дарвозасига етгач,

хийла килиб ўйноқлай бошлади, охири Қаюмарс унинг устидан йиқилиб тушди. Ахраман унинг устига чиқиб олди ва Қаюмарсдан: «Қайси томонингдан ейишга бошлай?» деб сўради. Қаюмарс ўзининг айтганига Ахраманнинг мухолиф бўлишини билиб: «Оёқ томонимдан ейишга бошлагин! Олам хуснани бир муддат кўриб турай», - деди. Ахраман уни бош томонидан ейишга бошлаб, моягига ва эрлик уруғи идиши турадиган жойга етганда, ундан икки томчи эрлик суви ерга томди-да, ердан икки туп ровоч кўкариб чиқди. Ровочлар ўртасидан Мишо ва Мишона туғилди. Бу иккиси эронликлар наздида Одам ва Ҳаво ўрнида бўлиб, уларни Малҳий ва Малҳиёна ҳам дейдилар. Хоразм оташпарастлари уларни Мард ва Мардона деб атайдилар⁴⁶.

Кўриниб турибдики, Қаюмарс ҳақидаги икки афсона тамомила бир-биридан фарқ қилади. Зотан, афсоналар турли жойларда ҳар хил мазмун ўзгаришларига учраши табиий. Аммо ҳар икки афсонада ҳам Қаюмарс ер юзига эзгуликни олиб келган афсонавий образдир.

«Шоҳнома»даги ёрқин образлардан бири Жамшиддир. Жамшид етти юз йил ҳукмронлик қилди. Фирдавсий Жамшид қилган хайрли ишларни муфассал баён қилиб, барча яхшилик амалга ошиб, давлат барқарор, халқ бахтиёр, ҳамма шод-хуррам яшар эди, деб тасвирлайди. Бир куни Жамшид жамики одамларни йиғиб, уларга шундай деди:

Жаҳонда хунар мендан бошланади,
Шоҳлик тахти мендан номдорни кўрмаган,
Жаҳонни мен яхшилик билан безадим,
Мен қандай хоҳлаган бўлсам, шундай бойлик пайдо бўлди.
Ҳамма нарсани мен яратганман, билингиз,
Мени дунёни яратувчи деб таниш керак.

Бу хитобга одамлар бир сўз дея олмади. Халқ ғала-ғовур килиб, ҳар томонга тарқалиб кетди. Шоҳнинг атрофидаги кишилар турли томонга ёйилиб кетдилар. Ўзини Худо деб фараз қилган подшоҳ йўқликка юз тутди. Жамшиднинг ўзини Худо деб эълон қилгани

⁴⁶ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. — Тошкент, Фан: 1968, 127-128-бетлар.

уни манманлиги, ўзига беҳад бино қўйиб юборганлиги туфайли келиб чиққани кўрсатилади.⁴⁷

Жамшид ҳақидаги афсона «Авесто»да ҳам бор. Табарий, Беруний, Навоийлар ҳам Жамшид тўғрисида муфассал маълумот берганлар.

Савол ва топшириқлар

1. “Илк уйғониш даври” тушунчаси нимани англатади?
2. Хоразмий табиий фанларга оид қандай асарлар яратди?
3. Аҳмад Фарғонийнинг яратган илмий асарлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Форобийнинг мусиқа ва шеър санъатига оид асарлари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ибн Синонинг бадий адабиётга оид қандай асарлари бор?
6. Рудакий Ўрта Осиё адабиётида қайси жанрларда кўп ижод килди?
7. Рудакийнинг рубойларидан бирини таҳлил қилинг.
8. Фирдавсий яратган адабий муҳит ҳақида сўзланг.
9. “Шоҳнома” асарининг мундарижаси ҳақида қисқача айтиб беринг.

⁴⁷ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 1 жилд. 30-31-бетлар.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ, АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ

Режа:

1. Беруний ижодига умумий тавсиф.
2. Берунийнинг хикоятлари.
3. Берунийнинг афсона ва ривоятлари.
4. Беруний фойдаланган тамойиллар ва манбалар.
5. Қаюмарс афсонаси ва унинг вариантлари.

Таянч сўз ва иборалар: *илмий ва маданий муҳит, бадий асар, хикоят, ривоят, афсона, Ғазнавийлар даври адабиёти, анъанавий маданият, этнограф, тарихчи, адабиётшунос олим, ишончли манба, тарихийлик тамойили.*

Беруний ижодига умумий тавсиф. Ғазнавийлар давлатининг олиб борган сиёсати илмий ва маданий муҳитга кескин таъсир ўтказди. Ғазнавийлар давлатининг илмий, маданий ва адабий муҳити XI асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний меросида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, Ғазнавийлар давлатининг бутун ютуқлари, илмдаги, адабиётдаги муваффақиятларини белгиловчи омил – Берунийнинг асарларидир. Ғазнавийлар сулоласида яратилган адабиёт алоҳида адабий даврни ҳосил қилгани биз учун муҳим.

Абу Райҳон Беруний, гарчи бирон бадий асар ёзмаган бўлса ҳам, у кўплаб табиий фанлар қатори, ижтимоий-гумнитар фанлар, ҳусусан, тарих, этнография, фалсафа ва филология соҳаларини чуқур эгаллади. Унинг “Минералогия” китобидаги кўплаб хикоятлар, “Геодезия” асарида келтирган шеърлари бу давр адабий жараёнининг хусусиятларини белгилаш билан бирга, Берунийнинг шоирлик иқтидорини, адабиётни нозик дид билан тушунганини ҳам кўрсатади.

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” (“Осор ул-бокия”) асари Ғазнавийлар даври адабиётига катта ҳисса бўлиб кўшилди. Мазкур асар тарихий-этнографик асар бўлгани ҳолда, қадимги ривоятлар, афсоналардан ҳам Беруний маҳорат билан фойдаланди. Асарнинг яна бир қимматли томони шуки, Ўрта Осиёнинг араблар истилосидан кейинги маданий муҳити, илмий тафаккури, ижтимоий, сиёсий тарихи ҳақида ҳам маълум даражада

маълумот беради. Жумладан, Беруний араблар келгунга қадар Хоразмнинг ўзига хос илмий мактаби, юксак маданияти борлигини таъкидлайди, Араблар истилоси эса Хоразмнинг анъанавий маданиятини йўқ қилди. Беруний бу асарида мазкур воқеага қуйидагича шарҳ беради: “Қутайба Ибн Муслим ал- Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қуйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар” (Беруний. *Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*, 84-б.).

Умуман, тарихий асарлар таркибига адабий парчаларни киритиш билан Беруний ўзининг адабиётга муносабатини кўрсатиб қолмади, балки XI асргача Мовароуннаҳрдаги адабий муҳитнинг узлуксизлигини далиллади, ўз шеърлари билан Мовароуннаҳр адабиётига катта ҳисса қўшди. Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Европада “Хронология” деган ном билан ҳам юритилади.

Берунийнинг ҳикоятлари. Беруний “Минералогия” китобида Хорун ар-Рашид ҳақидаги ҳикояларни келтирса, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”да ривоят ва афсоналарни маълум бир далил сифатида келтиради. “Минералогия” китобидаги ҳикоялар қимматбаҳо минерал тошлар муносабати билан келтирилади, айти пайтда Аббосийлар сулоласи ҳукмдорларидан Хорун ар-Рашиднинг феъл-атвориға хос айрим жиҳатлар, унинг саҳий, мазлумлар додига етадиган адолатли ҳукмдор экани очиқ берилади. Мисол тариқасида бир ҳикоятни келтирамыз:

Маъмун Хуросондан қайтиб келиб, Бағдодга кирганда, Фадл ибн ар-Раби узук учун зумрад тошни совға қилибди. Бунақа тошни ҳалигача бирон одам кўрмаган экан. Маъмун ўша зумрад тошни у қўлидан- бу қўлига айлантирибди-да, атрофидагиларга айтибди. “Бу тошдан чиройлисини кўрмаган эдим”. Кейин у шундай ҳикоя қилиб берибди: Абу Муслим Зиёд ибн Солиҳни Хитойга жўнатибди, у эса Абу Муслимга узук учун қимматбаҳо тошни жўнатибди. Тош Абу Муслимдан Абул Аббос ас-Саффоҳнинг қўлига ўтибди. Ас-Саффоҳ тошни Абдуллоҳ ибн Алига ҳадя қилибди. Ундан эса ал-Маҳдига, кейин ар-Рашидга ҳадя қилинибди. Ар-Рашид кўндоқли камондан ўқ отганда, тош узукдан тушиб қолган экан. Бу жойни ва бугун атрофни титиб, қидириб чиқишибди, аммо тошни топа олмабдилар.

Ар-Рашид каттиқ хафа бўлибди. Хазинабон йигирма минг динорга олдингидан ҳам қимматлироқ тошни сотиб олиб, ар-Рашидга жўнатибди ва шу йўл билан унга тасалли бермоқчи бўлибди. Ар-Рашид тошга қараб, шундай дебди: “Менинг тошим билан унинг нима иши бор экан!”

Шунда Маъмун айтибди: “Менга бу тошнинг ҳеч қандай киммати йўқ, уни кадрлашимдан ҳеч қандай маъно йўқ”. Маъмун зумрад тошни ал-Фадлга қайтариб юборар экан, унинг чопарига шундай дебди: “Унга “Эй Абул Аббос, ҳокимиятнинг ниҳоясига етди”, деб айт”, дея тайинлабди. Зумрад тош ал-Фадлнинг қўлига етиб келгач, тошга тикилиб қараб тутибди-да, аъёнларидан бирига айтибди: “Бугундан эътиборан, Маъмун бир йил ҳам яшамайди”, дебди. Кеч кирмасданок, бу гап Маъмуннинг кулоғига етиб келибди, аммо у бу гапни сир сақлабди ва бир йилгача ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмабди.

Аббос ибн Мусабиййани охириги йўлга кузатиб, отида келаётган экан, Сурия дарвозасида ал-Фадлнинг ўғилларидан бири унинг қаршисидан чиқиб қолибди. Маъмун ал-Фадлнинг ўғли билан саломлашибди ва “Яқинроқ кел”, деб илтимос қилибди. Маъмун эгилиб, унинг қўлига шивирлаб айтибди: Абул Аббосга, муддат ўтиб кетибди, деб айт”.

Оллоҳ номи билан қасам ичаманки, Умар ибн Абдулазиз, бутун оламни эгаллаган бўлса ҳам, бу тошларни ва шунга ўхшаш буюмларни, асосан, бу дунёнинг нарсаларини қимматли деб қарамас экан. Унинг ўғли Абдулла узук олибди ва узук учун минг дирҳамга тош сотиб олибди. Умар ибн Абдулазиз гапни эшитган зоҳоти, ўғлига шундай деб мактуб ёзибди: “Сен узук сотиб олганинг ва узугинг учун минг дирҳамга тош сотиб олганинг ҳақидаги гаплар менга етиб келди. Менинг қарорим шуки, сен узукни сот ва пулига мингта оч одамни тўйдир; ўзингга кумушдан узук ва муҳр яса тир. Узукка шундай деб ёзди: “Оллоҳнинг қудратини биладиган одамни Унинг Ўзи кечирсин!” Абдулла халифа буюрганидай қилибди.

“Минерология” китобида Ҳорун ар-Рашиднинг айрим кирраларига оид келтирилган бошқа ҳикоятлар Аббосийлар салтанатига ҳам берилган баҳо эди (*Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 108-113-б.*).

Тарихийлик тамойили “Минералогия”даги ҳикоятларнинг асосида ётади. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари – маълум бир тарихий шахслар. Жумладан, юқорида келтирилган ҳикояларнинг қаҳрамонлари – Хорун ар-Рашид. Беруний ўзи яхши ўрганган, билган далилларни келтиради.

Берунийнинг афсона ва ривоятлари. Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” асари таркибидаги афсоналар ва ривоятлар маълум бир тарихий воқеани далиллаш ёки рад қилиш учун келтирилади. Зотан, у бу асарининг ёзилиш сабабларини кўрсатади, аммо амалга ошириш ниҳоятда мураккаб бўлганини ёзади. Айниқса, қадимги халқлар ва уларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги ривоятлар чалқашиб кетгани, ёлғон афсоналар ва асоссиз маълумотларга тўлиб-тошиб кетганини таъкидлайди. Айни пайтда, Беруний ривоят ва афсоналарнинг ҳақиқийларини ажратиб, саралаб олиш учун имкони борича ҳаракат қилади. Берунийнинг бу тамойили ҳам тарихийлик ва ҳаққонийликка асосланганини сезиш қийин эмас. Ёлғон ва сохта ривоятлар қадимги Шарқ халқларининг ҳисоблари ҳақидаги аниқ илмий хулосаларга халақит бергани, айниқса, ёлғон хулосаларга олиб келгани ҳақида алоҳида таъкидлайди. Берунийнинг асосий мақсади турли халқлардаги йил ҳисобига аниқлик киритиш, уларда илгари тадқиқотчилар йўл қўйган камчиликларни тузатиш эди. Беруний йил ҳисоби учун ривоят ва афсоналар ниҳоятда муҳим далил эканига ишонади, уларга суянади, ишончсиз, шубҳали ривоятлар ва афсоналарни рад қилади. У ривоят ва афсоналарни танлашда ўзи таянган асосланган усул ҳақида шундай ёзади: “Мен тутган йўл ва белгилаган усул осон эмас, балки узок ва қийин йўлдир. Хабар ва ривоятларга кўплаб кириб қолган ёлғон сўзларнинг ҳаммаси ҳам равшан эмас. Бошқа далиллар бўлмаганда баъзиларининг ёлғонлигини билиб бўлмасди. Одамлар ҳозир ҳам, ўтган замонларда ҳам шундай табиий ҳодисаларга дуч келган, агар ўшандай ҳодисалар узок замонларда [юз берган деб ҳикоя] қилинса, албатта биз унга ишонмас эдик. Халқлардан бирига [тегишли] хабарлар[нинг ҳаммаси]ни аниқлаб билишга инсон умри кифоя қилмайди-ю, ҳамма миллатлар [ҳақидаги] хабарларни билишга қандай кофоя этсин?! Бу мумкин эмас!” (Беруний. *Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*, 41-б.)

Берунийнинг ривоят ва афсоналарга бундай ёндашуви оркали ўзининг позициясини аниқлаштиради: у мазкур асариди нафақат этнограф тарихчи, балки адабиётшунос олим сифатида намоён бўлади. У дунё халқлари адабий жараёнидан яхши хабардор, ўз давридаги ва ўзидан оддинги адабий жараённинг қонуниятларини билади. Ривоят ва афсоналар халққа яқин адабий жанр бўлгани учун ҳам Берунийнинг диққатини кўпроқ тортган. У ўз даврига яқин бўлган ривоятларга мурожаат этиш тарафдори. Нима учун у шундай фикрда? Чунки ривоятлар замондан узоклашган сари аслиятдан, ҳақиқийлигидан ҳам узоклашади. Беруний бу ҳодисанинг қонуният эканини адабиётшунос сифатида яхши билади. Берунийнинг афсоналарни саралаб олиш тамойилини куйидагича баён қилади: “Иш шу йўлдан борадиган бўлгач, у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машҳурини, сўнгра яқинроқ ва машҳурроғини [биринкетин] олишимиз лозим. Уларнинг [баъзиларини] ўз арбобларидан қабул қилиб, тузатиш мумкин бўлганини тузатамиз, бошқаларини ўз ҳолича қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни кидирувчи ва ҳикматни севувчининг бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўловчи бўлади. Биз Худонинг хоҳиши ва ёрдами билан шундай қилдик” (*Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, 41-б.*). Кўряпмизки, Беруний ривоят ва афсоналарни танлаш методларини ишлаб чиқиб бизга тақдим қилмоқда.

Абу Райҳон Беруний ривоятни ҳақиқатни кидирувчи деб атайди. Беруний бу гапи билан ривоятларнинг асардаги ўрнига баҳо беради. Беруний учун тарихийлик тамойили билан ҳақиқатни кидирувчи ривоят битта восита, бу ривоятлар маълум бир воқеликни ёки детални исботлаш учун келтирилган ягона далил. Ривоятлар бошқалар учун йўл кўрсатувчи эканини Беруний таъкидлар экан, бундан ривоятларнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам ишора қилганини англаш мумкин. Айни пайтда ривоятлар илмий тафаккур, фикр-карашлар ва хулосалар учун муҳим заминдир. Аммо бунда ҳам Беруний тарихийлик тамойилидан чекинмайди. Беруний асарининг бошидаёқ адабий жараённинг, хусусан, ривоятларнинг ижтимоий, маънавий ҳаёт учун ниҳоятда ишончли омил эканини ҳам далиллайди.

Беруний фойдаланган тамойиллар ва манбалар. Беруний бир воқеадан иккинчисига, бир далилдан бирданига бошқасига ўтиб

туради, баёнда бир хилликдан қочади. Ҳатто “Геодезия”, “Қонуни Маъсудий”, “Минералогия” сингари илмий асарларида ҳам шу йўлни танлайди: ўрни-ўрни билан қизикарли воқеалардан, хикоятлардан, ўзининг шеърларидан келтиради. Шунингдек, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”да ривоят ва афсоналар ишлатишда ҳам шундай йўл тутлади. Беруний илмий асарлар тамойилидан чекинаётганини билади. Аммо бу усул китобхонни асарга олиб киришда, асар мазмунига ва моҳиятига жалб қилишда муҳим восита эканини билади. Бу ҳақда Берунийнинг ўзи шундай дейди: “Тарчи биз [бу китобнинг] баъзи жойларида турли фанларга ўтиб, баёнимизга алоқаси узок [масалаларга] киришиб кетсак ҳам, бу гапни чўзиш ва кўпайтириш мақсадида эмас, балки ўқувчини зериктирмаслик учундир. Чунки доимо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. [Ўқувчи] фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва у киши «ҳар бир янги нарсада лаззат бор» дейилганидек, уларни [кўришга] қизиқади ва кўздан кечиришни истайди” (*Беруний. Юқоридаги асар, 105-б.*)

Беруний шундан сўнг Одам, унинг ўғиллари ва шажараси ҳақидаги ривоятларни жадвал шаклида келтиради. Беруний учун ишончли манба – яҳудийлар Тавротиди. У Тавротнинг уч нусхасини киёслаб, улар ўртасидаги ихтилофларни аниқлайди. Булар: 1) муаллифлар баёнидаги ихтилофлар; 2) диний китоблардаги ихтилофлар.

Биринчи инсон ҳақидаги афсоналар дунё халқларининг кўпида яратилган. Одам ва Ҳаво, Мард ва Мардона, Малҳий ва Малҳиёна, Мишо ва Мишона ҳақидаги афсоналарни Беруний ҳикоя қилади. Биринчи инсонни инкор қилувчилар ҳам бўлган. Беруний, шомонларнинг қараши шундай бўлган эди, деб ёзади.

Беруний ривоятларни асарига киритганда, албатта, *саралаш* тамойилига ҳам риоя қилади. Шу боис ривоятларга танқидий нуқтаи назардан ёндашади. Ўзи танлаган тамойиллар асосида ўзидан олдин ўтган олимларнинг тарихий асарларини кўрқмасдан танқид қилади. Унинг саралаш тамойили шундан иборат эдики, манбаларни таҳлил қилганда, ростдай кўринган, лекин исботсиз ривоятларни ўзи текшириб кўрмагунча уларга ишонмайди.

Дарвоқе, “исботсиз ривоятлар” Берунийнинг қарашича қандай хусусиятларга эга? Берунийнинг зукко ва синчков адабиётшунос

сифатидаги хизматлари ана шу ўринларда аён бўлади. Бунинг устига, Беруний ҳар бир манбага, далилга холис қарайди. Унинг учун диний ақидалар тўсиқ эмас, унинг учун ақлнинг ва билимдонликнинг ўзи кифоя эмас. Берунийнинг ўз олдига қўйган вазифаси ва амал қилган тамойили шуки, у далилларни *саралаб олиш* ва *қиёслаш* йўлидан кетади ва буни қуйидагича изоҳлайди: “...мендан сўралган нарсага етказувчи воситаларнинг энг муҳими - *қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар, ўтмиш авлодлар тўғрисидаги хабарларни билишдир (таъкид бизники – Н.Р.)*, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русум ва қоидаларидан иборатдир. Ақлий [нарсалардан] далил келтириш, кузатиш [нарсаларга] қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат “китоб аҳллари” (иудаизмга ва христианликка, зардуштийликка эътиқод қилувчилар – Н.Р.) ва турли дин арбобларига, шу [эътиқодларга] амал қилувчи ҳар бир маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзни тозалагандан кейин, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб зўр машаққат чексак ҳам, ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эришолмаймиз” (Беруний. Юқоридаги асар, 40-б.).

Дарвоқе, Беруний айтган “ёмон ахлоқ”, “ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган” нарсалар нималардан иборат? Булар, шубҳасиз, инсоннинг ўжар хулқи, калтабинлиги, фақат ўз билганларига суяниб қолиш, бошқаларнинг фикр-қарашлари, айниқса, ишончли манбаларни менсимасликдир.

Беруний суянган тамойиллардан бири манбадир. Беруний бу ўринда ислом манбалари билан бирга, “китоб аҳллари”нинг, турли дин арбобларининг сўзлари, улар келтирган ривоятларнинг ишончлилигини таъкидламоқда. Чунки ёзма манбаларда сақланган ривоятлар, қайси диний оқимга мансуб бўлишидан қатъий назар, ишончли. Жумладан, Беруний яна бир “китоб аҳллари” – зардуштийлар давридан давом этиб келган Меҳржон ва Наврўз

байрамлари тўғрисида сўз юритганда, бу байрамлар билан боғлиқ ривоятларнинг Ўрта Осиёдан ташқарида – арабларда жорий этилишига оид қизиқ ривоятларни баён қилади. Ҳар иккала байрамни тарихда подшоҳлар томонидан ўзгартиришга бўлган уринишларни Беруний ҳикоя қилар экан, бу тамойилни ҳукмдорлар ўзгартиришга журъат қилмаганлари сабабига далиллар келтиради. Беруний ҳукмдорлар тилидан, азалдан давом этиб келган одатларни ўзгартириш - халкларнинг ўтмишдаги удумларига қарши боришдир, дейди. Бу ҳақдаги ривоятлар орқали Беруний ҳамма халклар яратган удумлар, инончлар муқаддас ва уларни ҳурмат қилиш зарур эканини уқтиради. Беруний бу ҳақдаги ривоятларни ишончли манбалардан келтиради. Мана, бир мисол:

Абу Бакр ас-Сулий⁴⁸ “Варақлар китоби”да баён этишича ва Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфохонийнинг⁴⁹ Наврўз ва Мехргонга (Мехржон демокчи – Н.Р.) тегишли шеърлар ҳақидаги рисоласида тавсиф этилишича, бу тарихнинг барпо этилиш сабаби мана бундай бўлган: Ал-Мутаваккил⁵⁰ ўзининг сайдгоҳларидан бирини айланиб юрганда, ҳали етилмаган ва ўриб олинмаган экинзорга кўзи тушиди ва “Убайдуллоҳ ибн Яҳё⁵¹ халқдан хирож йиғишни бошлаш учун мена рухсат сўраяпти; кўриб турибманки, [ҳали] экинлар кўкариб ётибди. Одамлар хирожни қаёқдан олиб беради?” деди. Унга: “Бу одамларга зарар келтирди, улар [хирожни вақтидан олдин тўлаш учун] қарз олмоқдалар, ватанларини ташлаб кетяптилар, шикоят ва доду фарёдлари кўпайиб кетди”, деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил: “Бу нарса менинг давримда пайдо бўлдими ёки илгаридан шундай бўлганми?” деб сўрагани: “Йўқ, балки Эрон подшоҳлари Наврўз вақтида хирож талаб қилишни жорий этиб, араб подшоҳларига йўл кўрсатдилар. Ана шунга асосланиб бизда ҳам талаб қилинади”, деб жавоб беришди. Ал-Мутаваккил мубадни⁵² чақириб, унга: “Бу тўғрида гап кўпайди, мен эронликлар

⁴⁸ Абу Бакр Муҳаммад ас-Сулий (946 йили вафот этган) – машҳур араб тарихчиси.

⁴⁹ Ҳамза ал-Исфохоний – тарихчи ва филолог (961 ёки 976 йили вафот этган).

⁵⁰ Ал-Мутаваккил – Аббосийлар халифаси (847-861 йиллар).

⁵¹ Убайдуллоҳ ибн Яҳё ибн Ҳокон - ал-Мутаваккилнинг вазири.

⁵² Мубад – оташпарастлар ҳукмрони, коҳин, файласуф ва донишманди.

расму русумидан нарига ўтолмайман. Улар эҳсонли, халқпарвар бўла туриб, қандай қилиб фукародан [бевақт] хирож олишга бошладилар? Нима учун ғалла ва экинлар етилмаган шундай вақтда хирож талаб этишга рухсат берганлар?” деди. Шунда мубад: “Улар талабни Наврўз вақтида бошласалар ҳам, хирож ғаллалар етилган вақтда келар эди”, деб жавоб берди. Ал-Мутаваккил: “Бу қандай бўлар эди?” деб сўради. Шу вақт мубад унга эрон йилларининг ҳолини, миқдорини ва кўшимчага эҳтиёжини баён этди. Кейин воқеани тушунтириб, эронликлар йилларига кўшимча кўшар эдилар, ислом [дини кириб] келгач, бу бекор қилинди ва бу халққа зарар келтирди. Дехқонлар Ҳишом ибн Абдулмалик замонида Холид ал-Қасрий⁵³ хузурига йиғилиб, бу воқеани баён этдилар ва ундан Наврўзни бир ой кейинга суришни сўрадилар. Холид қабул этмади ва бу ҳақда Ҳишомга хат ёзиб, хатида: “Бу иш Худойи Таолонинг “Насий - [кейинга суриш] кофирликни орттиришдир”, деган сўздан саналмаса деб кўрқаман”, деб хабар берди. Ар-Рашид даври келгач, одамлар Яхё ибн Холид ибн Бармак⁵⁴ хузурига йиғилишиб, ундан Наврўзни икки ой кейинга суришни сўрадилар. Яхё шундай қилмоқчи бўлди, лекин душманлари бу ҳақда гап кўтариб: “У мажусийликка ёпишяпти”, дедилар. Яхё ўз қароридан кайтди ва иш [эски] ҳолича қолди (*Беруний. Юқоридаги асар, 67-68-б.*).

Келтирилган ривоят ислом динининг Ўрта Осиёда илк ёйила бошлаган даврига ва ҳукмдорлар бу ўлкадаги азалий байрамларнинг моҳиятини англаб олишга интиланган даврларни ақс эттиради. Бу ривоятни Беруний бирламчи манбадан – милодий IX асрга оид тарихий асардан олган (асар муаллифи Абу Бакр ас-Сулий 946 йили вафот этган). Хўш, бу ривоятни қайси даврга оид деб қараймиз? XI асрга оид ривоят деб қараш керак. Чунки Беруний бирламчи манбадан олган бўлса ҳам, XI асрдаги - Ғазнавийлар давридаги

⁵³ Холид ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий – уммавийлар халифаси Ҳишом (724-743) даврида халифотнинг кўзга кўринган кишиларидан бири.

⁵⁴ Яхё ибн Холид ибн Бармак – аббосий хонадони вазирларидан бири. Абу Жаъфар ал-Мансурнинг халифалик даври ва ўз отасининг ҳаётлигида Озарбайжон ҳокими бўлиб, халифа ал-Маҳдий замонида вазир бўлган. 187/802-803 йили камокхонада вафот этган.

тарихий воқеаларга аниқлик киритиш учун қадим замонларда пайдо бўлган ривоятдан фойдаланган.

Беруний бу каби тарихий ривоятларни келтирар экан, ҳужжатлилиқ, тарихий воқеаларга урғу бериш асосий ўрин эгаллайди. Агар диққат билан эътибор берилса, йил ҳисоби муносабати билан келтирилган бу ривоятларда маълум бир изчиллик кўзга ташланади. Беруний ривоятларни асарига олиб киришда, улардан ҳужжат сифатида фойдаланишда шундай йўл тутадикки, ривоятларнинг худуди, даври ўз-ўзидан гуруҳларга бўлиниб қолади.

Қаюмарс афсонаси ва унинг вариантлари. Беруний араб, эрон, хоразм ва бошқа шарқ халқларининг йил ҳисобини тадқиқ этади. У эронликларнинг йил ҳисоби қанчалиқ аниқлигини далиллаш учун илк инсоннинг пайдо бўлишига оид афсоналарни келтиради. Жумладан, Қаюмарс ҳақидаги афсона бунга мисолдир.

Берунийнинг ёзишича, эронликларнинг йил ҳисоблари Қаюмарсдан бошлаб уч қисмга бўлинади. Қаюмарсдан то Искандар Дорони ўлдириб, Эрон подшоҳлигини эгаллаши ва уларнинг илм-фан хазиналарини ўз мамлакатига олиб кетгунгача бўлган давр биринчи қисмга киради (*қолган икки қисмнинг Қаюмарс афсонасига алоқаси йўқлиги учун тўхталмаймиз*). Гарчи Беруний Қаюмарс ҳақидаги афсонани эронликларга нисбат берса ҳам, Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасига, жумладан, туркий қавмларга ҳам тегишлидир. Зотан, Қаюмарс ҳақидаги афсона “Авесто”га бориб тақалади.

Беруний Қаюмарс афсонасининг мазмунини баён қилганда, унинг вазифаси Қаюмарсдан бошлаб ислом дини пайдо бўлгунга қадар бўлган йил ҳисобини аниқлашдан иборат эди (Бу афсона “Фирдавсийнинг адабиётга қўшган ҳиссаси” мавзuida берилган).

Беруний афсонани баён қилиб бўлгач, геометрия олими Абул Ҳасан Озархурдан эшитганини айтади ва *қиёсий* усулдан фойдаланади. Беруний Қаюмарс афсонасининг бошқа вариантларини ҳам келтиради. Беруний шоир Муҳаммад ал-Балхийнинг “Шохнома” асарига тўхталиб, бу асарда Қаюмарс афсонасининг бир қанча вариантлари солиштирилгани тўғрисида хабар беради. Муҳаммад ал-Балхий келтирган Қаюмарс афсонаси юқоридаги вариантдан кенгрок баён қилинган. Унинг ҳикоя қилишича, Қаюмарс жаннатда уч минг йил турган. Кейин ерга

тушиб, Ахраман туфайли ёмонликлар юз бергунча, уч минг йил омон ва тинч турган. .Қаюмарсининг Гиршоҳ деб аталишига сабаб шуки, “гир” пахлавийча “тоғ” демакдир. Қаюмарс тоғларда истикомат қилган ва кўзи тушган ҳайвонлар ҳайрон қолиб, ўзидан кетар даражада ҳуснли бўлган. Ахраманнинг Ҳазура исмли ўғли бор эди. У Қаюмарсга ёмон касд қилганда, Қаюмарс уни ўлдирган. Бу вақтда Ахраман Худога Қаюмарсдан шикоят қилган ва Худо ўзи билан Ахраман ўртасидаги аҳдларни сақлаш мақсадида Қаюмарсдан касос олиб бермоқчи бўлган. Худо Қаюмарсга аввало бу дунё ҳамда қиёмат оқибатларини кўрсатган Ниҳоят, у ўлимни орзу қилган, сўнг Худо уни ўлдирган. Бу вақтда унинг пуштидан Истахрдаги Домдод тоғига икки томчи уруғ томган ва улардан иккита ровоч дарахти кўкариб чиққан. Тўққизинчи ойнинг аввалида икковида аъзолар кўринганда, ойнинг охирида тугал бўлиб, иккови инсонга айланган, улар Миша ва Мишонадирлар. Улар еб-ичишмаган ва ҳеч нарсадан азият тортмай, фаровончиликда эллик йил яшаганлар. Ниҳоят уларга Ахраман кекса киши суратида кўриниб, дарахтлардан мевалар ейишни таклиф этган ва [ўзи] ейишни бошлаб берган, Ахраманга ёшлиги қайтиб келган. Шунда улар ҳам мевалардан ейишган ва ўша зоҳоти иккови ёмон ҳолатга тушиб қолган. Уларда шаҳват уйғонган ва бир-бири билан қўшилган, улардан бола туғилган, кўркиб болани еб қўйишган. Сўнгра Худо уларнинг дилларига меҳрибонлик солган. Шундан кейин улардан олти [марта] бола туғилган, уларнинг исмлари “Ависто” китобида кўрсатилган. Еттинчисида Сиёмак ва Фаровак туғилиб, бир-бири билан қўшилишган ва улардан Ушанж туғилган (*Беруний. Юқоридаги асар, 129-б.*).

Мазкур афсона юқоридагисидан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади: *биринчидан*, диний ақидалар сингдирилган, жумладан, Мусонинг “Ибтидо” китобидаги Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳ қилиши ҳақидаги ривоят бу афсонага ҳам ўтган; *иккинчидан*, ишқий-романтик дostonлар хусусиятлари сингдирилган (Мусонинг “Ибтидо” китобидаги “Юсуф” ва Шарқ адабиётидаги бошқа “Юсуф” ёки “Юсуф ва Зулайҳо” киссаларидаги гўзал Юсуф образи сингари), *учинчидан*, тарихийлик тамойили мавжуд (қадимий Истахр шаҳри), *тўрттинчидан* тотемистик миф хусусиятлари сақланган (иккита ровоч дарахти кўкариб чиққан ва улардан Меша и Мешона), *бешинчидан*, адабий манбалардан фойдаланилган

(«Авесто»дан фойдаланилган, Ахриманнинг туғилиши шундан далолат беради) ва х.

Умуман, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Минералогия” асарларида келтирилган афсоналар, ривоятлар, ҳикоятлар XI асрдаги адабий жанрлар ва адабиётшунослик ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Савол ва топшириқлар

1. Беруний қайси сулола ҳукмронлиги даврида яшади?
2. Берунийнинг қайси асари ер ўлчаш ҳақидаги фанга оид?
3. “Минералогия” асари фаннинг қайси соҳасига тегишли?
4. Хорун ар-Рашид ҳақида ҳикоятлар Берунийнинг қайси асарида бор?
5. Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ривоят ва афсоналарни нима мақсадда келтирган?
6. Берунийнинг афсоналарни саралаб олиш тамойиллари ҳақида сўзланг.
7. Беруний ривоятга қандай таъриф беради?
8. Беруний энг ишончли манбалар сифатида қайси ғозма ёдгорликларга таянади?

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ	13
Қадимги миф ва афсоналар.....	13
Авесто.....	22
Урхун–енисей ёзуви ёдгорликлари.....	47
Монийлик оқидамидаги қадимги туркий адабиёт	76
Буддавийлик оқидамидаги қадимги туркий адабиёт	95
Майтри смит (Мойтўра билан учрашув).....	121
“Ўғузнома” достони.....	132
ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ	143
Илк уйғониш давридаги ижтимоий ҳаёт ва маданий муҳит	143
Абу Райҳон Беруний ва унинг илмий, адабий фаолияти	173

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ
(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 1

Формат 60x100 1/16
Тығыздығы 80 гр./м². Қағаздың ақтығы 95%.
Қағазы офсеттік. РИЗО басылымы.
Көлемі 88 бет. Басылған беттердің шарттары 5.5.

ЭСПИ

«ЭСПИ» баспасында басылымға
лайыңдалды және басып шығарылды
ҚР, Алматы, Төле би к., 292
тел.: 8 727 364 84 13
e-mail: espi20@mail.ru
